

# Ёшлар 6

1982 йил, июнь

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Санд АҲМАД,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ,  
[бош редактор ўринбосари],

Омон МАТЖОН,

Сулаймон РАҲМОН  
[масъул секретарь],

Йўлдош СУЛАЙМОН,

Худойберди ТУХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,

Абдулла ШЕР,

Урие ЭДЕМОВА,

Иброҳим ҒАФУРОВ,

Уткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

«БОЛАЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ-  
МИЗДИР, УЛАР ЎЗ ОТАЛАРИ ВА ОНА-  
ЛАРИ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШЛАРИ  
КЕРАК БЎЛАДИ. АМИНМАНКИ, УЛАР  
ЕР ЮЗИДА ҲАЁТНИ ЯНАДА ЯХШИ ВА  
БАХТЛИРОҚ ҚИЛАДИЛАР. БИЗНИНГ  
БУРЧИМИЗ ЭСА ҲАММА ХАЛҚЛАР-  
НИНГ БОЛАЛАРИ УРУШ НИМАЛИГИ-  
НИ БИЛМАСЛИҚЛАРИ, УЛАРНИНГ  
БОЛАЛИГИ ОСОЙИШТА, ҚУВОНЧЛИ  
БЎЛИШИ УЧУН ИНТИЛИШДАН ИБО-  
РАТ».

Л. И. БРЕЖНЕВ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти



# МУНДАРИЖА

## НАСР

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Қуш тили. Ҳикоя . . . . .	3
Нодир НОРМАТОВ. Бисот. Қисса . . . . .	14
Орзикул ЭРГАШЕВ. Чайладаги воқеа. Тўй оқшомида.	
Ҳикоялар . . . . .	29
Шуҳрат ҲОШИМОВ. Гуноҳ. Ҳикоя . . . . .	35
Машъал ҲАКИМОВ. Бегоналар орасида. Қисса . . . . .	40

## НАЗМ

Раззоқ АБДУРАШИД. Тириклар. Достон . . . . .	10
Дилором ТОЖИЕВА . . . . .	32
Турсунбой АДАШБОВ . . . . .	39
Сафар БАРНОЕВ . . . . .	51
Садриддин САЛИМОВ . . . . .	60

## ҚАЛДИРҒОЧ

Шукур СОДИҚОВ. Шеърлар . . . . .	28
Жамолиддин МАМАТҚУЛОВ, Ихтиёр УМИРОВ, Сайёра МАМАДИЕВА, Маҳмуд ЙУЛДОШЕВ, Венера ИБРОҲИМОВА, Илдиз ХАЙИРОВ. Шеърлар . . . . .	33

## КАМАЛАК

Морис ПОЦХИШВИЛИ. Шеър . . . . .	13
Бердия БЕРИШВИЛИ. Шеър . . . . .	13
Геннадий АЛАМИЯ. Шеър . . . . .	13

## ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

О. ГЕНРИ. Афсунгарларнинг тўхталари. Миршаб ва муножот. Сўнги япроқ. Ҳикоялар . . . . .	52
---	----

## ДАВРА ГУРУНГИ

Эркин ВОҲИДОВ, Умарали НОРМАТОВ, Худойберди ТУХТАБОВ, Уткир ҲОШИМОВ, Абдулла ОРИПОВ. Катта адабиёт мезонида . . . . .	61
---	----

## СССРнинг 60 йиллигига

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ. Дўстлик билан мунаввар олам . . . . .	65
--	----

## ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ. Фарзандлар . . . . .	67
---	----

## «ЁШЛИК» БАҲСИ

Йўлдош СУЛТОНОВ. Бола бошидан . . . . .	71
Тўрғунбой ХАЛИЛОВ. Долзарб муаммолар . . . . .	72
Ҳамидулла ЙУЛДОШЕВ. Ҳам фахрли, ҳам қадрли . . . . .	74

## САНЪАТ

Мурод АБДУЛЛАЕВ. Оҳанглар сеҳри . . . . .	75
---	----

## ЁШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Қувноқ ҚИТМИР. Даданга салом айт . . . . .	77
Абдугани АБДУВАЛИЕВ. Бир, икки, уч . . . . .	78
ШАРТАКИ. Ким қандай ёзди! . . . . .	79

## ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Биз «Ёшлик» журнаlining чиқа бошлаганидан кеч хабар топдик. Шу сабабли вақтида обуна бўла олмадик. Йилнинг иккинчи ярми учун журналга обуна бўлишимиз мумкинми!

Боймурод АЛИМАРДОНОВ,  
Тожикистон ССР, Кўрғонтепа области,  
Қабодиён райони

## ЖУРНАЛХОН ДЎСТЛАР!

«ЁШЛИК»КА 1982 ЙИЛНИНГ  
ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА  
ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ»НИНГ  
БАРЧА РАЙОН БЎЛИМЛАРИДА  
ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ  
ҚИЛИНАДИ.

СЕВИМЛИ ЖУРНАЛИНГИЗГА  
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ.

## МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўрттинчи саҳифада рассом **Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ** чизган расм.

Иккинчи бет: Қадронлар ёзгаштини сурмоқдалар.

**В. МАЙОРОВ** фотоси.

Учинчи бет: «Галаба» боғида». **Ж. УМАРБЕКОВ** чизган расм.

## ТУЗАТИШ

Журналнинг 5-сони иккинчи бетида муқовадаги суратларга берилган изоҳлар қуйидагича ўқилсин: Биринчи бет: Тошкентда анъанавий Осиё. Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари VII кинофестивали байроқлари кўтарилди.

Иккинчи бет: «Комила» фильмидан кадр. Учинчи бет: «Етти умид камалаги» фильми иштирокчилари.

Тўрттинчи бет: Непаллик киноактриса Микша Ананд.



Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

## ҚУШ ТИЛИ

«Тангрим, болалар билан ҳайвонларни ўз паноҳингда асра».

Америкалик режиссёр Крамер яратган фильмининг номи

# Ж

аҳонгир ювиниш хонаси олдидаги бир тавақали эшикдан ташқари чиқди. Рўпарада катта боғ. Улкан-улкан дарахтлар. Осмон ҳам катта, шишадек тиниқ. Тепадан гала-гала қора қушлар учиб ўтяпти. Ҳаводан турфа кўкатларнинг ҳиди келади. Ҳар ёқда турли ҳашарот овозлари; жизиллайди, дизиллайди.

ҲИКОЯ

Бола ўй биқинидан «эсаётган» босиқ шов-шувни эшитди-да, ўша ёққа ўтди. Узун ариқ бўйида ҳам азим дарахтлар. Тепа шохлари осмонга теккудек. Қуйи шохлари ерга эгилган. Япроқлари катта-катта, шапалоқ-шапалоқ.

У дарахт шохларида ўйноқлаб юрган чипор қушларга ҳаяжон билан қараркан, яқин бир ердан қийқ-қийқ этган ожиз товуш келди. Жаҳонгир аланглаб қаради. Ариқнинг у бетидаги қалин хазонлар устида бир қуш ялпайиб ётар, бир қаноти думи томон сурилиб қолган, сарғиш тумшугини очиб қиғиллар эди. Жаҳонгир у ёққа икки қадам босган эди, қушча жонҳолатда «қийқ-қийқ» этдию тепадан бир бало ёғилди: барча чипор қушлар қуйилиб, Жаҳонгирнинг устида чарх уриб айлана бошлади. Шамоллари тегади боланинг юзига! Жаҳонгир кўзлари ола-кула бўлиб, бурила солиб қочди, йўлакка кирди.

— Ада!— деб бақирди.

Холодильник қаршисидаги эшик очилиб, бировнинг тепакал боши кўринди.

— Ада! Анув ерда бир қуш ётибди! Учолмайди! Қаноти мамундоқ бўлиб қолган. Оберинг менга!

Дадаси ичкарига қараб қўйиб, эшикни ёпди.

— Юр. Ҳовлиқма... Дам олишга келган одам шошмайди.

Ташқарига чиқишди. Жаҳонгир отасининг қўлидан тортиб, ариқ бўйига олиб борар экан, қушлар яна чуғурлашиб қуйилди. Энди ота-бола устида куюн бўлиб уча бошлашди: улар гўё буларни қўрқитмоқчи, орқага қайтармоқчи бўлишарди.

Қамариддин хазон устидаги қушни кўриб:

Расми А. МИРЗАЕВ чизган

— Майна-ку! Э-э,— деди. Сўнг ариқдан ҳатлаб, қушни кўтарди. Қушча хазонларга жонҳолатда ёпишган экан, икки-уч барғни гажак тирноқларида чангаллаб типирчилади. Қамариддин унинг осилган қанотини тортиб кўрди. Бикин патларига пуфлаб қаради.— Уқ еган... Биров отибди буни... Пақ этказиб отибди! Шу ерга келиб йиқилганга ўхшайди.

— Менга беринг!

— Йўқ. Буни даволаш керак.

— Нимага отибди?

— Ёмон одам-да. Яхши одам қушларга озор бермайди.

— Бу ўлмайдимми?

— Нега ўлар экан? Лекин бу ерда ётаверганда ўлар эди. Ё мушукка ем бўларди.

— Уйга опкетамиз-а?

— Опкетамиз... тузалса. Аммо майна одамга ўрганади. Юр... Ҳамма қушлар ҳам одамга ўрганади. Нима учун бунинг номини майна дейдилар, биласанми?

— Йўқ.

— Ҳали айтиб бераман.

Диванда «Вокруг света» журналини варақлаб ўтирган Икромга ўрнидан сапчи турди.

— Нима у?

— Майна. Йоднинг борми?

— Қайдам... Дока бор.

— Йирт бир оз.

— Менга беринг майнани!

— Қўлингни чўқийди, ўғлим. Қара, оғзини очяпти... Юр, бир ерга бориб келамиз.

Узу, қизил гилам тўшалган йўлак телевизор кўриладиган залга элтади. Қамариддин дермантин қопланган эшикни тиқ-тиқ урди. Халат кийган Оқила опа чиқди.

— Вой, майна-ку?

— Ярадор. Ариқ бўйида ётган экан. Уғилчамиз кўриб қопти.

Оқила опа Қамариддиннинг гапини бўлиб, боққа чиқилган икки табақали эшикка қараб олди-да:

— Каттанинг ўғли қилган,— деди.— Милтиғи бор! Ҳар кун отади.

— Қанақа каттанинг?

— Э, анави дачада ким туради?

Ариқ бўйидан ўтган девор орқасида қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли дача бор. У ерда, одатда, одам кам бўларди. Темир дарвозаси оғзида ўқтин-ўқтин «Волга»лар тизилиб кетади.

— Ҳа-а,— деди Қамариддин.— Ёш бола! Гаплашиб кўямиз у билан... отаси билан!

Оқила опа бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳамма шундай дейди. Биттасиям юрак ютиб бормайди.

— Биз борамиз! Бизнинг кўрқадиган жойимиз йўқ... Йод борми?

— Ҳозир.— Оқила опа хонага кириб, қорнидаги ёзувли хати тирноқда кўчирилган шиша идишча чиқариб берди.— Озгина қолган экан.

— Раҳмат, Оқила опа!

Ота-бола орқага қайтишди.

— Ада, битта ушлаб кўрай.

— Сабр қил.

— Нега майна дейдилар буни?

— Кўп уста қуш бу, ўғлим. Ҳар қандай жониворнинг овозига тақлид қилолади. Мушук бўлиб миёвлайди— хоҳласа. Хоҳласа, ит бўлиб ҳуриши мумкин... Булбулга ўхшаб сайраб ҳам қўя олади. Ана шунинг учун буни майна деб атаганлар: бошқа қушларни, ҳайвонларни мазаҳу майна қилгани учун.

— Одамниям майна қиладими?

— Бунинг учун уни ўргатиш керак.— Қамариддин бирдан мамнун кулди.— Буни гапиришгаям ўргатса бўлади. Ҳозир айтиб бераман.

Қамариддин хонада қушни қиғиллатиб қаноти ва биқинига пахтага шимдирилган йод босиб, дока билан боғлағунча, «айтиб берди»:

— Раҳматли момомизнинг бир холаси бўлар экан. Бефарзанд экан. Эри Афғонистонга ўтиб савдогар-

чилик қилиб келаркан. Бир келишида чўлоқ майна олиб келади. Ушанда бизнинг юртада майна бўлмаган. Хўп де, Икромга! Майна кейинги йилларда пайдо бўлиб кўлайиб кетди. Хуллас, момомизнинг холаси чўлоқ майнага меҳр қўйиб, парвариш қилади. Кейин тилга ўргатади!.. Улуғой деган қўшниси бўларкан. Уша девордан мўраласа, майна дарҳол: «Улуқ, Улуқ!», деб қичқираркан. Шунақа. Кейин майна ўлиб қолади. Уни ярим газ бўзга ўраб кўмишади. Гўри устида ўша холамиз кўп йиғлаган эканлар... Шундоққи, бу тақлидчини гапга ўргатиш мумкин!.. Сўнгга, бу жонивор гўштни яхши кўради.

— Гўшт бор-а опа?

— Колбаса бор,— деди Икромга.— Адаси, энди бунингиз шу уйда турадимиз?

— Бўлмаса қаерда туради? Шкафга солиб кўямиз.

— Кечирасиз, ваъдангизни бажаринг. Бизга алоҳида хона беришин... Тутунингизга тоқатим йўқ. Бунинг овозини ҳам ўзингиз маза қилиб эшитиб ётасиз.

— Э, хотинбой!.. Бўпти. Ваъда беришди-ку!— Қамариддин рўпарадаги деразадан кўриниб турган бетон деворга ишора қилди.— Ану ёқда битта амалдор яшайди. Уғли отган эмиш буни. Ҳали у арзанда билан ўзим гаплашиб кўяман!

— Худо хайрингизни берсин, шу ерга тинч келдик, тинчгина кетайлик. Шунақа қилсангиз, жўнавораман. Ўзим уйдан хавотирдаман. Салимларнинг эшигини бузишгандан бери...

— Уларнинг эшиги чиройли эди, шунинг учун бузишган. Бизникига биров қарамайди.

— Ада, менга беринг!

— Хўп. Мана... Икки қўллаб ушла. Тирноғи ўткир! Ана шундай. Қўрқма!

Жаҳонгир иккинчи қаноти ҳам қўшиб боғланган қушни ўзидан олисроқ тутиб тикилди. Кафти ҳам сезяпти: қушнинг биқини қаппайиб пучаяди. Докадан иссиғи ўтади.

— Боққа чиқайлик!

— Э-э! Бу ётиши керак!.. Узимиз боққа чиқамиз. Бунга хўрак олиб келамиз. Чигиртка терамиз. Майна чигирткани жуда яхши кўради.

Қамариддин шкафни очди, қуйи тортмасини бир оз суғуриб, қушни қўйди. Майна ётиб олди-да, сўнг дикдик сакраб тортманинг тўрига қочди.

— Юринглари!

Икромга журнални ёпиб, шиппагини кийди. Жаҳонгир хавотирланиб деразага қаради, кўзлари каттариб кетди: девор бошида бир неча майна тизилиб ўтиришар, қиғ-чиғ деган овоз чиқариб, бу ёққа қарашар эди. Қамариддин кулди.

— Бунинг шериклари!.. Йод кўяётганимизда, овозини эшитиб келишган. Юринглари. Қайтиб кетишади... Қушлар ҳам тақдирга тан беради, ўғлим.

Жаҳонгир шкафни яна бир очиб қараб, қайта ёпди. Боққа чиқдилар. Икромга кўринмади. Ота-бола беихтиёр уй биқинига ўтишди. Ана холос! Боя майна яллапайиб ётган хазон устида бароқ бир мушук чўнкайиб ўтирар, қўлини ялар эди.

— Майнагнинг бахти бор экан!— деди Қамариддин.— Сал кечиксанг борми!..

— Мушук ёмон-а, ада!

— Уни яхши кўрадиган одамлар ҳам бор, ўғлим. Одамзоднинг феъли ўзи ғалати. Бир нима деб бўлмади... Биласанми, биз — одамлар ҳам қайсидир ҳайвонга, қайсидир қушга ёқамиз. Қай бирлари бизни ёмон кўришади... Хўш, ўз тилларида бизни муҳокама қилишади...

— Нима?

— Уларнинг ҳам ўзлари тушунадиган тиллари бор. Э, бу оламда ҳамма жонли нарсаларда тил бор! Биз уни тушунмаймиз, холос!

— Нимага?

— Билмасам... Ана, билмас эканман! Балки шуни-сиям яхшидир? Ҳар жонзот ўз сир-асрори билан яшагани қизиқ эмасми?

Улар иморат олдига ўтиб, тўғри кетган текис йўлга чикдилар. Икромга тераклар соҳида журнал ўқиёт-



ган экан, буларга қўшилди. Боғ адоғига тушиб, ўт-ўланлар орасидан чигиртка, кўнғиз излашга киришдилар. Ҳаво иссиқ, ўт-ўланнинг ҳиди оғирлашиб қолган эди. Аста-секин ота-боланинг машғулотиغا Икромга ҳам қизиқди. Бир соатлар чамаси изгишиб, талай чигиртка, битта кўнғиз, иккита жигарранг капалак тутдилар.

— Зерикаман даяётган эдинг, сенга ҳам иш топилди,— деди Қамариддин Икромга.

— Терлаб кетдим!.. Майнангиз ҳам бор бўлсин! Лекин унинг чирқиллашига мен чидамайман.

— Ҳўп!.. Биз чидаймиз-да! Насиб бўлса, ишга бир шўнғийлик, Камолитдиннинг қўшиғиям қулоққа кирмайдикейин.

Қамариддин — техникумда «Қадимги дунё тарихи» ўқитувчиси. Газеталарга тарихий мавзуларда мақолалар ҳам ёзиб туради. Мақолалари, албатта, мавсумий бўлади. Бу гал дам олиш уйида «Тошкент — Қўшон империясининг шимолий чегара шаҳри» деган сарлавҳа остида мақола битмоқчи. Бу масала илм оламида аллақачон ҳал этилган эса-да, бу ҳақиқатни шубҳа остига оладиган олимлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Урта Осиё антик тарихининг билимдони профессор Массон бу масалага бир оз шубҳа билан қарайди. Ҳолбуки, у кишининг рафиқаси — антик санъат билимдони Галина Анатольевна Пугаченкова бу масалага заррача шубҳа қилмайди... Қамариддин мақоланинг босилишига ҳам ишонади: чунки Тошкент шаҳрининг 2000 ёшга тўлиши республикада кенг нишонланади, демак, у тўғрида мақолалар кўплаб эълон қилинади.

Уйга яқинлашганда, Жаҳонгир ўзиб кетди. Хонага кириб, шкафни очди. Майна тортмадан чиқадигандек бўлиб турган экан, диконглаб тўрға қочди.

— Майна, майна! Сенга чигиртка опкелдим,— деди Жаҳонгир.

Қамариддин майнани олиб, қоғоз четини очди. Ариқдан топилган ёлғиз чувалчанг ўрмалаб чиқаётган экан. Майна бўйинини ичига тортиб унга тикилдию шу заҳоти чиқ этказиб чувалчангни чўқиди. Кўз очиб юмгунча ютиб юборди.

— Ада, еди!

— Ейди, ейди!.. Бу гўшт-ку!

— Менга беринг! Узим бераман!

— Қўлга эҳтиёт бўл.

Майна ёмон хўра экан, ё жуда очикқач. Булар бир соатда терган луқмани ҳаш-паш дегунча йўқ қилди, «Яна бер!» дегандек сап-сариқ оғзини очди.

— Ёш экан,— деди Қамариддин.— Бу йил тухумдан чиққанга ўхшайди... гапга ўрганиши осон.

— Гапироди, а?

— Билишимча, бунга бир хил сўзни такрорлайвериш керак. Масалан, «Жаҳонгир!»... Йўқ, бу бўлмайди. Бошқа сўз керак. Уша холамининг майнаси «Улуқ» деганку! Шунга ўхшаш сўз топаёлик. Улуқ, бўлуқ... Балиқ... Э, жияним бор-ку, Холиқ!.. Холиқ де. Бўлди. Урганаси.

— Холиқ, Холиқ,— деди Жаҳонгир. Майна «қийқ», деб қўйди.

— Ада, Холиқ деди!

— Алдама.

— Холиқ, Холиқ...

— Мен жуда қийналиб кетяпман,— деди Икромга.

— Э, тирик жонимиз-да!— деб кулди Қамариддин, сўнг майнани силаб, жиддий тортиди.— Ана шу тирик жон эканимиз бизни табиатга боғлаб, ўртада контакт ўрнатиб туради. Бир вақтлар ўзимча тасаввур қилганман. Кўз олдинга келтир. Тоғ бағри! Урмон, унда қуш-ҳайвонлар бор дейлик. Одам ҳам бор. Уша ерга тушиб қолдим. Нима қиламан? Турган гап: биринчи галда «Бу ерда одам борми?», деб ўйлайман, уни излайман. Одам зоти йўқлигига ишонсам, албатта, қушлар ёки ҳайвонлардан дўст топишга интиламан. Робинзон Крузодек! Қушлар ҳам, ҳайвонлар ҳам бўлмасачи? Унда, шак-шубҳасиз, бир яшил дарахтни кўнглимга яқин оламан. Чунки дарахт — тирик! Томирида ҳаёт бор!.. Кўқариб турган шу дарахт ҳам бўлмасачи? Менимча, қоқ, яланғоч қоғалар орасида мендек ёлғиз, ғариб кимса бўлмайди...

Эшик тақиллаб, оқ халатли Оқила опа кўринди. Икромга:

— Келинг опа,— деб шошиб қолди.

— Бир минутга кирдим,— деди Оқила опа. Эшикни ёпиб, ёлғанига ишонмагандек қараб қўйди.— Қамаржон ука, бир нарсани эслатиб қўяй... Директоримиз Оловиддинхўжа инжиқ одам, ўзингиз ҳам сезгандирсиз... Ваннахонанинг олдида, шифтга бир жуфт қалдирғоч ин солган эди. Вижир-вижирини эшитсак, қувониб кетардик. Бир куни Оловиддинхўжа: «Йўқотинглар бунни!», деб қолди. Мен билмас эканман, шифтдан ахлати тўкилар экан. Клава супуриб ташлар экан. Оловиддинга «Безиён-ку, ул-бул», деган эдим, ўзи швабра билан инни бузиб ташлади. Жониворлар яна ин кура бошлашган эди, Оловиддин ваннахона олдидаги деразани ёпиб, орқасидан миҳлаб қўйди. Қалдирғочлар икки кун дераза орқасида учиб вижирлашди. Кейин кетишди... Демокчиманки, майнага эҳтиёт бўлинглар. Энди, Қамаржон ука, кўпчилик келадиган жой-да бу. Қуш овозини ёқтирмайдиганлар ҳам учрайди...

— Бизнинг Икромга ўхшаб!

— Ҳазилмас.— Оқила опа Жаҳонгирнинг бошини силади.— Ҳўпми, йигитча?

— Раҳмат, опа!— деди Қамариддин.

— Сизларга яна битта хона керак-а?.. Очиб қўйдим. Девор ортидаги хонани. Йиғиштиряпти.

Оқила опа чиқиб кетди. Қамариддин сигарета олди. Тутатишга иккиланиб:

— Ажойиб аёл!— деди. Сўнг ўғлини бағрига тортди.— Одамзод ана шундай, мулла Жаҳонгир! Бу ҳаёт кутилмаган зиддиятларга тўла!

— Фақсангизни эртага қолдиринг,— деди Икромга.— Мен нималарни олай? Жаҳон мен билан ётади. Майна... сиз билан.

— Ҳо-ҳо-ҳо!

— Мен майна билан...— деб йиғламсиради Жаҳонгир.

Ота уни овутди:

— Ана, шкафда туради. У ёқда бўлса, опанг қўйворди. Бу ерда беҳавотир... Кўрнинг келса, бемалол кираверасан. Ана, директор ҳам қушларни ёмон кўрар экан.

— Ёмон одам, а?

— Яхши эмас, менимча.

Икромга чамадонни очди. Жаҳонгир шкаф қошида чўнқайиб олди.

— Ада, қаноти оғрияпти-я?

— А-а! Албатта!..— У энди бемалол сигаретани тутатди.— Дарахтларни кесганда, уларнинг ҳам жони оғир экан. Дарахт сувсиз қолса, ингиллаган овоз чиқараркан. Ван аниқлаган!.. Фақат биз — одамлар бунни сезмаймиз?

— Бунни дадаси, опаси бор, а?

— О!— Қамариддин таъсирланиб, деразага қаради. Энди девор бошида икки майна қолган, бири хурпайиб турар, бири панжалари орасидаги алланарсани чўқиб ер эди.— Балки анавилардир? Ака-укасиам бор бунинг!.. Яша, ўғлим. Ана шунақа ўйла! Бу яхши одат.

— Улар йиғлаяптими?

— Эй, сен гений бўласан!— дея хитоб қилди Қамариддин. Кейин паст тушди.— Йўқ, сен тарихчи бўласан. Тарих жуда қизиқ! Қадимда ўтган даврлар қизиқ... Э, ўшанда кўп нарсалар бошқача бўлган.— Қамариддин хотини чамадондан чиқариб қўйган китобларни кўздан кечирар экан, шошиб қолди.— Пугаченкова қани?

— Ҳаммаси шу ерда.

— Пугаченкова! Буюк аёл!.. Э, мана-ку!.. Аммо-лекин, ўғлим, қушга қараш, уни даволаш ҳам кўп завоқил! Нима дединг? Умуман олганда, ҳаётнинг ҳар қандай кўриниши ҳам қизиқ, ғаройиб!.. Тушуняпсанми?

— Чигиртка опкеламизми яна?

— Албатта!.. Бир донишманд айтган экан: «Инсон ҳамма нарсадан бахтсиз бўлганда ҳам, бари бир шукр қилиши керак. Туғилганига — ёруғ дунёни кўрганга шукр қилиши керак. Чунки шуни ҳам кўрмаслиги мум-



кин эди. Зўр гап-а! Тушуняпсанми?.. Очма дедим-ку! Жиндек ётсин бояқиш!

Қамариддиннинг илҳоми кўзиб турган эди, бўғилди. Қанийди, ўғли ёш эмас, унча-бунча нарсага ақли етадиган бўлса! Шу тобда унга бу зўр ҳикматни Будда айтгани, Будда дини бундан икки минг йил муқаддам Урта Осиё тупроғида ёйилгани, нақ Тошкентнинг Оқтепасидан буддапарастларнинг ибодатхонаси топилгани, бундай ибодатхона Фарғонанинг Қувасидан ҳам чиққанини сўзлаб, мана шу фактлар ҳам Қўшон империясининг шимолий чегара шаҳри Тошкент эканини ибодатлашини айтса!

Тушдан кейин сайрга чиқдилар. Қамариддин танишларини учратди. Икрома билан Жаҳонгирни уларга таништирди. Об-ҳаво, куз ҳақидаги гаплар айланб, қўшни дачада милтиқ пақиллатиб юрадиган «арзанда»-га тақалди.

— Бўрибой тезроқ келсин-да!— деди бир пенсионер.— Ҳассасини дўқиллатиб ўтиб борарди. Бўрибой қайсар!

Москвага — телевидениенинг «Ҳайвонот олами» редакциясига хат ёзишни ҳам кимдир маслаҳат берди.

— Керак бўлса ёзамиз!— деди Қамариддин ва Икромага қараб олгач, инжиқланаётган ўғлини туртди:— Нима дейсан?

— Биз овқат едик-ку? Майнаям...

Қамариддин аста-секин ишга шўнғий бошлади. Икрома ҳам бу ерга хйла ўрғаниб қолди. Уй ташвиши ёдидан чиқди. Она-болага эрмак ҳам топилган эди: зерикдиларми, боғ адоғига изғиб кетишади. Ҳашаротлар териб келишади.

Майнанинг яраси битиб, қанотини осилтириб юрадиган бўлиб қолди. Жаҳонгир ҳамон уни кўлига олдими: «Холиқ, Холиқ!», дейди. Майна тутилган хўракни кўрдими демайди-ю, нуқул «қийқ-қийқ», деб овоз чиқаради.

Жаҳонгир Оловиддинхўжани яхши таниб олган. Унга ёв кўзи билан қарайди. «Ёмон одам», деб ўйлайди ва уни кўриши ҳамона ёдига кулранг, бароқ мушук тушади.

Гоҳо майна билан «гурунғ» қилади:

— Холиқ, сен гапимни тушуняпсан. Яширма... Даданг билан опанг ҳам кетиб қолишди-я! Соғинасанми уларни? Боққа опчиқайми? Биласанми, директор ёмон одам... Бир кун боққа опчиқаман. Шерикларинг билан ўз тилингда гаплашасан. Холиқ, де. Холиқ...

Бир куни у йўлакда, холодильник олдида атрофга аланглаб келаётган Оловиддинхўжага тўқнашди.

— Майна йўқ. Йўқ!— деди шоша-пиша.

— Нима?

Жаҳонгир унга бирпас бақрайиб қараб турди-да, хонага чолиб кирди.

Қамариддин ишга берилиб кетди. Хонада дик-дик сакраб, гоҳо пир-пир қанот қоқиб юрадиган майнага энди парво қилмайди. Жуда жонига тегса, «кишт», деб қўл силтайди. Ёки деворни муштлаб: «Жаҳон! Бунга қара!», деб бақиради.

Майна кўшнларга ҳам ёқиб қолган. Қўшни кўрганлар «арзанда бола» ҳақида гапиришади, унинг милтиқ отишини кутаётганларини сўзлашади, сўнг Жаҳонгирга Оловиддинхўжадан эҳтиёт бўлишни уқтиришади: ини бузилган бир жуфт қалдирғоқ буларнинг ҳам баъзи бирларини ўшанда ўқситган экан.

Бир куни она, бола, ота хонада гаплашиб ўтиришар, Қамариддиннинг кайфи чоғ, гап сотар эди:

— Мақола армидан ошди!.. Э, ишлаш керак! Рост, бошда хатога йўл қўйганман. На чора! Энди борига бозор деб кўникишга мажбурман... Баъзан ҳайрон бўламан-да. Биз — жуда лоқайдмиз, хотин! Ёки ўтмишимизда улуг алломаларимиз шу қадар кўп бўлган, тарихимизда порлоқ дамлар шу қадар беҳисобки, биз уларга бепарво қарашга ўрганиб қолганмиз... Э, баъзи бировлар отнинг тақасини топсаям шифтга илиб, том-том асар ёзади — «Биз ундоқ, биз бундоқ!» Савдо-тижорат асноси мамлакатига ўзга юртдан бир сопол идиш бир замонлар ўтиб қолган бўлсаю бугунги кунда топилиб қолса: «Ана, боболаримиз ясаган!», деб

жар солишади. Ҳатто ўзларича исботлаб юборадиям!.. Тўғри, ҳозир замон нотинч. Рейган ваҳима қиялпти. Уруш бўлади, дейди. Айримларга эса, бу масала уйку бермаяпти. Сир эмас... Энди шундай пайда, дейлик, баъзиларнинг узоқ ўтмишга қизиқиб, уни кавлаштириб, ёхуд ундоқ эдик-бундоқ эдик, деб кўкрагига муштлаши бачканалик бўлиб туюлиши мумкин... Бироқ, бари бир... уруш бўлгандаям инсоният йўқолиб кетмайди, хотин! Аввало, уруш бўлмайди! Чунки инсон ўзини ўзи ҳалок этмайди. Инсон ҳамма вақт яшашига интилиб келган. У ўлимдан кўрқади... Эйнштейн айтган экан, инсонни иккита нарса ҳалокатдан сақлаб қолди, деб! Бир — кўрқув... страх! Иккинчиси олов! Рейганнинг ваҳимаси бекор! Унга ишониб уйкуси қочганлар ҳам хато қилади. Тарихда неча марта қиёмат қойимни башорат қилганлар? Бекор гап! Чалғиб кетдим... Лекин, хотин, мен ўзимга тасалли бераётганим йўқ.

— Фараз қиламиз.

— Ким билади дейсан...

— Биласизми, сиз табиатшунос ёки циркчи бўлганингда, шу майнани аллақачон тўтиқушга айлантириб юборардингиз.

— Ана! Мен боғдан келсам, бу тоғдан келади.

— Гап уқтиришдан толмайсиз, демоқчиман.

— А-а! Аммо ношукр бандасан сен ҳам. Кеча ўзинг: «Тухум босган бу аданг», деб юрган эдинг.

— Гапимни эгри тушундингиз. Қўшни айтялман. Жаҳонгирнинг ўрнида бўлганингда, унга аллақачон «фалсафа, тарих» деган сўзларни ҳам ўргатиб қўярдигингиз... Ўғлингиз эса, ниҳоят... Жаҳон, майнани чақир!

Жаҳонгир қафтада қисиб турган капалакни тутиб кўрсатди. Стол лампаси тағида турган майна бир чўқишда уни ютиб юбориб, яна оғзини очди.

— Холиқ, Холиқ,— деди Жаҳонгир.

Майнанинг очиқ оғзидан товуш чиқди:

— Холқ, холқ...

Қамариддин юраги гурсиллаб уриб, қушга тикилди.

— Эй, мен нима дегандим!— деди бақириб. Яна қушга тикилди. Қуш кўзини аста юмди.— Қизиқ!— деди у.— Инсоннинг отини айтди бу! Лекин бепарво!.. Нима деганини билмайди! Бу ёқда биз қувоняпмиз...

— Кеча айтган эди,— деди Икрома.— Сизни чалғитмайлик дедик. Бугун Жаҳонгир чидамади.

— Жаҳон, яна битта «Холиқ», де.

— Холиқ, Холиқ!

Қуш кўзини очмасдан такрорлади:

— Холқ, холқ...

— Тагин битта айт, ўғлим!.. Мени тоза хурсанд қилдинг-ку! Тавба! Қушлар ҳам ажойиб жонзот-да! Лекин, ўғлим, сен бу сўзни майна учун рефлексга айлантирасан энди. Тушунмаяпсанми? «Холиқ», деб чақир. Одингга келмагунча хўрак берма. Кейин, бир чақирим жойдан ҳам «Холиқ!», деб бақирсанг, учиб боради. Хўрак берар экан-да, дейди... Умуман, бу бошқа нарсалариням ўйлаши мумкин.

Бир кеч Қамариддин мақоланинг баъзи олимларга малол келадиган жойларини юмшатиш ҳақида ўйлаб ўтираркан, хона тутунга тўлиб кетганини кўрди. Турсолиб, эшикни очди. Шу заҳоти аланглади. Майна... бўлса чиқарди. У жойига қайтиб ўтирди. Ниҳоят, дераза тепасидаги дарчадан елвизак эса бошлади. Қамариддин ўрнидан турдию йўлакдан пир-пир этиб учиб ўтган қўшни кўзи илғаб қолди. Шкафни шарт очиб, тортмага қаради: майна йўқ... Шунда йўлак адоғидан келаётган шовқин диққатини тортди:

— Нима гап бу?— дея зўриқиб гапирарди Оловиддинхўжа.— Клава, ўлганмисан? Эшикни нега очиб қўйдинг? Вей-ве-ей! Гилам расво бўлди... Швабра қани? Ҳайда уни!.. Бултур нима деган эдим сенларга?

Қамариддин йўлакка чиқди. Шунда холодильник устига келиб қолган майна бурилла солиб, хонага кирди. Қамариддин эшикни ёпиб, қўл қовуштирди.

— Бир қошиқ қонимиздан кечасиз,— деди у Оловиддинга.

— Сизникимиди?

— Ҳа... Қўшни бола отган экан. Даволаб олдик. Уғилчага ўрганиб қолди...



Оловиддинхўжа бошини тез-тез силкитди-да:

— Мумкинми?— деди. Қамариддин эшикни очди. Оловиддин кириб, стол лампаси қошида қанотини тумшугида титкилаётган қушга қовоғи остидан тикилди. Сўнг:— Ҳиди ўрнашиб қопти. Сизга билинмас экан-да,— дея энкайиб қаравот ва стол остига қаради.— Утириб қўйипти жонивор. Оппоққина қилиб...— Сўнг қоматини ростлаб, томоғини қирди.— Уқиган, мулла одамсиз, домла. Билмадим, ўз уйингизни бу аҳволга солиб қўймас эдингиз, дейман. Уйлаш керак экан-да.— У яна тез-тез бош силкитиб чиқиб кетди.

Қамариддин эшикни тепиб ёпди. Хўрсиниб, хонада нари-берига юрди. Майнани шап ушлаб, тортмага солди. Боққа чиқиб, хотини билан ўғлини топди.

— Ҳа, адаси?

— Чатоқ бўлди.

— Нима гап?

— Сезмай қопман, майна коридорга чиқипти...

Оловиддин оловини чиқарди.— Кейин жаҳли тутиб кетди.— Бир кун хонанга турса, бир нима бўп қолмасдинг! Менинг хаёлим жойида эмас! Охириги абзацни ишлаётган эдим.

— Бир нима қилдимми у?

— Э-э... Сен ҳам кўп жавдирама! Майнанг шкафда! Бор, ол. У менга керак эмас, сенга керак!

Жаҳонгир чопиб кетди. Йўлакдан ўтаётиб, Оловиддинхўжага тўқнашди. Бирдан тўхтади-да:

— Сиз ёмон одамсиз! Ёмонсиз!— деди.

Оловиддинхўжа унинг... чўғдек гиламга тушган изларига қараб қолди. Сўнг эшикдан чиқиб, мрамар зинадаги нам тўшанчига тикилди. Жаҳонгирнинг оёғи албатта унга тегмаган эди. Оловиддин рўпарадан келаётган Қамариддин ва Икромани кўрди-да, бурилиб, девор ёқалаб кетди.

— Кетворайлик!— деди Икрома.— Шунинг қовоғига қарашимиз қолганмиди!

— Менинг ишим чалароқ.

— Э, сиздан олим чиқмайди!

— Сенга қулоқ солсам, тарихчим чиқмас эди мендан.

Қамариддиннинг мақоласи битди. Энди уни Тошкентга юборадиган бўлса, қайси газета тезроқ босиб чиқаришини ўйлар эди. Икрома тагин уй қайғусига тушган, кунора шаҳарга қўнғироқ қилиб, уйи тинчми эканини қўшнилардан сўрайди.

Жаҳонгир эса «Холиқ»ни шаҳарга олиб кетганда, қачон балконга чиқариш, қачон қўйвориш ва чақириб олишни ўйлайди.

Буларнинг сафари қариб қолганидан хабардор қўшнилар хонага серқатнов: майнани — эрмакни кўриб, жилмайишади; уни шаҳарда қандай боқиш хусусида Жаҳонгирга маслаҳатлар беришади.

Кечки пайт. Боғ адоғидаги анҳор. Қамариддин: «Кетар жафосига!», деб ечинди, сувга тушди.

— Оҳ-оҳ! Икрома, сен ҳам ювин!

— Одамлар бор-э... Жаҳон, сен чўмил!

Жаҳонгир ўт-ўланлар орасидан чигиртка овлашга тушган эди, бирдан бақириб юборди:

— Муни қаранг! Ғиж-ғиж чигиртка!

Икрома ўғлининг ёнига йўналди. Чиндан ҳам, саримсоғи қавлаб олинган жўякка анҳордан сув тошган, жўяк пушталари, хас-чўп аралаш оппоқ кўпиклар устида чигирткалар ғужғон, у ёқ-бу ёққа пиртиллаб учиниб, сувга ботиб «сузишар» эди.

Қамариддин чўмилиб чиққунча она-бола бир дўппи чигиртка теришди.

— Дадаси, шу чигирткаларгаям одамнинг раҳми келади-я?

— О! Ана табиатнинг кучи!— деб хитоб қилди Қамариддин.— Файласуфсан, хотин!

— Жаҳон! Бўлди қил, кетамиз. Овқат маҳал бўп қолди. Бу курғурнинг шираси бўлар экан-а! Нега қони чиқмайди мунинг? Ушласанг, оёғини ташлаб учиб кетаверади.

— Табиат шунақа. Шунақа, хотин!.. Билсанми, нима учун табиатни яхши кўраман? Бунда бепоён бир мангуч бор!.. Мана, жуда хафсанг, дейлик. Ёки тарихда

юз берган бир хатоликдан қалбинг яра. Ёки жуда хурсандсан. Сабабсиз хурсандсан, дейлик. Ана шунда табиат қўйнига чиқ— бирдан хотиржам бўлиб қолсан, бирдан! Дунёнинг асли ҳақиқати мана шунда, дейсан, хотин.

Шимининг тиззаларигача лой бўлган Жаҳонгир хансирарди.

— Адавой, шаҳарда чигиртка йўғ-а?

— Жуда оз. Бошқа нарса берасан-да. Масалан, гўшт.

— Колбаса.

— Аммо-лекин, Жаҳонгирбой, сизниям бу ерга келганингиз зўр иш бўлди!

Бироқ хонада уларни хунук фожиа кутаётган экан.

— Холиқ! Холиқ!

Майна жавоб бермади.

Шунда Қамариддин билан Икрома ҳам хонага киришди.

— Ада, Холиқ йўқ!

— Эшик очиқ эканми?

— Салгина... очиқ экан! Топиб беринг! Сиз чиқаргансиз!

— Жинни!— Қамариддин шкафни очди. Диван, стол, қаравот тагига қаради. Иситгич батареялари орасига боқди. Бурилиб, эшикни очди-ю, итариб ёпди. Эшик зичланиб қолди.— Мана, эшик ёпилди!.. Қаттиқ итарган бўлсам, очилиб қолдимикан, деб ўйладим.— У хотинига тикилди.— Оловиддиннинг иши-я!..— Яна ташқарига чиқди. Иккита қўшни ташвишланиб турар эди.— Майна йўқ.

— Биз ҳам яқинда келдик... Йўқми?

— Йўқ.— Қамариддин ваннахона томон кетди. Деразага қаради: берк.

Шунда йўлак адоғида Оловиддинхўжа кўринди. Ҳама унга тикилиб қолди. Жаҳонгир йиғлаб юборди:

— Шу киши ўлдириб қўйган!.. Отган!

Оловиддин кўзлари пирпираб:

— Нима гап?— деди.

— Тинчлик,— деди Қамариддин.— Майна йўқ, холос.

Ерга кирганми, кўкка учганми — йўқ.— Сўнг бирдан кинояли жилмайди.— Узлари бир бало қилдиларми ё? Айтаверинг... Биз ўлиб қолмаймиз. Фақат болага қийин бўлади-да.

Оловиддин қўлларини ёзди.

— Уқиган одамсиз, домла. Ушанда бу тўғрида гаплашган эдик. Сал аччиқ қилиб чиқдим. Шунчалик ҳам демайми? Сиз меҳмонсиз, кетадиган одам...

— Топиб бе-ер! Топиб беринг майнамни!— Жаҳонгир қанча кўп йиғласа, майна шунча тез топиладигандек ер тепина бошлади.

Қамариддин:

— Учир!— деб ташқарига чиқди. Уй биқинига ўтди.

Жаҳонгир ҳам чиқиб, ариқ бўйидаги ҳазонларга тикилди. Яна чинқирди.— Йиғидан нима фойда!— дея бақириб юборди Қамариддин.— Чақирсанг-чи!— Сўнг қўшниларга қараб, «файласуфона» мунғайди:— Бир нарсага меҳринг тушмасин. Тушгандан кейин йўқолиб қолса, ёмон куясан-да.

— Холиқ, Холиқ!

Бирдан... девор устидан овоз эшитилди:

— Холқ, холқ...

— Ана! Холи-иқ!

Шу пайт ариқ бўйидаги чинор айрисидан отилиб чиққан бароқ мушук қанотини энди ёзган майнани шарт тишлаб, пастга тушиб кетди. Ариқ ёқалаб ура қочди.

— Мушук!

— Ҳой!

— Чопинг, адаси!

— Дада-а!.. Холи-иқ!

Мушук чинорлар ортида кўздан пана бўлди. Лекин майнанинг ноласи барала эшитиларди:

— Холқ, холқ...

Мушук майнанинг белидан тишлаганча пиёзпояга қочди.

Қамариддин симга чалиниб йиқилди. Жаҳонгир даҳисидан ошиб, ариқ бўйига бориб қолди. Ва тагин йиғлаб, кесаклар устига ўтириб олди. Қамариддин ариқдан ҳатлаб ўтди.



У боғ охирида кеза-кеза ҳориб қайтди. Жаҳонгир ариқ бўйида ўтирганча ҳиқиллар эди.

— Йўқ, ўғлим. На чора. Бирники ўтдан, бирники сувдан дегандай...

— Йў-ўқ!

Икромма ўғлининг билагидан тортди.

— Бўлди. Бас энди!

— Холиқ деди, опа! Бизни чақирди.

— Мен ҳам эшитдим... Бас энди! Яна битта майна топамиз...

— Йўқ. Менга Холиқ керак.

...Қамариддин зўрға овқатга чиқди. Хаёли чалғиганини сезиб: «Унутиш керак энди,— деб уқтирди ўзига ўзи.— Вассалом. Э, бу оламга нималар келиб кетмайди! Бу-ку бир майна экан... Одам ўлади! Бутун-бутун халқлар қирилиб кетиши мумкин...»

Икромма ҳам овқатдан номига татиган бўлди.

Оқила опа стол қиррасига кўлини тираб:

— Мен айтган эдим-ку, айтгандим-а!— деди.

— Илоё, унинг боласиям шундай...

— Унда бола йўқ.

Ниҳоят, Икромма ҳам Оловиддинни ичида қарғай-қарғай, эрини уриша-уриша ҳовридан тушди.

Кетадиган кунлари Жаҳонгир яна ариқ бўйига борди.

«Холиқнинг адаси билан опасиям йиғлаган. Болаларини мушук опқочганини билган». У ариқ ёқалаб жилди. Пиёзпояда тўхтаб қолди. Яна Холиқни топиб олган жойларига келди.

Тепасида чинор шохлари шовиллар, қушлар чуғурлашар, нозик ҳидлар келар, бироқ Жаҳонгир буларни ҳис этмас, юраккинаси бўм-бўш эди.

Шунда тепадан учиб ўтган майналарга диққати оғди. Назарида, Холиқ ўша кунни мана шу девор устига кўниб турганда, шерикларига ўз тилида анча-мунча гапиргандек туюлди: «Албатта. «Мен Холиқ», деган. Булар бир-бирининг сўзини тушунади-ку! Мениям айтган... «Чигиртка териб берди», деган. «Оловиддин ёмон», деган. «Ҳайдаб чиқариб, деразани бекитиб қўйди», деган...»

— Холиқ, Холиқ!

— Қийқ-қийқ!

Майналарнинг овози энди Жаҳонгирга «Холиқ» бўлиб эшитилди. Кейин: «Албатта-да,— деди яна.— Холиқ дейишяпти... Яхши ўрганмаган-да булар. Уларга-ям кўп-кўп «Холиқ» деса, ўрганиб олишади. Лекин улар билишади: холиқ—яхши дегани. Сизлар—Холиқ. Мен—Холиқ».

— Холиқ, Холиқ!

— Қийқ-қийқ!

Қўшнилари уларни автобусга кузатиб қўйишди. Улар уйларига етмасдан Қамариддин Тошкентга тушиб чиқишга аҳд қилди.

— Бозорга кириб ўтайлик. Уй қоқ-қуруқ,— деди Икромма.

Жаҳонгир деразадан олисларга боқар, олисларда... холиқлар учиб юрар, ўзаро гаплашишар, Жаҳонгир уларнинг сўзларини тушунар эди.

## Телеграмма

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР  
СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИГА

Ўзбек совет адабиётининг кўзгуси, сеvimли журналимиз «Шарқ юлдузи»ни эллик ёши — камолот ёши билан қутлаймиз!

Республикамик адабиётининг байроқдори сифатида ярим аср мобайнида маданиятимиз равнақига, ижтимоий-бадий тафаккур ривожига улкан ҳисса қўшган журнал анъаналари биз — «Ёшлик» ижодкорлари учун ҳаммиша ибрат бўлажак.

Адабиётнинг юксак ғоявийлиги ва бадийлиги — «Шарқ юлдузи»нинг йўлчи юлдузи бўлиб қолсин!

«Ёшлик» журнали

Олий даражага етишни ўзига вазифа қилиб олмаган, фақатгина яхши нарсаларга тақлид қилиш билан кифояланадиган ижодкор ўртамиёна бўлиб қолаверади. Чунки тақлидчи ўзининг тақлид объектидан ҳаммиша бир поғона паст туради. Юксак мақсад эса санъат ёрдамида табиатга тақлид қилишдир. Бунга буюк санъаткорлар ижодини ўрганиш билан ҳозирлик кўриш керак.

И. В. ГЁТЕ



Раззоқ АБДУРАШИД

## ТИРИКЛАР

### ДОСТОН

Ҳамма замонларда ҳам оддий кишилар бошини қотирган муаммоларнинг муаммоси — ёмонлик бўлган.

В. СОМЕРСЕТ МОЭМ

Хиёбон оралаб келар икки киши,  
хомуш,

ўйчан,  
ҳорғин одимлашиб.

Бир оғир жудолик,  
бир фоже йўқотиш,  
бир аччиқ айрилиш ҳасрати  
изларига гўё тўкиладир  
қўлларидан,  
қадамларидан,  
нафасларидан,  
Икки киши келади,  
кузакнинг ёқимсиз шамоли  
елади.

Дарахтлар қунишиб чайқашади бош,  
хазон гув учади —  
бир гала чумчуқ...  
Шоҳлар майишади,  
чирт-чирт барглар узилади,  
диллар эзилади...  
Қўллар увушгандек бўлар,  
ҳозиргина

яқин кишини  
тупроққа қўйган қўллар...  
Қадамлар суст,  
гўё бир илинжлари  
қолгандек у ерда,  
тутиб қолмоқчидек  
ўнг-сўллар!

Мунғайиб қаршилар,  
мунғайиб узатар  
уларни йўллар,

Увушгандек бўлар  
қўллар.

Ҳаво — зил,  
дил — хира,  
ел — аччиқ,  
ер — тилсиз...  
Эсиз, эсиз...  
Ички бир алам,  
ички бир ўкинч,  
Бемаҳал ўлимнинг  
афсус-надомати  
ҳар иккисин кифтида  
турар мисли оғир юк...  
Гиёҳларни босиб,  
хазонларни босиб,  
оғир хаёл исканжасида,  
келадилар  
ҳазин ва ўксик.  
— Яхши одам эди... — дер бири.  
— Эрта кетди... — дейди  
униси ўйчан.  
Жимлик...  
Ўз ўйлари, изтироблари,  
ҳасратлари билан олишиб,  
юпун, ҳасратли  
дарахтлар оралаб  
икки киши келади...  
Кузакнинг ёқимсиз шамоли  
елади.

\* \* \*

Бири норғул, қорача юзли,  
ўрта ёш-у,

сочларига оралаган оқ...  
Бир оз эгик қадди яна эгилгандек бугун.  
Сал чимрилган пайваста қошлар  
ўртасида ҳасратли тугун.  
Салқинганроқ қовоқлари  
баттар тушиб кетибди.  
Шамолми ё ташвиш асари —  
тез-тез артар даструмол ила  
ёшланган кўзларин...  
Узгаси япақси, ёши каттароқ,  
ун ўлчаб, бир кесгувчиларин  
эслатади сохт-сумбати.  
Бу ўткинчи дунё ҳазилларидан  
бир чимдимдек бугунги сўхбат...  
Кўпни кўрганиданми  
Босиқ, дадил тутар ўзини.  
— Умр шу-да, ука,— юпатади у,—  
шамолдек тез ўтиб кетади.  
Бу тириклик, деган  
барча ташвишлар —  
орзулар, тураддудлар,  
билимлар, меҳнатлар,  
эҳтирослар, изтироблар,  
эйтиқодлар, ёлгонлар,  
уй қуриш, бола кўриш,  
диссертация ёқлаш, китоб ёзиш,—  
бизни ўраб олган ҳоказо ишлар  
қолиб кетгай бир кун манови  
дарахтлар сингари —  
тамом бўлгай биз учун бари,  
аниқроғи, чироқ янглиғ бир кун лоп этиб  
ўчамиз.

Бироқ  
бемавриди,  
нотантиси ёмон...  
Алам қилади, ҳа, алам қилади,  
айни етдим деганда,  
кетиб қолса инсон.  
— Тўғри гапирдингиз,  
бемавриди ёмон,  
нотантиси ёмон,  
аммо мавридлиги,  
тантиси бормикан ўлимнинг!!

Яна хаёл ҳоким,  
яна сукот ҳоким.  
Иккиси борадир ёнма-ён  
сарсари ҳислари топмасдан  
на тиним, на кўним.  
— Элликка борувдим, а!!  
— Йўқ...  
Қирқ еттига тўларди қишда.  
— Шунақа ёшмиди!  
— Ҳа.  
Эпчил,  
танги,  
фозил йигит эди...  
Пишиб кетувди у  
турфа-турфа одамларин  
кўравериб турмушда.  
— Докторлиги тасдиқ бўлганмиди!  
— Бўлган.  
Ҳужжатларин олувди эрта кўкламда.  
Айни кучга тўлган,  
ақлга тўлган бир паллада кетди-я, эсиз...  
Қалтис бўларкан-да, ака,  
бу юрак дегани!  
Тўсатдан,  
кутмаган чоғингда бирдан  
панд бериб қўяркан...  
Ҳа, сиз,  
шунчаки танирдингиз Насимни,  
сиртдан билардингиз...  
Бирга ишламагансиз,  
сирдош бўлмагансиз,

юзта-юзта қилмагансиз  
кўнгил ёзиш учун у билан.  
— Яхши кўрармиди отиб туришни!..  
— Йўғ-э... нима десам экан,  
хато бўлар ичмасди десам,  
муккасидан кетганлардан эмасди ҳам...  
Байрам паллалари  
ёки меҳмонда  
ва ё улфатлар билан кўришган пайтлар  
«жиндек-жиндек» оларди  
ҳаммамиз қатори.  
Ўз таъбини, меъёрини биларди.  
Дердики, дори ўрнида отилса,  
озгина дам бергай асабларга.  
Куларди: «Чинданам оз-моз отиб туришни  
буюрганлар Ибн Сино ҳазратлари», деб...  
— Дори ўрнида оларканлар-да, демак,  
«Ичманг, зарар» деган фозиллар,  
ҳурматлари зўрлигидан Синога!!  
— Очиқ кўнгил эди Насим,  
нозик таъбли эди,  
кескин табиатли эди,  
сизни аярди-ю, бироқ  
аямасди ўзин ҳеч қачон Насим.  
Ҳавасим келарди  
унинг ишлашига  
қочиримлар, ҳазилларини хушлашига,  
Мажлислар, баҳсларда тўғрилиқни ёқлаб,  
лўттибозларини,  
товламачи найрангбозларини  
тагли-тагли тишлашига  
ҳавасим келарди, ҳавасим...  
Не-не орзулари,  
не-не ниятлари,  
Не-не режалари бор эди Насимнинг!  
Пахтачилик илмида янги  
уфқлар очмоқчийди,  
ўғлини космонавт қилмоқчийди.  
қизи Юлдузни эса — шифокор...  
Уларнинг тўйларини кўрмоқчийди,  
юрмоқчийди бир қур оталар каби  
қуйманиб, бахтиёр...  
Не-не орзулари,  
не-не ниятлари,  
не-не режалари бор эди Насимнинг!  
Бироқ панд берди  
номард  
нотанти душман янглиғ юраги.  
— Ҳей, ука, бу кечиккан афсус,  
бу таънанинг йўқдир кераги!  
Юракда нима айб,  
бормикан аммо у шўрликнинг  
ўзича ҳадди...  
Ахир хўжаси-ку сизу биз...  
Ишдан эрта чиқса,  
панд берса агар, айб ўзимизда,  
демак, асролмабмиз уни:  
иссиқ-совуқлардан,  
тиғдор таъналардан,  
хоннона зарбалардан!..

\* \* \*

Қўлтиқлашиб олган икки киши  
хиёбон оралаб келади,  
дарахтларини букиб,  
паймонаси тўлган барглари тўкиб,  
ҳазонларни тўзғитиб,  
кузнинг ёқимсиз шамоли елади.  
Улар оғир-оғир,  
аста-аста,  
маҳзун-маҳзун ташлашар қадам,  
Ушбу қазо таъсирида  
кўнгиллари тўлган!  
Бири тўхтаса, бири ёниб:  
ўйлатган,  
қийнаган

танг қолдирган ишлар —  
ҳаёт жумбоқларидан  
сўзлай бошлайди.  
— Қаранг,— деди улуғроғи,  
кифтига илашган мезон ипагин  
сидириб аста,—  
ғаройибдир ҳаётнинг  
турфа-турфа ишлари,  
турфа-турфа йўриғи;  
Бундоқ қараганда,  
ҳамма мавжудликлар инсон хизматида,  
Инсон етагида...

Тўғри,  
инсон табиатнинг ашрафи азал,  
«Ҳамма нарса — инсонга!» деган шиор  
бор!..

Бироқ ўша — «ҳамма нарса»  
осмондан тушмайди,  
инсон заковати,  
инсон муҳаббати,  
инсон меҳнати  
барча-барчасини бунёд этади-ку.  
Ахир ўша неъматларга —  
газга, кўмирга,  
пахтага, пиллага,  
нонга, темирга,  
ҳатто шу оппоқ қоғозга  
қанчалаб шууримиз,  
қанчалаб кўз нуримиз,  
қанчалаб қалб қўримиз

кетади-ку!

Тўғри, шундан биз уларни эъзоз қиламиз,  
бир зарраси тўкилса, увол биламиз.

Асраймиз барини мутлоқ...

Бироқ  
бойлигимизни асраймиз-у,  
уни бунёд этган қўлларни,  
уни мумтоз этган бошларни,  
уни кўркам этган қалбларни  
назардан қочириб қўямиз.  
Булар ҳам чарчаши,  
толиши,  
кунимизга ярамай қолиши  
мумкинлигин ўйламаймиз ҳеч.

Ўйласак ҳам —  
олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ,  
қабилда иш тутамиз.  
Бир кориҳол бўлганда эса,  
тақдирга йўямиз.

Мени ҳайрон қилар,  
баъзи ишларимиз,  
баъзи жумбоқлар —  
«Нонни тежа» деймиз, бу — яхши,  
электрни исроф қилмаймиз, бу — соз.  
Ер экилмай қолса, ачинамиз  
умри ўтди, деб бекор.

Пахтани-ку, дунёда йўқдир  
бизчалик қилган эъзоз!  
Аммо булар кимга ахир,  
инсон учун эмасми бари!!

Шундай экан, укажон,  
Нега инсонни асранг, демаймиз!  
Нега виждонни асранг, демаймиз!  
Садоқатни асранг, демаймиз!  
Саховатни асранг, демаймиз!  
Нега муҳаббатни, камтаринлиқни,  
ростгўйлиқни, самимиятни  
ҳар эзгу ниятни асранг, демаймиз!!

Инсонни инсон қилган  
хислатлар борки,  
кўнмаслиги лозим уларга ғубор!  
Яна,  
киши умри чўзилмағай фақат меҳнатдан  
ҳолбуки, меҳнатсиз ҳаётни  
ҳаёт ўрнида кўрмас у.  
Нетонгки, гоҳ-гоҳи  
меҳрни, оқибатни,

шафқатни, ҳамиятни,  
биродарлиқни, ҳурматни,  
балои нафс йўлидаги  
манфаатга —  
меҳнатга алмашамиз.  
Кундалик куйманувлар  
соясида қолдирамиз-ку...  
Сир эмас,  
ҳеч кимга сир эмас —  
битсин деб бир юмуш,  
рўёбга чиксин деб бир ният  
жонимизни берамиз жабборга.  
На иссиқ,  
На совуқ,  
на очу  
на тўқмиз демаймиз.  
Ҳатто қизғанамиз вақтни  
ёрга бир илиқ сўз айтишдан;  
Кеч киргани,  
тонг отгани билан ишимиз йўқ,  
кўнглимиз йўриғини бажариб ҳалол,  
ишлаганимиз ишлаган,  
элу юрт олдида юз бўлсин деб оқ,  
шунақа...

Сидқидилдан тер тўқамиз,  
фидойилиқ,  
жонбозлик кўрсатамиз-у,  
ўзимизга эътиборсиз бўламиз мутлоқ...  
Насим шу фидойилиқ,  
шу жонбозлик,  
шу эътиборсизлик  
қурбони бўлиб кетди.  
У на юрагини аяди,  
на умрини...  
На обрўси,  
на илми,  
на-да болалари —  
ҳеч бири кўзига кўринмади,  
аямади ҳатто жонини,  
Лекин унинг жони ҳам  
ўзгаларники каби битта эди.  
Яна талай-талай  
ният, ўйлари,  
режалари илмга айланиб,  
не-не муаммоларга  
йўл очарди бот.  
У ўзини аямади.  
Оқибатда, мана,  
барчаси барбод!

\* \* \*

...Баъзан денг, укажон,  
атрофимга қараб туриб,  
қизиқ-қизиқ ишлар,  
қизиқ-қизиқ урфлар,  
қизиқ-қизиқ одамларни кўриб,  
гоҳ ғазабим жўшиб, гоҳ кулиб  
Шундай деб ҳайқиргим келади:  
«Биродар, умрни қилмагин исроф»,  
«Бу юрак портлаши мумкин бир кун...»,  
«Палос эмас, жигар, бу — қадр, инсоф!»  
Ташлама уларни оёқ остига  
нуқул нафс учун!»  
«Виждон сотилмағай — эҳтиёт қилгин,  
лафз деган сомонмас, совурма елга...»  
«Муҳаббат —

зийнатдир,  
орзудир,  
бу камёб бисот —  
ки севиб,  
асраб, эъзозлаб  
яшаш учун берилган бизга!»  
«Дўстлик — зина эмас мансаб йўлида,  
қинғир мақсад,  
таъма,  
юлишларга ниқоб бўлолмас.  
Узингни топширма кибру





хиёнат қўлига.  
«Инсонликни,  
адолатни,  
этиборни асраб,  
ёруғликни,  
яхшиликини асраб яшайвер  
мисли орзу,  
бамисли ҳавас»,—  
десаму тинмасдан ҳеч  
ҳайқира берсам эрта-кеч!  
Нафи тегармиди  
бирор кимсага, эҳтимол...  
— Эй, ака, бу жонбозлик,  
бу фидойилик азал-абад —  
одамзоднинг зуваласида!  
Токи тирик экан,  
то бардам экан,  
то кўзи, ақли, қўли  
яраркан ишга  
у ўзини аямас зинҳор.  
Инсонликнинг ҳикмати шундадир,  
эҳтимол!  
У ахир тириклигида  
ўз бахти билан ҳам,  
бахтсизлиги билан ҳам бахтиёр,  
балки шундан башар авлодига  
буюклик неъматин ёр...

\* \* \*

Икки сипо кийинган,  
зиёли киши  
гоҳ тўхтаб,  
гоҳ юриб,  
гоҳ маҳзун,  
гоҳ кулиб,  
қизғин-қизғин баҳслашиб,  
дардлашиб,  
хазонларга маъюс-маъюс боқиб,  
не-не ўйлар,  
не-не туйғулар,  
не-не жумбоқлар мавжида оқиб.  
гоҳи тўтоқиб  
хиёбон оралаб келади.  
Уларнинг кўз ўнгида  
дарахтлар дилдираб туради:  
Сўнги япроқлари —  
тирик бисотлари,  
тирик саботлари,  
тирик зурриётларин  
маҳкам ушлаб турган дарахтлар...  
Начораки, табиатнинг

ўз ҳукми,  
ўз йўриғи бор,—  
ҳукмин юритмоқда боғлар ичра куз...  
Ҳар баҳорнинг кузи бор, афсус.  
Мана, у — бойлиги,

қудрати,  
рангини

қилмоқда кўз-кўз!

Боғларнинг кечаги кўм-кўк умидлари,  
кўм-кўк илинжлари,  
кўм-кўк армонларин  
сарикча бўябди.  
Уларни эгиб-бўкиб,  
эзиб, узиб,  
узилганин олис-олисларга учириб  
кузнинг ёқимсиз шамоли елади,  
икки киши хиёбон оралаб келади...

Морис ПОЦХИШВИЛИ

## Қўрқув

Эшик очилиб бирдан,  
Шипирлади кўча-кўй.  
«Бўри келдимиз қирдан!»—  
Типирлади она қўй.  
«Тушгандир девор ошиб,  
Очофат йиртқич шоқол», —  
Хўроз даҳшатга тушиб,  
Дарахтга қочди дарҳол.  
«Келгандир айиқ маймоқ,  
Тиш қайраши бошқача», —  
Қочмоқ учун бўлиб шай,  
Дамин ютди буқача.  
Сичқон: «Мушукми», деди,  
«Тулкимми», деди товус.  
Бари жон ғамин еди —  
Ҳамма ёқ бўлди тўс-тўс.  
Ит чиқиб қараса—тек,  
Рўй бермабди ҳеч кор-ҳол:  
Ғижирлабди сал эшик,  
Қўзғалиб кузги шамол.

Бердия БЕРИАШВИЛИ

\* \* \*

Қай дил қўшни бахтидан хуфтон,  
Ёт бахтидан эмас сарафроз, —  
хотирамга келади, бехос  
шудгор аро тўкилган пуч дон.  
Бундай одам ўзидан ортмас,  
Узга ғами унинг учун ёт.  
Кўпдан бери поездлар ўтмас —  
тинч бекатга ўхшайди бу зот.  
Соф бўлмаса, осмонми осмон!  
Суғормаса дарёмидир ул!  
Менга ёқмас жимжит ғорсимон  
Ҳувиллаган ёввойи кўнги.

Геннадий АЛАМИЯ

\* \* \*

Одам олам бўйлаб тарқалиб кетган...  
У ҳали гулларнинг бир қисми экан,  
У ҳали денгизнинг бир қисми экан,  
У ҳали қуёшнинг бир қисми экан,  
У ҳали тоғларнинг бир қисми экан:  
— Бу мен! — дея олмас.  
Ҳар вақт севги келиб инсон бошини  
қўшар

Шунда у: — Мен, — дер.  
Энди ундан топар улушларини  
тоғлар, қуёш, денгиз ва гуллар.

Миразиз АЪЗАМ  
таржималари



Нодир НОРМАТОВ

# БИСОТ

1

## ҚИССА

**С**урхон — Шеробод водийсининг кунботарида бепоён Музработ дашти ястаниб ётади. Унинг сувсиз, яланғоч бир қисми Оқтоғ этакларига бориб туташади. Даштнинг ана шу қисмини айтмасангиз, қолгани деярли ўзлаштирилган — ҳар ўн-ўн беш чақирим масофада совхоз посёлкалари қад кўтарган, дашт бағри ни қоқ ёриб ўтган кенг, текис йўқ ёқасида эса чинорлар, мирзатерак, акас, жийда ва ихота дарахтлари бўй чўзган. Баъзан улар билан бирга тоғолча, олмурут, тоғ олмаси, чилонжийда сингари даштга хос бўлмаган дарахтлар ҳам ёнма-ён ўсиб ётганига дуч келасиз. Буларни беш-олти йил бурун Кўхитанг тоғларидан кўчиб келган кишилар экишган.

Музработ даштининг ўзлаштирилаётган ана шу охириги қисмида ташкил этилган катта бир совхоз аҳли ҳам асосан кўхитангликлардан иборат. Даштлик қарияларнинг айтишларича, улар табармусулмонларнинг авлоди бўлиб, ҳозирги кунда ҳам урф-одатлари, тўю маъракалари, шеваси билан бошқалардан ажралиб туришади. Истараси иссиқ, баланд бўйли, очиқкўнгил ва сахий бу одамлар айна пайтда хийлагина такаббур, ўжар, ўз устларидан кула олишу ўзгаларни кишибилмас калака қила билиш одатлари билан ном қозонишган.

Улар орасида ёши етмишлардан ошган, аммо қомати тик, озгин, баланд бўйли сўққабош бир чол ҳам бор эди. Ҳамқишлоқлари унинг отини «Қобил лашкар» дейишарди. Одамлар бунинг сабабини сўраб-суриштирганда, улар чол ҳақида хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, бирор жўяли гап айтишни лозим топишмасди. Шунга қарамай, атрофдагилар бу лақаб тарихини тез орада билиб олишди. Чол аслида одамови, камгап эди, ўзи ёки қавму қариндошлари ҳақида ҳеч кимга бир оғиз сўз демаган бўлса ҳам, лекин нега Қобил лашкар деб ном олганини бир даврада айтиб қолибди. У ёшлигида Барот калнинг тўдасига қўшилиб, босмачилик қилган экан. Қишлоқдаги қариндошлари бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб, «Уялмайсанми, талончилик қилиб юргани?!», дейишса, у: «Қанақанги талончи бўлай, мен ахир ислом лашкариман-ку!», деган экан аллақайси

Расми Б. ЖАЛОЛОВ чизган

1 Табармусулмон — «табар» сўзи форсча «болта» демакдир, яъни, «болта билан бўйсундирилган мусулмонлар» деган маънони англатади. Кўхитангликлар оташпарастликни қаттиқ ҳимоя қилганлар.

мутаассиб маддоҳнинг гапни соддалик билан так-  
рорлаб.

Қобил кейинчалик оқ-қорани таниб, тўдадан қочиб  
келганида ҳам бу гап ҳамқишлоқларининг эсларидан  
чикмаган экан шекилли, ўша-ўша уни таъна билан «Қо-  
бил лашкар» деб атай бошлашибди.

Бундан икки-уч йил муқаддам Қобил лашкарни  
совхоз марказидан йигирма беш чақирим наридаги  
янги ўзлаштирилаётган ерда ўрнатилган бензин қуя-  
диган пунктга қоровул қилиб қўйишди. У ўша йилиёқ  
ишхонаси ёнидан кичкинагина уйча қуриб олди. Кул-  
баси шундоқ йўл ёқасида эди. Шу сабабли ҳам қи-  
шин-ёзин кечаси чироғи ўчмайдиган бу уйча кимсасиз  
дашда адошганлар учун бир белги, тўғрироғи, бир  
илинж бўлиб кўринарди.

## 2

Бугун ҳам у одатдагидек, кеч кириши билан чиро-  
ғини ёқиб деразани тўсиб турган исқирт дарпардани  
суриб қўйди. Ўзи дамлаган юмшоққина ошни эски  
сопол қосага сузиб, эндигина бир-икки чуқум олган  
ҳам эдики, кўчадан машина сигнали эшитилди. Чол  
дарҳол ўрнидан турди: биров кутиб қолишини ёқтир-  
масди. Сочик билан қўлини артди-да, қозикдаги эски  
пахталигини эгнига илиб, ҳовлига чиқди. Дарвозанинг  
темир илгагини тушириб, қия очганида, икки киши  
унга рўбарў бўлди. Бу йўловчилар ҳам бошқалар каби  
салом-алиқдан сўнг ундан одатдаги нарсани сўрашди.  
Чол эса «Бензин йўқ», дегандек бош чайқади. Шунда  
шляпа кийган, пакана киши унинг тирсагидан тутганча  
ялина бошлади:

— Умрингизни берсин, лашкар бова, бир ёрдам  
қилинг. Хотиним машинада тўлғоқ тутиб ётибди, мар-  
казга элтялмиз...

«Оббо, бу шопир халқи хўб мўлтони бўлади-да, —  
деб ўйлади чол. — Бензин халтаси ярим бўлдимга, дод-  
лашга тушади».

— Бензин ўзи йўқ-да, — деди уф тортиб. — Йўлов-  
чи-пўловчи мошиналардан сўранглар.

Келганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Ҳеч бўлмаса, икки сатил беринг, — деди новчаси  
овозини баландлатиб.

Чол бош чайқади:

— Қўйинглар шу гапни, Яхшиси, уйга киришлар,  
чой қайнаб турибди. Ичиб кетасизлар...

— Чой эмас, бензин сўраямиз, бова, — деб тўн-  
ғиллади пакана киши. — Қўрқманг, рози қиламиз!

— Йўқ, дедим-ку...

— Бу босмачини биламан, бермайди! — деди новча  
йигит чолга ўқрайиб.

— Билсанг бўлди, кетавер!

Қобил лашкар шундай дедию қаттиқ мушт зарбидан  
девор томонга учиб кетди. Новча йигит тепасига келиб,  
тасма билан унинг қўлларини боғлади, шериги эса  
чолнинг киссасидан бир шода калитни олди.

Қобил лашкар узала тушганича санаб ётди: маши-  
нага уч челақ ёқилги қўйишди. Ҳаммасидан ҳам унга  
алам қилгани шу эдики, иши битгач, улар чолнинг  
қўлларини ечиб қўйишни унуттирмади. Ана энди, ун-  
дан зўрлик билан бензин олиб кетишганига ким ҳам  
ишонарди?!

Шунинг учун ҳам Қобил лашкар бу тўғрида ҳеч  
кимга чурқ этиб оғиз очмасликка қарор қилди.

Машина жўнаб кетгач, чол оғриқ зарбидан ҳамон  
инқиллаб қоровулхонага кираркан, «Майли, ўз қўлим  
билан берганим йўқ-ку!» — деб ўйлади ювош тор-  
тиб. — Шундай экан, ҳеч кимнинг олдида юзим шувит  
эмас».

Қобил лашкарнинг чаккаси бигиз санчилганга ўхшаб  
оғрирди. У мабодо бигиз билан уришмадимикан, де-  
ган ҳаёл билан чўтир юзига белбоғини авайлаб теги-  
зиб ҳам кўрди. Бигиз оғригидан ёмон оғриқ дунёда  
йўқ. У буни яхши билади.

Бу воқеа қоратегинлик босмачи Барот калнинг тў-

дасига қўшилган куниеқ бўлган эди. Тўғри бигиз унга  
эмас, отини «ислом лашкарлари»га беришдан бош  
тортган Азиз мулланинг кўзларига санчилган бўлса  
ҳам, Қобилнинг юраги ўйнаб, кўзи тиниб кетган эди.  
Ушандан буён «бигиз» деган сўзни эшитса ҳам се-  
каниб тушади. Бўлмаса, неча йиллар ўтди, эҳ-ҳе...

Қобил лашкарнинг бир нарсага ақли етмасди. Нега  
одамлар уни уришди? Ахир у умр бўйи хизматини  
ҳалол бажариб келяпти-ку? Дарҳақиқат, чолнинг ода-  
ти шундай: у ҳамиша ўзи тобе бўлган одамнинг буй-  
руғидан чиқмайди. Агар бошлиғи унга «Отанг гуноҳ  
иш қилди, ундан воз кеч», деса, албатта, тап тортмай  
рози бўлади. «Ман умрим бўйи хизматимни ҳалол  
бажараётиман, одамлар шунинг учун ҳам ёмон кўра-  
ди», дея нолиб қолади у баъзан таниш-билишларига.

Чол чўлда яшайдиганларнинг кўпчилигига отнинг  
қашқасидай танилган, кўрмаганлари ҳам уни овозаси-  
дан билишади. Бу миш-мишларнинг сабаби эса битта:  
чол бензин сўраб келган одам отаси бўлса ҳамки,  
бошлиғининг ижозатисиз бир томчи ҳам бермайди:  
на пулга кўнади, на ялиниб-ёлворишга. Шу сабабли  
узоқ-яқин қариндошлари у билан борди-келдини ал-  
лақачон йиғиштириб қўйишган. Аммо чол бунга парво  
ҳам қилмайди. У ёлғиз бир кишига — совхоз директо-  
рининг шофёрига бензинни ижозатсиз беради, лекин  
унга ҳам фақат кундузи. Кечкурунлари эса унга ҳам  
ўжарлик қилади: «Дириктирди ўзи келсин ё бўлмасам,  
бошлиғимдан қоғоз келтир!»

Қобил лашкарнинг саводи бўлмаса ҳам, ҳамиша  
бериладиган битта қоғозни жуда яхши танийди. Ди-  
ректор ҳам, бошлиғи ҳам унга ўрганиб кетган, ҳатто  
шундай кишилари борлигидан мамнун. Айримлар  
унинг юзига туфлаганларида ҳам, етти пуштини қол-  
дирмай сўкканларида ҳам чол пинагини бузмайди.

Чўл шароитида, айниқса, ҳувиллаган даштада битта  
бензинколонка борлигидан, ёқилгиси тугаган ҳар қан-  
дай машина шофёри ҳам тўғри келиб Қобил лашкар-  
га ялинади. Қобил лашкар эса, албатта, ўз навбатида  
бошлиғидан қоғоз келтирса, бензин беражани маъ-  
лум қиларди. Мабодо бошлиқ аллақабқақа кетиб қол-  
ган бўлса борми, қутишдан бошқа чора йўқ...

Чол кечаси қаттиқ мушт еган бўлишига қарамай,  
эртаси кунни ҳам бензин сўраб келган йўловчи шоф-  
ёрларга ҳеч нима бермади. Кичкинагина хонасида ён-  
бошлаб ётаверди. Шу ётганича кунни кеч қилди. Кал-  
так зарбидан анча тоби қочган эди. Умрида биринчи  
марта хўрлиги келди. Қари одамни ҳам шундай ури-  
шадими, бетавфиқлар! Сўкса ҳам гўрга эди!..

Аммо у одатдагидек, бетон деворли ҳовлини икки  
марта айланиб чиқди. Тикан босиб ётган дашт тараф-  
да бориб, ўтган баҳор эккан ниҳолларидан хабар ол-  
ди, уларга сув қўйди. Лекин кўп ўтмай, тинка-мадори  
қуриб, изига қайтди.

— Соли полвон кўрса, устимдан кулмасин, тагин...  
Узимни сал ўнглаб олай, — деб қўйди юзига доғлан-  
маган ёғдан сураркан.

Соли полвон — унинг янги бошлиғи. Бундан икки  
ой бурун келган бу ишга. Ёши қирқларга борган бу  
йигит ҳам Кўҳитангдан, лекин бўлак қишлоқдан. Чол  
уни илгари танимасди. Лекин Соли полвон чолни би-  
ларкан. У аввалига директордан чолни ишдан бўша-  
тишни сўради, аммо иложи бўлмади. «Урганиб ке-  
танмиз, қўяверинг, чолнинг зарари тегмайди», деди  
директор. Шундан сўнг Соли полвон у билан муомала  
қилишга мажбур бўлди. У баъзан гўшт кўтариб чол-  
нинг уйчасига келар, бирга овқат қилишар, баъзан  
Соли полвон қистаб қўймагани учун Қобил лашкар ҳам  
«юз грамм» отиб қўяр эди. «Ҳар ҳолда, бошлиқ, сў-  
зини ерда қолдириш яхши эмас» деди у ўзинча.

Чол ётиб қолган кунининг эртасига Соли полвон  
ундан хабар олди. «Тобингиз йўқ бўлса, ман ўзим кеч-  
курун қовурдоқ қилиб олиб келаман», дея меҳрибон-  
лик қилди. Кетар чоғида, ҳовли чеккасидаги ўзи ўти-  
радиган хонага ҳам печка ёқиб қўйишни тайинлади.

Оқшомга яқин бу гап чолнинг эсига тушиб, ўрнидан  
турди. Печкага ўтин қалаб қайтгач, ўз хонасида при-



мус ёқди. Одатдагидек, декчада шўрва қайнатиб қўйди. Сал хотиржам бўлиб, нос чекди-ю, носқовоғининг тиқинини йўқотиб, кайфияти бузилди. «Кўз сабил ҳам кўрмай қолади шекилли», дея уф тортарди чол хонада қаққайиб турган ёлғиз каравот тагидан тиқини қидираркан, диққати ошиб.

Эшик тақиллаганда, чол носқовоқ тиқинини эндигина топиб, хурсанд бўлиб ўтирган эди. Хурсанд ҳам бўлмасинми, тиқин нуқрадан қилинган, уни уруш йиллари меҳнат батальонида бўлганида бир тожик берган эди. Уша тожик унинг бошлиғи эди.

Соли полвон ёлғиз эмас, бир қиз билан кириб келди.

— Утирибсизми, бова, э, яшанг!

— Бир нав, жиян,— деди чол унинг ҳамроҳига ҳайрон бўлиб қараркан.

— Ҳа, бова, мани танимадингизми? — деб сўради қиз кулимсираб.

— Кўрганга ўхшайман...

— Қўшни совхоздан,— деди Соли полвон,— механизатор... Машҳур механизатор! Мукофотга «Жигули» олган. Бало қиз.

— Унчалик эмас,— дея ўнғайсизланди қиз, кейин чолга юзланиб деди: — Машинага запчас олиб қўйган экан бу киши. Шунга келган эдим...

— Бу йил бизди совхозга келаман деяпти Ҳалима-ой... Шундайми? — Соли полвон қизга қараб илжайди.

— Ана бу бошқа гап. Совхозга асли шулар керак,— дея қизнинг ўрнига жавоб қилди чол.

Соли полвон Ҳалимани эргаштириб, чеккадаги хонага кириб кетди. Дам ўтмай Соли полвон қайтиб чиқди, машинасидан қази, колбаса ва бир шиша ароқ олиб, чолнинг хонасига кирди.

— Бова, озроқ овқатдан сузинг. Икков бир ўтириб ичайлик... Қизнинг қорни тўқ экан. «Емайман», дейди.

Чол бу гапдан хурсанд бўлиб кетди.

Соли полвон унинг олдидан чиққанда, деразадан Зухра юлдузи энди кўринган эди. Чол бир оздан сўнг бурчакда турган обдастани олиб, таҳорат қилгани ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Бетон девор оша олисдаги посёлка томонда кўп қаватли уйлarning чироқлари кўринади. Чол Соли полвоннинг хонаси ёнидан ўтиб бораркан, бехос ичкаридан қаттиқ-қаттиқ чиқаётган овозни эшитиб, жойида тўхтаб қолди.

— Уялмайсизми! — дерди қиз йиғи аралаш ҳиқиллаб. — Отам тенгисиз-а! Қўлингизни олинг!..

Бирдан овоз жимиб, нимадир шарақлади. Чол нари кетди. У таҳорат олиб қайтаркан, қизнинг энди қичқирган товушини эшитди. Нафасини ютиб, бир зум керахт бўлгандек қотди. Епирай, Соли полвон қиз болага ёпишдимикан? Йўғ-э?! Жуда ёш қиз-ку?.. Ундай деса, бу бақир-чақир... Нега Соли полвон уятади?!

Чол эшик рўпарасига келиб, атай йўталди, кейин аста:

— Соли полвон, ҳў Соли полвон! — деб чақирди.

Соли полвон шахд билан эшикни очди:

— Тинч кўясизми, йўқими?! Ҳа, нима гап?! Боринг!..

Иззатингизни билиб ўтираверинг!

Чол бирдан бўшашди, каловланиб, ерга қаради, сўнг гуноҳ қилиб қўйгандек, ўз хонаси томон судралди. «Туф-туф-э, одамди имонини қочирди бу Соли полвон!», деб ғудурлади.

Чол уйга киратуриб, биринчи марта шу одам — ўз бошлиғи хато иш қилаётгани ҳақида ўйлади: «Қизи тенги нарса-я, уят, уф... Нима бўлса бўлди, манга нима? Ман нима қила оламан?.. Шартим кетиб партим қолган бўлса... — У каравотига секингина чўқаркан, қизнинг ваҳимали қичқирғи ёдига тушди. — Шўрликни бир бало қилиб қўяди бу Соли... Раҳматли қизим тенги экан...»

Қобил лашкар марҳум қизи Барнони эслади. Гўё Барно чирқираганча: «Ота, ёрдам беринг, отажон!», деб илтижо қилаётгандек туолди. Чол оғир тин олди. Кўп ўтмай яна қизнинг қичқирғи эшитилди. Ажабо, овоз ҳам шунчалик ўхшаш бўларканми?

Чол бир зум ўзининг итоатгўйлигини унутди, юра-

ги эзилиб, бурчакка тикилди, деворга суяб қўйилган ов милтиғига кўзи тушдию шартта ўрнидан турди.

Ҳа, Соли полвонга милтиқ билан пўписса қилади! Ичда-ку ўқи йўқ, бари бир у кўрқади!..

Чол негадир бирпас тўхтаб қолди — у ҳали ҳам иккиланарди. Охири, милтиқни кўтарганча сассиз юриб ҳовлига чиқди.

Эшик олдига етганида, ичкаридан бўғиқ товушлар эшитила бошлади.

— Полвон, ҳў Соли полвон! — дея у эшикни милтиқ кўндоғи билан урди.

Эшик қия очилиб, ичкаридан ярим яланғоч, ширакайф Соли полвон ўқдек отилиб чиқди. Қобил лашкар чўчиб, ўзини четга олди.

— Қизни қўйиб юборинг, полвон! — деди Қобил лашкар бўғиқ товуш билан. — Бўлмасам... — У милтиқнинг учини Соли полвонга қараб тўғрилади.

Соли полвон аввал чолга, сўнгра милтиққа қараб қотиб қолди. Лабларини мушти билан ишқаларкан:

— Бова, аҳмоқлик бўлди ўзи... Қўйинг... — деди шивирлаб.

Чол «Хўп», дегандек бош силкиди-да, милтиғини тушириб унга нимадир демоқчи бўлиб яқинлашди. Яқинлашди-ю, қаттиқ тепкидан бурчакка учиб тушди. Соли полвон энгашиб, ердан милтиқни оларкан, чолнинг тепасига келиб важоҳат билан ўқрайди.

— Эй, босмачи чол! Сан мани яхши билмас экансан! Санга ким қўйибди гапиришни!.. Узинг-ку, даврида маза қилиб ўтгансан! — деди у пишқиради. — Яна бир оғиз гинг десанг, қўлимда ўласан!.. Одамлар ҳам, ҳукумат ҳам раҳмат дейди. Ё сани бирон марта яхши одам деб айтган киши борми ўзи? Ҳе, онангни!.. Ё сани қизингми бу?!

Анчадан кейин у Қобил лашкарни ўрнидан тургазди. Чол яна урармикан, деб кўрққан эди, лекин у негадир:

— Бова, бўлгани бўлди, — деди мулойим тортиб. — Оғзингизни юлиб юринг... Қизга тегмадим, лекин, жим юринг... Қиз бари бир ҳеч кимга айтолмайди, шарманда бўлишдан кўрқади. Сиз... Сизни ҳам хурсанд қиламан...

Соли полвон милтиқни олиб, ичкари юрди.

Кўнгли айрон бўлган чол деворга суяниб турарди. Нима учун бу мазах, бу ҳақорат?.. Нега полвон уни — ювош, касалманд кишини уради? Ахир... ахир, Қобил лашкар унга ёмонлик истагани йўқ-ку? Унга шунчаки бир пўписса қилмоқчи, тўғри йўлга солмоқчи эди-ку? У бўлса... Эҳ, номерд!..

Қобил лашкарни боши айланди, беихтиёр ёнини пайласлади. Мана, пичоқни топди. Пўлат пичоқ! Соли полвон эшик томон бурилганда, Қобил лашкар пичоғини қиндан чиқариб, секин ўрнидан турди, сўнг шахд билан олдинга отилди ва... кўзларини чирт юмганча полвоннинг орқасидан шартта пичоқ санчиб юборди. У «Иҳ!», деганча деворга суяниб қолди, жон талвасасида бошини эшик қиррасига урдию уйча олдидаги ариқчага қулаб тушди.

Қобил лашкарнинг юрагида бир оғриқ пайдо бўлди. Лекин у кўп эмас, бир лаҳзагина давом этди, холос. Кейин, чол бирданга тетик, айни пайтда совуққон бўлиб қолди. Мияси аниқ ишлай бошлади. «Нима бўлса ҳам қиз кўрқмасин», деб ўйлади у ва тўғри хонага кирди.

Хона бурчагидаги тўшак устида қўллари боғлиқ, оғзига рўмолча тикилган қиз типирчилаб ётарди. Чол гарангсиз унга тикиларкан, ҳайрон бўлиб қолди. «Бу қиз Барно эмас-ку?! Ҳатто унга ўхшамас ҳам экан...» Боя полвон билан бирга келганида, юзини кўрган эди, лекин унда ҳеч нарса ўйлагани йўқ. Фақат йиғлаганда овози Барнога ўхшаб кетаркан. «Барно! Қизим, сени деб қилдим шу гуноҳни! Бунинг овози сеникига ўхшар экан. Сенга ҳеч яхшилик қилолмаган эдим. Ўйлабманки, бу сенсан, мени ёрдамга чақиряпсан... Кечир, қизим. Қарилик қурсин! Нима бўлса бўлди. Яратганнинг ўзи кечирсин. Ахир умрим бўйи ҳеч кимдан кўрмаган яхшиликни сендан кўрганман. Ҳамма отангдан жирканганда сен жирканмадинг, ҳамма маломат қилганда,

1. Уятади — ундай қилади (шева).



сен доимо кўнглимга қарадинг. Дунё кўзимга тор кўринган чоғларда ҳам, дардга йўлиқиб ётиб қолганимда ҳам кунимга сен ярадинг. Олдимда уйни тўдириб юришининг ўзи мен учун қандай давлат эди!.. Эй, рўшнолик кўрмаган қизим-а!»

### 3

Ушанда у Қоратоғ каналидан энди қишлоққа қайтган эди. Туғилган ериндан хоҳ узок, хоҳ қисқа муддат бўлсин, четда юриб, бир кунни қайтиб келсанг, йўқотган азиз нарсангни топиб олган одамга ўхшаб қоларкансан. Лекин қишлоқда сени кутиб олувчи бирор қадрдонинг бўлмаса, яна алланарсасини йўқотган одамга айланасан. Қобил лашкар ҳам бундан ўттиз йил муқаддам бир бор ана шундай ҳолга тушган эди.

Уруш энди тугаган эди. Ёши ўтганини назарда тутибми, уни урушга олишмаган эди. У меҳнат батальониди бўлди. Қоратоғ каналда ишлади. Уруш тугаши билан кўплар қатори у ҳам шоду хўррамлик билан она қишлоғига қайтди.

Уша кунни район марказидан азонда йўлга чиққан одам, оқшомга яқин қишлоққа етай деганда, қирдан — ўримдан қайтаётган бир гуруҳ хотин-халажга дуч келди. Улар Анжирли булоқ бўйида кўшиқ айтиб, вақтинчилик қилиб ўтиришарди. Буни кўриб Қобил лашкар бир нафас ҳайрон бўлиб турди. Назарида гўё ҳеч қачон уруш бўлмагану бу ерларга ҳатто акс-садоси ҳам етиб келмагандек туюлди. Бу ҳол унинг кўнглини ҳатто бир қадар кўтариб юборди. Бирининг эри, бирининг ўғли, бирининг отаси урушда ўлган бу аёллар ўзларини ўзлари овутиб, нотагон кўнглиларини юпатиш учунгина шундай қилиб юришганини Қобил лашкар кейин — қишлоққа борганида англади.

У йўл устида туриб, аёллар даврасига синчиклаб разм солди: хотинини излади. Лекин улар орасида Ойгул йўқ эди! Унинг юрагига бирдан ғулғула тушди.

Аёллар Қобил лашкарни ариқча яқин келиб қолганидагина пайқаб, пир этиб учган қушлардек, дарҳол ўринларидан туришди, беихтиёр тизилишиб, навбат билан, бирин-кетин келиб унинг иссикдан терлаб кетган қадоқ қўлларини ушлаб кўришди, очиқ чеҳра билан сўрашишди. Кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдиришни ўрнига қўя олди бу аёллар! Яхшики, шулар бор экан, бўлмаса, Қобил лашкар ўша кунни ич-этини еб, ўзини қаёққа уришини билмаган бўларди.

Қобил лашкар қишлоққа етгунча, йўл-йўлакай ҳамма гапни улардан билиб олди: қишлоқдан урушга кетган ўн беш эркекнинг учтаси омон қайтибди. Меҳнат батальонига жўнаганларнинг бариси қайтиб келибди, кўплари колхоз маркази — Зарабоққа кўчиб ўтишибди. Қобил лашкар Ойгулни сўраганида, аёллар бараварига жимиб қолишди. Фақат Орзиқул темирчининг хотини Қумуш очигини айтишга журъат қилди: Ойгул икки ой аввал етти яшар қизчаси Барнони ташлаб, Кўхитанг ортига — ота юртига яшириқча кетиб қолибди...

Қобил бевафони излаб у ерга боролмасди. Борса, Ойгулнинг туркман қариндошлари уни омон қўйишмаслигини яхши биларди.

Қобил лашкар бу нохуш хабардан гангиб қолмади. Аёллар унга сўз билан эмас, бошни айланттирувчи қарашлар билан ҳам тасалли беришди, унинг юрагига янги бир ҳислар тўлқини оқиб киргандек бўлди.

У кечқурун қизини олиб келгани акиси Каримнинг ҳовлисига қараб жўнади. Ҳовлига етмасдан бурун, сал берироқдаги букри тутга суяниб, нафасини ростлади. Шундагина баданига титроқ кирганини, тиззалари ҳам билинар-билинмас қалтираётганини пайқади. Уни безовта қилаётган нарсани на қизи, на акиси, на дўст-ёрлари билан дийдор кўришида ҳаяжони эди. Қобил лашкар мана шу сой қиргоғида неча йиллардан буён қад кўтариб турган пахса деворли ҳовлини кўриб шу ҳолга тушган эди. Ахир, бу ер фақат акиси Каримнинг эмас, бир пайтлар Қобилнинг ҳам ҳовлиси бўлган, у шу уйда туғилган, шу ҳовлида ўсиб-улғайган. Лекин бу ҳовли-жойда ҳаққи йўқлигини Ойгулни олиб

қочиб келган пайтларидаёқ билган эди. Ушандан кейин бу ҳовлидан жудо бўлди. Соё бўйидаги ялангликдан ўзига уй қурди, атрофини пахса девор ва қалов тош билан айланттириб олди. Лекин туғилган ҳовлисидан ҳеч кўнгил узолмасди, ҳадеб боргиси келаверар эди. Баъзан томга чиқиб, туғилган уйига соатлаб тикилиб ўтирарди. У ер Қобилнинг янги ҳовлисига нисбатан пастликда бўлганидан яққол кўриниб турарди.

Ҳозир ҳам ана шу қадрдон, айни пайтда бегона ҳовлига кириб бораркан, болалик хотиралари, онаси пишириб берадиган лазиз таомлар, отаси билан подадан ҳориб-чарчаб қайтган дамлари хаёлидан лип-лип ўта бошлади...

У ҳовли ўртасида, тугдона дарахти тағидаги супада акиси Карим бақироққа дуч келди. Акиси ундан уч ёш катта, лекин укасидан анча ёш кўринарди. У ҳорғин товушда салом берди, акиси ўтирган жойидан кўзгалмай алик олди. Улар қуруққина сўрашишди. Кейин акиси урчуқсоп ясашга киришди. Қобил лашкар эса, янгаси билан бирпас сўхбатлашди-да, қизини эргаштириб ҳувиллаган уйига қайтди.

Акиси ҳам, қавму қариндошлари ҳам Қобил лашкар бир пайтлар Барот кал тўдасида бўлгани учун у билан борди-келди қилишмас, ҳали ҳам алланарсадан ҳадиксирабми ёки унинг қайсар феъл-атвори сабабми, тўймаъракаларига ҳам деярли аралаштиришмас эди. «Хукумат кечирди, мани ҳолимини тушунди, лекин булар... буларда тариқча шафқат йўқ! — деб кўнгилдан ўтказди Қобил лашкар йўл-йўлакай қавму қариндошларини айблаб. — Майли, худодан кўрдим... Тақдиримда бордирки...»

Ота-бола уйга кириб, ерўчоққа жимгина олов ёқишди. Қобил лашкар сафар халтасидан қолбаса, пишлоқ, бўлка нон чиқариб дастурхонга қўйди, сўнг олов ёруғида қизига тикилганча жим қолди.

— Ота, булардан озроқ беринг, Карим бобомникига ҳам олиб борай, — деди Барно бир маҳал.

Қобил лашкарнинг энсаси қотди. Лекин қизининг раъйини қайтармади, озроқ қолбаса, бўлка, пишлоқ кесиб бериб, акасиникига жўнатди.

«Онасига тортибди бу нодон қиз, — деб ўйлади у. — Кўнгилчанглик бошинга бало келтиради-ку!»

Қобил лашкар Ойгулнинг кетиб қолганига кўп ҳам қайғурмади. Ўзига хотинининг меҳри йўқлигини биларди. «Куч — билакда, бола — белда, хотин — йўлда, дейдилар-ку, — дея ўзини овутиди ўша оқшом. — Уни йўлдан топиб келган эдим, яна топилар...» Қобил Ойгулни Барот кал тўдасида санжиган кезларида, тоғнинг орқасидаги туркман овулидан олиб қочган эди. Ойгулни деб у Барот кал билан ҳам фикллашди, шундан сўнг ундан юз ўгириб қишлоққа қайтди. Барот кал Қобилдан ўч олиш мақсадида орқасидан қувиб келганида, қизиллар қўлига тушиб қолди. Лекин буни Қобил уюштирган эмасди. У ўша пайтда Орзиқул мерғанининг отасиникида яшириниб ётарди. Бир ҳафтадан сўнг Ойгул унга кўникиб кетди, у билан яшайверди. Уч-тўртта бола туғиб берди, лекин биронтаси турмади. Ниҳоят, Барно дунёга келди. Қобил лашкар ўғил кутгани учунми, унга ортиқча рўйхушлик бермасди...

Барно бобосиникидан қайтиб келганда Қобил лашкар ўчоқ бошида ўтирганча, қимир этмай ҳамон шуларни ўйлар эди.

— Ота, уйқум келяпти, — деди Барно бир маҳал. Қобил лашкар ўрнидан туриб, жой солди.

Туни билан ўхлабмай чиқди. Унга энди алам қиларди. Шунчалик жонини жабборга бериб ишлади, туғилган еридан узокларда машаққат чекиб юрди. Мана энди, бутун бошли қишлоқда уни кутадиган, бир оғиз ширин сўз айтадиган одам йўқ. Қавму қариндошлар ундан қўлини ювиб, қўлтиғига урган. Ҳатто, туғишган акиси ҳам бир пайла чойни раво кўрмади-я! Унинг гуноҳи нима? Барот калга қўшилганими? Ахир, у Бағрот калнинг қора ниятларини қаердан ҳам билибди!.. Адашди. Ҳукумат кечирди. Лекин мана бу қишлоқ, мана бу одамлар-чи! Булар нега кечирмайди!..

Қобил лашкар туни бўйи ана шундай чалкаш саволларига жавоб топмоқ бўлиб, бедор тонг оттирди.

Эрталаб эса, ертўлага яшириб қўйган қора милтигини топиб, овга чиқиш баҳонасида кўнглини ҳам ёзиб келиш тараддудига тушди. Каклик-паклик отиб келмаса, уйда ҳеч вақо йўқ. Қозон қайнамаган уй-ми? Одамлар, Қобил энди хор бўлади, деб ўйлашса керак. Йўқ, хато қилишади. Мана, қараб туришин, у энди аёли бор уйдан ҳам яхшироқ бўлиб яшайди!

Сувли дара бу ердан уч-тўрт қақирим келади. У ерда каклик кўп. Қобил лашкар бир пайтлар тоғларда ёлғиз ўзи юраверишга одатланиб кетган эди. Лекин ҳозир қизини уйда ёлғиз қолдиргиси келмадими, негадир уни ҳам овга эргаштириб жўнади.

Ота-бола кун бўйи Сувли дарада каклик овлашди. Кечга яқин қишлоққа қайтишаркан, Қобил лашкар ўзига болта кераклиги эсига тушиб, Музбулоқ ёнидаги ҳовлига бурилди. Аслида, бу ерга қадам босиш нияти ҳам йўқ эди-я, лекин шу кунларда унга болта ниҳоятда зарур эди: доимо амборхонада турадиган болтасини эрталаб роса излаб тополмади.

Уй эгаси — Орзикул темирчи кутилмаган меҳмонларни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. У чапдаст, хушфеъл, лекин бекфарзанд киши эди. Барнога кўзи тушган, меҳри товланиб, қўярда-қўймай уларни уйга олиб кирди. Қобил лашкар унинг ширакайф эканини дарров пайқади. Шунинг учун ҳам бу ердан тезроқ жилиш пайига тушди. Лекин Орзикулдан қутулиб бўлмади!

Темирчи хотинига буюриб, ўн килоча келадиган улоқ гўштини Қобил лашкарнинг кўз олдида қозонга солдирди, ёғоч сандиқни очдириб, нимаики ширинлик бўлса, барини Барнонинг олдига тўқдирди. Хотини унинг айтганларини миқ этмай бажарарди. Қобил лашкар бу аёлнинг сабр-тоқатига, одамлар бир бурда нонни қизғанадиган пайтда саховатпешалик қилганига қойил қолди, унга бирор оғиз илиқ гап айтгиси. «Эй Кумуш, сенга ҳам фарзанд ато этсин, мана шу танги, кўнгли очиқ эринг билан қўша қаригин», дегиси келди. Лекин негадир истиҳола қилди.

— Қани, гапир, лашкар,— деди Орзикул пишқириб. — Қарларда бўлдинг?

— Қоратоғда,— деди Қобил лашкар. — Канал қазидик...

— Ман сандан икки ёш кичик бўлсам ҳам, фронтга олишмади,— деди Орзикул ўксиб.

— Э, шу ерга керак бўлгансанда, Орзикул,— деди Қобил лашкар. — Ҳамма билади, темирчи — колхознинг қўл-оёғи, керакли одам...

Орзикул оғир тин олди, кейин Барнога юзланди.

— Қани, ол-чи, буларнинг ҳаммаси сенга,— деди у дастурхон устидаги тут ҳолва, қора майиз ва бир бўлак чақмоқ қандни кўрсатиб. — Ҳозир гўшт ҳам пишади... Амакингникида оч қолмадингми, ишқилиб? У аканг бўлсаям,— деди у Қобил лашкарга юзланиб, — ўлгудек очофат.— Кейин хотинига буйруқ қилди: — Бир коса мусаллас бер.

Кумуш ёғоч косада мусаллас келтирди.

Қобил лашкар ҳарчанд эътироз қилмасин, Орзикул унга ҳам ўзи тайёрлаган қўлбола мусалласдан қуйиб берди.

— Очиғини айтсам, кўнглинг кенг одам экансан,— деди у лабини артиб. — Хотининг ташлаб кетибдию сенинг эса парвойинг палак. Ман бўлсам, юрагим ёрилиб ўлардим...

Қобил лашкар индамади.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Орзикул яна. — Бари бир бола туғиб берибдику... — У пиёладаги мусалласни бир кўтаришда симириб, устидан совиган чой хўплади. — Мана, бизди хотин бўлса, қувласанг ҳам ташлаб кетмайди. Чунки, бола туғиб бергани йўқ... Тўғрими, Кумуш?

Орзикул бир чеккада чой қуйиб ўтирган хотинига мастликдан телбаникидек олая бошлаган кўзларини тикди. Кумуш унинг бу гапларига ўрганиб кетган шекли, индамай ўрнидан туриб, ўчоқ бошига кетди.

Орзикул хахолаб кула бошлади. Қобил лашкар мусалласдан озгина хўплаб, мақсадага кўчди.

— Болта йўқ,— деди Орзикул кўзларини чақчайти-

риб.— Болта берсам, одам ўлдирасан... А, лашкар, тўғрими?

Қобил лашкар урушдан олдин ҳам унинг бу одатини биларди. Ўзи хушчақчақ, меҳнаткаш бу йигит қишлоқ тўйларида озроқ ичиб олса бас; даврани роса қизитарди. Гавдасига ярашган катта қорнини силкитиб, кўзларини чаппараста қилганча завқ билан ўйнарди. Лекин сал ошиқча ичдими, бўлди, ўша кунни уйда хотинини калтаклар, кейин сой йўлига чиқиб, ҳолдан тойиб йиқилгунча яланғоч чопиб юрар эди. Одамлар уни йиқилиб қолган жойидан топиб, уйига судраб элтишарди. Шу бўйи у беш-олти ой ичмай кетар, кейин яна нимадир сабаб бўлиб, илгариги аҳволга тушар эди.

Орзикул Қобил лашкарга яна қўйди.

— Бўлди, бас,— деди Қобил лашкар. — Энди ўзинг ҳам ичма...

— Э,— дея қўл силтади Орзикул, сўнг хумдай оғзини очиб, мусалласни симирди. — Қойилман сенга! — деди у лабини чўччайтириб. — Хотининг тетибдию кўнглинг ёздагидай... Тўғри қиласан. Мана, мен ҳам хотинимни ҳайдайман. Ишонмайсанми?!

Орзикул энди қаттиқ маст бўлиб қолган эди.

— Ҳайдайман, дедимми, ҳайдайман... Ҳайдай олмайдими?! — У деворга осиглиқ қамчини олиб, ҳовлига чиқди.

— Ота, амаким янгамни ўлдириб қўяди,— деди Барно кўрқиб.

Қобил лашкар индамай, пиёладаги совиган чойни хўплади.

Ота-бола ташқарига чиққанда, Орзикул хотинини отига куч билан миндираётган эди. У Қобил лашкарга ўқрайиб қаради-да, отни қишлоқ томон елдириб кетди. Қобил лашкар хуржун ва милтиқни елкасига ташлаб, қизини эргаширганча сой сўқмоғига тушди. Улар икки қақиримча юришганча, муолишда отини етаклаб қайтаётган Орзикулга дуч келишди.

— Унга айтинглар,— деди Орзикул гўлдираб, — қайтиб келмасин. Қайтиб келса, оёғини уриб синдираман! Бошқа уйланмоқчиман. Уни талоқ қилдим. Уч талоқ!

У қаҳр билан яна нималардир демоқчи бўлди-ю, Барнога кўзи тушиб, юмшаб қолди. Сўнг бошини қуйи эгиб, уйи томон жўнади.

Қишлоққа яқинлашганда, харсангтош панасида инграб ётган Кумушни кўриб қолишди.

— Ота! — деб йиғлаб юборди Барно. — Кумуш холамин уйимизга олиб кетайлик. Бўлмасам, Орзикул амаким уриб ўлдириб қўяди...

Қобил лашкар қизининг гапидан сўнг, харсангтош томон бурилди. Қамчи зарбидан юз-кўзи моматалоқ бўлиб ётган Кумушни бориб даст кўтарди. Аёл унга норози қиёфада қараб қўйди-ю, индамади.

— Кумуш, юринг, қишлоққа борайлик,— деди Қобил лашкар.

Аёл бошини сарак-сарак қилди.

— Холажон, юринг, бизникига,— дея йиғлаб ялинди Барно. — Юринг. Хўп, деяқолинг, жон хола!

Кумуш Барнога тикилиб турди-да, бирдан бошини қуйи эгди, сўнг қишлоқ томон бир-икки қадам босди-ю, аммо қалқиниб, йиқилиб кетаёзди. Қобил лашкар уни оҳиста суяб, қишлоққа олиб қайтди.

Барно ўша кундан бошлаб унга ўта меҳрибон бўлиб қолди. Қобил лашкар эса индинига қишлоқнинг чала мулласини келтириб, никоҳ ўқиттирди. Мулла у билан кўчада хайрлашатуриб, шундай деди:

— Иним, бахтингиз бор экан, шундай хотинга дуч келибсиз. Орзикулни биласиз, феълли маълум, ичса Кумушни уйдан ҳайдайди. Бир кунни ман уни тутиб олдим-да, қаттиқ гапирдим. «Ажраладиган бўлсанг, яхшиликча ажраш, талоқ қўй», дедим. У бўса нима дейди денг: «Э, мулла ака, у билан ажрашолмайман. Уям мени ташлаб кетолмайди. Мана, йигирма йилки шу аҳвол. Ичсам, кўнгли қолсин, деб савалайман-да. Уям бир бахтини синаб кўрсин, дейман, мен ҳам...» Ана шундай, Орзикулнинг дарди ёмон. Буюғига энди Кумушни авайлайсиз.





Қобил лашкар орадан бир ҳафта ўтгач, Орзикул қўшни қишлоқдаги бир бева аёлга уйланганини эшитди. Бу гапни Кумушга айтган эди, у Барнони бағрига босиб узоқ йиғлади. Барно кўчага чиқиб кетгач, у Қобил лашкарга кўнглини очди:

— Барно бўлмаса, бу уйда бир кун ҳам қолмас эдим, — деди у бошини қуйи эгганча. — Унинг юз-кўзига кўзим тушса, кўнглим юмшаб кетади. Нимага шундай билмайман. Бир сеҳри бор ўзи шу қизингизди. Мунчоқдай қизчасини етим қилди-я онаси.

Уша куни Кумуш уйда исиріқ тутатди, кир ювди, ҳовли тозалади. Кечкурун эса, жойини биринчи марта бирга солди.

Қобил лашкар бундан ўттиз йил бурун шу тариқа яна хотинлик бўлиб қолган эди.

Кумуш келгуси йил ёзида ўғил туғиб берди. Ундан кейин туғилган бола эса шамоллаб ўлди.

Орзикул иккинчи хотинидан ҳам фарзанд кўрмади. Шундан сўнг уни ҳам қўйиб юбордию ичкиликка муккасидан кетди.

Қобил лашкар қишлоқ дўқочиди қоровул эди, шунинг учун уни ароққа келганида тез-тез кўриб турарди. Бир куни ана шу Орзикул сабаб бўлиб, Қобил лашкар ҳам тўйиб ичди.

Якшанба куни эди. Оқшом пайти. Дўкон барвақт ёпилганлиги учун бир пиёла чой ичиш баҳонасида уйига келган эди. Чойини ичиб, отланаётган эди, ҳовлисига, Орзикул кириб келди. У отидан тушмай, Қобил лашкарни чақирди.

— Хў, лашкар! Нега ишни ташлаб, бу ерда юрибсан? Дўконни ким пойлайди?

Қобил лашкар айвонда жағи айрилган этигининг тагини михлаб ўтирарди.

— Ҳозир бораман, Орзикул! Ароқ керакмиди? — дея бақирди у жойидан кўзгалмай.

— У, инсон! — деди Орзикул ғўлдираб. — Уласанми, бир пиёла чой ич, десанг! Қачон мундай одам қаторига кирасан? Акангга ўхшаб, мунча зикна бўлмасанг? Ахир, ман санга хотинини ҳам бердим-ку!

Қобил лашкарнинг тиззаси қалтиради, оёқ остида ётган узун заранг таёғини олиб, ўрнидан турди.

Кумуш бу пайтда ҳовли чеккасидаги дорга кир ёяётган эди. У Орзикулнинг келганини аллақачон кўрган, иложи борича ўзини панага олишга уринар эди. Шу тобда кўнглида Орзикулга нисбатан ачинишдан кўра, нафрат қучлироқ эди. Лекин Қобил лашкарнинг қўлидаги таёқни кўриб, шошиб қолди. Қобил лашкар хотинининг ҳаракатларини аввалига зимдан кузатиб турган эди, кейин Орзикулга андармон бўлиб Кумушга эътибор ҳам қилгани йўқ.

— Бошингни янчаман сени, — дея ғазаб билан Орзикул томон хезланди у. — Яхшиси, кет бу ердан!..

Орзикул жўрттага қилгандек, отдан тушиб, деворга суюнди. От жонивор бир нимани сезгандек бетоқат типирчилаб, турган ерида депсинди.

Кумуш қўлидаги кирни ерга улоқтирди-да, шартта Қобил лашкарнинг йўлини тўсиб чиқди. Орзикул уни кўрдию бошини ҳам қилди, кейин алам билан шивирлади:

— Шунга... шунга туғиб бердингми, Кумуш! Шу аблаҳга-я! Бу одам эмас-ку!..

Қобил лашкар унинг гапини аниқ-тиниқ эшитди, ғазаб билан таёқни кўтарганча унга ташланди. Лекин Кумуш унинг қўлидан таёқни аранг юлқиб олдию боғ томон ирғитди. Қобил лашкар, кўзлари чақчайиб унга ўқрайди. Кумуш жон ҳолатда унинг кўкрагидан итариб юборди.

— Ҳали шунақами?! — деб вишиллади Қобил лашкар алам билан. — Ҳали менга қўл кўтардингми?!

Кумуш унга ўгирилиб ҳам қарамади. Орзикулнинг қўлигидан тутиб, отга мажбурлаб миндириб юборди-да, сўнг остонага ўтирганча уввос тортиб йиғлади: «Шу бечорегга ҳам фарзанд берса, нима қиларкан-а...»

Уша оқшом Қобил лашкар овқат ҳам емай дўконга жўнади, кечаси сўраб келадиганларга олиб қўйилган шишалардан бирини очди. Бир ўзи шишани яримлат-

ди, тун оққанда уйига қайтди. Кайфнинг зўри билан хотинига ачиқ-ачиқ гапирмоқчи, бутун ғазабини тўкиб солмоқчи эди. «Бу хотин ўзидан кетди! Чала ўлик бўлиб ёганида, Қобил йўлдан олиб келгани эсидан чиқди! Яхшиликка ёмонликми энди?!», деб ўйларди у алам билан.

Уйи билан дўкон ораси уч юз қадамча келади. У бир зумда ҳовлига етиб келди. Даричани очиб, айвонга ўтмоқчи бўлган эди, оғилхонада қўйларнинг дупур-дупур қолиб, безовта бўлаётганини пайқаб қолди. Бундай қараса, бир баҳайбат ит оғилхонанинг пастак туйнугига бошини суққанча, қўйларни зир югуртираётган экан. Қобил лашкарнинг ғазаби келди. Қоровулликда олиб юрадиган заранг таёғини аста кўтариб, даричага яқин борди. Ит зўр бериб, бошини орқага тортарди. Қобил лашкар итнинг боши туйнукка қисилиб қолганини пайқайди. Итни ҳолдан тойгунча савалади. Лекин унинг негадир ирилламаётганига, шунча калтакка бардош бериб турганига ҳайрон қолди. Заранг таёқ зарбига ҳатто ҳўкиз ҳам дош беролмасди. Қобил лашкар кундузги кўнглисизликнинг ҳаммасига гўё шу ит айбдордек, сўкина-сўкина саваларди. Ниҳоят, у ҳолдан тойди, чўзилиб қолган итга ҳам қарамай, уйга кирди. Ёлғиз ўзи тиканга ағанагандек мижжа қоқмай тонг оттирди.

Эрталаб ўрнидан тургач, ит эсига тушди. Аста юриб оғилхонага борди. Бундай қараса... бир бўри ўлиб ётибди! Пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Бўрининг бақрайиб қолган кўзларидан чўчиб, орқасига қайтди, бир-икки қадам ташлади-ю, бехосдан кўз ўнгини қоронғилашиб кетди. Эшик кесакисига суюнганча қотиб қолди, юрай деб ҳарчанд уринса ҳам юролмади — бири оёғи, бир қўли ишламаз эди.

Атрофга аланглаб, сурувдан қайтган ўғли оёғи синган қўйини эшик олдида эшакдан тушираётганига кўзи тушди.

— Омон... Бу ёққа кел... — базўр товуш берди у. Омон қўйини кўтариб, унинг олдига келди.

— Қўйини қўйиб турсанг-чи! — деди Қобил лашкар уни жеркиб. — Мени уйга олиб кир... Мазам қочди.

Омон отасини айвонга ётқизиб, оғилхона олдига қайтди. Қўйини ичкарига киргизаётди, бўрини кўрдию оғзи ланг очилиб қолди. Кейин ҳамма ишини ташлаб, шоша-пиша бўрининг терисини шилишга тушди.

Барно унинг эшагини миниб, совхоз маркази жойлашган қўшни қишлоққа доктор чақиргани кетди.

Ўзбекчани тоза гапирадиган кекса лазгин докторни тоғ ораллиғида яшовчилар узоқ йиллардан бери билишарди. У Қобилни синчиклаб кўздан кечиргач, асаб томирлари қаттиқ қўрқувдан шикастланганини, бу дардни даволаш ниҳоятда мушкул эканини рўй-рост айтди.

— Шаҳар касалхонасига ётсангиз ҳам бўлади, — деди у Қобил лашкарга. — Лекин даволашлари қийин... Бу дарддан шифо топиш одамнинг ўзига боғлиқ. Томирларни силаб-силаб оёқ-қўлларни уқалаб туриш керак. Шунда ҳам, бир-икки йилсиз тузалиб кетишингиз даргумон. Уйлаб кўринглар. Агар истасангиз, шаҳарга йўлланма ёзиб бераман.

Қобилнинг шаҳар касалхонасида ётишга ҳуши йўқ эди. Шаҳарда унга ичи куядиган бирор кишиси бўлмаса... Ёши олтмишдан ошганда, энди қаерга ҳам боради? Йўқ, ҳеч қаерга бормади! Улса, шу қишлоқда тинчгина ўлади.

У уч хонали уйнинг кичкинагина хонасида тўшакни қалин солдириб, ётиб олди.

Ташқарида эса, Кумуш ўғли Омон билан даҳанаки жанг қиларди:

— Нега мунча очкўзсан? Отанг бу ерда касал ётса-ю, сен бўри терисини кўтариб овулма-овул тентираб юрсанг!

Чўпонлар расмига кўра, кимки янги ўлдирилган бўри терисини кўрсатса, ўшанга бир қўй ё эчки берилади.

— Нима, ёмонми? Югурмай-елмай ўнта қўйлик бўлиб олдим, — деди Омон дағал товуш билан. — Биров берармиди бунни?



— Одамлар нима дейди, ахир, — дея қўрқа-писа гап қўшди Барно. — Ахир, ҳамма билади-ку, отам уни ит гумон қилиб ўлдирганини.

— Табармусулмон шаънига ҳам доғ келтирдинг! — дея норози бош чайқади Кумуш.

— Қўйинг, эна, шу бўлмағур гапларни! Ҳозир табармусулмон деган гап йўқ, — деди Омон. — Ҳамма-миз совет граждани.

Қобил лашкар деразадан уларнинг гап-сўзларини эшитиб ётаркан, Омоннинг бунчалик пишиқлигига ҳайрон бўлди. «Ё тавба, пушти-камаримдан бўлган ўғлимнинг феъли акамнинг феълига тортибди-я», деб ўйлади у.

Қобил лашкар Кумушни қақриб, хаёлига келган бу фикрни айтмоқчи бўлдию, аммо қуйи лабигина қимирлади, холос. Кечга бориб, бир кўзи ҳам юмилмай қолди. У қўрқиб кетди, ичида калима қайтарди. Сўнг «Қилмишларим яратганга ёқмаганки, шу кўйга солди», деб ўйлади надомат билан. Туни билан тавба-тазарру қилиб чиқди.

Кейинги ҳафта ўғли армияга кетди. Отаси касал бўлгани учун унинг қақриув муддатини баҳорга узайтиришмоқчи эди, Қобил лашкар кўнмади. Бейхитёр эси-га Орзикул тушаверди. Гўё у: «Аканг ҳам, сен ҳам одам эмас. Мана энди, кўряпман, боланг ҳам...» дея ётгандек бўлаверди.

Қиш кирди. Қобил лашкар энди Барнога суяниб қолди. Тўғри, у бовул қилса, тагини Кумуш тозаларди. Лекин, оёқ-қўлини укалашга қолганда, негадир бу ишни Барнога буюрар, ўзи эса қўлини ҳам тегизмасди. Умуман, Кумуш билан қовушган йиллари ҳам тўшақда мана шундай совуққон эди.

— Сен менга ҳеч эл бўлмадинг бўлмадинг-да! — деди Қобил лашкар бир куни носини туфлай туриб. — Хотин бўлиб, сен ҳам мундай бир оёғимни укаласанг экан...

Кумуш индамади.

Қобил лашкар дардга чалиниб ётиб қолганидан сўнг, бир нарсасга ақли етди — қизи Барнодан бошқа ҳамма ундан ҳазар қилади. Яхшиям, бахтига шу бор экан...

Лекин қиш кунлари унинг ҳовлисида келди-кетди кўп бўлди. Бу Омоннинг суннат тўйдан бери бу ерга бунча кўп одам келмаган эди. Бир-бирига қавму-қариндош бўлиб кетган бу кичкина қишлоқнинг одамлари Қобилни бари бир ҳали унутишмаган экан. Балки, уни сўнгги марта кўриш хаёлида келишгандир. Буниси Қобил лашкарга қоронғи эди. Уни кўргани кўп одам келди, фақат акаси келмади.

Қиш ҳам ўтди, аммо Карим бақироқдан ҳамон дарак бўлмади. Қобил лашкар акасининг келишидан умидвор эди. «Наҳотки, бир қориндан талашиб тушган оғаси ҳол сўрагани келмас! Йўқ, келиб қолар», деб ўйларди у. Бироқ бу тахмини тўғри чиқмади. Тешик қулоқ эшитаркан: акаси қайси бир маърақада, «У менга ини эмас, ўлса, ўлигига бормайман», деганмиш. Қобил лашкар бу гапни онда-сонда кириб турадиган мулладан эшитиб, инграб юбораёзди. «Кўрамиз! — деди у ичида алам билан. — Мен ҳам ўлигини кўрмай туриб ўлмайман!...»

Бу воқеадан сўнг у тўнини тескари кийиб, ўта инжиқ бўлиб қолди. Бунини ўзи ҳам биларди, лекин наилож! Ҳисоб-китобли дунё бу! Ҳали ўлмаса кўради! У нафақасининг бир тийинини ҳам рўзғорга харж қилмай, қизини бозорга юбориб, янги сўйилган гўшт, хўроз, тухум олдириб, ҳаммасини ёлғиз ўзи ейдиган бўлди. Кўргани келган одамлар ул-бул нарсаси келтирса, рўй-рост ўз хонасига қўйдиранди. У урушдан олдин ертўлага милтиқ билан ёнма-ён яшириб қўйилган тилла зебигардонни ҳам энди қизига бермасликка қарор қилди. Бу зебигардон унга онасидан мерос эди. Онасининг жон бераётиб айтган бўғиқ, гуноҳқорона товуши ҳали-ҳали ёдида. У ўша куни ҳамма билан рози-ризолик тилашиб бўлгач, Қобилнинг ўзини алоҳида қақиртирди-да, ёнидаги қўшни аёлдан уларни холи қолдиришларини сўради.

Қобил ўшанда энди ўн иккига тўлган эди.

Онаси ёстигининг тагидан алланарса олиб, унга узатди.

— Бу тилла зебигардон, болам. Онамдан мерос. Пешонасида ёлғиз қиз эдим, шунинг учун менга қолдирган эди. Худо менга қиз бермади. Бирор кун келиб сен қиз кўрсанг, унга берасан. Момосининг зебигардонини унга сеп бўлсин. Бисотбошинг шу бўлсин, болам...

Қобил зебигардонни қишлоқдан анча наридаги Зарраутсой ғорига элиб яшириб қўйди. Ҳар йил байрамда ғорга бориб, унинг жойида бор-йўқлигини текшириб келарди. Бу қадимий зебигардоннинг нозик нақшларини узоқ-узоқ томоша қилиб ўтиргач, аста қишлоққа қайтарди.

Ушанда онаси нима учун зебигардонни акасига эмас, унга бергани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Қобил ёшлигида ориқ, касалманд бола эди. Эҳтимол, онаси шуни назарда тутиб, унга кўп мурувват қилгандир... Қобил лашкар бунини энди орадан неча йиллар ўтиб, дардга чалиниб ётганида хотирлади, негадир ўпкаси тўлиб кетди.

Қобил лашкар зебигардонни фақат қизига сеп қилиб беришни ўйлаб қўйган бўлса-да, акасининг ўша гапини эшитгач, кўнглида бошқача ният туғилди. Ётиб кўп ўйлади. Узоқ иккиланишлардан сўнг шундай фикрга келди: унинг бирон-бир бадавлат, ичи куядиган қариндоши бўлса эканки, мана мундай яхши-ёмон кунда жонга ора кирса... Ҳа, илож қанчал! Ўзинг учун ўл етим, деганлар. Ажаб эмаски, ягона бисоти бўлмиш шу зебигардон боши ёстиққа ётганда жонига ора кирса...

Бир куни кекса лазгин доктор яна бир хабар олишга келганида Қобил лашкар унга зебигардонни кўрсатди. Доктор зебигардонни кўриши билан кўзлари қақнаб кетди.

— Ажойиб буюм, — деди у зебигардондан нигоҳини узмай. — Сотасизми?

— Йўқ, — деди Қобил лашкар. — Мени оёққа тургазанг бас, тузалган куним сенга совға бўлади шу.

Кекса лазгин доктор Қобилнинг шартига кўнди. Эртасигаёқ у қишлоққа кунора қатнай бошлади, доридармон топиш учун эса тоғ орқасига — Туркменистоннинг Говирдоқ шаҳрига тез-тез туриб турарди.

Қобил лашкарнинг ётиб қолганига олти ойдан ошса ҳамки, ҳали-вери тузаладиганга ўхшамасди. У энди аҳволига анча кўниккан, энг муҳими, қаҳратон қишдан соғ-омон чиқиб олган эди.

Баҳор кунларининг бири эди. Барно унга айвонга жой қилиб берди. Пешинга яқин эшикдан қўшни қишлоқлик Нусрат бобо билан мулла кириб келишди. Лонгур-гунгур чой ичиб ўтиришди. Кетар чоқларида мулла Қобилга қараб деди:

— Қобил ука, шу Барно қизингни Алиқулнинг ўғлига берсанг, деб келган эдик. Ўғлини биласан, ёмон йигит эмас. Армияни ҳам битириб келди. Нима дейсан?

Қобил лашкар ҳеч нима дея олмади.

— Уйдагилар билан маслаҳат қилиб кўрайлик, — деди ниҳоят чайналиб.

— Ҳўп, маслаҳат қилиб кўр, биз тагин келамиз, — дея ўрнидан турди мулла.

Улар кетгач, Қобил лашкар Кумушни қақриб, уни совчилар гапидан хабардор қилди.

— Яхши йигит, — деди Кумуш. — Берса бўлар...

— Барнонинг ўзидан сўраб бил-чи, нима деркин, — деди Қобил лашкар.

Эртаси куни Кумуш Барнонинг гапини етказганда, Қобил мум тишлаб қолди. Барно: «Отам тузалиб кетмагунча, ҳеч кимга тегмайман», депти. Қобил «Балки бу Кумушнинг гапидир, — деб ўйлади. — Барно кетса, ҳамма оғирлик менга тушади, деган хаёлда айтаётгандир...»

Йўқ, Кумуш алдамаган экан. Қобил лашкар қизини олдига қақиртирганда, у қизариб-бўзариб, «Ота, аввал сиз тузалинг, кейин...», дея тезда чиқиб кетди.

Қобил лашкар бир ҳафтадан сўнг иккинчи марта келган совчиларга шу гапни айтди. У ўша кунлари

қизидан кўп миннатдор бўлиб ётди, баъзан ҳеч кимга билдирмай йиғлаб ҳам олди. Қари лазгинга зеби-гардонни ваъда қилиб қўйганига қаттиқ афсус чекди.

У бир кун дахшатли туш кўрди: ўзи ўлдирган бўри уйига келганмиш. «Қани, чиқ бу ёққа, Қобил!», дебди у. Қобил лашкар бўрининг гапирганига ҳайрон бўлибди. Бундай қараса, танаси бўриники-ю, боши Барот калники эмиш. «Ҳа, танимадинми? — дебди у тишини гижирлатиб. — Мени унутиб юбординг, Қобил... Эсингдан чиқармаслигинг учун, ҳозирча бир оёғингни еб кетаман...» У шундай деб Қобил лашкарга ташланибди. Қобил лашкар ниҳоятда кўрқиб ўйғонди. Дераздада чироқ милтиллаб ёнар, ташқаридан ёмғирнинг шовиллаб ёққани эшитилар эди. Вужуди кўрқувдан титраб ётаркан тўсатдан шол оёғи қимирлаётгандек туюлди. Ҳатто, қўли ҳам қимирлагандек бўлди. Қобил севиниб кетганидан ўша кун эрталабга қадар мижжа қоқмади.

Эртаси кунни ғалати ҳол юз берди: кечаси кўрган туши сабаб бўлиб, у олдига кирган ҳар бир одамни қайсидир ҳайвонга ўхшата бошлади.

Уша кун унинг хонасига биринчи бўлиб қизи Барно кирди. У отасига ювиниш учун офтобада сув келтирган эди. Қобил лашкар юзини юваркан, қизининг узун бўйни, қоп-қора шахло кўзларини, чаққон ва энгил қадамларини бугуга ўхшатди. У чиқиб кетгач, хотини Кумуш чой олиб келди, пойгакка ўтириб қуяркан, Қобил лашкар синчиклаб унга разм солди: Кумуш кўпроқ гавмуш сигирга ўхшаркан. Йирик гавдали, катта кўзлари ғамгин боқади, ўзи ҳам мулойим, унча-мунчага жаҳли чиқмайди.

Шу кун олдига бошқа ҳеч ким келмади. Лекин Қобил лашкар хаёлан жуда кўп кишиларни солиштириб ётди. Уғли Омоннинг ёдда туришию шаҳд билан юришлари ёввойи чўчқани эслатди. Акасининг қиёфаси эса, кўзи қонга тўлган буқани ёдига солди. «Ажабо, нима бало, одамлар ҳам бир замонлар шунақа ҳайвон бўлганмикан? Ё тавба, ўзинг кечир, ман бадкирдорни!», дея тавба қилди у.

Кейинги ҳафта у ўрнидан туриб юрадиган бўлди. Икки ҳафтадан буён бедарак кетган қари лазгин доктор буни кимдандир эшитиб шоша-пиша келиб қолди.

— Ваъдангиз эсингиздами, Қобилвой? — деб сўради доктор чой ичиб ўтиришаркан.

— Эсимда, — дея ҳаёлга чўмиб жавоб қилди Қобил лашкар. — Айтганимни бераман. Лекин бир тилагим ҳам бор...

— Қани, хўш? — Қари лазгин сабрсизлик билан унинг оғзини поилади.

— Сурувда ўн бешта қўйим бор, барини сизга берсам-у, зебигардон менда қолса... Нима дейсиз шунга?

— Йўқ, йўқ! — деб юборди қари лазгин. — Бошида келишган эдик-ку?

— Тўғри, келишган эдик, — деди Қобил лашкар маъюс тортиб. — Лекин бу зебигардон онамдан ёлғиз ёдгорлик эди. Уни мана шу қизим Барнога қолдиришни ният қилган эдим.

— Бўлмайди, Қобилвой, — деди доктор бош чайқаб. — Мен сизни лафзи ҳалол одам деб биламан.

Қобил лашкар ҳеч нима деёлмади. Сандиқчасини очиб, зебигардонни олиб берди.

— Соғлиқ бўлсин, Қобилвой, — деди қари лазгин, — умр одамга бир марта берилади. Хўп, соғлиқда кўришайлик!..

У зебигардонни пахталик шимининг чўнтагига солиб чиқиб кетди.

Қобилнинг назарига унинг ориқ, баланд гавдаси, кўзларининг йўнаб туриши илонга ўхшаб кетди. У одамларни яна ҳайвон қиёфасида кўра бошлади.

— Манга бир бало бўлди, — деди у хотинига, — муллани чақиргин, бир ўқиб қўймаса бўлмайди.

Мулла тушга яқин кириб келди. Қобил лашкар унинг митти кўзларига, икки учи тиккайиб турган мўйловига, чўнкайиб ўтиришларига разм соларкан, худди айёр мушукни кўргандек бўлди. Мулла эса ҳеч гапдан хабарсиз, ундан ҳол сўради. Қобил лашкар кечаси басинқираб чиққанини, кўзига одамлар ҳайвон суратида кўринаётганини айтиб ҳасрат қилди. Мулла узун бир

суърани минғирлаб ўқиди-да, Қобил лашкар нафақа пулидан берган беш сўми олиб, чой ичишга ўтирди. Қобилнинг узундан-узук, аммо маза-матрасиз гаплардан уйқуси келди-ю, бироқ чидаб ётаверди...

Қобил лашкар энди соғайиб бораётган эди. Уша кун бир йил мобайнида гуллаб ётган йўнғичқапоёга биринчи марта ўзи бориб қайтди. Кейин Барнога туғдона дарахти тагига жой ҳозирлатди. Атрофга суқланиб қараркан, кўнгли нимадандир шод, руҳи энгил эди. Бундай яхши кунлар унинг ҳаётида кўп бўлмаган. Онаси тириклигида — ўн икки ёшигача мана шундай энгил, беғам кунларни кўрган эди. У пайтда — ҳали ақлини танимаган пайтда, бундай кунларнинг қадрига етмаган экан.

У дарахт тагига ёнбошлаб ётганча кунни кеч қилди. Қобил лашкар ўзини анча ўнглаб олгач, баъзан кўчага чиқадиган, бир-ярим тўй-маъракаларга ҳам борадиган бўлиб қолди. У одамларга ҳали дунёдан умиди кўплигини, ўзини-ўзи эплай олишга қодир эканини англатиш учун ҳам шундай қиларди. Ана шундай жойларда Қобил лашкар акасига бир неча бор дуч келди, эл қатори кўришган бўлди-ю, ундан нарига ўтмади.

Кунларнинг бирида акаси дўкон мудир Хидир чўлоқ билан кутилмаганда унинг уйига кириб келди. Қобил лашкар, акам мен билан ярашгани келибди, деб ичида хурсанд бўлди. Хотинига дастурхон буюрди, ўзи чой қўйиб, уларнинг сўзига қулоқ тутди.

Меҳмонлар чой устида муддаога кўчишди. Гапни Хидир чўлоқ бошлади.

— Гап бундай, Қобилвой, — деди у томоқ қириб. — Сени бир гапдан хабардор қилайлик, деб олдинга келдик. Иккаламиз ҳам, мана, бир кам олтмишга чиқдик. Ман ҳам эрта-индин пенсияга чиқиб қолсам ажаб эмас. Сан ҳам дўкон қоровули бўлиб, оз эмас, кўп эмас, ўн олти йил хизмат қилдинг...

Қобил гапнинг нишеби қаёққа қараб кетаётганини билмай ҳайрон бўлиб ўтирарди.

— Саннинг ётиб қолганингга ҳам, мана, бир йилча бўлди. Хабаринг бордир, ўтган йили ўрнингга акангни олган эдик. Мана, аканг шоҳид, омбордаги ўн беш қоп уни каламуш кемирибди, иккита гиламни ҳам расво қилган...

Қобил лашкарнинг акаси олтмиш бешларга кирган бўлса-да, кўринишидан ҳали тетик эди. У бақуваат кўллар билан соқолини тутамлаб ўтирар, ҳамроҳининг ҳар бир гапини маъқуллагандек, бош қимирлатиб қўяр, бунга сари Қобил лашкарнинг ғаши келар эди.

— Мана шуларнинг зарарини аканг тўлади. Сан касал ётганинг учун билдирмайлик, деди. Мана, ўзиям ўтирибди. Ишонмасанг, сўра. «Энди, Қобил, минг қилса ҳам укам, пенса ёшига етганда, шарманда бўлмасин», деди аканг...

— Уруғимиз иснодга қолмасин, дедим, — деди Карим бақироқ салмоқланиб.

— Ман каламушларга эмас, омборга қоровул эдим, — деди Қобил лашкар. — Улар учун жавоб бермайман. Ўзингиз дорилашингиз керак эди искаладни.

— Биз ҳаммасини закуни билан аниқладик, — деди дўкон мудир. — Тўғри, дорилашни бошқалар қилиши лозим. Лекин сан каламуш дўкон деворини тешганини хабар қилишинг керак эди...

Қобил лашкар ғазабдан қалтиради-ю, чурқ этолмай қолди.

— Энди, ўтган ишга саловат, ука, — деди акаси мулойим товуш билан. — Мана, ман тўладим. Лекин, энди, сан ҳам зикналик қилмайсан...

Қобил лашкар ерга қаради.

— Мана, беш-ўнта қўйим бор, керагича ол, — деди у жавдираб. — Уғлим армиядан келса, уйлантираман деб юрган эдим. Бу ёқда қизим ҳам... бўйи етган. Балки қарзимни кейинроқ узарман-а?

— Айёрлик қилма! — деди акаси. — Хидирбойдан яширадиган сирим йўқ. Уша, Барот кал билан шерик бўлиб юрган пайтингда орттирган тиллаларни биз билан баҳам кўрасан...

Қобил лашкар қарахт бўлиб қолди.

— Кетинглар,— деди товуши титраб, ранги оқарганча.  
— Манга қара, Қобил, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Мана, Хидирбой қўшни қишлоқдан эшитиб келди: лазгин дўхтирга тилла зебигардон берибсан-ку?..

Қобил лашкарнинг афти бужмайди, юрагида оғриқ пайдо бўлди.

— Билиб қўй, Қобил, эртага яна келаман. Уйлаб кўр... Йўқ десанг, милисага хабар қиламан,— деди акиси таҳдид билан.

— Келиб юрма,— деди Қобил лашкар.— Сани ифлос одам эканингни билардим-у, лекин бунчаликка боради, деб ўйламаган эдим. Майли, қўлингдан келганини қил, лекин уйимга бошқа келма!

Чақирилмаган меҳмонлар бу гапдан сўнг дарҳол ўрнидан кўзгалишди.

Ақиси эртасига келмади. Лекин индинига иккита милиция ходими ва прокуратурадан бир терговчи келди. Улар бир ҳафта бўлим бошлигининг уйида туриб, Қобил лашкарни, Кумушни ва Барнони алоҳида-алоҳида сўроқ қилишди, ҳовлини тит-пит қилиб олтин излаб кўришди. Тополмагач, Қобил лашкардан «Менда ҳеч қандай тилла йўқ», деган мазмунда тилхат ёздириб кетишди.

Шу бир ҳафта ичида Барно қаттиқ озиб кетди. У Кумушнинг юпатишларига қарамай, «Отамни қамаб қўйишса, нима қиламан?», дея кечасилари билан йўглаб чиқар, «Шу отамдан бўлак менинг кимим бор, ахир?!», деб ич-эттини ер эди.

«Отам ёмон одамми, эна? Ахир, у ҳеч кимга ёмонлик қилмайди-ку? Нега уни ёмон кўришади?», деб сўрарди у.

Кумуш Барнони яхши кўрар, лекин унинг отасини ёқтирмас эди. Буни Барно ҳам ич-ичидан сезиб юрарди. Нега шундай? Нега мунча бағритош экан бу одамлар! Мана энди, қариган чоғида отасини қамаб қўйишмоқчи! Отасининг яшириб қўйган тилласи бор эмиш. Агар тилласи бўлса, Барнодан яширармиди? Ҳеч бўлмаса, унга янги кўйлак, янги пальто олиб бермасмиди? Отаси билади, ахир, унинг пальтоси йўқ, ўғай онаси тикиб берган эски камзулда юрибди...

Кумуш қизга узоқ-узоқ унсиз тикилиб турар, «Тўғри, отанг ҳеч кимга ёмонлик қилмайди, лекин бирор кимсга яхшилик ҳам қилмайди!», деб айтолмас эди. Тафтиш тугагач, Барно тўсатдан ётиб қолди, ҳадеганда иситмаси тушавермади.

Қобил лашкар эртаси кунни эшагини миниб, қари лазгинни чақириб келди. У Барнони текширгач, укол қилди, бир талай дори-дармон бериб кетди. Орадан яна икки кун ўтди, аммо Барнонинг иссиғи ҳалиям баланд эди.

Қобил лашкар қари лазгинни яна олиб келди. Бу сафар у: «Энди шаҳарга олиб тушмаса бўлмайди, мен шаҳар касалхонасига хабар қиламан», деди беморни синчиклаб текширгач.

Эртаси кунни шаҳардан янги «Тез ёрдам» машинаси келди. Лекин йўл бузуқ бўлгани учун, ҳовлининг олди-гача келолмай, сой бўйида қолди. Барнони «Тез ёрдам»нинг ёш шофёри ва лазгин доктор суяб, машинага элтишди.

Уйда Кумуш ёлғиз қолди. «Мол-ҳолга қараб тур,— деб тайинлади Қобил лашкар хотинига.— Ман эртаниндин келарман».

У ўша кунни Барнони касалхонага ётқизди. Уйига қайтаётиб, лазгин докторни шаҳар касалхонасининг дарвозаси олдида учратиб қолди.

— Дўхтиржон,— деди Қобил лашкар ёлвориб,— бир нарсасу расам майлими?

— Хўш, хўш?— дея унга синовчан тикилди доктор.— Нима гап?

Қобил лашкар бир зум нафасини ростлаб, муддаога кўчди.

— Тўғриси яна айтсам, дўхтир, яна ўша гап... Бу кеча уйингизга бормоқчи эдим. Нима десангиз розиман, жон дўхтир, ўша зебигардонни қайтиб беринг. Қизимга аталган эди. Ман аҳмоқ бўлмасам, ўзимни ўйлай-

манми! Мана шу ишимга худонинг ҳам ғазаби келди, қизим касал бўлиб қолди. Раҳмингиз келсин.

Қари лазгин лабини чўччайтирди:

— Хўш, ўрнига нима бермоқчисиз?

— Нима десангиз, майли. Мана, ўнта қўйимни берман. Сотсангиз, пулига бир эмас, иккита зебигардон олса бўлади. Бу, энди онамдан ёдгорлик эди, дўхтиржон...

— Бўпти,— деди қари лазгин.— Қизингизни бахти очилсин, майли. Фақат, қўйларни эрта уйга ҳайдаб келинг.

Қобил лашкар ёш боладай севиниб уйга қайтди.

Эртаси кунни ўнта қўйни тўғри қўшни қишлоққа — қари лазгинниқига ҳайдаб борди. Зебигардонни олиб келгач, кичкина чарм чамадончасига солиб қўйди-да, ўзи Кумуш билан шаҳарга — касалхонага жўнади.

Уйла у қизининг қандай ётиб қолганини Кумушдан эшитдию бағри ўртанди. Шундай фарзанди борлигига шукр қилди...

«Эй худо,— дерди у ҳар сафар эрталаб ўрнидан турганида,— қизимга шифо бергин!.. Марҳаматингни ундан аямагин!»

Икки ой давомида эру хотиннинг оёғи шаҳар касалхонасидан узилмади. Лекин, негадир худо Барнога марҳамат қилмади — учинчи ой бошида у оламдан ўтди.

Қобил лашкар унинг еттисини ўтказгач, қари лазгин келиб, Барнонинг қандай дардга йўлиққанини айтиб берди.

— Биласизми, қизингизнинг бурни учида хол бор экан. Ана шу хол кўрқувданми ёки тирналишданми ўсиб, катталашган, кейин эса ракка айланган,— деди у бош чайқаб.— Шундай дуркун қизга ёпишди-я бу дард!

Қобил лашкар унинг гапини эшитаркан, раҳматли онасининг бир гапини эслади: «Хол — бу ўзи бир хўсн, лекин, аслида илон. Агар у кўзгатиқса, одамни нобуд қилади...»

«Рак» дегани шу илон экан-да, деб ўйлади Қобил лашкар белбоғининг учи билан кўз ёшини артаркан.

Қизининг қирқини ўтказгач, у кекса бир чўпоннинг маслаҳатига кўра, бир ҳафтага тоққа чиқиб кетди. Чўпонга қўшилиб, сурув орқасидан юрди, кўнглини ёзди. Тоғдан тушгач, қишлоқда тургиси келмади. Уша кунлари кўпгина ҳамқишлоқлари Шеробод даштига кўчишаётганини кўриб, Қобил лашкар ҳам хотинига «Даштга кўчамизми?», деб кенгаш солди. Лекин, Кумуш ҳеч қабъқа кетолмаслигини айтганда, Қобил лашкар энди ҳақиқатан ҳам ўзининг ёлғиз қолганини англади. Олам кўзига қоронғи кўринди. Хотинига: «Насибамиз қўшилмаган экан, энди сани бошинг очик», дедию ҳовли-жойни унга ташлаб, ўзи даштга кўчиб кетди.

Дашт шамоли, кенгликлар, янги одамлар ўксик кўнглидаги ғамга барҳам бергандек бўлди. Лекин Барнони эсласа бас, кечалари йўглаб чиқарди. «Мани деб жувонмарг бўлди шу қиз! — деб ўйларди у ўзини айблаб.— Э, худо, нега менга шифо бериб, уни олдинг?...» Шундай пайтларда у ўзига ўлим тиларди. Бироқ ёдига акиси Карим бақироқ тушиб қолса, дарҳол ниёти ўзгарарди. Ана шунда акасига қасдма-қасд яшашни истаб қоларди.

У бир кун бензоколонка олдидаги водопроводдан юз-қўлини чайиб қайтаётган эди, уйининг ёнида Орзикул темирчига дуч келди. У очик юз билан Қобил лашкарга қўл бериб кўришди. Унинг ранги тиник, кўзлари равшан, уст-боши озода эди. Қобил лашкар уни кўпдан буюн бундай ҳолда кўрмаган эди. Яқинда ҳамқишлоқларининг биридан Орзикул Кумушни олиб кетганини эшитган эди. «Сени ёлғиз ташлаб қўймайман, ўлсам, ундан кейин майли», деганмиш у Кумушга.

Орзикул Қобил лашкарнинг ҳасрат тўла кўзларига бирпас боқиб турди-да, чайнала-чайнала гап бошлади:

— Узингни оғзингдан эшитай деб келдим. Унинг жавобини берганмисан?

Қобил лашкар унга ғамгин бош ирғади, тасдиқ қилдию тезда уйга кириб кетди.



Бошқа нима ҳам дея оларди? Ким билибди шундай бўлишни!..

Қобил лашкар Орзиқул билан учрашгандан сўнг, икки йилгача қишлоққа қадам босмади. Уғли Омон армиядан қайтгандегина борди. Кейинги йили Омонни уйлантирди, лекин ўзи дашта қолди. Орадан бир йил ўтиб, тўнғич невараси туғилганда, Қобил лашкар юртга тўй бериб, «Қобил бова» бўлиб олди.

#### 4

Чол механизатор қизнинг тепасида тик қотганча турарди. «Бу қиз бегона бўлса, ман нима қилиб юрибман гуноҳга ботиб? — деб ўйлади у ниҳоят. — Узим-ку, ҳукумат олдида шундай ҳам гуноҳкорман...»

Қиз ҳушига келган бўлса-да, бироқ кўзларини чирт юмганча инграрди. «Нима бор эди бунга, эркак кишининг орқасидан эргашиб!..»

У қизнинг қўлларини ечмоқчи бўлди. Аммо дарҳол фикридан қайтиб, дераза ёнига келди. Баданига титроқ кирди. Энди бутун важоҳати ўзгарган, қалин, оқара бошлаган қошлари остидаги катта, киприксиз кўзлари чақчайиб кетган эди. «Қариган чоғимда аристон бўламанми?! Улигим ҳам ўша ерларда қолиб кетади-ку!», дея инграрди чол. У бир зум ўз қишлоғини, тоғларини кўз олдида келтирди. «Сени бирор киши яхши деб айтганми ўзи? Ҳатто пушти-камарингдан бўлган ўғлинг ҳам айтмайди!», дея Соли полвоннинг гапларини эслади. «Ҳеч бўлмаса, ўғлимнинг олдида юзим шувит бўлмасин, — деб ўйлади у. — Айтаман, барини айтаман. Уз ўғлим-ку, тушунар, англар... Кейин, майли... Уғлимга учрайман. Қишлоғимни, она юртимни охири марта кўрай. Кетиш керак, ҳозироқ кетиш керак!»

Қобил чол қайтиб қизнинг тепасига келди. Қўлларини ечиб, ўрнидан турғазди. Қиз кўзларини очиб унга қаради-да, ўгириб йиғлади.

— Узингни бос, қизим, — деди чол. — Сани деб ман ҳам гуноҳга ботдим. Бўлар иш бўлди... — У энтикиб кетди, кўзларидан оққан ёшини энги билан арди. — Гапимга қулоқ сол... Сан бу ерга келганинг ҳам йўқ. Ҳеч нарса ни кўрганинг ҳам йўқ. Тузукми?

Қиз ҳамон гарангсиб, сочларини тузатаркан, индамади. Чол яна гапичи қайтарди. Қиз йиғлаб, бош силкиди.

Ҳовлига чиқибди. Чол ариқ ичида ётган Соли полвондан хабар олмоқчи ҳам бўлди, лекин икки қадам юриб, яна ортига қайтди. Соли полвон ётган ариқ томонга бир қаради-да, қиздан сўради:

— Машина саникимми?

— Ҳа, — деди қиз ердан кўз узмай бораркан.

— Кўчага чиқавер. Ман орқангдан чиқаман.

Чол уйчасига кириб, эски қутини очди. Улимлигига йиққан пулларини, тилла зебигардонни, ўзи тиккан мўккисини олди.

Қиз машинада чолни бетоқат кутиб ўтирарди.

Қобил чол дарвозани қулфлаб, машинага ўтирди. Бензоколонка чўл қўйнида кимсасиз қолди.

— Сентирга борасизми? — деб сўради қиз секин.

Чол қизга хўмрайиб ўтирарди.

— Бова, қаерга ҳайда? — деди қиз яна.

— Катта йўлга элтиб ташласанг бўлди.

Катта йўл бу ердан анча олис, қирқ чақирим келди. Чол ана шу йўлдан ўзининг тоғ қишлоғига, ўғлининг уйига бормоқчи эди. Қишлоқ яқинида аллақандай кон очилаётгани учун, кечаю кундуз йўловчи машиналар қатнаб туради. Чол эски ҳовлисига охири марта қиш ўртасида борган эди. Ушанда тоғда совлиқлар энди қўзилаётган пайт эди. Уғли Омон армиядан қайтгандан буён чўпон. У отасини айтириб юборган экан. Қобил лашкар унга ўн кун ёрдамлашди. Барра гўштини соғинган экан, ўн кун роса маза қилди. У яна бир оз турмоқчи эди-ю, ўғли билан уришиб қолди. Яна шу лаънати бензин туфайли... Уғли билан ишлайдиган зоотехник йигитга чол бензин бермаган экан. «Нима, зоотехник бўлса ўзига, манга ўтказиб

қўйгани борми?», деди у ўғлига. Уғли ҳам қизишиб кетди.

— Ота, ода-гарчилик борми ўзи сизда?! Ушанинг орқасидан-ку кун кўриб юрибман! Икки-уч қўйни ўлди деб, акт қилади, ёрдам беради. Сиз бўлсангиз, бир сатил бензинни аяксиз!

Чол ади-бади айтишиб ўтирмади — индамай жўнаб қолди...

Қобил чол шуларни эслаб хомуш бораркан, қизнинг ҳиқиллашидан ўзига келди. Аммо индамай ўтираверарди. «Қилғиликни қилиб, энди йиғлайсанми, касофат! Шу мошинни ҳам наҳс босган ўзи», деб ўйлади ижирганиб.

— Тўхтат! — деди у бирдан.

Қиз машинани тўхтатди. Чол тушиб қолмоқчи бўлди, бир зум ўйлаб турди. Ташқарида шамол эсяпти. Осмон булутли. Чолнинг кўнгли яна ғаш тортиди. Машинани айланиб нарироқ борди-ю, яна изига қайтди.

У бор гапни ўғлига айтолмаслигини энди тушунди. Тушундию ичидан зил кетди. Наҳотки, дардини ҳеч кимга ошкор этолмаса? Кимга айтсин, Карим бақироққами? Йўқ, унга айтгандан кўра ўлгани яхши!

Тўғри, унинг дарди бедаво, ҳеч кимга айтолмайди ҳам. Кимга айтсин, Орзиқулгами? Орзиқул ёмон одам эмас, лекин ўзи билан ўзи овора. Кумушга айтсинми? У яхши хотин, лекин Қобил лашкарнинг кўнглини тушунолмайди. Ҳамқишлоқларига айтсинми? Улар Қобил лашкарни ҳамон ўша «талончи» деб билишади. Эҳ... Барно... Барно бўлса, бўлак гап эди...

Қобил чол машинага ўтириб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да:

— Ҳайда! — деб буйруқ қилди.

Қиз кўз ёшларини артиб чолга қаради.

— Бова, энди ман нима қиламан? — деди у мунга-йиб.

Чол индамади. Бир оздан сўнг қиз яна ҳиқиллади:

— Сиз нима қилардингиз қўшилиб...а? Сизни қамашади энди.

— Ҳайда! — деб хириллади чол. — Э, ҳайдасанг-чи, бадбахт!

У бир зум кўзларини юмди. Тўғри айтади! Нега ҳам шу ишга бурнини суқди? Нимадан бошланди ўзи? Ҳа, мана бу қизнинг овози марҳум қизиникига ўхшаб эшитилаверди. Шундан сўнг у чидаб туролмади...

Катта йўлга етганларида, қиз машинани тўхтатди. Чол машинадан тушмоқчи бўлди-ю, қизнинг ғамгин термилиб турганини кўриб, бирпас тўхтади.

— Бова, — деди қиз ўзини қўлга олиб. — Фақат мени ёмон деб ўйламанг. Илтмос...

Қобил чол унга анқайиб қаради.

— Сизни кўпчилик ёмон одам дейди. Мен эса, сиздай бовам бўлса, ғурурланиб юрардим.

Қобил лашкар қулоқларига ишонмади. Нима деяпти бу қиз? Ман... мандай боваси бўлса... ғурурланади? Нима учун? Уни қутқазгани учунми? Ахир, уни қизига ўхшаб кетгани учунгина қутқазди-ку? Борди-ю, ўхшамаганда-чи? Қутқазармиди? Ахир... у қизига ўхшамади-ку? Лекин қутқарди-ку?..

Қобил лашкарнинг назарида, яхши қизларнинг бари Барнога ўхшайди. Бировнинг қўзи, бировнинг ҳусни, бировнинг қилиғи, бировнинг фельд-атвори, яна бировнинг нимасидир... Мана бу қизнинг эса товуши Барнонинг овозига ўхшаб кетади.

— Отинг Ҳалим эдимми? — деб сўради Қобил лашкар бирдан юмшаб.

— Ҳа, бова.

— Энди, гап мундай, қизим, — деди у ўйчанлик билан. — Биламан, санга оғир. Чанг ютиб, пашша-чивинга чидаб шу даштада юрибсан. Бундай оғир ишга баъзан эркак ҳам дош беролмайди. Яхши қизга ўхшайсан, кўзинг айтиб турибди, болам. Сандан биргина тилагим шуки, турмушга чиқиб, фарзанд кўрсанг, отини Барно қўйгин...

Қиз унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Бу раҳматли қизимнинг оти, — тушунтирди чол. — Турмушга чиқмайман, бова, — деди қиз кўзини

ерга тикиб. — Укаларим бари ёш. Уларга қарашим керак.

— Ундай дема, болам, — деди Қобил чол. — Ёшсан, ҳали пешонангга нималарни ёзмаган. Сани худога топширдим, бор, қизим.

— Раҳмат сизга, бова, — деди қиз ғамгинлик билан. Қобил чол бир зум ўйланиб турди-да, яна машинага кирди.

— Бирпас шошма, қизим. — У чарм халтачасини олиб, ичидан тилла зебигардон чиқарди-да, қизга узатди: — Ма, қизим, бахтингни берсин. Шу зебигардон кўксингни тўлдириб юрсин.

Қиз довдираб қолди.

— Бова, ҳеч кимга айтмайман. Ҳеч нима керак эмас манга, — деди у шошиб.

Қобил лашкар қиздан хафта бўлмади.

— Қизим тенги экансан, умринг ўхшамасин, — деди товуши титраб. — Бу нарса унга насиб қилмади. Ёш кетди. Унинг учун ҳам сан таққин.

Қиз хиёл иккиланиб турди, кейин, чолнинг гапи астойдил эканини пайқаб, зебигардонни қўлига олди, бирпас тикилди-да, йиғлаб юборди.

— Энди кетавер, — деди Қобил чол. — Бахтингни берсин.

— Мани кечиринг, бова, — деди қиз кўз ёшларини рўмолча билан арта туриб.

Қиз жўнаб кетди. Қобил чол эса, тоққа элтувчи йўл четида машина кута бошлади. Лекин хаёли ҳамон қизда эди. «Йўқ, ёмон қизга ўхшамайди. Зебигардонни берганимга ҳайрон қолди, боёқиш. Бу чанг-тўзону жазирамада тентираб юравериб дунёда шундай нарсалар борлигини ҳам унутиб юборган бўлса керак».

Қобил лашкар зебигардонни унга берганига ачинмади. Фақат бир нарсага — онасидан қолган бисотнинг келиб-келиб бегона бир қизга насиб этганига ҳайрон қолди. Зебигардон Кумушга ҳам, Барнога ҳам, келинига ҳам буюрмаган экан. Нима учун? Ҳатто Ойгулга ҳам... Ойгул! У Қобилга кўникиб яшади, лекин хотиндай эмас, тутқундай яшади. Шунча йил бирга тирикчилик қилиб Қобилга бир оғиз илиқ сўз айтган эмасди. Кумуш эса Барнони деб Қобилнинг уйида қолган эди. Барнонинг бўлса умри қисқа экан. Келини... келини унга етти ёт бегона эди, келин бўлгач ҳам, етти ёт бегоналигича қолди. Мана бу қиз эса бир оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди. Қобил лашкар бундай сўзга қачонлардан буён илҳақ эди. Ўша сўзни ниҳоят бугун эшитди!

У йўловчи машина келаётганини кўриб, шоша-пиша қўл кўтарди. Машина сал нарига бориб тўхтади. Шофёр энгашиб, кабина эшигини очди. «Оқтошга, болам», деди Қобил чол ва энди машина зинасига чиққанида, шофёр таниб қолди.

— Тушинг, — деди у ўқрайиб, — тушинг!..

Чол нимадир демоқчи эди, унинг вазоҳатини кўриб, шашти қайтди. Шофёр кабина эшигини қарсиллатиб ёпди-да, жўнаб кетди. Қобил чол бирпас гаранг бўлиб қолди.

«Буниям манга иши тушган экан-да», деб ўйлади у, кейин оғир хўрсиниб, яна йўл этагига кўз тикди... Шу тахлит ярим соатча турди.

Ниҳоят, шағал ташийдиган ағдарма машина унинг ёнида тўхтади. Рус шофёр йигит камгап эканми ёки чарчаганми, «Садись, бабай», дедю то қишлоққа етгунча мик этмади. Чолга бу нарса айни муддао эди. Шу топда унга ҳеч қандай гап-сўз ёқмас, тезроқ ўғлиникига етиб олишни ўйлар эди.

Машинадан тушган, Қобил лашкар чап қўлдаги тор кўчага бурилди, ариқ ёқалаб, тепаликка чиқди. Унинг эски ҳовлиси шу ерда эди.

Аллақачон баҳор кирган бўлса ҳам, бу ерларда эрувгарчилик энди бошланган эди. Аммо чолнинг димоғига болалиқдан таниш тўпроқ иси, тоғу тошлар ҳиди урилди. Бу қадрдон бўйларни киши қаттиқ изтироб чекаётганда айниқса кучлироқ туюди... Чол меҳнат батальонидан қайтганида мана шу омухта хидларни биринчи бор сезган эди. Кейинчалик эса билинмай

кетди. Мана, ҳозир ҳам худди ўша пайтдагидек бўляпти... Чол атрофга хомуш боқаркан, хаёлидан: «Аристон бўлсам, қайта кўра оламанми, йўқми?», деган ўй кечдио титраб кетди.

«Тоққа — форга чиқиб кетаман, — деб қарор қилди у. — Топишолмайди. Умримдан бир-икки йил қолган бўлса ҳам, эмин-эркин яшай...»

У Барот кал билан тентиб юрган пайтларида кўп сирли, хилват фолларни билиб олган. У ерларда ов қилиб яшаш ҳам мумкин. Ўғли гоҳида нон-пон келтириб турса, бас. Фақат... фақат ўғли кўнармикан? «Ўғлим-ку!» — дея ички бир илтижо билан шивирлади чол. — Кўнади».

## 5

У зимистон қўйнидаги боғни оралаб, фонус илинган очиқ айвон томон юрди. Қари ит — Кўкбой чолни оёқлардан таниб, думини ликилатди, кейин келиб, унинг оёқларига тумшугини суйқади. Чол муздек қўли билан итни сийпалади. Бир пайтлар ўғли Омоннинг сурӯда юрадиган энг сеvimли ити шу эди. Умр бўйи шу хонадоннинг хизматини қилиб ўтпти. Келин ҳам, неваралари ҳам уни унутишмайди: дам овқат, дам сув беришади, дам тагини тозалашади. Ишқилиб, хизматига яраша иззат... Чолнинг бирдан кўзи ёшланди. У ҳам қишлоқда тинчгина яшаса бўлмасмиди?! Мана энди, қариган чоғида...

У секин ичкарига кириб борди-да:

— Келин! — деб чақирди. — Ҳў, Омон!

Келини товуш эгасини таниди шекилли, дарҳол қайнотасига пешвоз чиқди. Чироқни ёқиб, меҳмонхонага кирди. Чол орқасидан эргашди.

— Келинг, ота, — деди келини кўрчапа тўшаркан. — Эсон-омонмисиз?

— Шукр, — деди Қобил лашкар шоша-пиша. — За-рур иш билан келган эдим. Омон қани?

— Сентирга кетгандилар. Кеч келаман деб эдилар. Мен ҳозир...

— Чой қўйиб юрма, болам, — деди Қобил лашкар. — Чарчаганман. Жой солиб берсанг бўлди. Эртага азонда кетаман. Ота юртимни кўриб келмоқчиман. Бўлса, қовурдоқ гўшт, нон-пон қилиб, ҳуржунга солиб қўйинглар.

Келини бош ирғаб чиқиб кетди.

Чўпон оилалари кўпинча янги сўйилган гўшт сақлашмайди, ёққа қовуриб, сирланган идишларга солиб қўйишади. Нонни эса, шамолда қотириб чойга ивитиб ейишади. Чолга ана шуниси жуда маъқул келади.

Чол ўрнига кираркан, ўғлининг келиб қолишини кутар, кўнглидаги гапларни унга тўкиб солишини истар эди. Бироқ Омон ҳадеганда келавермади. Чол қанча ётганини билмайди, кўзи илинган экан, бир пайт ўғлининг товушидан уйғониб кетди. Қулоқ солди.

— Этикни торт! — деб буйруқ қилди Омон хотинига. — Отам яна келдимми?

— Ҳа, — деди хотини.

— Жонга ҳам тегди. Дастидан уялиб ўлар бўлдим... Эй, бу чўлиқ!-чи, келмадимми?

— Йўқ, индин келармиш. Укаси айтди.

Кейин даҳлизда товушлар тиниб қолди. Чол энди ухлай олмади. Бошидаги ёстиқ тош бўлиб қолганга ўхшарди. «Омон, ўғлим, — дея хаёлан унга гапирди чол. — Санга айтадиган гапларим кўп эди. Афсус!»

Йўқ! Энди ўғлига дардини айтмайди, айтолмайди. У отасини ёмон кўради. Шундай экан, нима ҳам дерди?..

Қобил лашкар Соли полвонни эслади. «Соли полвон, укам, ҳамма гап ўзингдан ўтди-да. Ахир, ўзинг ўйлаб кўр... Э, мияси айниган чол, нима деяпсан? Сан уни ўлдиридинг-ку!»

Чол инграб юборди: «Ўзинг кечир гуноҳкор бандангни!»

Ниҳоят, уни чарчоқ элитди...

Тонг саҳарда ўрнидан турди, ёнғоқ тагидаги ариқ-

1 Чўлиқ — ёрдамчи чўпон.

чада ювинаркан, челек кўтариб, сигир соғиб қайтаётган келинини кўрди. Келини хуржунга гўшт, нон солиб қўйганини, Омоннинг ҳали ухлаб ётганини айтди.

— Келин, майли, Омонни уйғотиб юрма. Ҳай, айтганча, қора милтигини ҳам олиб бергин. Асли ўзимники... Унга бериб қўйган эдим, кўнглинга келмасин. Йўл олис, келин. Милтиқ дорисини ҳам унутма...

У келинга ўзининг келиб-кетганини бошқаларга айтиб юрмасликни ҳам тайинлади.

## 6

Чол жундан тўқилган хуржунни елкасига ташлаганча йўлга чиқди. Унинг йўли энди кенг, равон эмас, сўқмоқ, тепаликлар, чангалзорлар ва нишабликлар оралиб борар эди. Қўлида ҳасса. Ҳасса ҳам одатдагидек эмас, учи айри, бир томонига узун мих ҳам қоқилган — қорли ерларда асқотади.

Қобил лашкар қишлоқ тугаб, дара бошланган ерда бирпас тўхтаб қолди. Кўз ўнгида яна марҳум қизи Барно гавдаланди. Ана, иккаласи Орзиқулникдан қайтишаётибди. Йўл четида эса ўласи қилиб калтакланган Кумуш... «Ота,— дейди Барно ёлвориб.— Кумуш холамини уйимизга олиб кетайлик. Бўлмаса, Орзиқул амаки ўлдириб қўяди». Қобил лашкар Кумушни суяб йўлга тушади. Барно отасига миннатдор бўлиб қарайди... Қобил чол ўша кундан бошлаб, унинг кўзларида аллақандай ўзгариш рўй берганини эслади. Қизининг кўзлари энди унга мулойим, меҳрибон боқарди...

Қобил чол қаттиқ уҳ тортиди-да, жадал юриб кетди.

У ёввойи олчазорлардан ўтиб бораркан, бир нарсага ҳайрон бўлар, ана шундан хўрлиги келар эди. У аслида ўз жиноятдан эмас, одамларнинг «Хўв фалончи яна шундай иш қилибди», деб айтишларидан, уларнинг нафрат билан қарашларидан қўрқиб қочиб борар, «Нега мани мунча ёмон кўришади?», деган фикр уни қийнар эди.

Барот калга қўшилганда, ўз ихтиёри билан гуноҳ қилгани йўқ-ку! Азбаройи омилиқ, лақмалиқ. Ундан сўнг ҳам, қайда бўлмасин, ўз ишига итдай содиқ бўлди-ку! Фақат Соли полвонни ўз ихтиёри билан пичоқлади. Аммо уни одамлар илгари ҳам ёмон кўришарди-ку! «Гуноҳим нима?», деб бош қотирарди чол эзилиб.

Э, ҳаммасининг падарига лаънат! Бир кун бўлса ҳам ана шу тоғда эркин, беминнат яшаб ўлади! Нима қилибди, илгари тўрт-беш ойлаб бир ўзи қўй боқиб тоғларда юрaverарди-ку! Қандай яхши эди ўша кунлар...

У энди бўлажак уйи — горни, у ерда қандай тирикчилик қилишини ўйларди. Каклик, қилиқ овлайди, ёввойи чилонжийдалардан нон қилади, сув бўлса бор... Тоғ ёнбағирларида лалми бугдой ҳам ўсади. Тоғ орқасидаги туркман қишлоқларидан нон келтириб турса ҳам бўлади. Овлоқ қишлоқлар жуда кўп. Жуда бўлмаса, ўлиникига келиб кетади. Нима бўлганда ҳам, ўғли-ку!..

У бир бута тагида ўтириб дам олди. Пастда булоқча бор экан, уч-тўрт бўлак гўшт ва яримта нонни шошилмай еб олди, кейин соқолини сувга ботирганча, қониб сув ичди. Сувнинг ҳовурига бирпас қараб турди-да, пастликка кўз ташлади. Яқин орада бўй чўзган туз тоғига — Тузконга кўзи тушган, қувониб кетди. Бир-икки бўлак туз олиш керак. Тузмисан туз-да ўзи!.. Илгарилари у фақат шу ернинг тузини ишлатарди. Бу ерда тузнинг ҳар хили бор: новвот туз, оқ туз, қизил туз, юрак туз. Энг асили — юрак туз. Тузларнинг қаймоғидан бўлган. Узиям, худди юракнинг рангига ўхшайди.

Чол ўша томонга қараб юрди. У бораётган манзил — Туз тоғи сўнги йилларда портлатилиб, туз олинар, машиналарга ортиб, шаҳарга жўнатилар эди. Бу тузнинг шаҳар бозорида ҳам нархи қиммат — килоси йигирма тийин. Яқин қишлоқларда яшовчи одамлар буни пайқаб, шу ердан туз ташишга тушишди. Узбо-

шимчалиқ билан умаришларга чек қўйиш учун Тузконга қоровул қўйилди. Қоровул Тузконга кириладиган тор сўқмоқ устидаги кулбада эрта баҳордан то кеч қузгача яшарди. Қишда эса бу ерга ким ҳам келарди, дейсиз.

Қобил лашкар ҳам ҳозир ана шу уй ёнидан ўтиши керак эди. Аммо у пусиб ўтишни хаёл қилиб борарди. Қоровул келиб-кетувчиларга беш-ўн кило тузни шундай ҳам бериб юборарди. Қобил лашкар буни биларди-ю, бироқ ҳеч кимга кўринмаслик ниятида эди. У уйнинг орқа томонидан ўтиб бораркан, аввал йўл устида турган «Газик»ка, кейин пастликда баланд овозда гаплашаётган икки кишига кўзи тушди. Ўзини харсангош панасига олди.

— Йўқ, шошманг, бир бошдан айтинг, — дерди шляпали киши соқолли чолга.

Қобил лашкар уни овозидан таниди: қишлоқ советининг раиси.

— Нимасини айтмай, — деди қоровул, — сиз ўзингиз ҳал қилинг-қўйинг-да.

— Нима бўлганини биз билайлик-да ахир. Аризангизда ҳаммасини аниқ ёзмагансиз.

— Неварам ёзган эди. Майли, айтаман. Бу ерда рабобчилар ишларди Ушалардан биттаси — Ҳақимжон билан ота-ўғил тутиндик. Қизим Хадича ҳам унга синглисидай эди. Шу Ҳақимжон Назар деган ўзидан кичик бир болани ишга олиб келди. Ўзи орага тушиб, Хадичани Назарга берайлик, деб қўймади. Тўй қилиб берди. Мавсум тугаб, Назар Хадича билан ўз қишлоғига кетди. Тинч яшаб юришган эди. Кейин бир марта тутинган акаси — Ҳақимжон Хадича билан Назарни кўрган борган экан. Назар уйда йўқ экан. Ҳақимжон Хадича билан суҳбатлашиб уйда ўтиришган экан, кампир келиб дод-вой кўтарибди. Уғлига, Хадича билан Ҳақим бирга ётган экан, деб, худони ўртага солибди. Шу-шу, қизим хўрликка чидай олма, яна қайтиб келди.

— Назар ўша Ҳақимжоннинг Хадичага «Сани ҳеч унутолмайман!», деб ёзган хатини топиб олибди-ку? — деди қишлоқ советининг раиси.

— У ёғини билмайман... Ишқилиб, ажралишди-да.

— Энди нима дейсиз?

— Нима бўларди, ё келиб боласини боқсин, ё пулини тўласин.

— Нега ЗАГСдан ўтказмадингизлар?

— Назаржон ўзи, кейин ўтамиз, ҳозир эскича қилаверайлик, деди. Қишлоқ советини ўзингиз биласиз, озмунча йўл эмас, саксон километр, ахир...

— Қизингизни ўзи сельсоветга бир борсин. Йигитни ҳам қақиртирамин. Қизингиз қаерда ўзи?

— Ўқшга кираман, деб Термизга кетган.

— Келса айтинг, борсин.

Шляпали киши машинага қараб юрди. Қоровул эса жойидан жилмай, то машина кетгунча қараб тураверди.

Қобил лашкар қоровул уйига қайтиб кириши билан, йўлни тўсиб турган темир тўсин остидан ўтди-да, юқориларида. У портлашдан бўлаклариб ётган туз тошлар орасида хиёла вақт кезиб юрди. Унга озгина бўлса ҳам юрак туз керак эди. Хуржунини қумдек уюлиб ётган туз қатламига қўйиб, негадир тиз чўқди. Туз тоғининг осмонга бўй чўзган залворли чўққилари гоят пок, гоятда суюмли бўлган аланималарни ёдига солди. Кўз ўнгида онаси — хамир қораётганда бир бўлак тузни сувга солаётгани, отасининг сигир охурига туз қўяётгани намён бўлди. «Эй, тузу насиба, ўзинг мени кечир! Ман, ахир...»

Чол ҳўнграб йиғлади. Рўпарасидаги қизғиш туз тошлари яна қон тусини эслади. У энди бу ердан тезроқ, нима бўлса ҳам тезроқ кетишни ўйлаб ўрнидан турди. Икки бўлак юрак туз топиб, хуржунга солди. Сўқмоқ йўлга чиқши билан, муюлишда қоровул чолга дуч келди. Энди ўзини панага олиш фойдасиз эди.

— Э, э, биродар, — деди қоровул. — Келинг. Тузконни зиёрат қилай дебсиз-да.

— Ҳа, шундай, бир айланиб...



Қоровул «Кўп яхши-да», деб унинг гапини маъқулади, сўнг уйига таклиф қилди. Қобил лашкар унинг меҳрибончилигидан анча хурсанд бўлса-да, узр айтди. «Раҳмат, шошиб турибман, — деди. — Тирмизга ўтишим керак...»

— Э, шундайми? — дея суюниб кетди қоровул чол. — Ундай бўлса, сиздан илтимос... Шу десангиз, бир неварамиз бор. Кўкрак эммай қўйган. Нуқул, ҳалиги бор-ку, магазинда пачка қилиб сотадиган, ҳа, ўшандан сут қилиб берамиз. Бугун-эрта охири тугаб қолади. Пошхуртга кирганда магазинчига айтиб ўтсангиз. У жияним бўлади. Боя шўро келганда ёдимдан кўтарилибди. Уша пачкалигидан юбораркансиз, денг, биродар.

Қобил лашкар нима деярини билмай қолди. Ахир, у мана бу тоғ чўққиси томон кетади-ку! Пошхурт эса йўл устида. Бу ердан олтмиш чақирим келади.

— Хўп, денг, биродар, сиздан ҳеч нима кетмайди. Узим борардим-у кампирим касал... Онаси гўдакни ташлаб Термизга кетиб қолди, қиз бўлмай бир сиқим туз бўлгур.

Қоровул чол шилпиқ кўзларини ерга тикканча, жим қолди.

Қобил лашкарнинг бутун вужуди титраб, тили ба-зўр калимага келди.

— Майли, айтиб ўтаман, — деди хуржунини у елкасидан бу елкасига оларкан.

Чол қоровулга ваъдани беришга бериб қўйган, энди сўзининг устидан чиқмаса, мана бу норастанинг ҳам гуноҳига қолишдан қўрқар эди. Пошхуртга борса, битта-яримта таниш чиқмасмикан? Одамларга кўринмагани тузук эди.

У Тузқондан уч-тўрт чақирим юргач, дашт йўлига чиқди. «Бормасам бўлмайди, — деб ўйлади. — Ким ҳам таниб ўтирибди?.. Таниса ҳам кўргилик...»

У тез-тез ўтиб турган йўловчи машиналарга лоқайд қараб ўтирарди. Ниҳоят, навбатдаги машиналардан бирига қўл кўтарди.

7

Қобил лашкар йўл устида қурилган магазин рўпарасида тушиб қолди. Шофёр бола унинг берган пулини олмади. Қобил лашкар «Омон бўл, болам», деб, магазин томон қадам ташлади.

Бу ерларда эрта кўкларнинг нафаси сезилиб қолган. Магазин олдидаги сайхонликда майсалар эндигина ниш ура бошлаган. Бир неча киши магазин яқинидаги октябрўяда ўтирганча гурунг қилишар, олдиларида уч-тўрт консерва, иккита ароқ очиб қўйилган эди.

Қобил лашкарнинг шу тобда кўнгли орзиқиб кетди. Қани эди, у ҳам шулардек бемалол ўтириб балиқ тавнавул қилса... Чол консерва балиқларини яхши кўради. Уларни чайнамасдан ютса ҳам бўлади-да, мулоимгина, бунинг устига мазали...

У магазин ичига қадам қўйганда, сотувчидан бўлак ҳеч ким кўринмади. Бу ер ташқаридан кўра совуқ, ичкаридан соғун ва туз хиди аңқир эди.

Сотувчи пештахтани кўтариб, ташқарига чиқишга тараддулланаркан, чолга кўзи тушди:

— Келинг, бова!..

У чолнинг сўзларини истар-истамас эшитди.

— Эсингиздан чиқмасин-а, болам, — деди чол гапини тугатаркан.

— Э, боласини ўша занғар отаси унутгандан кейин, бизга нима?

Қобил лашкар унга ағрайиб қаради.

— Бораверинг, етказаман, — деди сотувчи тўсатдан юмшаб.

Чол кўнглини тўқ қилиб, ташқари чиқди. Магазин четидаги даврада гурр этиб кулги кўтарилди:

— Дунёнинг ишлари шундай, укам...

Қобил лашкар бегона, беғам одамларга қараркан, ҳаваси келди.

— Кеча Музработда бир воқеани эшитдим. Бир чол, эшитганларинг бордир, бензоколонкачи чол, бир полвон йигитни пичоқлабди. Айтишларича, пичоқ баданида санчилган бўйи қолгани учун полвон ўлмаган эмиш...

— Чолни ушлашибдими?

Қобил лашкар сергак тортиб, олдинга интилди.

— Йўқ! Қизиги шундаки, йигит танишларига: «Чолга даъвом йўқ, ўзимдан ўтди», деганмиш...

Қобил лашкар бу гапни эшитди-ю, қулоқларига ишонмади. «Ё тавба, нималар бўляпти ўзи?» — У мадорсиланиб, тоғ томон қаради. Энди унинг юргиси ҳам келмас, фақат шу майса устига узала тушиб ётгиси келар эди...



Журналимизнинг июль сонидан бошлаб Мурод МУҲАММАД  
ДУСТнинг «Галатепага қайтиш» асарини ўқийсиз.



Шукур СОДИҚОВ

\* \* \*

Шоир бўлиш осон, шеър ёзмоқ қийин,  
Яхши шеър аслида жуда-жуда кам.  
Илҳом оҳусининг ортидан қувиб,  
Биз нима қилолдик, айт-чи, дўстгинам!  
«Бизга кўп ва ҳар хил шоирлар керак!»,  
Жангоҳга ўшайди назм майдони.  
Шеърят тожига кўзларин тикиб,  
Кимнингдир бўғиздан чиқмоқда жони...  
Шеърят, қайдасан, қайда маконинг!  
Мангулик, қайдасан, берсанг-чи дарак!  
—Дўстгинам, бу кўшкка йўл топмоқ учун,  
Авалло, Данконинг юраги керак!

\* \* \*

Ёдимдадир:

Вокзал.

Оломон.

Эҳтиросли бўсалар тоти.  
Олиб кетди сени йироққа,  
Поездларининг учқур қаноти.  
— Кетма, қолгин —дея ёлвордим,  
Дединг, йўқдир ўзга имконим.  
Билмам бугун, умринг поезди  
Қай манзилда кетмоқда, жоним.  
Менинг эса юрагим — вокзал.  
Томирларим — темир излардир.  
Келиб кетар қанча поездлар  
Поездларда ўзга қизлардир.  
Юрагимда бекатинг бўм-бўш,  
Сени кутар интиқ, бесабр.  
Келолмассан, оғир бурч юки,  
Йўл хатарли, йўқ ўзга таъбир.  
...Чорлагайсан.  
Этай деб сенга,  
Сатрлардан қураман излар.  
Ишонаман, қачон бўлса-да,  
Учрашади бизнинг поездлар!

\* \* \*

«Тез келинг. Қутаман. Совчилар —  
Отамнинг қариндош аллакимлари...»  
Қайгу солди ногоҳ юракка  
Ғузур — Тошкент телеграф симлари.  
Менга қанот бўлиб поездлар чопди,  
Бамисли нишонга отилган ўқдай.  
Нишонга етмадик. Йўллар адашди,  
Гўё адашишнинг ҳеч чеки йўқдай...  
Бахтимиз адашди, йўллар адашди.  
Адашди ғам билмас қувноқ байтларим.  
Йилларким, ўзимга қайтарар  
Почтальон, адашган хатларим.  
Вақт эса билмайди меҳр, шафқатни,  
Билмагани каби телеграф симлари.  
Бизлар содиқ эдик, адаштирдилар,  
Бағритош асрнинг аллакимлари...

## Миртемирнинг сўнги сўзи

Армонли шоир деб атаманг мени,  
Армон ортиқчадир бу оташ жонга.  
Бурчим-ку онамининг оқ сути ҳаққи,  
Жиндай хизмат қилмоқ она Ватанга.  
Мени босмоқ бўлган ғамларнинг тоғи,  
Вақтининг шамолида кетди емрилиб.  
Армон йўқ, ёронлар, айтсангиз ҳатто  
«Адаб қарвонининг чувир оти», деб.  
Менга ҳаёт ўзи бир қўшиқ эди,  
Куйладим, беимкон етганча ақлим.  
Ёзган китобимга буюклигинини  
Сиздир олмадим, кечиргил, ХАЛҚИМ!

\* \* \*

Мажнунтолни тинч қўйинг, ахир,  
У тан олмас Мажнунлигини.  
Уни шундай сийлаган тақдир,  
Кўз-кўз қилмас жунунлигини.  
Балки, у ҳам истамас ҳеч вақт  
Букридайин эгик яшашни.  
Балки, унга армондир бир бахт —  
Бир бор мағрур кўтармоқ бошни.  
Унинг ҳам ўз фалсафаси бор,  
Унинг ҳам бор ажиб сурурни.  
Замонларга ўтли саси бор,  
Бордир унинг уйғоқ ғурури.  
Ғурурига тега кўрманг сиз,  
Ҳай-ҳай, ёмон унинг тугёни.  
Чунки, унда мужассам сўзсиз —  
Аждодлардан мерос исёни...



Орзикул ЭРГАШЕВ

## ИККИ ҲИКОЯ

### ЧАЙЛАДАГИ ВОҚЕА

Тўрт ўртоқ йиғилишиб, полизга етиб келгунимизча шом бўлди. Эндигина маза кирган уч-тўртта сапчани тарс-турс ёриб, еб олдик. Едигу ичимизга титроқ кирди. Дийдираб, апил-тапил чайлага чиқдик-да, кўрпа-тўшакларга ўрандик.

Мана, энди сал илиб, бошимизни кўрпадан чиқарганча жимир-жимир юлдузларга тикилиб ётибмиз.

Зимистон тун. Узоқ-яқиндан чигирткаларнинг хазин чириллаши эшитилади. Полиз этагида баҳайбат толлар қорайиб кўринади. Толлар тагида сой шовиллайди. Соё тарафдан эсган шабада какра ва полизнинг омухта бўйини олиб келади.

Сойим ўрнидан туриб ўтирди.

— Хў-ўп! Жон кирдимиз озроқ, исидиларингми? Қани, Насим, Эрайигит, бошлаймизми энди? — У устимиздан кўрпани олиб ташлади. Эрайигит иккаламиз ўрнимиздан турдик, бироқ Бурҳон: «Жуда қилиғинг совуқ-да,— дея дарҳол устини ёпиб олди ва кўрпа тагидан тўнғиллади: — Кимга зарур шу совуқда ўйнаб! Яхшиси, иссиқ-кина ётиб афанди айтишамиз».

Бурҳон кўп латифа билади, кўп ўқиган. Лекин у ҳозир билагонлиги билан мақтанишни ҳам, бекинмачоқ ўйнаб совқотиш мумкинлигини ҳам ўйламаяпти. Уйин пайтида хилват бутазорлар, сойликларда ёлғиз қолиш эҳтимолидан чўчиб шундай деяпти. Бизни ўйиндан чалғитиш учун азонгача латифагўйлик қилишга ҳам рози. Мен билан Эрайигит-ку, ноиллож кўнармиз-а, бироқ, китмир Соиймдан қутулолмас... «Уй қизи» бўлиб ўтираверсанми, ҳеч бўлмаса, қовун еб келасан», деб уни бу ерга бошлаб келган ҳам ўша.

— Бир ҳисобда, бу ҳам тўғри, — деди Соийм қайтадан ўринга чўзиларкан.— Ростдан ҳам, ҳаво анча салқин бугун. Лекин, Бурҳоннинг афандилари ҳам жонга

теккан-да, жўралар. Кўп эшитганмиз... Хўп, нима қилдик энди, а?— деди у ва бирпас жимликдан сўнг биқинимга туртиб қўйди: — Шундоқ ётаверамизми?

— Нима қиласиз бўлмаса?

— Биз сенга бир кечалик меҳмон, Насим. Отангди чайласи. Бундоқ қизиқ-қизиқ гаплардан топиб айтсангчи! Ерилиб кетамиз-ку бунақада.

— Нимани гапирай?

— Гапир-да, ўтган-кетгандан. Мана, масалан, қўшнинг Киромхўжанинг оғзи нега қўйишиқ?

— Жин чалган.

— Ҳа, яша, ана шундан гапир.

— Бўлмаган гап,— деб қолди Бурҳон туйқусдан.— Бекор гап.

— Нимаси бекор гап! — деди Соийм тушунмагандек.

— Киромхўжани жин чалгани-да. Унинг оғзи туғилганидан бери ўзи шунақа. — Бурҳон бепарво оҳангда қўшиб қўйди:— Мен эскича гапларга сираям ишонмайман.— Ишонмаганинг тузук-ку, лекин биз ҳам бор гапни айтаман-да, жўра, ёлғон нима зарур! — деди Соийм ҳам бепарво. — Киромхўжанинг оғзи туғма қийшиқ эмас, аниқ жин чалган. Мана шу Шотутлида.— У бош тарафимиздаги пахта пайкали томон қараб қўйди. — У пайта Киромхўжа лаб-даҳани расо, ёш йигит бўлган. Пахта суғориб юриб, бир кунни қоқ пешинда ҳов шаршарабандга борибди. Сувни кўпайтираётса, орқасидан биров туртармиш. Угирилиб қарабди. Ҳеч ким йўқ. «Менга шундоқ туюлгандир», деб яна бандга унай бошлаган экан, тагин биров нуқибди.— Соийм ўрнидан туриб ўтирди-да, гапида давом этди: — Киромхўжа титраб кетибди. Ранги бўзариб, секин қаддини тиклабди. Не кўз билан кўрсаки, нақ оёғи остида юзи чойнакнинг қопқоғидек келадиган, бўйи икки қарич бир қизча сап-сарик, узун сочларини тароқлаб турганмиш.



Киром бечоранинг тили танглайда қотиб, ғўлдираб қопти. Қизча унинг оёғига қараб «Туф», дебди-да, ғойиб бўпти. Шундан сўнг Киромхўжани катта-катта дуохонларга роса ўқитишган ҳам — наф бўлмаган. Оғзи қий-шиқ, ўзи нимэслигича қолаверган...

Бурҳоннинг дами чиқмай қолди. Чамаси, орага суқулаверса, бундан ҳам ваҳималироқ гаплар чиқиб қолишдан чўчирди. Назаримда, Сойимнинг ҳикоясидан кўра, уни мен тасдиқлаб турганим Бурҳонга кўпроқ таъсир қилаётган эди. Шунинг учунми:

— Тўғри, ажина бор нарса, — дедим мен ҳам қизиқиб кетиб. — Мана шу янгидарҳонлик Саттор тракторчини ҳам жин уриб кетган-да.

— Ҳа, жин чалиб ўлдирган, — деб илиб кетди яна Сойим. — Тавба, у ҳам шу далада бўлган-а тагин! Шудгор пайти, кечаси ишлаган, негадир шериги келавермаган. Ҳов шотутнинг тагида тракторини ўчириб, бир оз мизғиган. Бир маҳал қандайдир шовурдан уйғонса, барзангидай одам тракторга уннаётган эмиш. «Ҳа, Неъмат келдингми!», дебди, уни шеригим деб ўйлаб. Ҳалиги одам ҳиринг-ҳиринг кулиб: «Бу ёққа тушгин-чи», дебди. Мен эс-эс биламан, Саттор ака полвонсифат, чапани одам эди. Барзангининг хотинчалиш муқомидан ҳамияти кўзиб, катта калитни қилида маҳкам сиққанча кабинадан тушибди. Тушган заҳоти ҳалиги одам шалапоқ билан солиб қолибди. У ҳам калит билан урибди. Бироқ, калит тракторнинг капотига тегиб, даранглаб кетибди. Барзанги бўлса, йўқ эмиш. Саттор акани эрталаб шотутнинг тагидан топишибди. Унг юзи қорайиб, эси оғиб ётган экан. Шундан сўнг уч-тўрт кун ўзига келиб-кетиб ётиб, охири узилибди бечора. Ана шунақа, Бурҳонбой!

— Э, ажинамас, одам бўлган у, — деди Бурҳон тилга кириб. — Барзангидай эркак деяпсан-ку! — У негадир қаттиқ-қаттиқ, ҳовлиқиб гапира бошлади. Уридан ҳам туриб олди. — Балки, бирор душман-пушмани қоронгида бир кўрқитмоқчи бўлгандир-у, лекин...

— Ажина ҳар кимга ҳар хил кўринади, Бурҳонбой! — деди Сойим яна ён бермай. — Бировга одам, бировга ит, мушук... Мана, менинг акам, армиядагиси, бир куни молхонамизга кирса, битта қора мушук бурчакда биқиниб турганмиш. Кўзлари ёнармиш. Ҳазимизники хаёл қилиб, «Мош, мош», деб қўл узатибди. Шу пайт ҳалиги мушуквачча бирдан мана шу чайла бўйи узайибди-да, акамнинг нақ оёғи тагидан ўтиб кетибди. Хайрият, акам кўрқмабди, ўшанда кўрқса борми...

— Э, бари бир мен ишонмайман. Муаллимларимиз айтади-ку, худо йўқ, деб. Худо йўқми — жин-ажина ҳам бўлмайди-да. Масалан, мен кўрмаганман, сизлар ҳам кўрмагансизлар. Сен кўрганмисан, Эрийгит?

Эрийгит нариги чеккада жимгина ётарди. Унинг феъли шунақа: камгап.

— Кўрмаган бўлса, ҳали кўради, — деди Сойим унинг ўрнига жавоб қилиб.

— Хўп, сен-чи, Насим? Кўрмагансан.

— Тўғри кўрмаганман. Лекин, кўрсам ҳам кўрқмайман. Ажина мендан ҳайиқади, — дедим мен мақтаниб.

— Нера? — деди Бурҳон дарров шубҳаланиб.

Шунда аямдан эшитган эртақнамо бир воқеани сўзлаб бердим.

— Бобомнинг бўз бола пайтлари экан. Даладан келиб, қайрағоч тагидаги сўрида дам олиб ётган экан, оёғини биров қитиқлабди. Сапчиб турса, ҳеч ким йўқ эмиш. Нима гаплигини дарров фаҳмлабди. Сўридан тушиб, қалин садарайхонлар жўягига кириб ётибди. Ажина кўпинча гул, райхон бор ерга келишини у биларкан-да. Бир маҳал ёйиқ сариқ сочлари ер супурган митти қизча пайдо бўлибди. Бобом шаппа унинг сочидан ушлабди-да, дуосини ўқиб, сўрининг поясига чандиб боғлаб ташлабди. Қизча роса аврабди. Йиғлаб-ёлворибди, парво қилмабди. Охири, унинг ваъдасини олиб, қасам ичиргач, қўйиб юборган экан.

— Нима деб қасам ичибди?

— «Ётти пушт авлодинга шикаст етказмайман!», деб. Шунинг учун ҳам бизнинг авлоддан ҳеч кимга ажина кўринмайди. Кўринса ҳам зиён етказолмайди...

Ажина ҳақида бичиб-тўқиб, Бурҳонни роса ваҳимага солдиг-у, бошимизга бало орттирдик. Энди кўзимиз уйқуга кетиши билан Бурҳон туртади.

— Эй, ухлаб қолманглар, қанақа қоровулсизлар ўзи?

— Ёт-эй! — деб жеркиб беради Сойим уйқусираб. — Ким зор шу хом сапчага?!

— «Ким зор эмиш!» Янгидарҳонликди биласизлар-ку! Насим, даданг полизни сенга ишониб кетган-а. Озиб-ёзиб бир шаҳарга тушганида ғалва чиқса, нима дейди?!

Борди-ю, биз ғафлатда қолиб, полизга одам ораласа (айтайлик, Янгидарҳоннинг бетийиқ болаларими), еганини еб, емаганини сойга думалатса, палакларни пайхон қилса, озиб-ёзиб шаҳарга тушган дадамнинг ҳордиғи бурнидан чиқса, мени бўралатиб сўкса, жуда ўтиб кетганидан, ана боринг, бир-икки қамчин урса, Бурҳон қанчалик қайғурарди, билмайман-у, лекин ҳозир унинг хаёли қочиб ухлалмаётгани, ҳамма ухлаб, ўзи уйғоқ қолишдан ваҳимага тушаётгани аниқ эди.

Бурҳоннинг қилиқларидан дам кулгим қистайди, дам жаҳлим чиқади. «Қанақа ўғил боласан ўзи?!», деб жеркиб бермоқчи бўламан-у, кўнглим бўлмайди. Ахир, жўрттага қилмаяпти-ку, унга ҳам қийин-да. Бунинг устига, у менга меҳмон.

— Бурҳон тўғри айтяпти, — дедим охири уни тинчитиш учун. — Навбатчилик қиламиз. Ҳозирча ухлай-веринглар, мен пойлаб тураман.

...Бир маҳал бошимни кўтариб, толлар устида баркашдек қизариб турган ойга кўзим тушди. Кулиб қўйдим: «Роса уйқуни урибсиз-ку, «навбатчи қоровул!»

Ой ёғдусида атроф анча ёришибди. Юлдузлар пастлашгандай. Чигирткаларнинг овози тинган. Сойнинг шовқини эса кучайибди.

Шерикларимга разм солдим. Э, биттаси қани? Хўп, бу Сойим. Наригиниси — бошини буркаб олгани, ҳойнаҳой, Бурҳон, Эрийгит... Эрийгит йўқ-ку?!

Уримдан туриб чайланинг остига, чор атрофга тикилдим, ҳеч ким кўринмади.

«Уйқусираб бирон ёққа кетиб қолган бўлса-я? Боя ҳар хил гаплар гапирувдик, туш қўрган бўлса...»

Сойимни тўрткилаб уйғотдим:

— Тур, кўзингни оч, Эрийгит қаёққадир кетиб қопти, топиб келайлик.

Сойим ўрнида бирпас гарангсиб ўтирди-да, бирдан ҳушёр тортиди:

— Кетдик.

Икковлашиб сой бўйини, толлар, тутлар тагини, буталар орасини бирма-бир қараб чиқдик. Ҳовучимизни қарнай қилиб роса бақирдик. Жимжит.

— Бўлди-е, кетдик! — деди Сойим охири сабри тугаб. — Қишлоққа жўнаворган у писмиқ.

Шу пайт пахта пайкали билан полиз ўртасидаги йўлда бир қора кўринди.

— Уйқуни ҳам ҳаром қилди-да, бу тентак! — дея Сойим чайла томон югура кетди.

Мен кутиб турдим.

— Ҳа?

— Ҳеч нима.

Эрийгит олдимдан ўтиб, чайла тарафга бурилди.

— Қаёқларда юрибсан? Утака ёрилди-ку, ажина кўтариб кетдим, деб.

У бир оз индамай борди-да, тўхтаб, менга ўгирилди:

— Насим, бояги гапинг чинми?

Унинг овозидан титраётганини сездим.

— Қайси гапим?

— Бобонг ажинани ушлагани...

— Аям шунақа дейдилар, ростдир...

— Анавиларга айтмагин-у, мен шотутнинг остига бо-рувдим.

— Нера?!

— Ажинани пойладим. «Уша ерда бўлади», дейишарди.

Бўлиқ пахтазор ўртасида нимадир сабаб билан сақланиб қолган улкан шотут остида миқтигина Эрийгитнинг биқиниб турганини тасаввур қиялпмену этим жи-мирлашиб кетди.

— Э, жиннивой, нималар деяпсан? — дея олдим зўрға.

— Уни тутиб олмоқчи эдим, бобонгга ўхшаб...

— Нега?! — дедим баттар таажжубланиб.

— «Синглим Малоҳатни тузатиб берасан», деб қасам ичирмоқчи эдим.

— Нима?!

— Униям ажина чалиб кетган экан. Онам: «Тўққиз

кечасида ажина теккан бўнга», дейди. Мана, беш йилдан бери шаҳардаги катта касалхонада ётади, лекин сира тузалмаяпти... Аттанг, ажина келмади-да!

Мен ҳайрат билан Эрийгитга тикилиб қолдим. Қизиқ, у ҳозир мен биладиган, Сойим, Бурҳон биладиган ўша ориқ, рангпар бола эмас, у бизларнинг ҳеч биримизга — менга ҳам, Сойимга ҳам, Бурҳонга ҳам ўхшамас эди.

## ТҮЙ ОҚШОМИДА

Куёвнавкарларнинг бепарда қийқириб ер тепинишларию отарчиларнинг зўр бериб бақиришларидан оромини йўқотган қишлоқ ниҳоят тинчиди. — Келин кетди.

Кўп ўтмай, хонадонлардаги чироқлар бирин-кетин ўчиб, кўчалар қоронғилик қўйнида қолди. Бу пайтда қўшни қишлоқдан чилдирманинг «така-туми», тўй ғовури эшитила бошлаган, қиз узатган қишлоқ эса, бу овозларга мунғайибгина қулоқ тутиб, маъюс сукутга чўмган эди.

...Қоронғи қишлоқдан чиқиб келган баланд бўйли бир йигит, икки томонида қатор тераклар саф торган йўл бошида бир зум тўхтади. Чўнтагидан сигарета олиб тутатдию истар-истамас яна йўлга тушди.

Олдинда, у юриб бораётган йўл адоғидаги қишлоқда, атрофи баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли бир ҳовлида тўй бўляпти. Тўкин-сочин столлар атрофида деярли бўш жой қолмаган. Базм авжида. Куй-қушиқлар шўхчан, байту ғазал, кутловлар кўтаринки. Ҳамма хурсанд. Тўйхона тўлқинланади.

Ҳовли тўридаги узун стол ортида келин-куёв, уларнинг дўсту дугоналари... Куёв — дўпписи остидан сочлари кўпириб чиққан, тўлагина, оқиш юзли йигит — анча шўх, очиққинага ўхшайди, ёнбошидаги йигитларга тез-тез алланималар деб қўяди. Улар оғизларини қафтлари билан тўсиб кулишади. Куёв қадаҳини дўстлари билан яширинча уриштиради-да, шипшиди: «Қани, ҳа, олинглар!» Кейин келинга ўгирилади, унинг юзидаги ҳарир пардани сал кўтариб, нимадир деб шивирлайди, қўлига қадаҳ тутқазади, ўз қадаҳи билан секин уриштириб қўяди: «Олинг!...» Келин сезилар-сезилмас бош иргайди-да, бир зум пайсаллаб лабига олиб боради. Куёв келиннинг столга қайтиб қўйган қадаҳига қараб норози бош чайқайди. Ўз қадаҳини бир кўтаришда бўшатиб, столга тақ этказиб қўяди. Яна хиёл энгашиб, келин билан ҳазиллашган бўлади, сўнгра жўралари билан... Куёв хурсанд, куёвжўралар, келиннинг дугоналари... Келин ҳам албатта хурсанд бўлса керак. Ахир, бунақа шодиёна умрда бир марта бўлади!

Келин-куёв ўринларидан қўзғалиб, сал бош эгиб туришди. Миқти гавдали, жингалаксоч, кўзлари қаттиқгина бир йигит дон-дон қилиб гапира бошлади:

— Қаршимизда гуноҳкорона бош эгиб турган мана бу икки ёшга бир қаранг-а! Улар шу пайтгача турли хилваттоҳларда пинҳона учрашиб, ошиқ-маъшүқ бўлиб юришган, аҳду паймонлар қилишган. Ким билсин, балки улар куни кеча худди шу вақтда ҳаммадан бекитиқча, анави Кўксой бўйларида учрашишгандир. Лекин, мана бугун бизнинг қаршимизда бош эгиб туришибди. Кўпчилик олдида биринчи бор шундай ёнма-ён турганликларидан балки ийманишаётгандир. Бошингизни кўтаринг, азизларим! Бугун сизлар келин-куёв номини олдингизлар. Истардимки, келаси йил худди шу маҳалда Ҳасан-Ҳусан ёки Фотима-Зухра фарзандлар кўриб, ота-она номини олингизлар!..

Йигитнинг сўзи қарсақлар билан олқишланди. Келин-куёв жойларига ўтиришди. Хонандалар кўшиқ бошлади.

Шу пайт тўйхонага бояги йигит кириб келди. Уни

судрагудек қилиб келин-куёвга яқинроқ столлардан бирига ўтказишди. Йигит қизаринқираб, ён-веридагилар билан бош ирғаб сўрашган бўлди. Бир оз ўтиб тева-рак-атрофни, ҳовлини гир айлантириб қоқилган гилам ва палакларни кўздан кечира бошлади. Ниҳоят, палаклардан биридаги никоҳ рамзи — қўш узук ва улар ўртасидан униб чиққан «гул»ни кўрди. Кейин бир-бирига талпиниб турган каптарлар тасвирига кўзи тушди. Хийла вақт палакка тикилиб қолди. Назарида, каптарлар жонлангандек бўлди... Ана, феруза осмон. Баландда, жуда баландда каптарлар учаяпти. Ана, улар бир-бирига яқинлашиб келмоқда... Йигит кўзини палақдан олди, бироқ сал ўтмай, яна беихтиёр каптарларга тикилди, улар яна жонланди... У энди нигоҳини пастроққа қаратди. Ана улар — ҳарир пардали келинчак, дўппили, хушбичим, бахтиёр куёв...

Ўринларидан туришяпти. Нега? Ҳа, биров табриклайди шекилли... Ким экан у? Э-ҳа, Баҳри «шоир»-ку, У гапирмаса, ётиб уйқуси келмас. Ҳозир, ҳойнаҳой «Куй, ғазал... оҳ!», деб монолог бошлайди. Йўқ, аввал эълон қилади: «Ҳурматли ўртоқлар, мен сизларга улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг классический ғазалларидан бирини айтиб бераман», дейди. Ана, эълон қилди. Энди музика сўрайди. Ҳа, эсидан чиқармабди. Ана, «Оғирроқ куй бўлсин», деяпти...

— Ҳов, мулла йигит, мундоқ очилиб ўтирсангиз-чи, бунча ўй суриб кетдингиз?

Йигит рўпарасидаги — бўйинбоғини бемалол бўшатиб, ёқаларини очиб олган, юзларидаги терни рўмолча билан ҳадеб артаётган семиз кишига хижолатомуз боқди:

— Кечирасиз, амаки... Қани, овқатга қараб ўтиринг.

— Бизлар оляпмиз, сизди мазангиз йўқ, йигит. Ётсирмай, еб-ичиб ўтириш керак. Тўйга нима учун келганмиз? Қани, ушланг бунди!

Йигит ўзига узатилган қадаҳини олди-да, сочлари оқариб қолган, юзлари ортиқча семизлик ва ичкиликдан жигарранг тусга кирган кишига кулимсираб тикилди: «Ҳа, албатта, тўйга еб-ичгани келамиз-да, мулла ака!»

— Қани, олинг-чи, кутяпмиз!.. Ҳа, балли, мана, закуска!

Шу пайт ҳар-ҳар ердан қарсақ овозлари эшитилди: Баҳри «шоир»: «Азизим, дунёга бевақт келибмиз...» деб «ғазал»ини тугатган эди.

— Локин, мулла йигит, Навоий ҳам шифирни зап қотирган экан-да! Локин, бу бола ҳам талант экан, настоящий талант. Боплади!

— Ҳа, у Навоийни доим боплайди... — деди йигит оғир хўрсиниб. Бир оздан кейин келин-куёвга кўзи тушибди, ҳайрон қолди: яна ўринларидан туришибди. Энди ким гапираркин? Мажлис қилиб юборишади, шекилли. Ие, ким деди? Унинг номини айтдимми? Нега у гапирарди? Нима деб гапирарди? Бу одам қизиқми ўзи?! Ёки чиқиб кетсами? Энди қаёққа чиқиб кетарди!.. Ҳамма унга қараяпти. Қарсақ чалишяпти. Мана, раислик қилувчи тўғри унинг устига бостириб келяпти. Йўл-йўлакай хонандаларнинг торини ҳам сўраб олди. Қўшиқ айттирмақчи унга!

Шу кўргилик ҳам бормиди энди?!

Эҳ, асли нима қиларди келиб?

Майли, анови радиокарнайнинг бақириқ-чақириғи уни тонггача ухлатмасин эди. Бир кеча минг кеча эмас, чидаш мумкин эди. Ошиқ-маъшүқлик ҳақидаги ваъзаларни жимгина тинглаб, кўра-била туриб, ёлғончилик қилаётганлар устидан ҳузур қилиб кулиб ётавериши мумкин эди-ку?!

Нега келди?! Нега?!

Ўзи ҳам билмайди. Фақат тўйхона олдига яқинлашиб келгандагина бирдан хушёр тортгани эсида. Орқасига қайтмоқчи бўлди, бироқ... вақт ўтган эди. Қўярда-қўймай ичкарига судрашди. Мана энди...

Йигит қўлида тор гангиб-гарангсиган аҳволда ўртага чиқди. Бир бола микрофон тутди.

— Шўх-шўхидан бўлсин Камолжон!..

«Шўх-шўхидан»... Нимани айтаман, қандоқ айтаман?! У гўё торни созлаётгандек анча муддат тиринглашиб турди. «Шўх-шўхидан...» Ҳаёлида нуқул шу сўз тинмай чарх урарди... Ниҳоят, тор тилга кирди. Йигит бирдан ўзига келди: «Муножот!»-ку бу! Аммо, титроқ бармоқлари энди унга бўйсунмасди.

Оқ тунукали баланд томга ўрнатилган радио карнайлар торнинг нозик, ҳазин садоларини қишлоқ узра тарата бошлади, сўнг худди оҳанглардек ҳазин кўшиқ янгради:

Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулру келмади,

Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади...

Тўйхона жимжит бўлиб қолди. Йўқ, тўйхона бутунлай тинчиманган, ширакайф кишилар ўзаро гурунғ қилишар, ҳар ер-ҳар ердан кулги кўтарилиб турар, «Ҳа, дўст!», деган овозлар эшитилиб қолар, лекин йигит буларни

эшитмас эди. Назарида, бу ер тўйхона эмас, қишлоқ чеккасидаги кимсасиз яланглигу ёлғиз ўзи кўшиқ айтаётгандек эди.

...Ана пастда Кўксой шовиллаб оқяпти. У эса сой бўйида, баланд толлар кўланкасида осмонга тикилганча чалқанча ётибди. Ёнида оппоқ ҳарир кўйлак кийган, бошига келинчақлар мисол тўр ёпинган бир қиз... Қиз нозик бармоқлари билан унинг сочини тарайди, кўзларига меҳр билан тикилади, алланималар деб шивирлайди.

У эса бахтдан юраги тоғдек юксалиб, осмоннинг феузалигига, Кўксойнинг тоза суви асло кўринмаслигига, толларнинг сояси фақат ҳаловат бахш этишига ишонади...

Кўшиқ тугади. Қарсақлар, олқишлар, яна талаблар...

Тор тагин тилга кирди. Янги кўшиқ бошланди:

**Сумбулаё сумбула, ўраб олай гул билан...**

Ўртага бир йигит ва қиз тушди, бир-бирига им қоқиб рақс бошлади.

**Сумбулаё сумбула, ўраб олай гул билан,**

**Мани кўнглим сан билан, сан кетарсан ким билан!**

**Қадамимга гуллар очилсин...**

Кўшиқчининг кўзларида ёш йилтиради. Овозига билинар-билинмас титроқ кирди.

Атрофдагилар: «Яшанг!», «Кам бўлманг!», «Дўст», деб уни олқишлар, кўшиқчи уларнинг гапини эшитмас, уларни кўрмас, кўз ўнгида ёлғиз бир каптар жонсарак учиб борар эди.

**Сумбулаё сумбула, ўраб олай гул билан,**

**Мани кўнглим сан билан, сан кетарсан ким билан!..**

Кўшиқчи йигит ўртаниб куйлар, ҳеч нарсадан беҳабар оломон эса уни шодон, мастона қийқириқлар билан олқишлар эди...



Дилором ТОЖИЕВА

## Тўртликлар

Шоир ҳаёл сураб йўлида,

Гоҳо шод, гоҳ маънос балки ўша тоб.

Ҳам ёниб, ҳам ёзиб юрар кўнглида,

Шоирга ёнгин деб қилманглар  
хитоб.

Севинаман саволлар берсанг,

Бу сен учун сеvimли хислат,

Юрагимни англамоқ бўлсанг

Сен мен бўлиб яшаб кўр фақат.

Ўзинг мени солиб қайғуга,

Яна ўзинг ўртандинг, ёндинг.

Кичик ташвиш келтириб менга,

Катта ташвиш ичра йўқолдинг.

НАЗМ

## Сабоқ

Болалигим болаларга яқин ўртоқ,  
Кўшилишиб кулишади мен яйрасам.  
Улар мендан «катталикни олар

сабоқ,

Яхши сўзлаб, оппоқ ювиб, оқ  
тарасам.

Ардоғинга олмай кўр-чи,  
камалақдай  
Беғубор ҳам шўх болакай

«олов»ларни.

Юлдуз мисол учишади яхмалақда,  
Қалб ҳовурида эритишар қировларни.  
«Бола бошдан», — дейди халқим,

бежиз эмас,

Улар борар катта одам қайдан юрса.  
Қуш уяда кўрганни қилур ҳавас.  
Жон бағишлар ота-она жонин берса.  
Фарзандларда кўрарканман

ёшлигимни,

Капалақдай учай дейман далаларга.  
Назар-писанд қилмай гоҳи мен

ёшимни,

Пок яшашни ўрганаман болалардан.





«Жиззах ҳақиқати» газета редакцияси қошида ташкил этилган «Сангзор садолари» номли адабий уюшма бир неча йиллардан бери ишлаб турибди. Султон Пўлатов раҳбарлик қилаётган унинг машғулотларига элликдан ортиқ ёш қаламкашлар қатнашадилар. Биз яқинда мазкур уюшма аъзолари ҳузурида бўлиб, улар ижоди билан яқиндан танишдик. Қуйида ана шу ёшлар ижодидан намуналарни сиз журналхонлар эътиборига ҳавола қилдик.

Жамолиддин МАМАТҚУЛОВ

## Ганжиравонда кузнинг бошланиши

Теракларнинг тушларида ухлайди шамол,  
Осмонда ой кулиб-кулиб пахта қуритар.  
Деразамда қалқиб турар шабнамдек хаёл—  
Қучоғида далаларнинг ҳидлари ётар.  
Боғ ортида аразлаган жуфтини чорлаб  
Сайраётган бедананинг кўзларида нам.  
Тузоғини умид билан қозиққа боғлаб,  
Тутқаторда тонг откизар Сайдали отам.  
Талабалар даврасидан таралган наво  
Сукунатнинг ўйларини тўзғитиб юрар.  
Бедазорнинг оғушида нозли бир имо —  
Дала йўлга сингиб кетар кўша соялар...  
Мен билман — ушбу дамда аллаким

ҳорғин

Излаб юрар эгатларнинг бағридан ором.  
Чаноқларга ризқин жойлаб ухлар

қишлоғим —

Енгил туман чойшабига шўнғигандир шом.  
Тунни сиқиб қошларига тортган келинчак  
Кўчаларнинг уйқусини супуриб чиқар.  
Уйғонгунча уфқ четида қуёш — эринчак,  
Сачраб ётар тонг юзиде аллон қўшиқлар!

\* \* \*

Атлас кўйлак тўлқинига  
Ногоҳларим чўкадир.  
Эҳтиросим туйғуларнинг  
Чокларидан сўкадир.  
Атир гулнинг ҳидларига  
Хаёлларим қоришар.  
Сенга томон кабутардай  
Сўзлар учиб боришар.  
Элчиларим йўлатмагай  
Ловуллаган ёноқлар,  
Кўнгил учун гулобидан  
Қатра тўкмас дудоқлар.  
Ё шунчаки тасодифдай  
Кўзларнинг бир боқмагай...  
Дунё сенинг қароғингда  
Ешлигини сақлағай!

Ихтиёр УМИРОВ

## Армон

Гавжум кўчаларда кездик ёнма-ён,  
Саноқсиз жуфт излар қолди бир талай.  
Букуи тўлиб кетди юракка кадар,  
Гуноҳлар қиёмга етди ҳар қалай.  
Энди бош эгамиз у кунлар учун,  
Бир жуфт қорачиқни ёшга тўлдириб.  
Орқага боқмоққа бетламас юрак,  
Бахтлилар келмоқда кўча тўлдириб.  
Бевақт ўзиб кетдик, сездингми энди,  
Ешликдан, баҳордан, бахтдан ҳам ўздик.  
Туйғуларни бир-бир гулдек созуриб,  
Ногоҳ ўзимиз ҳам япроқдек тўздик.  
Энди кўз ёшлари юволмас, ҳайҳот,  
Юракни ўртаган бу жуфт изларни.  
Бизки муҳаббатни писанд қилмадик,  
Муҳаббат кечирмас энди бизларни.



## Тўртликлар

\* \* \*

Мен бир ирмоқ каби, сени дарё деб,  
Қуйилгим келади бағринга тикка.  
Ҳамдам бўл, бахтли кун оқиб чиққаймиз,  
Бирга денгиз каби улкан кенгликка.

\* \* \*

Бу кеч ҳам ҳажрингда бедор кўзларим,  
Қора тун бағрига тикилиб толди.  
Энг пок туйғулар-ла сенга талпинган,  
Юрагим шеърларга тўкилиб қолди.





Шухрат ҲОШИМОВ

# ГУНОҲ

БИР КҮНГИЛ ИЗҲОРИ

Севгига доғ тушса, кўзёш юволмас...

Асқад МУХТОР

«Тез ёрдам» серқатнов кўчалардан машиналар оқимини ёриб ўтиб, бир зумда касалхонага етиб келди. Врачлар диагноз қўйишди: миокард инфаркти.

...Игна санчигига ўхшаш оғриқ мени хушимга келтирди. Қўлимда, аниқроғи, тирсагимдан юқорироқда сезяпман бу оғриқни. Кўзим юмуқ, қулоғимга ҳар хил товушлар чалиняпти. Ноаниқ сўзлар... Кўзимни очсам, эҳтимол, англаб олсам керак. Аммо қандай қилиб очаман? Кипригим — қўрғошин,

ҲИКОЯ

тилим — метин, қулоғим остида нимадир тинмай гумбурлаётгандек... Чап қўлим, кўкрак, елкаларим бўйин аралаш зирқираяпти — мана шу оғриққина тирик эканимни эслатиб турибди. Орадан қанча вақт ўтган — менга қоронғи...

Чойни ичиб бўлиб, бўш пиёлани қизимга узатдим, бироқ қандай қилиб қўлимдан тушириб юборганимни билмайман. Сўнг муқ тушиб йиқилдим. Танам ҳолсизланиб, увишган бармоқларимдан чумолилар зир раётгандек... Тамом!..

Кучли ёғду кўзларимни қамаштиряпти, лекин сира очгим йўқ. Чала юмуқ киприқларим орасидан ҳар хил шаклдаги доира ва чизиқлар бирига қўшилиб-ажралиб, кўзимга минг тусда чалинмоқда...

— Доктор, ўзига келяпти!

— Аҳволингиз қалай?

Овора бўлманг, бир оғиз сўз айтишим ҳам амримаҳол. Худди биров оғзимга латта тиқиб қўйгандек... Шунга қарамай, кўзимни очишга тиришаман. Ана, иккита оқ шарпа тепамга энгашиб, чала юмуқ кўзларимга тикилмоқда. Димоғимга урилган ўткир ҳиддан кўнглим беҳузур бўла бошлади. Спирт, нашатир спирт ҳиди...

— Ҳамшира, бемор олдидан жилманг!

Узингни бос! Аҳволимга баҳо бераман, деб иложи йўқ нарсаларни ўйлама. Эплаёлмайсан! Шу аҳволда яна уч кун ётасан — кун-тунни ажратолмай, врачларнинг муолажалари таъсир этмай! Уйингдагилар мижжа

Расми М. ШАМСИДИНОВА чизган



қоқмай ёнингда навбатма-навбат ҳолингдан огоҳ бўлиб туришади: қизинг, ўғлинг, хотининг...

Узингга келгач, клиприклардаги бўёқ кўз ёшидан суркалиб кетган қизингни койийсан: «Нега имтиҳонга бормадинг? У севинганидан, ҳам ваҳимали кун ортда қолганидан шодланиб йғлайди. Ётган ерингда ўйлайсан: «Узатиш керак. Қачонгача ўша Маҳмудини «яшириб» юради?» Ана шундай, боши ёстиққа етганда одам «файласуф» бўлиб қолади.

Шу алфозда узоқ қимир этмай ётасан. Врачлар бир неча бор консилиум чақиривади. Қайта-қайта сўрашади: «Чекмайсизми? Ичкилик-чи? Болалиқда ревматизм бўлмаганмисиз? Ёшлигингиз қандай ўтган? Ҳалигача сизни қийнаб келадиган оғир мусибат тортмаганмисиз?»

Гўё сен — айбланувчисан, қаршингдагилар эса врач эмас — терговчи. Итоаткорлик билан жавоб берасан: «Чекаман, лекин ичкиликка унча ҳушим йўқ. Юрак хасталигига йўлиқтирадиган бирор касаллик билан оғримаганман. Ёшлигим бекаму кўст ўтган. Оғир мусибат!.. Йўқ!..»

Шу каби «сўроқлар»дан сўнг муолажалар бошланади. Кун сайин аста тетиклашасан. Ҳар куни уйингдагилар келиб туришади. Қизингдан имтиҳонларни қандай топшираётганини суриштирасан. Уғил-қизларинг илтимосингга кўра невараларингни олиб келишади. Уларни кўриб қувонасан, кучингга куч қўшилгандек бўлади. Номинг ўчмаслигидан, ўзингдан зурриёд қолдирганингдан руҳланасан. Ҳамкасбаларинг ҳам дам-бадам ҳолингдан хабар олиб туришади — ахир, катта бир корхонанинг бошлиғисан!

Кун ўтган сайин даволовчи врачингга: «Қачон жавоб берасиз, тузукман-ку?», деб ялинадиган одат чиқарасан. Соғайганинг сари касалхона зерикарли туюлади. Озодликка талпинасан, озодликка! Нима қилишни билмай фаолиятсиз ётишдек, зерикашдек мудҳиш нарса дунёда йўқ экан, деган фикрга келасан. Шундай пайтда китоб, китобгина ягона халоскор. Уқиш, нимани бўлса ҳам фарқи йўқ — фақат ўқиб сени бу азобдан халос қилиши мумкинлигини англайсан. Аммо қандай бўларкин?.. Сенга уриниш мумкин эмас-ку?

Тинчлан! Яхшиси, ҳамхоналаринг билан суҳбатлаш. Вақт ўтказиш учун аллақандай муҳим масала излаб ўтириш шарт эмас, гап бўлса бўлди-да. Чақчақлашиш давомида ўзингни билимдон кўрсатишга тиришма, аммо уларнинг кўзига фаросатсиз ҳам кўринма. Узингга маълум: инсон ақли оз сўзда кўп маъно айта олишида билинади. Ҳамхоналаринг билан гурунглашаркансан, шу нуқтаи назарга амал қилмоққа интиласан. Четдан кузатганда, мана шу назорат ҳисси сени ақлли кўрсатиб кўяётгани кўнглингдан ўтади. Фикрга толасан: «Мабодо, инсоният ўзини ҳаммиша, ҳар дақиқа назорат қилиш имкониятига эга бўлганида...»

Чеккинг келяптими? Мумкин эмас-да. Хуноб бўлма, кўй! Наҳот тушунмасанг: назорат бошқа, қарор бошқа, унга амал қилмоқ бошқа — доимо бир-бирига мос келавермайди-ку. Масалан, сезиб турибсанки, суҳбат зерикарли; қарор қилдинг: чўзишдан нима фойда? Энди шунга амал қилиб, зерикарли суҳбатни бўлиб кўр-чи!

Эй биродар, бунақаси кетмайди, бас энди! Гапни тутатиб, бирор тузукроқ нарса билан чалғимасанг бўлмайди — ўзингга ўзинг шундай деб буюрасан.

Қош қорайганда қизинг келади. Уқишни бошлаб юборишибди. Тўғри дарсдан келётгани учун ҳеч нарса олиб келолмаганини хижолатомуз оҳангда айтади. Қизинг билан хайрлашгач, яна бўлар-бўлмас хаёлларга бериларкансан, у ташлаб кетган журнал эсингга тушади. Қанча илтимос қилдинг, зўрға қолдирди — чунки сенга кўп уриниш (тавба, жўн мутолаа ҳам уриниш бўладиган кунларга қолдинг-а!), ҳаяжонлиниш мумкин эмас. Қани энди, журнални варақлаб, ўзингни чалғит-чи, нечоғли уддасидан чиқаркансан! Аввал охириг бетдаги ҳажвия, юморларни ўқи, сўнг мундарижа билан таниш!

«С. Умаров. «Кўзёш юволмас!» Ҳикоя». Кимдир қалам билан белгилашга улгирибди. Нечанчи бет?.. 113...

Ахтара бошлайсан: 113... 113... Мана, топдинг. Саҳифа ичидан буқланган бир варақ қоғоз кўксингга тушади. Кўз югуртирасан. (Одобсизлик.)

«Уқидингизми?»

«Ҳа».

«Қалай?»

«Зўр!»

«Мен яна қайта ўқияпман...»

Қизингнинг хати, танидинг-а? Жавобларни албатта ўша — Маҳмуд ёзган. Қара, лекцияни қандай «қунт» билан тинглашади. Узинг-чи, ўзинг дарсда хат олиб хат беришмасидинг?! Ёки унинг боя қизингни касалхонагача, кейин эса уйинггача кузатиб қўйганига ишонгинг келмайтими? Э, бас, кўп ижирганма! Ундан кўра ҳикояни ўқи!..

Ёш ёзувчи экан, «оқ йўл» тилашибди. Ёш қалам соҳибининг суратига тикилиб сўрагинг келди: «Нега биринчи қадамингни танбеҳдан бошладинг?» (Дўқни қаранг!) Жонсиз суратдаги кўзалар жавоб қайтаргандек бўлади: «Ўқиб кўр-чи, балки тушунарсан!» Энди ўрнашиб олиб, бошла! (Оқ йўл!)

\* \* \*

«...Одамда ишонч деган нарса устун келмасин экан! Ишонч устун келса, ҳар қандай ғовни ҳам писанд қилмайсан киши. Мана, ёз келса, уч йил бўлади, қарийб уч йилдирки, Санжар уни қидиради.

Ҳа, бундан бир минг тўқсон беш кун бурунги тонг Санжарга ҳаловат бахш этган эди. Эрталаб нонушта қилиб бўлгач, ўқишга отланаётганида почтальон хат олиб келди. Хатни олиб ўқиркан, Санжарнинг чехрасида совуқ табассум жилвалана бошлади: «Кетсанг ундан нари, тўйиб нафас оладиган куним ҳам бор экан-ку!» Елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди, ҳатто кечқурун оғайиллари даврасида шу кун шарафига «эриди»...

Вокзал. Эрталабдан одам гавжуч. Асфальт йўлқалар қурий бошлаган, лекин терскай жойларда бари бир қор уюмлари учрайди. Салқин шабада эсади. Кўклам ҳиди анқийди. Одатда, Санжарга киши баҳри дилини очувчи субҳидам ҳам, сокин кеча, кўклам ҳидини димоққа уфургувчи ёқимли шабада ҳам таъсир қилмасди. Зотан, у ҳеч қачон табиат манзараларини кузатиб, улардан лаззатлана олмас, буларнинг барчаси табиийдек, шундай бўлиши шартдек туюлар эди.


У дўсти Ҳамидни командирловкага кузатиб чиққан эди. Бир кўнгли: «Айтиб бўлмайди, бегона шаҳар, балки учратиб қоларсан. Мабодо... хабар берарсан...», дегиси келди-ю, тортинди.

Ҳамид билан жуда иноқ ўсишган. Бир кўчада туришарди. Ҳар кечқурун «бекинмачоқ» ўйнашганда бошқа болалар Санжарни фирромлиги учун ўйиндан четлатишмоқчи бўлишар, шундай пайтда фақат Ҳамид жонига ора қирар, «Энди ундай қилмайди», деб бошқаларни кўндирар эди.

Елиб-югуриб, ўйнаб-қулиб улғайишди ҳам. Санжар иккинчи курсга ўтганида Ҳамидни ҳарбий хизматга чақиривди. Уч йил давомида муттасил хат ёзишиб туришди. Бир студентлик кунларини жўшиб мақтаса, иккинчиси солдат ҳаётидан завқланиб ёзарди. Ҳамиддан кўпинча: «Ҳой студент, кўзингга қара, тўйингни менсиз ўтказсанг, кўрасан!», деган ҳазиломуз мактублар келиб турарди. Санжар: «Сенсиз ҳатто туғилган кунимни ҳам нишонламаётибман», деб дўстини юпатарди. У сўзининг устидан чиқди: уйланмади. Ҳамид хизматдан қайтиб келгач, Санжар билан Нозима ўртасида бўлиб ўтган воқеани эшитиб, ундан қаттиқ ранжиди: «Сен бу доғни ҳеч қачон юволмайсан. Йигитнинг ишини қилдингми, охиригача йигитлик қилишинг керак эди!»

Ушанда Санжарга бу гаплар ғалати туюлган эди. Дунёда энг зўр қози ҳам вақт экан, тарозибон ҳам. Хўш, мана бугун дўстини кузатади, кейин-чи? Кейин... яна изтиробли хаёллари билан ёлғиз қолиб... Кўча-кўйда унга ўхшаш бирор қизни кўрганида юраги орзиқиб, қалби ҳасрат ва ўкинчга тўлиб... Қани эди, уни яна бир бор учратсал!

...Узингни айбдор билсанг-у, бировга айтолмасанг, гуноҳингга яраша жазо ололмасанг... Бу, менингча,



ҳар қандай жиноятга бериладиган жазодан оғир. Жиноят... жазо...

Э дўстим, бу алфозда узоққа боролмайсан! Бу нимаси, бир варақ ўқимасдан хаёлга берилияпсан? Шу одатинг қолмади қолмади-да. (Сендақа Достоевскийни қара-ю!) Эсингни йиғ! Қани, давомини ўқиб кўр-чи! «...Бироқ, шуниси аянчли эдики, уни тинмай излашга Санжарни мажбур этаётган нарса виждон азоби эмас, йўқ, қизиқиш, оддийгина қизиқиш эди, холос. Баъзан кечалари: «Қизиқ, менга ўхшармикан ёки унга? Тили чиқиб қолгандир...», деган хаёллар билан бедор тонг оттирарди. «Учратиб қолсам, топсам, албатта кечиришади,— дерди ишонч билан.— Ахир, яхши кўрарди-ку! Мушкул аҳволга солиб қўйганимда ҳам бир оғиз гина-қудратсиз, қилмишимни юзимга солмай йўлимдан четлашди. Урнида бошқа қиз бўлганда ёки ёмонликка олганида, тегишли одамларни ўртага қўйиб, мени ўзиники қилмасмиди? Мен унга уйланардим, тўғрироғи, мажбур бўлардим, лекин бундай зўраки никоҳ оқибатида муҳаббат қолармиди?» Уша муҳаббат улар ўртасида бормиди ўзи? Бор эди, қизинггина қалбида бор эди. Санжарнинг қалбида эса бу туйғуга заиф интилишгина бўлган, холос. Лекин оила қурмоқ, тақдирларни бир умрга боғламоқ учун фақат истак ва интилишнинг ўзи кифоями?!

Ёлгон бўлмасин, бошда, янги учрашиб юрган кезларида Санжарнинг кўнглида қизга нисбатан қандайдир туйғу, ҳис-ҳаяжон бордек эди. Уни кўрган пайтларида юраги негадир алланечук тез ураётганини сезар, нимадандир кеч қолаётган одамдек бетоқат типирчилар эди. Бироқ бу ҳолат ўзоқ давом этмади. «Уша» воқеадан икки кун ўтар-ўтмас, у билан учрашганида ўзини негадир анча лоқайд сазди. Йўлда кетатуриб, одам бор-йўғига парво қилмай, қизнинг елкасидан кучиб, юзидан ўпиб олганида ҳеч қандай ҳаяжон сезмаганидан ҳайратланди. Қиз ҳам номига қаршилиқ қилгандек туюлди. «Уятсиз», деб бир неча дақиқагина кинояли боққан, қандайдир порлок нур билан чақнаб

турган кўзларга тикилиб, Санжарнинг кўнглига бўлмагур хаёллар келди. Шу тобда фақат бир нарсани истарди: шу кўзлар яна хумор боқса, ёниб, чақнаб; лаблар яна нозли шивирласа: «Уятсиз».

Кун ўтган сари Санжарнинг кўнгли совий бошлади. Баъзан минг турли хаёлга борарди.

«Сирасини айтганда, унда ҳам айб йўқ, деб бўлмайди. Нега ўшанда бўйсунди? «Йўқ!», дейиши мумкин эди-ку? У ҳолда мен нима ҳам қила олардим?», дея ўзини оқларди у. Қиз қалбидаги ишонч кўп нарсадан устун келганини у билмас эди.

Одамзод табиатининг муаммоси ҳам шунда-да: бирор иш қилмоқчи бўлганимда ёмон оқибатларни хаёлингга ҳам келтирмайсан, фақат хайрли ниятларга умид боғлайсан. Қиз ўз ҳиссиётлари қаршида ожизлиди ёки ундан айрилиб қолишдан кўрққанмиди? Агар ўзидан сўралса, оддийгина қилиб: «Урганиб қолганман», деб жавоб берган бўлур эди. Юмшоқкўнгли бу қиз ўзига ҳисоб бердимикан, бу ўрганиш, кўникиш сабабларини изладимикан? Раҳмдил, ишонувчан, кўй оғзидан чўп олмайдиган феъли билан «нозик табиат», ўжар, кези келганда инжиқ Санжарга хотин бўла оладими? Санжар атай унинг гашига, нафсониятига тегадиган кесатиқ гаплару ҳаракатлар қилади — «синайди». Ахир, чинакам севги майда-чуйда гаплардан устун турувчи юксак туйғу, қизнинг қалбида шу туйғу борми-йўқми, синаб кўриши керак-да!

Кўнглисиз воқеани айтган кун Санжарни қандай эсанкиратиб қўйган эди-я! Гўё ўша лаҳзада айтмаса, ичида қолиб кетадигандек...

- Мен... ҳалиги... бўйимда бор...
- Нима?!
- Ҳа...
- Қандай қилиб?

Санжар жавоб ўрнига истехзоли нигоҳга тўқнаш келди. У — инсон феъл-атворининг гаройиблигини ўзинча кузатиб хулоса чиқаришга ўрганган одам, бу заифгина, вазмин қизнинг исенкорона шижоатини қўриб, бирдан гангиб қолди. Ҳушини йиғиб олганида қалбида ягона бир истак жўш уради: бари бир тониш! «Йўқ, ҳеч нарсани билмайман, тамом-вассалом!» — деб шивирларди хиёнаткор бир овоз. — Узингни қўлга ол! Бу ишнинг сенга ҳеч қандай дахли йўқлигини айт! Ҳаяжонланмай, товушингдаги сохталикни сездирмай, дадил айт! Индамай туравериш — инсофсизлик. Башарти шундай экан, унга тушунтир: ҳали йўқининг туггани йўқ, ундан кейин бу «кутилмаган меҳмон». ...Ҳеч қаерда ишламасанг... Стипендиядан ҳам умид йўқ — бирикки фандан қарзинг бор. Оила боқшининг ўзи бўлмайди. Хотининг, бола-чақанг бўлса-ю, отангдан пул сўраб юрсанг, уят эмасми?! Умуман, ҳали рўзғор тебратишга тайёр эмассан. Демак...»

Санжар дафъатан энгил тортиб, «Ҳўш, гапир!», дегандек жимиб қолди. Тутуруқсиз гўлдирашлар билан алдаёлмаганини, бу ёлгон-яшиқлар ичига кўмилиб кетган ягона ҳақиқат ошкор бўлиб қолганини фаҳмлади: кўрқяпти, келажагидан чўчияпти. Ким билсин, бемаврид ва шошилич никоҳ келажак ҳаётига қандай таъсир этади? Кейин... нима, ўз манфаатини баъзи нарсалардан устун қўйишга ҳаққи йўқми?!

«Йўқ,— дея азоб билан иқрор бўлди у,— бундан ҳеч нарса чиқмайди».

«Инсофли бўл,— деб ўзига ўзи буюрди,— баҳоналар билан ўзингни оқлама!»

«Нима қилибди? Қолаверса, булар баҳона эмас, сабаблар...»

«Ундай бўлса... уйлан!»

«...?»

Қиз, ётсираб, чақнаб турган кўзларни кўриб, бирдан бўшади. Бошқа шаҳарга бутунлай бош олиб кетишига ҳам кун кеча ўзи меҳрга тўлиб термилган қадрдон кўзларда ёнаётган совуқ, бегона бир ифода сабаб бўлди...

— Санжар!  
Туйқусдан янраган бу товуш вокзалда бемақсад ке-

зиб юрган Санжарни жойига михлаб қўйди. У ортига ўгирилиб қарашга ботинолмай қотиб қолди. Оҳиста титрай бошлади, орқага қарагани юраги дов бермас, ҳар галгидек бошқа одам бўлиб чиқишидан қўрқар эди. Қўрқув устун келди — қарамади. Ёнгинасидан ёш бир жувон ўтиб кетди. Санжар унинг ортидан узоқ кузатиб борди, ниҳоят, бор журъатини тўплаб чақирди.

— Нозима!..

Аёл бир зум секинлади... тўхтади, ўгирилиб қаради. Санжар вужудини яшин ургандек, титраб кетди. Гангиб, ҳайкалга айланди. Нега талмовсираб қолди? Шу аёл — ўша Нозима қаршисидая?! Аваалги кибр, мағрурлик қани?!

...У Санжарни ҳеч қачон бундай довдираган ҳолда кўрмаган эди. Унинг итоатсиз тикилиб турган, уйқусизликдани, изтиробдани қизарган кўзларига боқаркан, негадир ачинмади. «Шафқатсиз», деб ўзини койди. Илгарилари — шармандаликдан қочиб бегона шаҳарда қийналган кезларида Санжар эсига тушган дамларда уни қоралегиси келмаган, «Ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим!», деб ўзидан ўпкалаган, қарғаси келганда ҳам қарғаман раҳмдил кўнгли шу тобда шафқатсиз эди.

Нозима аста яқинлашди. Санжар орзиқиб-хавотирланиб кутган кун келганига ишонди. Бир оз довдираб турган, гапни узоқдан — ҳол-аҳвол сўрашдан бошлади. Шу заҳотиёқ: «Бола қани?» ёки: «Қол, сени шунча қидирдим, кечир...», дейишни ўзига эп билмади. «Боланинг бор-йўқлигини билиб олишим керак. Балки олдириб ташлагандир, туғилмагандир...»

Нозима тимқора кўзларини Санжарга тикаркан, унинг қадди чўкиб қолганини кўриб ачинди-ю, сездирмади. Ҳар бир саволига «Ҳа» ёки «Йўқ», деб қисқагина жавоб қайтарди. Санжарнинг эса боши қотган эди: мени кўрмаган эди-ку, нега исмиمنى айтиб чақирди экан?

— Опа-а!..

Узоқдан ёш боланинг кўнғироқдек овози эшитилди. Аёл безовталана бошлади: болакай вагон деразасидан бошини чиқариб қўл силкитаётган эди.

«Уғил экан-да! — Санжарнинг юраги зирқираб кетди. — Ёнидаги ким?» Вужуди зириллаб бўшашиди. Бешолти қадам наридаги боланинг порлаб турган чехрасига юраги ёниб термилар экан, ҳар дақиқада ўхшашлик, ўзига ўхшашлик белгиларини топар, унинг ўз зурёди эканига тобора ишонч ҳосил қилмоқда эди.

Гўдак эканига қарамай, қарашлари ҳалитдан мағрурони. Санжарнинг ўзи ҳам болалигида шундай бўлгандир: ингичка, қуюқ қошлари мардона чимирилган...

Бола ўзида йўқ хурсанд, қўлидаги «булбулчасини дам-бадам чуриллатиб чалиб қўяр, ёнидаги одамни ҳам чалишга ундар эди. У эса икки лунжини шишириб, кўзларини кулгили чакчайтирганча ҳуштакни чалар, кичкинтой бундан бениҳоя шод, шўх кулгиси билан ўтган-кетгани ўзига қаратар эди.

«Нега исми Санжар? — Санжар шу тобдагина бунга ўйлади. — Демак... Шунга айтиб кўрайми?...»

Бу пайтда аёл унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатини таҳлил қиларди: «Қидирган эмиш!.. Нега, нима учун? Севмайди-ку, уялмай «Уғлим», дейди-я!» Бироқ, лом-мим демади, фақат унга алланечук озорли бир қараш билан чекланда.

— Тушунсанг-чи, шунча қийналганларим етар...

— Қийналиш... — Аёл истезҳо билан кулиб қўйди. — Қийналиш нималигини биласизми ўзи?! — У ичидеги бор алам-армонини бирдан тўкиб солди. Беихтиёр туғруқхонада юм-юм йиғлаб ётган пайтларини эслади. Беморларга келадиган ҳар бир хат, ҳар бир «передача» кўнглига қанчалар оғир ботганини бу «қийналган одам» қаердан билсин! Хотинлар дераза олдига бориб, ўз одамларини кутишарди, фақат бир жувонгина ҳеч кимни кутмас, у интиқиб кутган одам йироқда, жуда йироқда, тинч уйқуда, уни ҳатто тушида ҳам кўрмасдан осойишта ухлаб ётар эди...

— «Севмайсан», эмиш... Севаман! Ҳақиқий муҳаббат нима эканини энди тушундим. Тавба, «Қол», дей-

сиз-а! Йўқ, бундай дейишга ҳаққингиз йўқ! Унинг отаси бор, севимли отаси!

Санжарни яна қалтироқ тутди. Бир-икки ютиниб олиб, тутила-тутила ялингансимон гап бошлади...

Поезд «хуштак» чалиб қўйди. Перрондагилар безовталаниб қолишди.

«Кўнглини топишга уста эдинг-ку? Нега энди довдирайсан? Димоқ-фироқни бир четга қўй. Юрагини эритадиган сўзларни эсла, ялин, ёлвор!..» — Санжар изтироб билан яккаш шуларни ўйларди.

Нозима тезроқ бу ердан — Санжарнинг ҳузуридан кетишга ошиқди, чунки дақиқа сайин ўз ихтиёри тобора қўлдан кетаётганини англади. Ёш бола каби кўзларини мўлтиратиб турган Санжар қаршисида ўзининг ожиз эканини сезди. Йўқ, Санжар қаршисида эмас, йиллар ўтса-да, озор чеккан қалбини ҳануз тарк этмаган, ҳануз ўтли армон билан уни қийнайдиган муҳаббати қаршисида ожиз эди у. Беихтиёр «Майли, гуноҳингни кечдим, кечдим...», деб юборгиси келарди. Бироқ раҳмдил кўнглига бўйсунмади, зўр машаққат билан иродасини енгди. Унинг маънос, айбдор кўзларига сўнги бор тикиларкан, ичиде: «Алвидо, севгим, сени бутунлай унутаман, бутунлай!», деганча ўз вагонига қараб югура кетди...»

\* \* \*

...Тўхта! Истайсанми-йўқми, ёдга олишинга тўғри келади. Бошладингми, ярим йўлдан қайтма! Нималарнидир яшириб, кўзбўямачилик қилма. Сабаби — ўзингни алдаёлмайсан. Йўқ! Қани, яхшилаб эслаб кўр-чи!

Ушанда сен анчадан сўнг ўзингга келдинг. Поезд аллақачон ўрнидан жилган эди. Эслаяпсанми?.. Поездга ҳансираб етиб олдингу болакайнинг онасиникига ўхшаш тимқора кўзларига энтиқиб боқдинг. Дўмбоққина қўлчаларини ўпгинг, қучиб бағрингга босгинг, узоқ-узоқларга, онаси тополмайдиган жойларга олиб қочгинг келди.

Бир пайт йиғи товуши эшитилди. Тўғрими?.. Сен ғайришуурий тарада олға талпиндинг, ўғлинг эса сенга интилиб, икки қўлини чўзган қўйи чириллади. Унинг қўлларига кўзинг тушди-ю, ўйинчоқ йўлда тушиб қолганини пайқамадинг — бор дунёни унутиб, сандан ўйинчоғини сўраётган овунчоғинг сари талпинар эдинг... Кўзингни жиққа тўлдирган қайғу ёшлари орасида фарзандингнинг гулгун сиймоси гавдаланди. Ёш... оддий кўзёш... Балли!.. Сенда оталик ҳиссиёти уйғонди, кеч бўлса-да, уйғонди! Бебаҳо бир гавҳар қўлингдан чиқиб, денгизга чўкиб кетаётганини сеза бошладинг. Поезднинг тобора узоқлашиб, бора-бора қора бир нуқтага айланаётганини юрагингга кучли оғриқ билан ҳис этдинг...

Эсингдами, врачлар: «Бирор мусибат тортганми-сиз?», деб сўраганда, «Йўқ!», деб алдадинг. Ҳолбуки, виждон азоби умр бўйи сени қийнади — ўзингни айбдор билсанг-у, бировга айтолмасанг, гуноҳингга яраша жазо ололмасанг!.. Бу ҳар қандай жазодан оғир эмасми? Ҳа, биродар, инсон хотираси ана шундай бешафқат! Таъкидлашнинг ҳожати йўқ: бирор кимса «Виждоним пок», дедими, билгинки, ўша одамнинг хотираси суст...

Энди бўлар, мана шу ерда тўхтайсан. Негаки, кўзинг хиралашиб, бутун баданинг бўшашиб бормоқда. Итоатсиз бармоқларинг журнални тутиб туролмаяпти...

— Санжар ака, сизга нима бўлди?

— ...

— Ҳамшира, ёрдам беринг!

Ниҳоят, навбат менга. Беҳуш ётганимда, безовта бўлма, деб муаллиф ҳуқуқига кўра, сандан сал илгариларим. Узр. Чунки тақдиринг, кейинги кунда бошингдан кечадиган воқеалар ҳеч кимга бўлмаса-да, менга аён. Муаллифнинг асар қаҳрамонидан фарқи ҳам шунда: воқеа нимадан бошланиб, қандай тугагани олдиндан айтиб бера олади. Бу имкониятдан фойдаланганим учун узр!





р.  
— дейишарди  
эса ҳар ер-ҳар  
ай алами ошган

итмаганга олар-  
вом эттирарди.  
нча шу тариқа  
лдию уларнинг  
ланадиган, Ола-  
Бундан қутулиш  
уз ўйлаб, охири  
кўндирса бас,



Турсунбой АДАШБОВ

РАҚОШ

## Олтин ёлли тулпор қиссаси

Арим АҚБАРЛИЕВга  
бағишлайман

Олабуқа қишлоғидан  
Ун чақирим нарида,  
Чотқол тизма тоғларининг  
Этагида — барида,  
Булутларга манзил бўлиб  
Тулпор кўли жойлашган.  
Булбул, майна баҳор ва ёз  
Уни макон айлашган.  
Баландлиги ер сатҳидан  
Минг қулочча юқори.  
Кўрган кўзни қамаштирар  
Салобати, виқори.  
Қизил, сариқ ва тим қора  
Уч хил лола ўсади.  
Чор тарафин арчазорлар  
Киприк мисол тўсади.  
Ушбу эртак момолардан  
Мерос бўлиб қолгандир.  
Тулпор кўлнинг афсонаси  
Эс-ҳушимни олгандир.  
Эмиш, бир чол Чотқол ёқдан  
Овул томон келаркан,  
Айтиб билган қўшиғини  
Байталида еларкан.  
Тулпор кўлга дуч келибди  
Айни пешин чоғида.  
Уловига дам берибди  
Ям-яшил қирғоғида.  
Майса узра чакмонини  
Аста ёзиб ташлабди.  
Кун ботарга юзланиб чол  
Номоз ўқий бошлабди.  
Шу пайт кўлнинг ўртасидан  
Олтин ёлли от чиқиб,  
Кўзни очиб-юмгунчайин  
Соҳил томон бот чиқиб,  
Кўкка салчиб пишқирдию  
Кўзи ёниб шайланиб,  
Бўз байталнинг атрофидан  
Ўтди уч бор айланиб.  
Кишноғига тоғу тошлар  
Садо берди узмасдан.

Чўпон эса беғам, бефарқ  
Ибодатин бузмасдан  
Туриб боқса, дулдул айғир  
Шўнғиди кўл қатига.  
Калимасин айтиб бобо  
Қамчи босди отига.  
Кунлар бир-бир ўтаверди  
Ун икки бор ой туғди.  
Баҳор чоғи тўриқ байтал  
Олтин ёлли той туғди.  
Бу ҳодиса тез орада  
Овул бўйлаб тарқалди.  
Қўшиб-чатди кўрганлар ҳам  
Газак олди, фарқ олди.  
Чол ҳангуманг, кампир эса  
Уни қистаб қўймади.  
Яна битта қулун олиш,  
Чорасини ўйлади.  
Тўғри келди кампиршонинг  
Тонгда очган фоли ҳам,  
Тараддудга тушиб қолди,  
Унинг қайсар чоли ҳам.  
Мол-дунёга ҳирсин қўйган,  
Режасидан қайтарми!  
Эгар уриб йўлга созлар  
Силаб-сийпаб байтални.  
Тулпор кўлга жўнаб қолди,  
Узга йўлга қайрилмай.  
Олтин ёлли тойчоқ чопар,  
Онасидан айрилмай.  
Авжи пешин, атроф сокин  
Кўлда бир сирли ҳолат.  
Ёзди шошиб чакмонини  
Олиб-олмай таҳорат.  
Чол шунчаки, номи учун  
Номоз ўқиб ўтирар.  
Олтин ёлли от ташвиши  
Юрагини ўпирар.  
Тоғу тошлар янграб кетди  
Шу маҳал шовқин-сасдан.  
Айғир тўғри ўтиб бориб,  
Байтални айланмасдан  
Тўнғирчоқлаб ўқтин-ўқтин  
Депсиниб кишнаганча,  
Олтин ёлли улунни у  
Елкадан тишлаганча,  
Кўл остига кириб кетди  
Икки дулдул бир бўлиб.  
Чол овулга қайтди ночор  
Ҳафсаласи пир бўлиб.  
Бу бир чўлпак, чўнг момомдан  
Бизларга мерос қолган.  
Тулпор кўлнинг афсонаси,  
Балки рост, балки ёлғон...

зиб юрган Са  
ўгирилиб қара  
титрай бошлад  
ҳар галгидек  
эди. Қўрқув ус  
бир жувон ўти  
кузатиб борди.

— Нозима!

Аёл бир зу  
Санжар вужуд  
ғиб, ҳайкалга  
аёл — ўша Н  
рурлик қани?!

...У Санжар  
кўрмаган эди.  
ликданми, изти  
кан, негадир а  
йиди. Илгариле  
шаҳарда қийна  
дамларда уни  
айбдорман, ўзи  
келганда ҳам  
шафқатсиз эди.

Нозима ас Машъал ҲАКИМОВ  
ланиб кутга  
турган

# БЕГОНАЛАР ОРАСИДА

— Баҳ, баҳ! Баҳ, Олапар, баҳ, баҳ!  
— Пиш, пиш-пиш! Мош, Мош, Мош!

\* \* \*

## ЭРТАК-ҚИССА

**К**ечагина ҳовлига кираверишдаги фанердан ясалган болохонадор инда тумшуғи қора, бир кўзи сариқ жун билан қопланган кучук яшарди. Эртадан кечгача унинг қиладиган иши аҳён-аҳёнда кириб қолган бирорта бегона, нотаниш болага ириллаб қўйишдан иборат эди. Хонадоннинг эркатойи — мўйловдор мушук эса истаса, каравотга чиқиб хуррак отар, истаса, эгаси кучоғига чўзилиб, пахмоқ думи билан унинг юзини силар, узун, шихрайган мўйловларини кўз-кўз қилар эди.

Мана, на кучукдан, на мушукдан дарак бор. Мушук илгари ҳа кечаси тез-тез ғойиб бўлар, эртасига башараси тирналиб, жунлари ҳурпайганча келиб эгасига суйкалар, яраларини ялаб нимадандир арз қилгандек миёвалар эди. Энди бўлса на кучук бор, на мушук. Ҳовлидаги чумчуқлару мусичалар бемалол ўз тирикчиликлари билан банд.

Кучукнинг лақаби Олапар, мушукники Мош эди. Уларнинг баъзан жанжаллашиб-ярашиб туришларини ҳисобга олмаганда, иккаласи бир ҳовлида иноқ яшарди. Кундуз кунларини уйку ва бекорчилик билан ўтказишар, қоронғи тушиши билан Олапар ҳар қандай шарпага вовуллаб жавоб қайтарар, Мош эса шитирлаган томонга ташланиб, ўзича овни машқ қилар эди; ҳовлига сичқон йўлай олмасди, ҳатто девор тагида қуриллаган бақалар ҳам Мошдан жазосиз қолишмаган.

Уйда овқат сероб бўлса ҳам, Мош ўзи тутган сичқон гўштини ёқтирар, қўлга киритган ўлжасини худди маҳоратини кўз-кўз қилаётгандек, Олапарнинг рўпарасида ерга қўйиб, орқасидан қувалар эди. Бир неча бор шундай қилгач, уни жиғилдонига уриб, офтобга ёнбошларди. Олапар суяк кемиришни яхши кўрар, ивитилган нон ва гўштни паққос тушириб, товоғига қўйилган сўтни Мош билан талашиб-тортишиб, чапиллатиб ичар эди. Уларнинг иккаласига ҳам ширин-ширин кулчалар, эриган музқаймоқ ёқарди. Энди ана шу иккала дўст қаёққадир йўқолиб қолди.

Эрталаб ҳаммадан олдин турган Олапар вовуллаб Мошни уйғотар, Мош оёқларини чўзиб керишгандан сўнг эринчоқлик билан ариқда

Расми Р. ЗУФАРОВ чизган

юзини чайр, аста одимлаб ҳовлига чиқар, нега уйқу бермадинг, дегандек Олапарга хўмрайиб қўйгач, олма шохида чуғурлашаётган чумчуқларга миёвлаб, иштаҳа билан тилини чиқарар эди.

— Қани энди, маслаҳат билан, нима қиламиз? — дер эди Олапар.

— Нима қилардик, олдин қорин тўйгазамиз, кейин бир гап бўлар! — дея Мош зўр иштаҳа билан тилини чапиллатиб, шохдан-шоҳга учиб яйраётган чумчуқларга назар ташларди.

Ниҳоят, улар идишларига қўйилган овқатни ейишар, сўнг ҳар бири ўз иши билан банд бўлар эди: Мош биронта бепарвароқ чумчуқни тутиш мақсадида чаққонлик билан олмага тирмашар, қалин барглар орасига яшириниб, соатлаб қимир этмай ўтирар, Олапар бўлса, атрофида донлаётган мўмин мусича ва бошқа

қушларга ташланиб, бирортасини ҳам тутолмай доғда қолар эди.

— Қочинглар, овчи келяпти! — дея бир-бирларига хабар беришарди уни кўрган чумчуқлар.

— Улақол, бизни алдамоқчимисан? — дейишарди чуғурчуқлар. Қарқуноқ ва мусичалар эса ҳар ер-ҳар ерда ку-кулаб, шусиз ҳам ови юришмай алами ошган Мошни масхара қилишарди.

Олапар билан Мош бу гапларни эшитмаганга оларди. Ҳар иккаласи ўз ҳолича ишини давом эттирарди.

Равшан уйга каклик олиб келгунча шу тарика яшашди. Қаердан ҳам шу арзанда келдию уларнинг ороми бузилди. Мош ҳар куни калтакланадиган, Олапар давқи эшитадиган бўлиб қолди... Бундан кутулиш чорасини топиш керак. Кечаю кундуз ўйлаб, охири Мош чорасини топди. Энди Олапарни кўндирса бас, ҳамма иш жойида бўлади.

## ҚОРАҚОШ

— Қорақош, қорақош! Дўстим Қорақош! — Равшан арзанда каклигини ана шундай эркалаб чақирар эди. Бу гаплар хонадоннинг эркаси бўлмиш Мошнинг иззатнафсига тегарди. Қандайдир жажжи паррандани шунчалик эркалатиш инсофданми?!

— Кикир, кикир, кик! — Камондек эгилган қора қоши учун «Қорақош» лақабини олган қизил оёқ, қизил тумшуқ каклик эгаси ёнига йўрғалаб қоларди.

Буни кўравериб Мошнинг ғайирлиги келди. Қорақошни бошламоқчи бўлди. Мақсадини Олапарга айтди. Олапар дастлаб кўнмади. Мош унга гапини ўтказиш учун: «Кечаги калтак ейишинга каклик сабабчи. Косани ўзи синдириб, сени эгамизга чақди», деди. Мош қандай бўлмасин, Қорақошни йўқотиш пайига тушган эди.

Равшан какликни ҳар куни қафасдан бўшатиб юборарди. Бундай вақтларда Қорақош уй ичини айланиб ўзича сайрар, ҳамиша бир қўшиқни такрорлаб кикирлагани кикирлаган эди. Баъзан ҳовлига чиқиб, тандир остидаги кулга думаларди. Мош Қорақошнинг ана шундай ҳоли қолишини пойларди.

Ниҳоят, ўч олиш пайти етди. Равшан Қорақошни қафасдан бўшатиб, ўзи эшикни беркитдию кўчага чиқиб кетди. Ҳар нарсага қизиқувчан каклик уй ичини айланавериб зерикди. Бир сакраб очиқ деразага қўнди. У ердан ҳовлига тушиб, дикиллаганча тандир тагига борди. Гоҳ чап қаноти, гоҳ ўнг қанотини кериб, кулга думалади, роҳат қилиб сайради.

Олма шохида чумчуқларни пойлаб турган Мош секин дарахтдан тушди. Ер бағирлаганча тандир томон судралиб борди. Қорақошга яқинлашгач, орани чамалаб олди ва чаққонлик билан бир сакрашда Қорақошга ташланди. Ўткир тишларини унинг қанотига ботирди. Кутилмаган ҳужумдан шошиб қолган Қорақош мушукнинг чангалидан чиқиб, жонҳолатда ўзини Олапарнинг инига урди.

Олапар ҳам бўш келмади. Тинчлигини бузган Қорақошнинг калласини шартга узиб, иштаҳа билан чайнай бошлади. Ўлжасидан айрилган Мош миёвлаб Олапардан озгина гўшт сўради. Олапар ириллаб жавоб берди. Бу — «Йўлингдан қолма, менга халақит берма», дегани эди. Мош қараса, ноинсоф Олапар какликни бир ўзи тамомлаб қўядиган. У Олапарнинг юзига чанг солди, кўзини тимдалаб, какликнинг оёғидан тишлаб тортиди. Ниҳоят, бир парча улушини олгач, чеккага бориб, шоша-пиша ютиб юборди.

Равшан Олапар билан Мош какликни еб тамомлаганда кириб келди. Тилини қўзиб мўйловларини ялаётган Мошнинг олдида каклик патларини кўрдию ғазабланиб унга ташланди. Мош чаққонлик билан бир сакраб девор орқасига ўтиб кетди...

Олапарнинг катагида ҳам каклик патлари тўзғиб ётарди. Равшан Олапарни таёқ билан савалай кетди. Олапар ғингшиб, «Мен эмас, бари айб Мошда», дер

эди. Аммо унинг тилига тушунмаган бола, парво қилмади, ўлгудек калтаклади. Биринчи марта қаттиқ калтак еган Олапар эгасидан ранжиди. Кечгача катак ичида инграб ётди. Кечқурун аста-аста қадам босиб унинг ёнига Мош келди.

— Олапар, ёмон урдими? Юр, бу ердан кетамиз. Бўлмаса, ўлдириб қўяди.

— Қаёққа борамиз?

— Тоғ-тошларга.

— Ким бизга яхши овқатлар тайёрлаб беради, ким эркалатади?

— У томонларда каламуш, сичқон, каклик кўп. Тутиб еймиз, роҳатда яшаймиз. У ерда менинг амакиларим, тоғаларим бор...

— Каламушинг нимаси?

— Каламуш гўшти емабсан, дунёга келмабсан...

Қишлоқдан чиқсанг, катта ёнғоқзор бор. У ерда каламуш дейсанми, ҳар хил қушларнинг боласи дейсанми, тўлиб ётибди. Истаганча тутиб ейверсан, ҳеч ким сени урмайди, занжирга боғламайди.

— Майли, борганим бўлсин. Аммо шартим бор: мен билан уришмайсан, ҳалигидақа бирор хавф туғилса, ёлғиз ташлаб қочиб кетмайсан!

— Бўпти.

— Айтмоқчи, йўлда адашиб қолмаймизми?

— Йўқ. Мен йўлни яхши биламан. Кечалари юлдузларга қараб йўл топаман.

Улар кечаси, ҳамма уйқуга кетганда йўлга тушмоқчи бўлишди. Том бўғотидаги уясида туриб, Олапар билан Мошнинг маслаҳатини эшитган чақимчи чумчуқ бу гапни дарҳол барчага ёйди:

— Чирик, чирик, янгилқдан хабаринг борми?

— Чирик, чирик, қани, айт-чи, яхши гапми?

— Мош билан Олапар бу ердан кетадиган бўлишди. Барг панасида туриб эшитиб олдим. Мошнинг холасиникига боришармиш...

— Эҳтимол, бу ҳийладир, эҳтиёт бўлиш зарур, — деди бобо чумчуқ. — Мен бунақа найрангларини кўп кўрганман. Тутиб еб қўйишмасин тагин!

— Ку-ку-ку! Мош билан Олапар кетишармиш! — дейишди мусичалар...

— Хўп-хўп, пиш, Мошдан қутуладиган бўлдик, — дейишди тут қавағидаги попишаклар...

Уша куни чақимчи чумчуқ тарқатган бу хабарни сичқонлар ҳам, чуғурчуқлар ҳам, уй бўғотида уя солган қалдирғочлар ҳам шодлик билан такрорлашди; ҳатто жўжаларини эргаштириб юрган товуқлар бу хушxabар билан бир-бирларини табриклашди...

Олапар билан Мош қоронғи тушишини тоқатсизлик билан кутишди. Кечқурун эгаси Олапарни бўшатиб, овқат берди. Мош косасига қўйилган сутни чўлпиллатиб ичиб олди. Осмонда юлдузлар чарақлади. Ҳамма уйқуга кетди. Тун яримдан ўтганда Мош Олапарнинг



ёнига келди. Улар аста кўчага чиқишди. Мош девор-ма-девор, Олапар эса йўл билан юриб қишлоқдан чиқишди. Икки дўст катта йўл адоғидан бурилиб, сўқмоқ орқали ёнғоқзорга етдилар. Ёнғоқзор ўртасидаги улкан бобоёнғоқ қавагига кириб дам олгани ётдилар.

Икки дўст ёнғоқ қавагига тумшуги узун кирпи билан жанжаллаш, ўғри каламуш яшашини билишмасди.

— Қандайдир ширин нарсанинг ҳиди келяпти, — деди Мош.

— Менинг кўнглим айниб кетди, қорним очди, — деди Олапар.

— Жуда ширин ҳид, худди сичқонникига ўхшайди. Тутиб олсам, иккаламиз маза қилиб ердик.

— Сичқоннинг қурсин! Оҳ, ҳозир суяк бўлгандами, қандоқ кемирардим-а!

— Дунёда сичқон гўштидан лаззатли нарса борми?!

Кўёш аста-секин Арслонбоб тоғларининг қорли чўққиларини ёритди. Ёнғоқзор ичида ҳаёт қайнади. Биринчи бўлиб тустовуқлар уйғонди. Хўрозларнинг овози янгради: бири қичиради, иккинчиси унга жавоб беради. Бу товуш бутун тўқай бўйлаб таралади.

— Тук, тук, тук!

— Ким у дарахтга теша ураётган? — Мушук аста бошини чиқариб қаради. Кўзига ҳеч нарса кўринмади. Кейин овчиларга хос ҳушёрлик билан ёнғоқ танасига тирмашиб, аста тепага кўтарилди, катта бутоқ устига жойлашиб, атрофни кўзга бошлади.

Овоз яна такрорланди:

— Тук, тук, тук!..

Мош ўткир, оч кўзларини жавдиратиб тепага қаради. Тумшуги узун, ўзи ола-була, кўкрагидан думигача қизил махлуққа кўзи тушди. Бу ўрмон табиби Қизилиштон эди. Мош орани чамалаб кўрди, унча узоқ эмас. Аста эмаслаша етади. Қизилиштон яна ишга киришди: ёнғоқ пўстлоғи орасидаги қуртларни тукиллашиб ола бошлади. Пайтдан фойдаланган Мош секин юқорилай бошлади. Масофа оз қолди, яна бир интилса, етади. Аммо шу пайт ҳаққа ишнинг пачавасини чиқарди:

— Как, как, как! Қоч, қоч, қоч!

У Қизилиштонни хавфдан қутқарди. Бир зумда ёнғоқзор думи варракниқидек узун, ола-була ҳақкалар овозига тўлди. Улар Мошнинг атрофини ўраб олиб, ҳолинг қалай, дегандек қаҳқаҳлашиб у ёқдан-бу ёққа учишарди.

Ҳақкалар овозига қаердандир, ёзда шу ерларда қоладиган қора қарғалар учиб келди. Бу қандай кўргилик? Бир қарға индамай-нетмай, ҳайрон бўлиб турган Мошнинг бошига тепди, бошқа қарғалар, ҳақкалар ҳам унинг ишини такрорлашди. Мош нима қилишини билмай шошиб қолди, жони омонлигида бир сакраб Олапар ётган жойга қочди. Аммо анчагача ҳақкаларнинг овози тинмади.

Ёнғоқ тепасида Қизилиштон яна ўз ишини бошлади. Мош иштаҳа билан бир яллаб кўйди-ю, иккинчи марта дарахтга чиқишга юраги бетламади — ҳақкаларнинг калтаги ёдига тушди. Ҳеч нарса эшитмагандек кўзларини у ён-бу ёнга жавдиратиб ётаверди. Ёнғоқзор ичида ҳар хил қушлар сайраб, тирикчилик қилишмоқда. Ҳатто энг митти қушча — читтақлар ҳам аллақачон тўйган. Фақат Мош билан Олапаргина бу даргоҳда оч-наҳор ётишибди. Ноинсоф ҳақкалар озгина ов қилишга қўйинмасе-я! Бу қандай ноҳақлик, қандай кўргилик?!

— Вийт, вийт, вийт! Как-ку, как-ку, как-ку! Сутақ, сутак, сутак! Ку-ёв, ку-ёв!

Какку, сутак, зарғалдоқ, қарқуноқ каби қушларнинг овози энди Мошнинг қўлоғига ёқмасди. Улар қорни оч мушукни гўё майна қилаётгандек эди.

— Штир, штир, штир!..

Мош қўлоғини динг қилиб, шарпа келган тарафга

Эрталаб Равшан Олапарнинг идишига овқат қўйди, Мошнинг касасига сут тўлдирди. Аммо иккаласи ҳам кўринмасди. Олапар билан Мош аразлаб кетганидан у беҳабар эди. Кутди. Кучук билан мушук эртасига ҳам, индини ҳам қайтмади...

## БИРИНЧИ ОВ

қаради. Ҳеч нарсадан дарак йўқ. Ё унга шундай туюлаётганмикин? Фақат унга эмас, мана, Олапар ҳам жонсарак бўлиб ўша томонга тикиляпти. Демак, нимадир бор...

Бу тушими ёки ўнги: штирлаган ёқдан Олапар иккаласи томонга олма юриб келяпти! Ҳа, расмона қип-қизил олма! Мош Олапарнинг диққатини ўша томонга жалб қилди. Олапар ҳеч нарса тушунмаяпман, дегандек ёнғишиб қўйди. Олма уларга яқинлашди. Мушукнинг кўзи ёниб, оғзидан сўлакайлари оқиб кетди. Аммо, не кўз билан кўрсинки, олманинг остида тумшуги каламушникига ўхшаш бир нарса келарди. У Мош билан Олапарни кўрса ҳам парво қилмасди.

«Шошмай тур, мен сенга ботирикни кўрсатиб қўяман!», деди ичида Мош. Сўнг бор кучи билан ўзини олма остидаги махлуққа ташлади.

— Миёв, миёв, миёв! Вой, қўлим, вой оғзим, вой тилим!..

Мошнинг нолишини «Ёрдамга чақиряпти», деб тушунган Олапар ҳам ҳалиги нарса устига ташланди. Аммо тилига қандайдир игна санчилиб, у ҳам ёнғишди бошлади.

Кейин бундоқ қарашса, ҳалиги махлуқнинг бадани юмшоқ жун ўрнига қандайдир игналар билан қопланган экан. Бу — кирпи эди. У ҳеч нарса бўлмагандек, бирпас олмага ёнбошлаб, сўнг уни яна елкадию тўппа-тўғри Мош билан Олапар ётган ёнғоқ илдизи остига кириб кетди. Икки дўст оғизларини очганча қолишди.

— Мана сенга хушбўй нонушта! Эрталабдан буён икки марта калтак единг! — деди Олапар. — Ҳали кенгача тирик қолишинг ҳам гумон! Эҳ, бекор кетдик-да уйимиздан...

— Парво қилма, Олапар! Бу ернинг ҳавосини ол-сак, ҳаммаси устидан хўжайин бўламыз ҳали, — деди Мош сир бой бермай.

— Ҳа, хўжайин бўлишингни боя кирпига таъзим қилганингадоек билувдим.

— Ўзинг ерга эгилиб салом бермадингми?

— Кел, Мош, ҳали ҳам бўлса уйга қайтайлик!

— Кетсанг, ўзинг кетавер. Мен кўрқоқлар билан дўст бўлмайман. Бўйингни қара-ю, юракдан йўқ экан-да!

— Кимда юрак йўқ? Мендами?!

Олапар Мошга ташланди. Мош ўзини чақонлик билан панага олмаса, Олапар нақ унинг бошини ғажиб ташларди. Пайт пойлаб Мош ҳам Олапарга чанг солди, юзини тимдалаб олди.

— Ие, ана холос, ҳали ҳазилниям билмайсанми?! — деди Мош авзойи бузилган Олапарга. — Кел, жанжални йиғиштириб, яхшиси, овқатнинг ҳаракатини қилайлик...

Кавакка биринчи марта киргандаёқ Мош сичқонлар исини сезган эди. Бу ерда каламушларнинг катта оиласи яшарди. Бобо каламуш офтобда ов қилишни яхши кўрар, ғанимат фурсатдан фойдаланиб, қишга данак, қуриган олма, ўрик ва ёнғоқ ғамлар эди.

Ана, каламуш инидан аста бош чиқариб, шихрайган мўйловларини у ён-бу ёнга буриб, атрофга мўралади. Кейин бутун гавдасини индан суғириб орқа оёғига фоз турди, атрофни синчиклаб кўздан кечирди. Тез-тез юриб, эпчиллик билан яқиндаги олма дарахтига чиқиб кетди. Мушук ўткир кўзларини каламушга тикиб, унинг орқасида бир оз қараб тургач, шиддат билан дарахтга отилди.



Саросимага тушиб қолган каламуш ўзини ёнғоқнинг тепа шохига урди-ю зарб билан ерга йиқилди. Мош худди шуни кутиб тургандек, ҳали ўзига келмаган каламуш устига ташланди. Уртада жанг бошланди. Каламуш ҳам бўш келмади, найзадек ўткир тишлари билан Мошнинг тўғри келган жойини таталай бошлади. Мош Каламушнинг думидан попукли терисини си-дириб олди, белини қаттиқ ярадор қилди. Оғриққа чидаёлмаган каламуш бир йўлини қилиб мушукнинг чангалидан қутулиш чорасини изларди. Унинг бахтига ҳақка келиб қолдию бояғидек шерикларини чақиришга тушди. Ҳар томондан учиб келаётган ҳаққаларни кўр-гач, Мош яна ўзини четга олди: ҳалиги калтакнинг зарбини у ҳали унутмаган эди. Шу пайт Каламуш жуфтакни ростлаб ура инига қочди.

Оч, ниҳоятда чарчаган Мош аламига чидаёлмай миёвлай бошлади. Бу, ёнғоқзордаги бекорчи махлуқ-ларнинг томошага келишига сабаб бўлди. Ҳақка қағ-қағлаб, йиғилганларга ниманидир тушунтирди. Кала-мушнинг ини томон сакраб борди-да, Мошни кўрсат-ди. Мош бари бир Каламушни ейишга қасд қилди. Қушлар жанжал бошламаётганини кўргач, у Каламуш-нинг инини олдинги оёқлари билан қазий бошлади. Овқат топишга умид боғлаган Олапар ҳам ер қазий-да Мошга кўмаклашди. Иш жадаллашиб кетди. Қазий-

қазий катта бир илдизга дуч келдилар. Уни қўпориш-га энди на Олапарнинг, на Мошнинг қурби ет-ди.

— Каламушни ўлдирмоқчимисизлар? — деди ҳам-ма ҳайвонлар тилини яхши тушунадиган Ҳақка. — Мен сизларга ёрдам бераман. Каламушлар менга ва менинг авлодларимга катта зиён etkазади. Ҳар йили биз қишга ғамлаган ёнғоқ, хандон писта, олма, қурт-ларни ўғирлаб кетади. Биз қишда оч қолиб, овқат из-лаймиз, баъзи бировларимиз нобуд бўлади.

— Узинг инга киролмасанг, қандай ёрдам берасан?

— Чумолилар билан иноқман.

— Чумолиларнинг қўлидан нима иш келарди?

— Жуда келади-да. Каламушлар ҳар йили улар йиққан овқатларниям ўғирлайди.

Аммо Ҳақка каламушлар ҳар йили тўп-тўп ёнғоқ, писта, олма, олча ҳосилини инларига ғамлаб, кичик ниҳолларнинг илдизини қуритишини билмас эди.

— Майли, дўстларингни чақириб кел бўлмаса, — деди Мош Ҳақкага.

Каламушдан ўч олиш иштиёқида юрган Ҳақка худди тўлқинлар устида сузаётган қоғоз қайиқчадек гоҳ баланд кўтарилиб, гоҳ пастлаб, қағ-қағлаганча учиб кетди. Томошага келган бошқа қушлар ҳам аста-секин тарқалишди...

## КҮМАКЧИЛАР

— Қандай бўлмасин, биз уни инидан чиқаришимиз керак! — деди Мош ғазабдан кўзлари чақнаб. — Бошқаларнинг овқатини талон-тарож қилишни мен ун-га кўрсатиб қўяман! Нимталаб ташлайман, уруғ-ай-моқларига сабоқ бўлсин! Сизларни бутунлай ғамдан қўқараман, инидан чиқариб олсам бас!

У оч кўзларини жавдиратиб, бир оз ўйланиб турди, сўнг қовоқ солиб ётган Олапарга деди:

— Ҳақкавойни қара, чумолиларни бошлаб келяпти.

— Мана, дўстим, — деди Ҳақка мағрурона, — ош-нангнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Борсам, чумо-лилар иш билан банд экан. Улиб-тирилиб қишга дон-дун ғамлашяпти. Тўппа-тўғри бориб, қоровуллик қилаётган қаттакон қора чумолига йўлиқдим. Узун мўйлови, қарашларидан унинг жангчи эканини пайқадим-да. «Нима ишингиз бор?», деб сўради у жиддий қиёфада. «Мен сизлардан ёрдам сўраб келдим», дедим. Унинг юзидаги жиддийлик меҳрибонлик билан алмашди: «Қандай ишингиз бор?» «Каламушдан ўч олишда Мошга ёрдам берсанглар», дедим мен ҳам жиддий туриб. «Каламуш дедингизми? Эҳтимол, биз йиққан овқатни ўша ўғирлагандир?» «Худди ўша, ўз кўзим билан кўрганман!», дедим дадил. «Майли, ёр-дам берганимиз бўлсин», дедию сули кўтариб келаёт-ган митти чумолига бу ҳақда подшога хабар бериб, ҳаммани жангга чақиришни тайинлади.

— Яша, дўстим! — деди Мош минатдорчилик бил-дириб.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳаммаёқни чумоли босиб кетди. Каламуш инига киришдан олдин «разведкачи»-

лар юборилди. Мош билан Олапар уларнинг ишини зимдан кузатиб турди.

«Разведкачи»лар индан қайтиб чиқишди. Бобо каламуш чиндан ҳам ярадор экани, ёнида бир тўда каламушлар борлигини айтишди. Чумолиларнинг ол-динги сафи дарҳол инга йўл олди.

Мош рақиби билан учрашишга ҳозирланиб турди. У Каламуш инидан чиқиб, анча нари боргандан кейингина унга ташланишни мўлжаллаб қўйди.

Чумолилар инга киришганда Каламуш инграб ётар, думидан қон оқмоқда эди. Ҳолдан тойгани учун чу-молилар келганини сезмай қолди.

Бошлиқларининг буйруғи билан чумолилар унга ёпишганини кўриб Каламуш ташқарига интилди. Аммо инининг ҳаммаёғини чумоли босган, осонликча чиқиб кетишига қўйишмас, ҳар бири ўзини олишга ҳаракат қилар эди. Ҳашаротлар унинг жунлари орасига маҳ-кам ёпишиб олишди. Каламуш улардан қутулиш учун тезроқ ташқарига чиқишга ошиқарди. Индан Кала-мушнинг боши кўрингач, Мош ер бағирлаб ётиб олди, унинг андек узоқлашувини кутди ва ўлжаси устига ўзини таппа ташлади.

Каламуш осонликча ўлдирилди. Териси шилин-гач, думига қоп-қора бўлиб чумолилар ёпишиб олишди. Мош Олапарга мағрурона миёвлади. Бу билан гўё «Кўрдингми, дўстинг нималарга қодир!», демоқчи эди. Мош гўштни ейишдан олдин ҳаммага кўз-кўз қилиб, ёнғоқзор жониворлари олдида мақтанмоқчи бўлди. Аммо мақтанчоқлиги ўзига зарар келтирди — ҳамма-нинг кўз ўнгида зўрға тогган ўлжасидан айрилди.

## ЯНГИ ОШНАЛАР

заҳархандалик билан. — Бу ерларда сен билан менга нон тегиши қийин...

— Узинг ҳам жуда ваҳимачи экансан, ношуд!

Олапар қаёққадир ғойиб бўлиб, хийла маҳал дарақ-сиз кетди. Мош кўрқди. Ошнасининг кетиб қолган гумон қилиб бир оз кўз ёши ҳам тўкиб олди. Анча-дан кейин Олапар бир нимта гўштни судраб келиб қолди.

Каламушнинг ўлими ҳақидаги хабарни ҳаққалар бир зумда бутун ёнғоқзорга ёйишди. Уларнинг шов-қини шу атрофда ўлжа излаб юрган итолғининг диқ-қатини жалб қилди. У шов-шувдан фойдаланиб, ҳали мушук оғиз тегизишга улгурмаган Каламушни кўтариб кетди.

— Бу ерда тирикчилигинг ўтмаслигига энди ишон-гандирсан! — деди Олапар Мошга таъна аралаш



— Қаёқда эдинг? — Кайфимниям учириб юбординг, жуда ҳавотир бўлдим.

— Бундоқ борсам, ўриклар ҳил-ҳил пишиб, тагиға тўкилиб ётибди. Қорнимни роса тўйғаздим. Бир пайт қарасам, калхатлар тўда-тўда бўлиб учиб келишяпти. Шу орада Ҳакка келиб қолди. Калхатлар ўлган отни егани кетишаётганини айтди. Мен ҳам ўша томонга йўл олдим. Бир сонини судрадим. Мана, қолганини сенга олиб келдим.

— Яша, Олапар!

Мош ҳамма нарсани унутиб, гўшт чайнашга киришди. Шу орада қаердандир битта калхат учиб келди. Индамай-нетмай гўштни тортқилай бошлади. Мош унга энди чанг солмоқчи бўлиб турганида яна иккита калхат келиб гўштга тумшүқ урди. Олапар уларга зарба беришга тайёрланди. Аммо калхатлардан бири унинг бошига тепди.

— Ув, оғайни, сен бу ернинг қоидасини билмас экансан, — деди у. — Эсинг бўлса жанжаллашмас, қорнингга сиққанича олиб еявер. Бўлмаса, нобуд бўласан, ҳаммамизга овқат керак.

— Гап овқат етиш-етмаслигида эмас, — дея эътироз билдирди Олапар, — сизларнинг уятсизликларингизда. Ҳамма келиб тумшүгини тиқаверса...

— Шундай қилади! Бунга кўнмасанг, бошинг ғалаван, умринг калтакдан чиқмайди, қорнинг сира тўймайди.

Бу гапни сергап Ҳакка айтди, Олапар эса парво қилмади. Аммо эртасига қашқалдоқлардан роса калтак еганидан кейингина Ҳакканинг гапи тўғри эканига ишонди.

Ҳакка эртасига яна келди. Олапар билан Мошнинг тепасидаги ёнғоққа кўниб қағ-қағлай бошлади. Унинг овозига теварақдаги ҳайвонлар, қушлар тўпланишди. Улар орасида уришқоқ қарға ҳам, ўғри итолғи ҳам, Олапар ҳали исмини билмаган бошқа ҳайвону паррандалар ҳам бор эди.

— Нега кўзинг олайиб кетди, биродар? — деди бутуоққа кўниб турган Қизилиштон Мошни майна қилгандек. Мош унга бир ташланмоқчи бўлди-ю, ўтган сафарги калтак эсига тушиб, аста миёвлаб қўйди. — Бу ер ҳаммакини!

— Кўзинг кўрми, ана, овчилар келишяпти!

— Майли, келишаверишсин, улар менга тегмайди, мен уларнинг ёрдамчисман. Дарахтларни даволайман...

— Бемалол ҳаммаёқни тақиллатиб юрганинг бежиз эмас экан-да?

Олапар Қизилиштонни одамлардан қўрқса керак, деб уиларди. Кейин билса, одамлар уни эркалатиб «ўрмон табиби» дейишар экан.

Орадан уч кун ўтиб, Олапар билан Мошни кўргани келган парранда ва ҳайвонларнинг ҳисоби бўлмаётди. Уларнинг бариси қандайдир жанжалкаш, бад-жаҳл, ҳамма нарсага эҳтиётлик, ҳатто бир-бирига ишончсизлик билан қарайдиган махлуқлар эди. Кундуз кунлари қарға ва калхатлар тинчлик бермаса, кечалари дайди бўрилар, шақоллар, тўп-тўп бўлиб юргани қашқалдоғу ўткир найзали жайралар уларнинг жонига тегарди. Бу орада Олапар билан Мош бир неча марта жанжаллашиб ҳам олишди. Ҳатто бир кеча тўнғизнинг тишию айиқнинг чанғалига тушишга сал қолди. Мош дарахтга чиқиб, Олапар қавакка яшириниб зўрга қутулишди.

Мош билан Олапар қанчалик жанжаллашишмасин, бир-бирларининг феълига яхши тушунишар, бахтсиз ҳодиса содир бўлса, ўзаро ёрдам кўлини чўзишар эди. Улар ҳатто кўни-кўшилари ҳам хавф-хатардан қўтқаришарди. Агар бу ерда Олапар билан Мош бўлмаганда атрофдаги қушларнинг тухумини аллақачон жониворлар еб кетган бўларди. Аммо, кези келганда, бу икки дўст ҳам полопонларни тутиш, қушларнинг тухумини сўришдан тап тортишмайди.

— Биз бу ердан кетишимиз керак, — дер эди Мош ҳар куни. — Узоқроқ, очикроқ жойга кетсак, тирикчилигимиз яхшироқ, осонроқ ўтади. Ҳар куни чирриган ўрик билан чумчуқ боласини овлаш жонимга тегди.

— Қаерга борамиз? Ҳар ҳолда шу ерга ўрганиб қолдик, ёмғир ёққудек бўлса, бошпанамиз бор...

— Оғайни, мана бу чиябўрилар билан қашқалдоқлар бугун бўлмаса, эртага қорнингни ёриб кетишларини ўйламайсанми, ахир?! Мен-ку дарахтга чиқиб қутуламан, аммо сен...

— Ким олдин ўлиши ҳали номаълум, ҳушёр, тиши ўткир менми ёки сенми?

— Баҳслашишга вақт йўқ, яхшиси, шу бугуноқ йўлга чиқайлик. Бўлмаса ҳолимиз хароб...

Кўп тортишувдан сўнг Мош Олапарни бу ердан кетишга кўндирди. Тунда йўлга чиқишни мўлжаллаб қўйишди. Аммо улар кетадиган кечаси қутилмаган воқеа содир бўлди.

## КУТИЛМАГАН МЕҲМОН

Олапар йўлга чиқиш олдидан қорнини тўйғазиб олиш учун ўрикзорга қараб кетди. Мошнинг қорни тўқ эди. У Олапардан яширинча битта чумчуқ боласини жигилдонига уриб олган, қоронғида яшириниб ётган кўршапалакни тутиб еган эди. Қорни тўқнинг гами йўқ, деганларидек юлдузларни томоша қилиб ётиб, кўзи юмилиб, хуррак ота бошлади. Қаттиқ ухлаган экан, бўри келиб уни кўтарганда ҳам сезмай қолди.

Оч бўри Мошни маҳкам тишлаб инига йўл олди. У ерда бўри болалари оналари бирор нима олиб келишини кутиб ётишган эди. Мош аввалига бу Олапарнинг одатдаги ҳазилларидан бири деб ўйлади.

— Миёв, миёв! — деди у аста овоз чиқариб. — Олапар, қўйиб юбор, баданим оғриб кетди.

Аммо бўри ўткир тишларини унга қаттиқроқ ботирди. Мош оғриқдан додлаб, кўзини очди. Не кўз билан кўрсинки, уни қандайдир нотаниш махлуқ кўтариб кетяпти! Қути ўчди. Душман қўлидан осонликча қутулолмаслигини билиб, бор овози билан Олапарни чақира бошлади:

— Миёв, ми-и-и-ё-ввв! Олапар, оғажон, ёрдам бер! Мош қанчалик чинқирмасин, овози ёнғоқзордаги

ҳайвонлар шовқини ичида эшитилмай кетарди: шақоллар ёш болалардек йиглаб Мошни мазах қилишар, бўрилар улишиб, тулқилар қичқаришар, бойўғилларнинг овози борлиқни бузар эди.

Мошни фақат қўрқмас дўсти Олапаргина балодан қўтқариб қолиши мумкин. Бошқа чора йўқ. Бахтга қарши ҳозир даракчи ҳаккалар, қарғалар ҳам уйқуда.

— Миёв, миёв, миёв!

Нихоят, Мош дўсти Олапарнинг овозини эшитди:

— Вов, вов, вов!

— Миёв, миёв! Улдим, Кел тезроқ!

— Вов, вов, вов! Кетялман, қаердасан? — дея Олапар ҳар ёнга югуриб уни изларди.

Бўри Мошнинг ноласига парво қилмай, уни маҳкамроқ тишлаб олди. У тонг ёришгунча инига етиб олмоқчи. Ерга ёруғ тушса, уни бирорта овчи кўриб қолиши мумкин. У ҳолда бўрининг кўни биттади.

— Вов, вов, вов! — Чарчаган Олапарнинг овози яқинроқдан эшитила бошлади.

— Миёв, миёв, миёв! — Мошнинг мунгли овози уни чорларди.

Шарқ томон аста ёришиб, тонг заррин сепини ёя бошлади. Мана, Олапар уларга етай деб қолди.

— Миёв, миёв, миёв! Ердам бер, ёрдам бер!

Улар тоғ этагига етиб қолишди. Жилга бўйлаб аста кўтарилишди. Сал юқорироқдаги ёрда бўрининг ини бор. Яна, яна икки юз қадам босилса, бўрининг ини! Олапар бир зарб билан бўрига етиб олди ва пайт пойлаб, унинг думига осилди. Бўри Мошни қўйиб юборишга мажбур бўлди.

Фалокатдан қутулган Мош уриб тоғ томонга қочди. Бўри Олапарга ташланди. Олапар ўзини четга олиб, бўрининг қулоғини тишлади. Бўри увиллаб унга ёпишди...

Жанг қизиди. Рақиблар жон олиб, жон беришарди. Олапар умрида бўрилар билан жанг қилмаган бўлса ҳам, бўриларга қарши қандай курашишни онасидан ўрганган, отасининг баҳодирликларини ҳам билар эди. Шунинг учун у отасига ўхшаб баҳодирларча жанг қиларди.

Мошнинг жароҳати анча оғир эди. Бўрининг ўткир тиши ботган жойлардан сизиб қон оқар, Мош ялаб тугатмоқчи бўлар, қон эса ўчакишгандек сира тўхтамас эди. Аммо Олапарнинг Бўри қўлидан эсон-омон қутулгани унга куч бағишлади. Мош аста-аста, оқсоқланиб Олапарнинг орқасидан эргашди.

Бошқа итлар билан бўлган жангларда чиниққан Олапар оғриқ қанча азобласа ҳам бардош беришга ҳаракат қиларди. У гўё, қайғурма, дўстим, ҳаммаси унутилади, дегандек Мошга далда берар, у орқада қолиб кетганда сабр билан кутиб турар эди.

Мошнинг тинқаси қуриди. Ҳамон ярасидан қон оқар, миёвлаб йиғлар эди. Олапар уни юпатарди:

— Хафа бўлма, мен сал кеч қолибман. Бўлмаса, иккаламиз Бўрининг таъзирини берардик. Мен битта дорини биладан, тоғдан тушсак, ўша билан ярангни даволаб қўяман. Озгина сабр қил.

Улар жуда кўп йўл босишди. Анча узоқлаб кетишган экан. Охири битта қоянинг устидан чиқиб қолишди. Мушук дарҳол оғриқни унутиб, қоя тепасига чиқди. Атрофга назар ташлади. Пастда — ёнғоқзор, олчазор ва олмасзорлар, тоғ ёнбағирлари — пистазор, арчазор, қоялар ва тошларга ёввойи гилослар чирмашиб кетган. Тоғ райҳон ва жамбуллари, бўзлонч, қимизлик, қаклик ўти, кийик ўти каби гул ҳамда ўсимликлар ҳиди қўшилиб, ҳавода қандайдир хушбўй ис таралади.

Олапар билан Мош оч кўзларини атрофга тикишди. Осмонда бир жуфт бургут патиллашиб бир-бирини чўқияпти. Ногаҳон бирининг чангалидан нимадир отилиб чиқдию жон-жаҳди билан пастга шўнғиди, тўппа-тўғри Мош билан Олапар турган қоя этагигади кўкатлар орасига келиб тушди.

— Ие, қаклик-ку! Мана, бургутлар нимани талашган экан. Югурганники эмас, бузурганники, деб шуни айтадилар-да, — дея Олапар ҳали ўзига келмаган қаклик устига ташланди. Ҳаш-паш дегунча бошини танидан жудо қилди. Дўстининг вазоҳатидан қўрққан Мош аста миёвлаб унинг ёнига борди ва қўрқа-писа қакликнинг бошини олиб қочди. Олапар индамади. Мош қорнини тўйдириб бўлгач мўйловларини ялаб бошлади.

— Энди нима қиламиз? — деди Олапар. — Ёки шу бўрилар маконида яшайверамизми?

— Бир илож қилиб тоғ ёнбағрига тушайлик. У ерда сичқон дейсанми, каламуш дейсанми, ҳаммаси бор. Истаганда овқатланамиз, истасак, мазза қилиб офтобда хуррак отамиз.

— Каламушнинг бошини қолсин. Улимдан аранг қутулиб ҳам ақлинг кирмабди-да! Уйга қайтсак бўларди...

— Уни қара! — деб қолди мушук.

Бўри билан Олапар ўртасидаги жанг узоқ давом этди. Мош узоқдан туриб уларни томоша қиларди.

— Мен сени, — дер эди Олапар...

— Мени бекорга Бўри дейишмайди...

Шу пайт қаёқдандир ўкирган бир овоз эшитилди. Улар томонга лапанглаб Айиқ полвон келарди. Айиқни кўриши билан Бўри жуфтаникни ростлаб қолди. Чунки, Айиқ билан тўқнашса, қандай фалокатга дучор бўлишини яхши биларди. Пайтдан фойдаланиб Олапар ҳам думини маҳкам қисдию Мошнинг олдида қараб чопди... Оғайниси билан кучоқлашиб кўришди.

Олапар ёрдам бермай қочиб қолганини айтиб Мошга таъна қилганда у миёвлаб ҳаммаёғи оғриётганини баҳона қилди. Улар бундан кейин ҳеч қачон бир-бирларини ташлаб кетмасликка ваъдалашиб, йўлга тушишди. Йўл-йўлакай Мош йиғлар, Олапар узун тишларини йилтиратиб чуқур-чуқур нафас олар эди.

## МОШНИНГ АМАКИСИ

Улар томонга тош ёпинган қандайдир нарса елкасига товоқ қўйиб келмоқда эди. Илонникига ўхшаган боши товоқ остидан зўрга кўринарди. Яқинроқ келганда кичкинагина думи ҳам борлиги билинди. У тўппа-тўғри Мош билан Олапар турган қояга яқинлашди. Ўзини тутишидан бу ерларнинг хўжайинига ўхшарди. Эҳтимол, энг катта йиртқич шудир? Бу ўйдан Мошнинг юраги орқага тортиб кетди. Келган меҳмоннинг кичик, нурсиз кўзлари ҳам жуда совуқ эди.

— Ий-йе! — деди у Олапар билан Мошга қараб. Мушук қочишга ҳозирланди... Улар анча вақт бир-бирларига тикилиб, индамай қолишди.

— Сиз қоплонлар авлодиданмасми? — деб сўради меҳмон.

Мош нима дейишини билмай, серрайиб турарди. — Сиз ҳам танишга ўхшайсиз, — деди меҳмон Олапарга тикилиб.

— Биз бу ерга адашиб келиб қолдик, — деди Мош. — Сиз бизларни қаердан танийсиз? Менинг исимим Мош, буники — Олапар. Бўрининг кўлидан аранг қутулдик...

— Бўридан? Ростданми? — дея ҳайратга тушди меҳмон. Бир оздан сўнг ўзини танитди:— Менинг отим Тошбақа, эшитганмисизлар?

— Эшитганимиз бор, сиз жаҳондаги энг қадимий махлуклардансиз, калтакесаклар ажодидан, — деди Олапар.

— Ҳа, энди билдим, сиз мушуксиз. Сизнинг тўғрини сизча сичқонлардан кўп эшитганман. Шеригингизниям кўпгина дўстларим ёқтирмайди.

— Масалан?

— Айниқса, суғурлар билан қашқалдоқлар унинг номини эшитганда қарғай кетишади. Паррандаларни айтмайсизми! Ҳатто беданаларниям овчиларга шеригингиз топиб беради. Айтаверсам, сизлардан нолиганларнинг ҳисоби йўқ. Сизлар ўрмонга келган кунийёқ ҳамма гапни ҳаққалардан билиб олганман.

— Ҳали шундоқ денг? — деб кўзларини айёрона сузди Мош.

— Гўштгаям ўчсизлар, буниям эшитганмиз, — деди Тошбақа.

— Сичқону каламушлар зараркунанда-ку!— дея ўзини оқлашга ҳаракат қилди Мош.

— Улар зараркунанда бўлсин, майли, қаклик билан беданаларнинг гуноҳи нима?— деди Тошбақа.— Майли, ҳар кимнинг ўз касби... Демак, сиз бу ерда амакингиз борлигини билмас экансиз-да?

— Амаким?! Қанақа амаким?

— Уялмайсизми, ўз қариндошларингизни танимасдан?!

— Какку, какку, какку!— Арчазордан овоз эши-

тилди. Мош билан Олапар бир-бирларига қараб олишди.

— Бу какку, безори қуш, — салмоқлаб тушунтирди Тошбақа. — Бола очишни ёмон кўради, эртадан кечгача какиллагани какиллаган, бўтек иши йўқ.

— Бола очмайди деганингиз нимаси, дунёда шунақа махлуқ ҳам борми? — деди Мош.

— Ҳа, бола очмаслиги рост. Тўқайни қидириб юриб читтакнингми, зарғалдоқнингми, қарқуноқнингми уясини топади. Уядаги тухумларни ерга юмалатади-да, ўзи тухум қўйиб кетади. Ҳеч нарсадан беҳабар шўрлик қушлар бегона тухумни босиб, бола очади. Какку қурғурнинг боласи чунон мечкай бўладики, ҳалиги қушлар эртадан кечгача овқат ташиб қаноти толади. Какку боласи учирма бўладию пирр қочади. Ҳа, каккулар ана шунақа айёр! — дея сўзини тугатди Тошбақа.

— Мен сизларни ҳам бола очишни ёмон кўради, деб эшитган эдим, бекор гап экан-да, бўлмаса?

— Тўғри, биз ҳам бола очмаймиз, лекин бировга зиёнимиз тегиб, боласини ўлдирмаймиз.

— Жуда қизиқ экан-ку? — деди Мош қулоқларини чимириб. — Бўлмаса болаларингиз қандай туғилади?

— Бизлар тухум босиб ётолмаймиз, кун исиганда тупроққа ёки қумлоққа — ҳеч ким тополмайдиган жойга тухум қўямиз. Вақти етиб кун қизигда тухумдан бола ёриб чиқади. Кейин ўз тирикчилигини қилиб кетаверади. Бизнинг болаларимиз туғилган куниданоқ овқатни ўзи топиб ёйди, ҳар хил кўкатлар билан тирикчилик қилади.

— Вой бечоралар-эй! Бизникидақа кўр туғилмас экан-да.

Тепаларидан визиллаб бургут учиб ўтди. Мош катта тошнинг панасига ўтиб яширинди. Олапар то бургут узоқлаб кетгунча кузатиб турди. Тошбақа эса ҳеч нарсадан беҳабардек қип-қизил митти кўзларини бақрайтириб гоҳ Мошга, гоҳ Олапарга тикиларди. Унга шундай катта-катта махлуқлар бургутдан қўрққани ғалати туюларди. Бургут ит билан мушук устида ҳаволаб бир айланди-ю, худди ниятидан қайтгандек, яна водий томонга учиб кетди.

— Кўёнми, тустовуқми ахтаряпти, — деди Тошбақа билимдонлик қилиб. — Бургутлар бизга тегмайди. Аммо бизга тулкилар кун бермайди, тўнтариб кетишади. Уч-тўрт ойгача очликка чидаймиз, кейин ўлишга мажбур бўламиз. Эҳ, ишқилиб тўнтариб кетишмасин-да!

— Сизларга қийин экан, — деди маҳмадона Мош. — Биз ҳам балодан осонликча қутулмайдиганга ўхшаймиз. Айтганча, амакиларимнинг макони олисдами?

— Унча узоқ эмас. Бизга бир ҳафталик йўл. Сизлар икки соатда етасизлар.

Олапар билан Мош Тошбақадан йўлни суриштириб билишгач, ҳар қадамда шарпага қулоқ солиб, тоғ томонга йўл олишди. Тепаларидан гоҳ чийиллаб каклик учиб ўтар, гоҳ атрофдан қандайдир номаълум қушларнинг товуши эшитилар, гоҳ кўкқарға ва пўнқарғалар айланишар эди. Худди мазах қилгандек сугурлар инларидан чиқиб, чўнқайган кўйи чий-чийлаганча уларни кузатиб қолишарди.

— Майли, мазах қилаверишин, амакимникига

етиб олсак — марра бизники. Меҳмон қилса керак, — деди Мош Олапарга.

Улар баланд қояларга етишди. Мош ҳар қандай жойга осонгина чиқар, Олапар анча қийналса ҳам ундан ортда қолмасликка тиришар эди. Ит чарчади. Амакисининг меҳмондўстлигидан бошқа нарсани ўйламаган Мош эса уни ҳадеб тезроқ юришга қистарди. Эҳтимол, манзилга яқинлашиб қолишгандир.

Улар катта қояни айланаб ўтиб, аллақандай ғор ёнидан чиқишди. Ғор оғзида иккита катта-катта тарғил «мушук» кўринди. Мош севинганидан миёвлаб юборди. Чиндан ҳам, ола-була пўстин кийган «мушук» ундан сира фарқ қилмасди. Тошбақа уни алдамабди. Лекин амакилари кўринишдан жуда дарғазаб эди. Мош биринчи бўлиб кучоқ очишга журъат этолмади, амакиларидан бири келасолиб Мошга осилди. Иккинчиси Олапарнинг елкасидан олди.

— Амаки, ҳазиллашманг, мен жиянингиз бўлман, — деди Мош ўзини яқин кўрсатиб.

— Жиян?! Тоға-жияним йўқ менинг! Ишонмасанг, ҳозир онам келганда сўраймиз.

— Аналарингиз қаерда?

— Овқат излаб кетган. Кийикми, архарми тутиб келади. Биз қоплон болаларимиз, бизни баъзан «ил-вирс» ҳам дейишади.

— Шундай денг? — Демак, амаким билан холамининг болалари экансизлар-да? Ҳазилкашликларингиздан билувдим.

— Шунақадир... Аммо ҳеч қачон онамиз сенлар ҳақида гапирмаган, — деди тишларини гирак қилиб қоплон болаларидан бири. — Қариндош кўп-у, бирортаси ҳам биз билан дўст эмаслигини яхши биламиз.

— Ундоқ қараманг, кўзингиз ёниб кетяпти, қўрқаман! — деди Мош қоплончининг ёниб турган кўзларига қараб. Олапар ҳам Мошнинг қариндошларидан яхшилик чиқмаслигини сезди. Қоплон боласининг ўткир тиши уни хушёр қилиб қўйди.

— Оғайни, истасанг, сен амакинг келишини кутавер, — деди у пайт пойлаб Мошга. — Боласи шунча «меҳрибончилик» қияпти, ота-онасидан нима қутиш мумкин?..

— Мен ҳам кетаман. Улиб жинни бўлганим йўқ. Булар еб қўйишдан ҳам тоймайди. Тошбақа адашганга ўхшайди. Узоқ яшасаям уларнинг ақли калта.

— Шеринг ким? — деб сўради қоплон болаларидан бири.

— Бу — Олапар.

— Олапар?! Бўрининг қариндошимиз бу? Бўри бизларни ёмон кўради.

— Узоқроқ қариндоши-да. Биз иккаламиз дўстмиз.

Сўхбат чўзилди. Шу орада ғалати бир товуш эшитилди. У гоҳ эчкининг овозига, гоҳ қандайдир даҳшатли ҳайқириққа ўхшарди. Олапар безовталаниб қолди, Мош ҳам.

— Ур-ра, оймил дадам овқат олиб келишяпти! — деди қоплончалардан бири ирғишлаб.

Тоғ чўққиси томондан келган даҳшатли овоз такрорланди. Қоплон болалари ўша тарафга кўз чақчайтириб, лабларини ялашди, бир-бирларига ириллай бошлашди...

Пайтдан фойдаланиб, икки дўст пастга, водий томонга ғир жўнаб қолишди, қоя ортига ўтиб ғойиб бўлишди...

## ТОШБАҚАНИНГ МЕҲМОНИ

Қоплонлардан зўрға жон сақлаган Мош билан Олапар яна Тошбақанинг олдидан чиқиб қолишди. У бепарво, лапанглаб борарди.

— Ув ошна, амаким ҳам қурсин, бир ўлимдан қолдик. Яхшиямки, ўзи йўқ экан, бўлмаса...

Тошбақа қандай амаки тўғрисида сўз кетаётганини аранг эслади.

— Унинг бундоқлигини қайдан билай? Сизлар ҳам

биз тошбақаларга ўхшаб иноқ деб ўйлабман. Мана, мен қуруқликда яшайман. Кўлдаям, ботқоқликдаям қариндош-уруғларимиз бор. Учрашиб қолсак, сира жанжаллашмаймиз. Сизлар бўлса...

— Ҳа, одатимиз шунақа бўлгандан кейин нима ҳам қилардик?— Мош ўзини доно кўрсатмоқчи бўлди.

— Бу ерларда хушёр бўлиш керак. Ҳали бутазор-



га борганда кўрасизлар. У ерда ким кимга дўст, кимга душманлигини билиш қийин... Тошбақа бирдан отга ўхшаб кишнаб юборди:

— Қочинглар, яширининглар, чиябўри келяпти!

Улар қандайдир терини кўтариб келаётган Шоқолни кўриб қолишди. Мош ўзини четга олди. Олапар парво қилмади. Бу Тошбақага ҳам, Мошга ҳам далад бўлди, бамайлихотир кетавердилар. Лекин калтакланавериб юрак олдириб қўйган Мош бир оз кўрқарди.

— У жуда айёр,— деди Тошбақа,— ўзини билмасликка солиб ҳужум қилади. Бир марта оғайнимни тутиб емоқчи бўлибди. Оғайним ҳам бўш келмабди. Бошини косасини ичига тиқиб олибди. Шоқол ноиллож жўнаб қолибди. Яхшиямки, тўнтариб кетмабди, нақ ўларди-я! Мабодо сизлар унинг қўлига тушсаларинг борми, дабдалаларингизни чиқаради.

Улар тобора яқинлашиб келаётган чиябўрига қарашди. Чиябўри Олапарни кўриши билан безовталаниб қолди: итлар чангалига тушган экан-да. Буни сезган Олапар ҳужумга ҳозирланди. Шоқол эса оғзидаги нарсани ташладию ғойиб бўлди. Мош дарҳол ўлжага ўзини урди. У пўстак парчаси экан. Демак, Шоқол

Илоннинг оғзидан чумчуқни олиб ейиш Мошга насиб бўлмади. Илон чумчуқни ютиб, инига кириб кетди. Мош туйнуқ ёнида анча пойлади, аммо илон чиқмади. У аллақачон бошқа йўлдан ташқарига чиққан, ўсимликларга тирмашиб, чумчуқни ҳазм қилиб юборган эди.

Мош билан Олапар чор атрофга назар ташлаб, ўзларига жой қидира бошлашди. Ҳаммаёқ кўм-кўк ўтлар билан қопланган, тоғ гуллари ранг-баранг жилоланади. Ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп ҳаприклар кўзга ташланади. Итбурун, товлиги, иргайзорлар ичида қушлар сайрамоқда. Какликларнинг вит-вити ажойиб куй яратиш, осмондаги қушлар қўшиғига жўр бўлади.

— Бу ҳаприк, бу ўт-чи, сенга даво бўлади,— деди Олапар Мошга. — Кел, яраларингга қўямиз. — Мушук дорининг ачиғига чидамай додлади.— Бақирма, бирор фалокатни чиқарасан яна!

Бирдан осмонда калхатлар пайдо бўлди. Улар худди осмон кўриқчиларидек аста қанот кериб учибарди. Мош миёвлашини қўймади. Унга сари, нотаниш овозни эшитиб, паррандалар тўда-тўда бўлиб шу томонга учиб келарди. Мана, ҳозиргина Мошнинг ёнгинасидан каламушга ўхшаш нарса ўтиб кетди. Мушук унинг попукли думига қараб қолди.

— Олапар, каламушни кўрдингми? — деди у севинганидан оғриқни ҳам унутиб. — Бу ерларда ҳам каламуш бор экан. Семизлигини қара, иккаламизга бир кунлик овқат бўлади!

— У каламуш эмас, юмронқозиқ, — деди яқинроқда турган жониворлардан бири. — Каламушнинг қариндошларидан. Қўкатлар, дала сичқонлари билан тирикчилик қилади.

— Нега бўлмаса у мендан қочади? Умрида кўрмаган бўлса...

— Тўнингизни кўриб, қочгандир. Уни ёввойи мушуклар чўчитиб қўйган. Шеригингизни тулки деб ўйлагандир.

Шу пайт пастликдан қандайдир чийиллаган овоз эшитилди. Тошбақадан бошқа ҳамма жониворлар тум-

бир жойдан пўстак ўғирлаб келибди. Олапар пўстакни ҳидлаб, чайнамоқчи бўлди. Анча уринди, аммо бир иш чиқаролмади.

Шу пайт уларнинг кўзи бошқа манзарага тушди. Битта илон кулча бўлиб олиб, бошини баланд кўтарган ҳолда қандайдир қушчани ушламоқчи бўларди.

— Қичқир, уни еб қўямасин! — деди Тошбақа Мошга.

— Нега қичқира эканман, зарур келгани йўқ. Қани иложи бўлса, ўзим ҳам уни мазза қилиб еб олардим. Майли, илон тутаверсин, кейин меники бўлади.

— Ундай бўлса, Қирпи ошнамга айтай, у илонларнинг душмани, сенга ёрдам беради. Илонлар бизнинг авлоддан-у, ёмон кўрамиз.

Ҳаммалари илоннинг ҳаракатини кузатиб туришди.

— Ана, бечора парранданинг аҳволи!

— Ўлдирсин, оғзидан бўлсаям тортиб оламан! — деди Мош.

— Ҳой, ўйлаброқ гапир, илонлар билан ҳазиллашиб бўлмайди-я! — деди Олапар.

— Ҳе, илонлар билан кўп тўқнашганман, тажрибам бор...

Аммо чумчуқ Мошга насиб қилмаган экан.

## БУ ҚАНДАЙ МАХЛУҚ?

тарақай қочишди. Ҳатто қушлар ҳам безовталаниб қолишди.

— Суғурлар хавфдан хабардор қилишяпти, — дея тушунтирди Тошбақа. Уларнинг тепасидан ўқдек учиб бургут ўтди. — Хайрият, кўрмади. Бургутлар оч қолса овқат танламайди. Кўзига кўринган жониворни илиб кетади. Мен ҳам унинг чангалидан аранг қутулганман.

Бургутнинг кетидан иккита қарга учиб ўтди.

— Булар бургутнинг чангалидан бирор нарса тушиб кетса, олиб ейиш мақсадида юришибди, — деб изоҳ берди Тошбақа ўзини билимдонларча тутиб.

Калхатлар сайёҳлар устидан кетмай қолишди. Бу уларнинг юрагига ғулғула соларди.

— Бирор жойда ўлимтик борга ўхшайди, бўлмаса бунчалик пашшаҳурда бўлишмас эди, — деди Тошбақа.

— Қани, энди шундай бўлса!.. — Мош эснаб, бурнини ялади.

— Калхатлардан кўрқманглар. Улар гавдаси катта бўлгани билан тирик нарсага сира ташланишмайди. Аммо ҳар қандай ўлакани баланд осмондан бўлсаям кўриб, ҳидини билишади. Уларнинг тоғ кузатувчиси номи ҳам шундан-да!

Калхатлардан бири пастлай-пастлай, улардан сал нарироққа кўнди.

— Бирорта ўлимтикни топганга ўхшайди, — деди Тошбақа. — Ҳозир яна биттаси тушади. То ўлимтикнинг суякларини ҳам тамомламагунча кетишмайди.

— Ох, оламда суяқдан ҳам ширин нарса борми! — Олапарнинг сўлакайи оққудек бўлди.

— Эҳтимол шундайдир, — деди умрида суяк ғажимаган Тошбақа.

— Олапар тўғри айтади, гўшт емабсанми, ўзингни оламга келмаган ҳисоблайвер.

Бу гаплар Олапарнинг иштаҳасини очиб юборди. У калхатлар кўнаётган тарафга йўл олди. Мош ҳам унинг ортидан миёвлаб йўлга тушди. Тошбақа нима қилишини билмай, уларнинг кетидан узоқ қараб қолди.

## ШУБҲАЛИ ДУСТЛАР

Олапар билан Мош калхатлар ёнига келиб, қоринларини тўйдиришди. Ниҳоят, қорин тўйгандан кейин чарчаганлари сезилди. Қоплон болалари тишлаган жойлар зирқираб оғриди. Унинг устига, иккаласи

ҳам тузукроқ ухламаган. Улардан сал нарида кичкинагина гор бор эди. Тўшалган жун ва бошқа нарсалар бу ерда қандайдир ҳайвон яшаганидан далолат берарди.

Икки дўст яшаш учун шу жойни танлашди.  
— Эгаси келса, нима деймиз? — деди калтаклана-вериб безиллаб қолган Мош.— Бу ердан қочиб қутулиш ҳам қийин.

Олапар орқа оёғига чўнқайиб, у ён-бу ёнга назар ташлади. Яраларни ялаб, ўзича режа туза бошлади: «Агар бирон махлуқ тинчлигини бузадиган бўлса, шу ернинг ўзида адабини бераман. Бу ер ким олдин эгалласа, ўшаники бўлиши керак. Ҳа, ҳеч ёққа кетмайман. Ҳалиям мушукнинг гапига кириб, қанча сарсон бўлдим».

— Чамамда, сен мени ташлаб қочмоқчига ўхшайсан,— деди Мош хавфсираб.— Қаерга борсанг, бари бир изингдан қолмайман, билдингми!

— Бу ерда қандай жон сақлаш режасини тузаяман, тентак!— деди Олапар.— Бу жой бўрининг маконига ўхшайди...

— Менга деса, айиқники бўлмайди! Сендай баҳодир дўстим турганда йўлбарсдан ҳам кўркмайман! Сенга йўлбарслар ҳам салом беришади.

Олапар мақтовлардан гердайиб кетди. Салобат билан ён-верига назар ташлаб, вовиллаб қўйди. Иккаласи уйқуга кетишди. Ярим кечада ниманингдир увиллагани эшитилди. Олапар дарҳол Мошни уйғотди. Бу товушни эшитган Мошнинг кўзлари ёниб кетди. Худди кечаги бўри келиб уни кўтариб кетаётгандек бўлди.

Бўриларнинг овози тобора яқинлашарди. Мушукнинг

кўркуви ортиди. Нима қилиш керак? Қочсинми? Қаерга қочади? Йўлда бўриларга дуч келса, нима қилади? Ким уни қутқаради? Йўқ, Олапардан узоқлашмайди. Узоқлашса, ҳалок бўлиши аниқ.

— Олапаржон, нима қиламиз? Кўрқиб кетяпман...  
— Кўзингни чирт юмиб ол, қулогинг ҳеч нарсани эшитмасин.

— Йўқ, юмайман, ташлаб қочасан.

— Тентак, мен унақа номард эмасман! Ҳаммани ўзингга ўхшатаверма!..

Кўнгли сал тинчиган Мош бир бурчакка тиқилиб, хуррак отган бўлди. Уйқуси келмаса ҳам, ўзини ухлаганга солди. Бўрилар худди ғор ёнига келиб увиллаша бошлади. Бундан Олапар ҳам безовта бўлди. Сир бой берҳаслик учун думини маҳкам қисиб, овозини чиқармай писиб ётди. Бўрилар ириллашиб, ўзаро бир нимани талашти. Тонгга яқин овозлар ўчиб, қаёққадир ғойиб бўлишди.

— Хайрият, бало даф бўлди. Жонимда жон қолмади, — деди Мош.

— Айтмовдимми, бўриларнинг ини бор, деб? — деди Олапар. — Ҳар ҳолда, бу ерда узоқ яшаёлмайдиганга ўхшаймиз. Уйга қайтганимиз маъқулми, дейман, оғайни?

— Йўқ, қайтмаймиз, эгамиз яна уради!— деди Мош ўжарлик билан.— Бир илож қилиб бемалолроқ жой топайлик, сувга яқинроқ ерга борсак ёмон бўлмасди...

## ЯНА ТАШВИШ

Олапар тўғри айтган экан. Эртасига бўрилар галаси келиб, яна ваҳима солди. Олапар уларга бир ҳамла қилиб, кучини синамоқчи бўлди-ю, шунча бўрига бас келолмаслигини билиб, думини қисиб индамай ётаверди. Бўрилар ниманидир ўзаро талашиб-ғажишишар, баъзилари оғриқ зарбига чидолмай инграр эди. Яхшиямки, улар унчалик ҳид билишмайди, бўлмаса, Олапар билан Мошни аллақачон сезган бўлишарди.

Мана, бўрилар ғорга жуда яқин келишди. Қандайдир ҳайвонни жон-жаҳдлари билан ҳар томонга торта бошлашди. Болалари эса оналари орқасидан югурарди.

— Уғирланган қўйни болаларига елкалашни ўргатишяпти, — деди шу пайт қаёққандир пайдо бўлган Тошбақа. — Булар жуда айёр, қаққон. Чироқларни кўряпсанми? Кўк чироқлар — бўриларнинг кўзи, кейиндагиси — тулқиларники. Улар бир илож қилиб ўлжани бўрилар қўлидан илиб кетишмоқчи...

— Қанақа қилиб олишади?

— Бўрилар бир-бири билан овора бўлиб қолганда, «Қоч, овчи келяпти», деб қичқиришади. Калтафаҳм бўрилар бунга ишонади, қочади. Айёрлари бўлса, қочгандаям ўлжани ташламайди.

Ўлжа талашиб чарчаган икки бўри ғор ёнига чўнқайди. Уларнинг оғзи қон эди. Олапарнинг димоғига гўшт ҳиди кирди. Егиси келди. Тулқилар: «Овчи келяпти!», деб ваҳима солиб юборишди.

Тонг кичин эди. Бўрилар тумтарақай бўла бошлади. Олапар кучининг борича хурди, аммо овози зўрға чиқди. Мош кўрққанидан нима қилишини билмай миёвлди. Бўрилар бундан саросимага тушиб, қочиб кетишди. Бошловчи бўри ғорда овчи пистирмаси бўлса керак деб кўрққан эди. Уларнинг ўлжаси — от гўшти қолиб кетди.

— Эй Тошбақа, — деди кимдир, — бу баҳодирлар ким?

— Менинг дўстларим. Кўрқма, Кирпи, сенга тегишмайди. Мош ҳам сенга ўхшаб каламуш гўштини яхши кўради. Бу Кирпи, менинг энг яқин дўстим, — дея гаништирди уни Тошбақа.

— Ҳа, дўстинг билан ёнғоқзорда учрашганмиз. Жунни сал қаттиқроқ экан. Уғишамиз деб, Мошга анча озор берди, — деди Олапар.

— Кўрқманглар, у от гўштини емайди.  
— Еса — ер, ҳаммамизга етади.

— Тезроқ еяқолинглар, тонг ёришиши билан бу ерга калхатлар келишади, ўлжаларингни талаб кетишади...

— Тўғри, айтдинг. Қани, Тошбақавой, марҳамат!

— Йўқ, айтдим-ку, мен гўшт емайман, сувни кам ичаман, деб.

Ит очкўзлик билан гўштга ташланди. Кўрқа-писа миёвлаб Мош ҳам унинг ёнига борди. Олапар аввал унга ириллаб қўйди, кейин индамай қолди.

— Қани, калхатлар келишмади-ку? — деб ириллади Олапар қорни тўйғач.

— Кўзинг учаётган бўлса, кепқолишар...

Мош ҳам тўйди. Кўзларини юмганча мудраб офтобда тобланди. Олапар битта сонни судраб бориб, ғор ичига яширди.

Дарҳақиқат, кун чиқиши билан осмонда калхатлар айланиб қолди. Улардан бири аста пастлаб, гўштан сал нарироққа қўнди. У ён-бу ёнга назар ташлагач, ҳақкалаб гўшт ёнига келди. Бу Олапарнинг иззат-нафсига теги. Вовуллаб калхатга ташланди. Калхат учи, сал нарироққа бориб қўнди. Олапар у билан овора бўлганда бошқа бир калхат келди. Қаёққандир пайдо бўлган қузғунлар галаси Олапарни роса ҳолдан тойдирди. Мош ғалвага тоқат қилолмай, ғорнинг ичига кириб хуррак ота бошлади. Олапар ҳам чарчаб, бир чеккага бориб чўнқайди.

Улимтик атрофини йиртқич қушлар босди. Калхатлар қузғунлардан нарироқ юриб, уларнинг олдидаги гўштга тегмасликка ҳаракат қилишарди.

— Қаранглар, шу савлатлари билан чумчуқдек нарсадан кўрқишади-я! — деди Олапар Тошбақани гапга солиш мақсадида.

— Сен қузғунларни ҳазилакам деб ўйлама. Улар тоғ чўққиларидаги жарликларга уя солишади. Бирор хавфни сезишса, биргалашиб ҳаракат қилишади. Бунга яхши билган калхатлар қузғунлар билан тўқнашиб, оч қолгандан кўра, сал нарироқ юриб қорин тўйдиришни афзал кўришади. Қузғунлар гоҳо бўриларга ҳам ҳужум қилишдан тойишмайди...

— Шунақа де-е?

Ногоҳон қузғунлардан бири ғор оғзидан чўнқайиб

ўтирган Олапарга ташланди. Олапар вовуллаб унинг думини юлиб олди. Қузгун қағ этди. Бу — шерикларидан ёрдам сўрагани эди. Бошқа қузгунлар гўштни қўйиб, Олапарга ташланишди. Олапар қараса — иш чатоқ. У ўзини ғор ичига урди.

— Хавфли махлуқлар экан, — деди Олапар. — Улар билан ярашиб олганимиз тузукдир-а?

— Яхшиси, уларнинг кўзига кўринма, — деб маслаҳат берди Тошбақа.

— Майли, майли, — деди Олапар.

— Ҳой, қузгунлар! — деди Тошбақа тойчоқ кишнагандек овоз чиқариб. — Олапар сизлар билан жан-

жаллашмоқчи эмас. Бу гўштни-чи, у бўрилар оғзидан тортиб олиб, сизларга берди. Яхшиси, бир-бирларингиз билан иноқлашинглар. Олапар сизларга ёрдам беради.

Аммо қузгунлар бу гапга эътибор ҳам беришмади. Ҳаммаси очкўзлик билан гўшт чўқир эди.

— Энди бу ерга бўрилар оёқ босмайди. Ҳатто тулки ҳам овчи бор, деб кўрқади. Бемалол яшайверинглар, — деди Тошбақа. — Менинг уйим ҳам сизларга яқин. Қузгунлар ҳам, калхатлар ҳам ғорга киргани кўрқишади.

Тошбаканинг гапи тўғри чикди.

## ХАВФЛИ ТЎҚНАШУВ

Уч кунга қадар ғорга биронта махлуқ яқинлашмади. Қузгунлар кундузи ғор туйнугига яқин келса-да, ичкарига киришга журъат этишолмасди. Олапар хўжайинларча гердайиб қузгунларни ҳайдарди. Мош эса қорнини гўштга тўйдириб, эртадан кечгача ғор оғзиде офтобда чўзилиб ётар ва бошқа қушларнинг овозини эшитганда эринчоқлик билан у ён-бу ёнга назар ташлаб, миёвлаб кўяр эди.

Уч кун шу тариқа ўтди. Ғор ёнига на бўри, на тулки яқинлашди. Ҳидланиб кетган гўшт ёнига тўп-тўп бўлиб учиб келадиган пашшаларни ҳисобга олмаганда, деярли жимлик ҳукмрон эди. Учинчи куни оқшомда Олапар одатича ғор олдига чиқиб турди. Гўшт меъдасига теккан Мош эса, сичқон ахтариб анча нарига бориб келди. Бир кўр сичқонни қўлга тушириб, чала ўлик бўлгунча қийнади.

Ниҳоят борлиққа оқшом тушди. Товоқдек ой олдин тоғларнинг чўққисини, сўнгра аста-секин пастиликни ёритди. Олапар билан Мош ётишга ҳозирланди. Олапар ғорнинг тўридан рўпарадаги ойдинликка тикилиб, шарпа сезилса, ўзинча хуриб кўярди.

Мош ғор тоқчасига чиқиб, бошини ерга қўйдиди хуррак отишга тушди. Бир пайт ғор оғзиде басавлат махлуқ кўринди. Олапарнинг қути ўчиб, думини қисганча ўзини бурчакка олди. Махлуқ аста юриб ғорга кирди. Олапар уни дарҳол таниди. У, ўтган сафар бўрилар билан олишган айиқполвон эди. Ҳидланган гўшт иси айиқни бу ерга бошлаб келган эди.

Олапар орқага чекина-чекина девор тагига бориб қолди. Айиқ эса, бир жуфт пирпираган «чирок»ни кўриб ҳайрон ҳам бўлмади. Чунки у тулкиларнинг кўзи худди шундай порлашию бўриларнинг кўзи чақнашини яхши биларди. Улардан кучлилигини ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у худди ўз уйига киргандек ғорнинг тўрига қараб бемалол бораверди.

Олапар ўзини яна ҳам бурчакка олди. У тўрт оёғини жуфт қилганча дағ-дағ қалтирар, вовиллашга ҳам ҳоли қолмай, кўзларини яқинлашаётган даҳшатдан яширмоқ учун Мош хуррак отаётган томонга тикиб, ундан ёрдам кутаётгандек бўлар эди. Шу пайт Мошнинг ҳам уйқуси қочди. Уйғониб у Олапарни эмас, ўзини кутқаришни ўйлаб қолди. Олапар баланд овоз билан вовулламоқчи бўлди. Вовуллади. Аммо товушини мушук ёки айиқ эмас, ҳатто ўзи ҳам эшитмади.

Мана, айиқ билан Олапар орасиде тўрт қадамча масофа қолди. Ҳозир бир ташланадиди Олапарни тилкапора қилиб ташлайди...

Лекин бундай бўлмади. Айиқ лапанглаб, исланган гўшт олдига келди-да, ҳидлади, димоғи чоғ бўлди. Бошини юқори кўтариб, ғорга нур сочаётган тўлин ойга бир қаради, узоқ нафас олди. Сўнг аланглади. Хайриятки, Мош билан Олапарнинг қоронғиде бодраб турган кўзларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

Айиқ бир ўқирди. Уқирдию иштаҳа билан гўштни ейишга киришди. Шу пайт ўтақаси ёрилаётган Мош кўрқинчдан миёвлаб, бир сакради. Унинг панжалари айиқнинг башарасини тимдалади. Газабланган айиқ ўқириб, бурчакка ташланди. Пайтдан фойдаланган Олапар бор кучи билан ташқарига отилди, чиқиб ўзини буталар панасига олди.

— Миёв, миёв, миёв!..

Мошнинг товуши Олапарга дастлаб гўё тушдагидек эшитилди. У ўзининг ухлоқ ёки уйғоқлигини ҳам, ўлик ёки тириклигини ҳам билмас — шу қадар кўрққан эди. Ҳозиргина кўз ўнгиде бўлиб ўтган воқеалар даҳшатли тушга ўхшарди. У узоқ тинглади. Занф, бўғиқ овоз ер остидан келадигандек туюларди. Нима қилсин? Ғорга кириб, Мошга ёрдам берсинми ёки «Жон сақлаган ботир», деб кетаверсинми? Йўқ, дўстини бундай ташлаб кетиш инсофдан эмас!

Олапар вовулламоқчи бўлди. Аммо товуши ҳамон ўзига эшитилмасди. Бор кучини йиғиб вовуллади. Буни эшитган Мош оёқ учиде юриб, унинг ёнига келди. Мош фақат сичқон ёки каламушлар уясига яқинлашганда, қушларнинг инига боргандагина шундай қадам босар эди. Икки дўст бир-бирини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишди.

— Хайрият, тирик экансан! — деди Мош кўзларини айёрона сузиб. — Мен сени ановининг қўлида ўлиб кетган, деб мотам тутмоқчи эдим. Хўш, энди нима қилдик, оғайни?

— Мен ҳам зўрга қутулдим. Бу ерга қандай етганимни ҳам билмайман. Сенинг овозингни эшитиб, зўрга ўзимга келдим. Қўй, Мош, энди кетайлик ватанимизга. Бизнинг энг яхши дўстинимиз — одам экан.

— Қандоқ бўларкин? Хўжайинимиз биздан ўч олса-чи?..

— Йўқ, ўч олмайди. Ахир, у инсон-ку! Энди билдим, инсондан яхшиси йўқ экан! Сенинг гапингга кириб, шунча балога дучор бўлдим. Сен билганингни қил, мен кетдим. Ҳадемай куз, кейин қиш келади. Совуқ тушади. Бориб одамларга хизмат қиламан. Уларнинг уйларини, молларни кўриқлайман.

Олапар кўрқа-писа у ён-бу ёнга қарадиди буталар оралаб энсиз сўқмоқ билан аста жўнади. Бир оздан сўнг Мош ҳам унинг орқасидан етиб олди.

— Олапар! Тўхта, бирга кетамиз. Мен сени юлдузга қараб уйга бошлаб бораман...

Олапар индамади. У иложи борича тезроқ уйга етишга ошиқарди.

Икки дўст орқама-орқа боришаркан, тепада тўлин ой нур сочиб, худди улар билан бирга қишлоққа кетаётгандек дам булутлар орасига кирар, дам булутлар орасидан чиқар эди...

Мошнинг озгин, тўзиган жунлари буталарга илашади, Олапарнинг ҳам тирналган яралари қийнайди. Йўл олди, аммо улар чарчоқни сезишмасди...





Сафар БАРНОЕВ


## Ака-укалар

Ака-ука уйда бўлсак,  
Уруш жанжал конимиз.  
Бир-биримиз турсак, урсак,  
Ачишмайди жонимиз.  
Акам деса: «Кўздан йўқол»,  
Мен ҳам дейман: «Йўқолинг».  
Бувим дейди: «Бу қандай ҳол,  
Бу қанақа қўполлик!»  
Аммо уйдан чиқсак тамом,  
Эл кўзида иноқмиз.  
Ҳайрон қолар — билган одам  
Ширин сўзу қувноқмиз.  
Акам мени сиз-сизлаб,  
Биқинимдан чимчилар.  
Мен акамни сиз-сизлаб  
Дейман: «Уйда ким чидар!»  
Агар биров кўтарса қўл,  
Акажоним мисли шер.  
Юпатади: «Бардам бўл,  
Укажоним, қўрқма», дер.  
Акам мени юрагида,  
Суюб-суюб юради.  
Мен акамни юрагимда,  
Суюб-суюб юраман.  
Оралари чатоқ дея,  
Асло-асло ўйламанг.  
Ака-ука олишганда  
Девордан ҳам бўйламанг.  
Топиб олсак битта майиз,  
Теппа-тенг бўлиб еймиз.  
Аммо уйда муштлашамиз  
Бўлмайлик деб хомсемиз...

## «Чечанлар»

ҲАЗИЛ

Ҳилола гапга чечан,  
Гуллола гапга чечан.  
Эшитганин оқизмай,  
Томизмай етказарлар.  
Хаёлингга келмаган  
Жумлаларни тузарлар.  
Кечқурун ишдан келсам,  
Суюнишиб юрибди.  
Болалар байрамида  
Қўшнимиз қиз кўрибди.  
Ҳилола дер: «Ада, у  
Йигит бўлиб ўсади.  
Ҳеч нарсадан қўрқмайди,  
Бургут бўлиб ўсади.  
Бизга ўхшаб ўсади,  
Сизга ўхшаб ўсади!»  
Гуллола илиб кетар  
Ҳилоланинг гапини  
Кимдир ўғил кўрибди,  
Саккизинчи март куни.  
Гуллола дер: «Бу бола  
Қиздай ювош бўлади —  
Катта бўлса, кўрасиз!  
Жудаям бўш бўлади!...  
«Қизга ўхшар ингаси»,  
Деди катта янгаси».  
Ҳилола гапга чечан,  
Гуллола гапга чечан.  
Бирини кўйиб, бири дер:  
Адажон, беринг қулоқ.  
Ҳар ким ўз байрамида  
Туғилгани яхшироқ...



О. ГЕНРИ

# УЧ ҲИКОЯ

## АФСУНГАРЛАРНИНГ ТУҲФАЛАРИ

Ваҳоб РУЗИМАТОВ  
таржимаси

**Б**ир доллару саксон етти цент. Бор пули шу эди. Улардан олти миш центи бир центли чақалардан иборат. Ана шу чақаларнинг ҳар бири учун баққол, резаворфуруш, қассоб билан шу қадар савдолашишга тўғри келдики, бу тариқа зиқналик туфайли туғилган сўзсиз норозиликдан қулоқларигача қизариб кетарди. Делла уч марта санаб кўрди. Бир доллару саксон етти цент. Эртага эса мелод байрами.

Бу борада ўзини эски чорпояга таппа ташлаб, ўкраб йиғлашдан бошқа чораси йўқ эди. Делла худди ана шундай қилди. Бундан шундай фалсафий хулоса келиб чиқадики, ҳаёт йиғи-сиғи, оҳ-воҳ ва табассумлардан иборат, аммо оҳ-воҳ кўпроқ.

Уй бекаси ана шу босқичларнинг барчасидан ўтиб бўлгунча, уйнинг ўзини кўздан кечирайлик. Ҳафтасига саккиз доллар ижара ҳақи тўлаб туриладиган жиҳозли квартира. Вазиятидан ўтакетган қашшоқлик эмас, тўғрироғи, айтмаса ҳам аён-ошкор кўриниб турган камбағаллик кўзга ташланади. Пастда кираверишдаги эшикка осиглиқ хат ташланадиган кутининг тирқишидан биронта ҳам хат сизмайди, электр қўнғироқнинг тугмасини битта-яримта одам босгудек бўлса, тиқ этган товуш эшитилмасди. Ана шуларга: «М-р Жеймс Диллингхем Юнг» деган ёзуви бор бир қоғоз ҳавола қилинган эди. Мазкур номнинг эгаси ҳафтасига ўттиз доллар олиб турадиган яқин вақтлардаги бадавлатлик кезларида «Диллингхем» қулочини ёзиб юборган эди. Эндиликка келиб, ана шу даромад йиғирма долларга тушиб қолгач, «Диллингхем» сўзидаги ҳарфлар, тўпорию камтаргина «Д» ҳарфига қисқарсак бўлмасмикан, деб астойдил андиша қилгандек хира тортган эди. Аммо мистер Жеймс Диллингхем Юнг уйга қайтиб юқори қаватга чиқиб бораркан, биз ҳали сизга Делла номи билан таништирган миссис Жеймс Диллингхем Юнг уни албатта «Жим!», дея хитоб қилганча меҳр билан кучоқ очиб кутиб оларди. Бу эса, дарҳақиқат, дилни хушлайди.

Расми А. КРЮКОВ чизган

Делла йигини бас қилиб, ёноқларини упали момик билан артди.

Америка адаби О. Генри [Уильям Сидней Портер; 1862—1910] қисқа ҳикоялар устасидир. О. Генри энг яхши асарларида америкача ҳаёт тарзининг айрим томонларини танқидий акс эттиради, буржуа жамиятининг рибкорона ахлоқидан, давлат арбобларининг сотқинлигидан, АҚШнинг босқинчилик мустамлака сиёсатидан заҳаранда билан кулади. Хуллас, унинг «Қироллар ва қарам» романи ҳамда уч юзга яқин ҳикояси бир бутунлигича Америка ҳаётининг юмористик энциклопедиясини ташкил этади, дейиш мумкин. О. Генрининг кулгиси олижаноб, чунки адабнинг юмори замирида инсонга чуқур ишонч, меҳр-муҳаббат, одамлар ҳаётига фўтўр етказадиган барча нарсаларга қарши нафрат ётади. Ёзувчи ўзининг энг яхши асарларида чинакам реалист ва гуманист сифатида гавдаланади.

Фавқулдда хотималанадиган мароқли ҳикояларнинг моҳир устаси О. Генрининг ҳазин новеллаларида ҳам, хушчақчақ новеллаларида ҳам одамлар тақдири ҳақида дард билан ўйлайдиган адабнинг улкан қалби зўхўр этиб туради. У бошқаларни кулдирса, баъзан ўзи алам-изтироблардан азоб чекади. Аммо у умидсизликка берилмас, китобхонларининг ҳам умидсизликка берилишларини истамас эди. О. Генри ҳаётга, одамларга ишонарди. Шунинг учун ҳам унинг ҳикояларидан инсонийлик ҳарорати балқиб туради.

О. Генрининг айрим ҳикоялари ўзбек матбуотида 30-йилларнинг ўрталаридан кўрина бошлаган, 60-йилларда кичик бир китоб ҳолида нашр этилган.

«Жаҳон адабиёти дўрдоналари» деган янги рубрика остида сиз муҳтарам журналхонларни О. Генрининг янги таржима қилинган уч ҳикояси билан таништирамиз.

Ҳозир у дераза олдида турар ва кулранг ҳовли бўйлаб ўтган кулранг девор устида кезиб юрган кулранг мушукни маъносина кузатар эди. Эртага мелод байрами, унинг эса Жимга совға олгулик бир доллару саксон етти центгина пули бор, холос! Узоқ ойлар давомида у ҳар бир центни туфлаб тугиб келди. Жамғаргани эса мана шу бўлибди. Ҳафтасига йигирма доллар билан ошиб-тошиб кетмайсан. Сарф-харажатлар унинг мўлжаллидагидан кўпроқ чиқиб қолди. Сарф-харажат доим шундай бўлади. Жимга совға олгулик бир доллару саксон етти цент пули бор! Жимгинасига совға олай десал.. Мелод байрами муносабати билан унга нима совға қилишни режалай-режалай қанчадан-қанча соатларни хурсандчилик билан ўтказди. Биронта гоят аломат, камёб, қимматбаҳо, Жимга мансубликдек юксак шарафга ақалли сал-пал муносиб келадиган қандайдир антиқа совға бўлиши керак.

Икки дераза оралиғида трюмо турарди. Сиз ҳеч қачон саккиз доллар тўлаб туриладиган жиҳозли кватирладаги трюмога қараб кўрганмисиз? Жуда озғин ва жуда серҳаракат одамгина унинг энсиз ойналарида кетма-кет ўзгараётган аксига қараб, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида анчагина аниқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Ушоқ жуссали Делла бундай маҳоратни эгаллаб олган эди.

У дераза олдида дафъатан ойна томон ўтди. Кўзлари чарақлар, аммо йигирма секунд мобайнида юзини қизиллик тарқ этган эди. У чаққонлик билан тўғноғиларини сўғуриб сочларини ёзиб юборди.

Сизларга айтиб қўйишим керакки, эр-хотин Жеймс Диллингхем Юнглларнинг фахру ифтихорлари бўлган иккита бебаҳо бойлиги бор эди. Бир — Жимнинг бобоси билан отасидан қолган тилла соати, иккинчиси — Делланинг сочлари. Мабодо малика Билқис рўпараларидаги уйда яшайтган бўлса борми, Делла ҳазрати олияларининг барча ясан-тусан либосларию зеб-зийнатларини йўлда қолдириб кетиш учун бошини ювгач ўрилмаган сочларини атайлаб дераза олдида қуритган бўларди. Борди-ю, Сулаймон подшо ана шу уйда эшик оғаси бўлиб хизмат қилаётган, бор давлатини ўша унинг ертўласида сақлаётган бўлса борми, Жим унинг ҳасаддан соқолини битталаб юлаётганини кўриш учуноқ олдида ўтатуриб жўрттага чўнтагидан соатини олиб қарайдиган бўларди.

Мана, Делланинг ажойиб сочлари худди каштанранг шалола тўлқинларидек жилваланганча, мавжланганча сочилиб кетди. Тиззасидан пастга солланиб тушган сочлари қадди-бастини ридо каби ўраб олди. У эса шу ондаёқ асабийлашганча ва ошиққанча, уларни йиғиштириб ола бошлади. Кейин худди тараддудлангандек, бир дақиқа кимир этмай қолди-да, эскирган

қизил палосга икки ё уч томчи ёш думалаб тушди.

Нимдошгина жигарранг жакетини елкасига ташлаб, эскигина жигарранг шляпачасини бошига кўндирди-да, кўзларида ялтираб турган ёш қуримаган ҳолда, юбкасини ҳилпиратган кўйи ғизиллаганча кўчага тушиб борди.

У қаршисига бориб тўхтаган лавҳага шу сўзлар ёзилган эди: „M-me Sopronie. Содчан ясаладиган турли-туман маҳсулотлар“. Делла иккинчи қаватга югуриб чиқди-да, нафаси тикилиб ҳаллослаганча туриб қолди.

— Менинг сочимни сотиб олмайсизми? — деб сўради у хонимдан.

— Мен соч сотиб оламан, — деб жавоб берди хоним. — Шляпангизни ечинг, молни кўришим керак. Каштанранг шалола яна мавжланди.

— Йигирма доллар, — деди хоним, қалин сочини одатига кўра салмоқлаб кўраркан.

— Тезроқ бўлақолинг, — деди Делла.

Шундан кейинги икки соат вақти нимпушти қанотлар билан уча-уча ўтди — сийқаси чиққан истиорам учун уэр сўрайман. Делла Жим учун совға қидириб магазинма-магазин изғиди.

Ниҳоят, топди. Бу, шубҳасиз, Жим учун, фақат унга атаб яратилган эди. Бошқа магазинларда сира ҳам бунга ўхшаган нарса тополмаган, ўзи ҳам уларнинг ҳамма ёғини остин-устин қилиб юборган эди. Бу чўнтак соатига тақиладиган оддий ва сипо нухали платина занжир эди, у намойишкорона ялтироқлиги билан эмас, чинакам қадри билан мафтун этарди — зотан барча яхши буюмлар шундай бўлиши керак. Уни ҳатто соатга муносиб деса дегулик эди. Делла уни кўриши биланоқ занжир Жимга аталганлигини пайқади. У ҳам худди Жимнинг ўзгинаси эди. Камтарлик ва сиполик — икковларига хос фазилат эди. Кассага йигирма бир доллар тўлади-да, Делла чўнтагида саксон етти цент билан уйига ошиқди. Башарти шундай занжири бўлса, Жим ҳар қандай жамоат орасида ҳам тап тортмай соати неча бўлганини кўравериши мумкин. Соати нақадар ажойиб бўлишига қарамай аксар унга ўғринча қараб оларди, негаки, соати расво чарм тасмада осилиб турарди.

Уйда Делланинг ҳаяжони тинчиб, бунинг ўрнини эҳтиёт ва тадбиркорлик эгаллади. У сочини жингалак қиладиган микрози қисқичини олди-да, газни ёлиб, муҳаббат омўхталашган ҳиммат туфайли юзага келган вайронгарликни тузатишга киришди. Бу эса ҳаминша машаққатли иш, дўстларим, мардонвор иш.

Қирқ минутча ҳам ўтмаган эдики, унинг бошини пишиқ ҳимарилган кокилчалар қоплади, шу туфайли у худди дарсдан қочган ўғил болага ўхшаб қолди. У



ойнага диққат билан узоқ тикилганча ўзини танқидий назардан ўтказди.

«Хўп,— деди у ўзига ўзи,— агар Жим кўзи тушиши биланоқ мени ўлдириб қўймаса, Кони-Айленддаги хорчи қизларга ўхшаб қолибди, дер. Қўлимдаги пулим бир доллару саксон етти цент бўлгандан кейин, ахир, иложим қанча эди, иложим қанча эди!».

Соат еттида қаҳва дамлаб қўйилган, газ плитада қизиб турган това қўй гўшtidан қилинган котлетларга махтал эди.

Жим ҳеч қачон кечикмасди. Делла платина занжирни кафтида сиқиб ўшлаганча столнинг остонага яқинроқ жойига бориб ўтирди. Тез орада у эрининг зинапоядан чиқиб келаётганини эшитиб, бир лаҳзагина ранги қув ўчиб кетди. Тирикчилик икки-чикирлари ваҳидан ҳудога илтижо қиладиган одати бўлгани учун шоша-пиша шивирлади:

— Худое худовандо, унинг мендан кўнгли қолмасин.

Эшик очилиб, остонада кўринган Жим уни ёпиб кирди. Унинг юзи бир бурда бўлиб қолган, безовта кўринар эди. Йигирма икки ёшда оила ташвишини ортмоқлаб юриш осон эмас. У аллақачон пальтосини янгилаши керак, қўлқопи бўлмагани учун қўллари совқотар эди.

Жим худди бедананинг ҳидини сезган сеттердек эшик олдида қимир этмай туриб қолди. Унинг кўзлари Деллага шундай ифода билан тикилиб турардики, аёл буни нимага йўйишини билолмай, ваҳимага тушди. Бу ифода на қаҳр, на ҳайрат, на таъна, на даҳшат — тахмин қилиш мумкин бўлган ҳислардан биронтасига ҳам ўхшамас эди. Эри унга нигоҳини узмай тикилиб турар, юзидаги ғалати ифода ҳеч бир ўзгармас эди.

Делла столдан сакраб туриб, унга отилди.

— Жим, жоним, — дея қичқириб юборди у. — Менга ундай қарама! Мен сочимни қирқиб, пулга сотдим, мелод байрамида сенга ҳеч нарса совға қилмасам, бунга ҳеч бир чидаёлмасдим. Сочларим яна ўсиб кетади. Мендан аччиғланаётганинг йўқдир-а, шундайми? Бундан бошқа иложим йўқ эди. Менинг сочим жуда тез ўсади. Кел, мени мелод байрами билан табрикла, Жим, кел, байрамнинг гаштини сурайлик. Сенга шундай бир совға тайёрлаб қўйдимки, шундай ажойиб, шундай аломат совға тайёрлаб қўйдимки! — Сен сочингни қирқтирдингми? — деб сўради Жим диққатини тўплаганча, зотан мияси қизгин ишлаб турган бўлса-да, бу нарса ҳали ҳушига етиб бормаётгандек эди.

— Ҳа, қирқтирдим ҳам, сотдим ҳам, — деди Делла. — Аммо сен мени бари бир севаверасан-ку? Сочим қисқа бўлгани билан мен бари бир ўша-ўшаман-ку.

Жим гарангсиб хонани кўздан кечирди.

— Хўш, шундай қилиб, энди сенинг сочинг йўқми? — деб сўради ўринсиз қатъият билан.

— Қидирмай қўяқол, уларни бари бир тополмайсан, — деди Делла. — Ахир сенга айтдим-ку: мен сочимни сотдим — қирқтирдим-да, сотдим. Бугун арафа, Жим. Менга меҳрибонроқ муомала қил, чунки мен сен учун шундай қилдим. Эҳтимолки, менинг бошимдаги сочларни санаб чиқиш мумкин бўлар-у, — деб сўзида давом қиларкан, мулойим овози бирдан жиддий янграй бошлади, — аммо ҳеч ким, ҳеч ким менинг сени нечоғли севишимни ўлчаб битиролмас керак! Котлетларни қовураверайми, Жим?

Шунда Жим қарахлик оғушидан чиқди. У Делласини бағрига босди. Андиша қилайлик-да, бир неча лаҳза алаҳсиб, бирон ўзга нарсани томоша қилиш билан банд бўлайлик. Қайси бири кўп — ҳафтасига саккиз долларми ё йилига бир миллионми? Математик ёки донишманд сизга нотўғри жавоб берган бўларди. Афсунгарлар бебаҳо тўхфалар келтиришган, улар ичи-

да бир тўхфа йўқ эди. Нафсиламри, бу дудмал шама-ни кейинроқ тушунтириб берамиз.

Жим пальтосининг чўнтагидан тургакланган нарса олиб, столга ташлади.

— Гапимга астойдил ишонавер, Делл, — деди у. — Ҳеч қандай кузалган, таралган соч қизалоққинамдан менинг меҳримни совутолмайди. Аммо мана бу тургакни очиб кўргин, дастлаб кириб келганимда нима учун гангиб қолганимни биласан.

Оппоққина эпчил бармоқлар канопни тортқилаб, қозонни очди. Дарҳол шавқли хитоб янграб, ҳайҳот, шу ондаёқ аёл аҳлига хос шашқатор ёш билан оҳ-фарёд бошланиб кетдики, хонадон бошлиғи ўша заҳоти ихтиёрида мавжуд бўлган барча таскин берувчи воситаларни татбиқ этишга мажбур бўлди.

Негани, стол устида Делла Бродвейдаги витринада кўрганида маҳлиё бўлиб қолган, иккита чаккага, битта орқага тўналладиган ўша бир тўп тароқ ётарди. Четларига жилодор тошлар нақш этилган, каштанранг сочларининг тусига жуда мос, тошбақа пўстидан қилинган чинакам, ажойиб тароқлар эди. Улар жуда қиммат, Делла буни билар, уларни орзу қилгани билан муяссар бўлолмаслигига кўзи етганидан аллақачондан буён юраги орзиқиб, ачишиб юрар эди. Мана энди, ниҳоят улар қўлига келиб теғди-ю, аммо буларнинг орзиқтирган жилоси кўрк бахш этиши мумкин бўлган гўзал сочлар аллақачон барҳам топган эди.

Ҳар қалай, у тароқларни кўксига босди, ниҳоят, журъат қилиб бошини кўтараркан, ёшли кўзлари билан жилмайганча шундай деди:

— Менинг сочим жуда тез ўсади, Жим!

Шу пайт у устидан доғ сув қуйиб юборилган мушук боладек сапчиб турди-да, хитоб қилди:

— Вой, ўлмасам!

Ахир Жим унинг ажойиб совғасини ҳали кўрмаган эди-да. У ошиққанча занжирни кафтига олиб Жимга узатди. Хира тусли нодир металл унинг самимий ва жўшқин қувончи шуълаларида товланиб кетгандек бўлди.

— Ҳавасингни келтирмайдими, Жим? Мен уни топуниман, шаҳарда бормаган жойим қолмади. Энди соатингни кунига юз марта олиб қарашинг мумкин. Соатингни менга бер-чи. Иккалови бирга турганда қандай кўринишини кўргим келяпти.

Аммо Жим унинг сўзларига итоат қилиш ўрнига, чорпоёга чўзилди-да, қўлларини боши остига қўйиб, жилмайди.

— Делл,— деди у,— ҳозирча икковимиз ҳам совғаларимизни яшириб қўя туришимизга тўғри келаркан, бир оз ётатурсин. Улар ҳозир биз учун жуда ҳам сердабаба экан. Мен сенга тароқ сотиб олиш учун соатимни сотдим. Энди, котлетларингни пишираверсанг ҳам бўлар деб ўйлайман.

Маълумки, охурда ётган гўдакка тўхфа олиб келган афсунгарлар донишманд, тонг қоларли даражада донишманд кимсалар эканлар. Мелод кунларида совға тақдим этишни ҳам ўшалар таомилга киритган эканлар. Уларни донишманд бўлганлари учун берадиган тўхфалари ҳам, эҳтимолки, маъқул келмай қолган тақдирда айирбошлаб бериш писанда қилиб қўйилган донишмандвор тўхфа бўлган бўлса ажаб эмас. Мен бу ерда сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини бир-бирларига ақл-донишга мутлақо зид бўлган йўсинда фидо этган, саккиз долларли квартирада ижара тўлаб турадиган икки тентак боланинг саргузаштини сўзлаб бердим. Аммо замонамиздаги донишмандларга ўғит тариқасида айтиб қўйишим керакки, барча тўхфа берувчилардан энг донишманди шулар эди. Барча тўхфа бахш этувчи ва олувчилар орасида мана шуларга ўхшаганлари чинакам донишмандлардир. Ҳамма ерда, ҳар қачон. Афсунгарлар ҳам ана ўшалардирлар.

# МИРШАБ ВА МУНОЖОТ

**М**эдисон-сквердаги скамейкасида ўтирган Сопи қунишиб қўйди. Қачонки кечалари ёввойи ғоз галалари осмони фалакда тизилганча учи бораркан, қимматбаҳо мўйна пўстини йўқ хотинлар эрларига меҳрибон-гиргиттон бўлиб қоларкан, Сопи эса паркдаги скамейкасида қуниша бошлар экан, демак, қиличини ялан-очлаб қиш келаётган бўлади.

Сопининг тиззасига ҳазон келиб тушди. Бу Қорбобонинг ташриф қоғози эди. Бу чол Мэдисон-сквернинг доимий истиқоматчиларига меҳр-оқибатли, уларни яқин кунларда келиб қолишдан очиқчасига огоҳлантириб қўяди. Тўрт кўчанинг чорраҳасида у «Очиқ кўк остида» меҳмонхонасининг дарбони Шимол шамолига ташриф қоғозини тутқазиб, истиқоматчилари шай бўлиб туришлари кераклигини эслатади.

Сопи яқинлашаётган изғирин совуқлардан вужудини ҳимоя қиладиган восита ҳамда йўллар қидириб топishi учун ўз шахси тимсолида комитет таъсис этиши керак бўлган фурсат етиб келганини пайқайди. Шунинг учун ҳам ўтирган скамейкасида қунишиб қўйди.

Сопининг қиш режалари у қадар баландпарвоз эмас эди. У жануб осмонини ҳам, Неаполь кўрфазини ҳам лангар ташлаб туриш шартли билан елканли кемада Урта денгиз бўйлаб саяҳат қилишни ҳам орзу этмасди. Оролда уч ойгина қамоқда бўлса — унинг дили қўмсаган бирдан-бир нарса шу эди. Уч ойгина кўнгли хушлайдиган улфатлари орасида устида муқим бошпана, еб-ичадиган овқати тайин бўлса, Борейнинг эпкинни билан миршабларнинг таъқибидан даҳлсиз бўлса бас — Сопига бундан бошқасининг ҳожати йўқ.

Мана бир неча йиллардан буён Оролдаги меҳмондўст турма унга қишлик бошпана хизматини ўтарди. Унинг бахтиёрроқ ҳамшаҳарлари Флорида ёки Ривьерага билет харид қилганларидек, Сопи ҳам йил сайин Оролга қиладиган зиёратига унча-мунча тайёргарлик кўрарди. Ҳозир худди ана шунинг мавриди етиб келган эди.

Утган кунни у учта яқинда газетасини моҳирона тақсимлаб, биттасини пиджаги тагига ёзган, иккинчисини оёқларига ёпган, учинчисини билан тиззаларини ўраган эди — булар совуқдан сақлаёлмади: фонтан бўйидаги скамейкасида кечани шу қадар безовта ўтказдики, назарида Орол жуда ҳам ардоқли ва муддаодаги бошпана бўлиб кўринди. Сопи шаҳар қашшоқларига шафқат юзасидан кўрсатиладиган меҳрибончиликлардан нафратланарди. Унинг фикрича, қонун валинеъматликка қараганда шафқатлироқ эди. Шаҳарда сон минг жамоат ва хусусий хайр-саҳоват муассасалари бўлиб, улардан ўз камтарона эҳтиёжларига яраша бошпана ва озиқ-овқат олиши мумкин эди. Аммо хайр-саҳоват эҳсонлари Сопининг мағрур руҳига малол келарди. Валинеъматларнинг қўлларидан олинган ҳар қандай хайр-эҳсон учун пул билан бўлмаган тақдирда ҳам, хўрлик билан ҳақ қайтариш керак бўларди. Цезарнинг Брути бўлгани каби бу ерда ҳар бир ётоқ жойи мажбурий ванна билан боғлиқ, ҳар бир бурда-нон эса дилингни тап тортмай титкилашдек бандишалик билан огуланган эди. Ундан кўра турмани истиқоматгоҳ қилиб олган афзал эмасми? У ерда, албатта, ҳамма иш қатъий жорий этилган тартиб билан олиб бориларди, аммо ҳеч ким жентльменнинг шахсий ишларига суқилмайди.

Шу тариқа қишк мавсумда Оролга кетишга қарор берган Сопи дарҳол ўз режасини амалга оширишга киришди. Турмага кўпгина осон йўллар олиб борарди. Унга олиб борадиган энг ёқимли йўл ресторандан ўтарди. Сиз яхшигина ресторанда дабдабали овқат буюрасиз, маза қилиб тўйиб оласиз-да, кейин мирқу-

руқ эканлигини айтасиз. Сизни жанжал-суронсиз полисменнинг қўлига топширишди. Мурасосоз судья хайрли ишни охирига етказди.

Сопи ўрнидан туриб, паркдан чиқди-да, Бродвей билан Бешинчи авеню қўйилиб келиб туташадиган асфальт денгизи бўйлаб кета бошлади. Бу ерда у кечқурунлари ток занги, ипак қурти ва протоплазма бахш этиши мумкин бўлган энг соз нарсалар мужасамлашадиган чароғон кафе олдида тўхтади.

Сопи ўзидан имони комил — нимчасининг пастки тугмасидан тортиб юқорисигача кўнгли тўқ эди. Соқоли қиртишлаб олинган, устидаги пиджаги бинойидеккина, капалак нусха қора галстугини унга Шукрона кунни миссионер хоним совға қилган эди. Агар столга сездирмай етиб боришга муваффақ бўлолса, ишининг ўнг келиши аниқ эди. Вужудининг стол узра кўриниб турадиган қисми официантда ҳеч қандай шубҳа-ғумон тугдирмайди. Қовурилган ўрдак билан унинг ёнига бир шишагина шабли чақирса бўлар, деб ўйларди Сопи. Кейин пишлоқ, қора қаҳваю сигара буюради. Бир долларли сигара жуда муносиб тушади. Ҳисобкитоб ҳам унча катта бўлмайдики, кафе маъмуриятини қасоснинг ўтакетган шафқатсиз йўлларига мажбур қилмайди, у шу тариқа тамадди қилиб олгач, ҳузур билан ўзининг қишк бошпанасига равона бўлади.

Аммо Сопи ресторан остонасидан ўтиб ичкарига кирган ҳам эдики, кўзи пишиб кетган метрдотель нимдшо чолвори билан жағлари қийшайиб кетган ботинкаларини кўриб қолди. Эпчил, бақувват қўллар уни шартта буриб жимгина йўлкага чиқариб ташлаб, шу тариқа ўрдакни ногаҳоний аламли қисматидан халос эди.

Сопи Бродвейдан бурилди. Афтидан, унинг йўлига гуллардан пойандоз тўшалмайди шекилли. На чора! Жаннатга кириб боришнинг бошқа йўлини қидириб топishi керак.

Олтинчи авенюнинг бурчагида моллар маҳорат билан териб қўйилган витринанинг чироқлари ўткинчиларнинг диққатини тортарди. Сопи ердан тош олди-да, витринанинг ойнасига қараб отди. Муюлишда ҳалойиқ ёпирилиб кела бошлади, ҳаммадан олдинда полисмен олиб келар эди. Сопи қўлларини чўнтакларига суққан кўйи ялтироқ жез тугмаларга жилмайиб турарди.

— Бунни ким қилди?— деб дарҳол сўради полисмен.

— Бу ишга мени даҳлдор деб ўйлаётганингиз йўқми?— деб сўради Сопи истеҳзосиз, улкан омадини кўтаётган кишидек кўнглихушлик билан.

Полсмен Сопига ҳатто фараз билан ҳам қарагиси келмади. Магазинларнинг витриналарини тош билан чил-чил қиладиган одамлар қонун вакиллари билан музокара олиб бормайдилар — жуфтаникни ростлайдилар. Полисмен йўлнинг қоқ ярмидан нарида трамвай орқасидан чопиб кетаётган одамни кўриб қолди. Таъғини ўқталди-да, изидан чопди. Сопи таъби тирриқ бўлганча яна йўлга тушди... Иккинчи марта омади келмади.

Кўчанинг нариги бетига унча асъасая-дабдасиз ресторан бор эди. У иштаҳаси карнайлар билан чўнтаги қуруқларга мўлжалланган эди. Унинг ҳавоси билан идиш-товоғи ўпкани узгудек, дастурхони билан таомлари шовдирабгина турар эди. Бу нафс ибодатхонаси Сопи иснод келтирадиган пойабзали билан кўзга яққол кўринадиган чолворни монезсиз олиб кирди. У столдан жой олиб, бифштекс, бир порция қўймоқ, бир неча тўқоч, бир бўлак пирогни туширди. Сўнгра эса ресторан хизматкорига ўзи билан энг майда никель пул орасида заррача ҳам алоқа йўқлигини айтди.





— Ана энди тезроқ бўлинглар! — деди Сопи. — Миршабни чақиринглар. Худо хайрларингни берсин, имилламанглар: бир жентльменни маҳтал қилиб қўйманглар.

— Миршабсиз ҳам кунинг ўтиб қолар! — деди хизматкор мойли буллкачадек мулойим овоз билан ва коктейлга солинган олча сингари кўзлари шўх чақнади. — Ҳой, Кок, қарашиб юбор!

Иккала официант Сопини беозоргина чап қулоғи билан йўлкага тепса-тебранмас қилиб ётқизиб қўйди. У худди дурадгорларнинг йиғма жазваридек бўғинма-бўғин ўрнидан қалқиб, кийимининг чангини қоқди. Қамалиш унинг учун хомхаёл, Орол эса йироқдаги сароб бўлиб туюлди. Икки ўй наридаги аптека олдида турган полисмен кулиб қўйди-да, йўлга қараб кетди.

Сопи яна юрак ютиб омадини синаб кўришга аҳд қилгунча беш квартал йўл босиб ўтди. Бу гал унга жуда соз бир тасодиф тўғри келиб қолди. Магазин деразаси олдида турган камтарона ва кўркам либосли ёшгина жувон витринада соқол олиш учун ишлатиладиган товоқчалар билан сиёҳдонларни қизиқиш билан томоша қилмоқда, ундан икки қадамча нарида эса ўт ўчириш краинга суюнган кўйи тусидан серзарда, барваста полисмен савлат тўкиб турар эди.

Сопи барча ёмон кўрадиган манфур кўча модабози ролини ўйнамоқчи бўлди. Кўз остига олган жабрдийдасининг батариб кўриниши билан басавлат миршабнинг яқинда турганлигидан у, тез орада полисменнинг залварли қўли қифтига келиб тушганини ҳис қиламан, қишни илиқ-иссиқгина Оролда ўтказаман, деб қатъий умид боғлашга асос берарди.

Сопи миссионер хоним совға қилган галстугини тўғрилаб, саркаш манжетларини ёруғ жаҳонга чиқарди-да, шляпасини чаккасига қўнқайтириб олган кўйи тўппа-тўғри жувон томон йўналди. Унга карашма билан им қоқди, томоқ қирди, илжайди, йўталиб қўйди. Кўчаларда бўладиган ёпишқоқ шилқилларнинг барча классик усулларини сурбетлик билан ишга солди. Сопи кўз қири билан полисменнинг уни қаттиқ тикилганча кузатаётганини кўриб турарди. Жувон бир неча қадам нарига кетиб, яна соқол олиш учун ишлатиладиган товоқчаларни кузата бошлади. Сопи унинг изидан бориб, шилқимлик билан ёнига туриб олиб, шляпасини кўтариб қўйди-да, гап қотди:

— Оҳ, мунча ёқимтойсиз-а! Айланмаймизми?

Полисмен кузатишда давом этарди. Ҳақорат қилинган хоним бармоғини кўтариб, имо қилса бас, Сопи аллақачон осойишта макон томон йўлга тушган бўларди. Назарида ҳозирданоқ полиция маҳкамасининг илиқ нафасию фэйзини сезаётгандек эди. Жувон Сопига ўгирилиб, унга қўлини чўзди-да, енгига ёпишди: — Жоним билан, Майк! — деди у хушчақчақлик билан. — Пиво олиб берасанми? Мен сен билан илгарироқ гаплашишим мумкин эди-ю, миршаб қараб турган эди. — Жувон унга эманга чирмашган чирмовуқдек ёпишиб олди, йигит уни қўлтиқлаганча тартиб кузатувчининг олдидан тундлик билан ўтиб кетди. Афтидан, Сопи эркинлик ҳузурини тортиб юраверишга маҳқум этилган эди чоғи.

Яқин орадаги кўчада ҳамроҳини юлқиб ташлаганча тирақайлаб қочди. У реклама чироқларидан чароғон кварталга, юраклар ҳам, ютуқлар ҳам, музыка ҳам — барчаси бир хилда ёп-енгил бўлган кварталга бориб қолди. Мўйнага бурканган хотинлар ва пальто кийган эркаклар изгиринда хушчақчақлик билан сўзлашиб туришарди. Туйқусдан Сопини қўрқув босди. Ё аллақандай жодули сеҳрар уни полиция дахлидан халос қилиб қўйдимикан? Ваҳимага тушишига сал қолди. Театрга кираверишдаги ёп-ёруғ жойда савлат тўкиб турган полисмен яқинига келгач, «халойиқ тўпланган жойда безорилик» деган сомон парчага ёпишиб олмоқчи бўлди.

Сопи хирқироқ овозини бор бўйича қўйиб бақирган кўйи аллақандай мастлар ашуласини бошлади. Йўлка бўйлаб ўйинга тушди, айюҳаннос солди, турли қилиқлар қилди — ҳар хил йўллар билан осойишталикни бузди.

Полисмен таёғини айлантирди-да, жанжалкашга орқа ўгириб, бир ўткинчига ўқтирди:

— Бу Изъсдан келган студент. Улар бугун Хартфорд коллежининг футбол командаси устидан ғалабаларини байрам қилишяпти. Шовқин-сурон кўтаришяпти-ю, аммо бунинг хавфли жойи йўқ. Бизга уларга тақилмаслик ҳақида кўрсатма беришган.

Ҳафсаласи пир бўлган Сопи ҳожати қолмаган ирғишларини тўхтатди. Наҳотки биронта ҳам полисмен гирибонидан ғиппа бўғмаса? Оролдаги турма унга етишиш маҳол бўлган Аркадиядек кўришиб кетди. У енгил пиджагини пухталаб тугмалади: изгирин эт-этидан ўтиб бормоқда эди.

Тамаки дўконидан у газ ёлқинидан сигара тутатаётган жанобни кўриб қолди. Жаноб ипак шамсиясини кираверишда қолдирган эди. Сопи остонадан ўтиб, шамсиясини олди-да, аста-секин йўлга равона бўлди. Сигарали одам унинг изидан тушди.

— Бу менинг шамсиям-ку, — деди у жиддийат билан.

— Наҳотки? — деб тиржайди Сопи, майли ўғрилиқ устига ҳақоратни ҳам замлаб. — Нега бўлмаса полисмени чақирмаяпсиз? Ҳа, мен сизнинг соябонингизни олдим. Чақиринг ахир миршабни! Ҳов ана мушудда турибди.

Шамсиянинг эгаси қадамни секинлатди. Сопи ҳам. Тақдир у билан яна қўпол ҳазиллашаётганин аллақачоноқ сезиб турарди. Полисмен уларни қизиқиш билан кузатарди.

— Бир ҳисобда, — деди сигарали одам, — албатта энди... Сиз... Хуллас, шундай англашилмовчилик бўлдики... Мен... Агар бу сизнинг шамсиянгиз бўлса... мени кечирарсиз деб ўйлайман... Уни эрталаб ресторандан кўтариб чиқиб келаверибман... Мабодо сиз уни ўзингизникига ўхшатган бўлсангиз... майли... Умид қиламанки, сиз...

— Албатта, бу менинг соябоним, — деди Сопи жаҳл билан.

Шамсиянинг собиқ эгаси ён босақолди. Полисмен дабдабали манто кийган, малла сочли бўйдор хотинга ёрдам бергани югурди: уни кўчадан ўтказиб қўйиши керак, икки квартал нарида трамвай кўринган эди.

Сопи ремонтдан дабдаласи чиққан кўчадан кунчиқарга бурилди. Дубулга кийиб таёқ тутган кишиларга лъзнатлар ёғдирганча шамсияни ғазаб билан чуқурга уюқтирди. Бу уларнинг панжасига тушиш иштиёқида юрибди-ю, улар бўлса бунга худди бенуқсон Рим папаси билан мулоқотда бўлгандек муомала қилишарди.

Ниҳоят, Сопи алғов-далғов, шовқин-сурон эшитилмайдиган йироқ авенюлардан бирига етиб борди-да, Мэдисон-скверга йўл олди. Негаки, кишини жонажон уйига тортиб туриш қайғуси бу уй ҳатто паркдаги скамейкадан иборат бўлган тақдирда ҳам барҳам топмайди.

Ҳолат осуда бир мушудга келганда Сопи дафъатан тўхтаб қолди. Бу ерда найза томли кўҳна черков турарди. Унинг бинафшаранг ойна қўйилган деразаларининг биридан мулойим шуъла қуйиларди. Чамаси, органист яқшанба муножотини машқ қилиш учун сози узра қолган, негаки Сопининг қулоқларига тотли музика садолари эшитилмоқда, у чўян панжаранинг жимжимадор нақшларига ёпишганча туриб қолган эди.

Осуда ой балқиб чиққан; экипажлар ва ўткинчилар сийрақлашиб қолган; бўғотларнинг тағрида мудроқ босганча чумчуқлар чирқиллар — ўзингизни қишлоқ қабристонидан тургандек ҳис қилишингиз мумкин эди. Органист чалаётган муножот Сопини чўян панжарага миҳлаб қўйган, негаки уни илгарилари ҳам — ҳаётида она, гул, дадил режалар, ёр-биродар деганга ўхшаган нарсалари, покиза ўйлари, покиза ёқалари бўлган кезларда ҳам кўп мартабалаб эшитган эди.

Кўҳна черковнинг деразасидан қуйилаётган музыка таъсири остида Сопининг қалбиде дафъатан гаройиб бир ўзгариш рўй берди. У ўзи қулаб тушган тагсиз жарни кўриб қўрқиб кетди. Шаънига номуносиб кунлар, пучга чиққан умидлари, маҳв бўлган салоҳияти

ва пастарин ниятлари кўз ўнгидан ўтди. Ҳаёти шулардан иборат бўлган экан.

Унинг юраги ана шу янги кайфият билан ҳамоҳанг йўсинда тепа бошлади. У ўзида туйқусдан ёвуз қисмат билан курашишга куч топди. У жирканч ботқоқдан чиқиб олади, яна юксакликка юз тутди, уни ўзига банди қилиб олган шум ёвузликни енгади. Ҳали фурсат қўлдан кетмаган, ҳали анчагина ёш. Дилидаги ўша мағрур орзуларини яна уйғотади, уларни рўёбга чиқариш учун ғайрат билан ишга киришади. Органнинг тантанавор, аммо тотли сэдолари уни ўзгартириб юборди. Эртага эрталаб у шаҳарнинг ишчилар қисмига бориб, ўзига иш қидириб топади. Бир куни қайси

ҳам мўйнафурушдан унга аравакашлик ўрнини таклиф қилган эди. Уни эртагаёқ қидириб топади-да, ўша вазифани сўраб олади. У одам бўлишни истайди. У...

У кимнингдир қўли кифтига келиб тушганини сезди. Ялт этиб қараган эди, олдида ялпоқ юзли полисменни кўрди.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз? — деб сўради полисмен.

— Ҳеч нарса, — деб жавоб берди Соли.

— Унда, кетдик, — деди полисмен.

— Оролга, уч ойга, — деб ҳукм чиқарди судья эртасига эрталаб.

## СЎНГГИ ЯПРОҚ

**В**ашингтон-сквернинг кунботаридаги кичикроқ кўчаларда жойлашган кўчалар чалкашиб, кесма кўча дейиладиган қисмларга бўлиниб кетган эди. У ерда ҳатто бир кўча ўзини ўзи икки марта кесиб ўтади. Қайсидир рассом ана шу кўчанинг ғоятда бебаҳо бир хусусиятини очишга муваффақ бўлибди. Чунончи, насияга бўёқ, қоғоз ва бир эн бўз берган магазиннинг қарз йиғувчиси ўша ердан ўзининг бир цент ҳам ундиролмай тўлов қоғозини кўтарганча шўппайиб қайтиб келаётганини кўриши мумкин.

Терскай томонга қарайдиган деразалар, XVIII аср тому боилари, голланд болохоналари ва арзон ижара ҳақи пайида бўлган санъат шинавандалари Гринич-Виллаж деган ғаройиб кварталга бориб қоладилар. Шундан сўнг улар Олтинчи авенюдан у ерга бир неча қалай кружка билан бир-иккита това олиб бориб, ўз «колониалари»га асос соладилар.

Сью билан Жонсининг студияси уч қаватли фиштин уйининг юқорисида жойлашган эди. Жонси—Жоанна деган номдан кичрайтирилган исм. Уларнинг бири Мейн штатидан, иккинчиси Калифорниядан келган. Улар Саккизинчи кўчадаги ресторанлардан бирида дастурхон устида танишишган, санъат, цикор салат ва янги расм бўлган энгларга қарашлари муштарак эканлигини аниқлашган эди. Шунинг оқибатида ўрталарида битта студия юзага келган эди.

Бу май ойларида бўлган эди. Ноябрьда эса докторлар Пневмония деб атайдиган бадқовоқ келгинди колония бўйлаб ҳуфия кезганча, гоҳ у одамни, гоҳ бу одамни муз бармоқлари билан пайпаслаб юрарди. Шарқий томонда бу қотил ўиларча қурбонларини маҳз этганча дадил одимлар, аммо бу ерда, пўпанак босган тор кўчалардан иборат лабиринтда изма-из сурғалиб юрар эди.

Жаноб Пневмонияни сира ҳам одоб-муошаратни биладиган кекса жентльменлардан деб бўлмасди. Калифорния насимларидан камқон бўлиб ўсган жажжи қизининг қип-қизил муштлари зўр, ҳарсиллаб турадиган кекса давангир галварсга қарши чиқишга муносиб рақиб бўлиши амримаҳол эди. Бироқ у буни йикитган. Жонси голландча деразанинг ингичка панжаралари оша кўшни фиштин уйининг деворига тикилганча бўялган темир каравотда ҳаракатсиз ётарди.

Бир куни эрталаб ташвишланган доктор бароқ қошларини қимирлатиб қўйганча Сьюни йўлакка чақирди.

— Унинг жонидан биргина умиди бор... Ҳўш, чунончи, ўн тасодифдан бирида, — деди у, термометрнинг симобини силкий туриб. — Шунда ҳам ўзи яшашини истаса. Одамлар тобутсозларнинг манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қила бошласалар бутун фармакопейамизнинг маъноси пучга чиқади. Жажжи ойм қизалогингиз энди тузалмайман, деган қарорга келиб олибди. У нималарни ўйлайди?

— У... мойли бўёқ билан Неаполь кўрфазининг манзарасини чизмоқчи эди.

— Чизмоқчи эди? Бехуда гап! Унинг дилида астойдил ўйласа арзигудек бирон бошқа нарса, чунончи эркак зоти йўқми?

— Эркак зоти? — дея такроран сўради Сью, унинг овози оғизда чалинадиган наъмага ўхшаб кескин янгради.—Наҳотки эркак арзиса... Йўқ, йўқ доктор, кўнгида бунақа нарса мутлақо йўқ.

— Унда мадорсизланиб қолибди, — деган қарорга келди доктор. — Мен фаннинг вакили сифатида қодир бўлган барча нарсани қилишга тиришиб кўраман. Аммо боқаётган беморим ўзининг дафн маросимидаги қареталарни санашга тушаркан, мен дори-дармоннинг даволловчи кучидан ярмини чегириб ташлайман. Мабодо сиз бир нарсага эришиб, у ақалли бир мартагинаёқ бу йил қишда қандай нусхадаги энг расм бўлишини сўрагудек бўлса, кафил туриб айтманки, у ўн тасодифдан бирида эмас, беш тасодифдан бирида жони омон қолишидан умид қилиши мумкин эди.

Доктор кетгач, Сью устахонага югуриб чиқди-да, японча қоғоз сочқини қўлига олиб у шалаббо бўлгунча хун-хун йиғлади. Кейин чизма тахтасини кўтариб, рэтгаймни хиргойи қилганча Жонсининг хонасига кириб келди.

Жонси дераза томонга ўгирилганча кўрпа остида йўқдеккина бўлиб ётарди. Сью Жонсини, ухлаб қолгандир, деб хиргойисини тўхтатди.

У тахтани ўрнаштириб қўйди-да, журналда бериладиган ҳикоя учун туш билан расм чиза бошлади. Ёш расмлар учун Санъатга олиб борадиган йўл журналларда босиладиган ҳикояларга чизиладиган расмлар билан тўшалган бўлади, ёш авторлар эса Адабиётга олиб борадиган йўлларини ҳикоялари билан тўшайдилар.

Ҳикоя учун монокль тақиб шинам бриж кийган айдахолик аббатнинг шаклини чиза бошларкан, Сью бир неча бор такрорланган шивир-шивир товушни эшитди. У шоша-пиша каравот томон борди. Жонси кўзларини катта-катта очганча ётарди. У деразага тикилган кўйи ниманидир санамоқда — охиридан бошига қараб санамоқда эди.

— Ун икки, — деди у, салдан кейин: — ўн бир, — сўнгра эса:—ўн, тўққиз,—шундан сўнг:—саккиз, етти, — деб санади.

Сью ялт этиб деразага қаради. У ерда санагулик нима бор экан ўзи. Маънос ҳувиллаб ётган ҳовлио йигирма қадам наридаги фиштин уйининг яхлит деворигина кўриниб турарди. Сербўғин танасининг бўғизига яқин жойи чирий бошлаган, қариб кетган шилби фиштин деворини ярмигача чирмаб олган эди. Кузнинг совуқ нафаси зангдан япроқларни узиб туширар, яланғочланган яйдоқ новдалар тўкилиб турган фишларга қапишиб борар эди.

— Нима гап экан, жоним? — деб сўради Сью.  
— Олти, — дея эшитилар-эшитилмас жавоб берди Жонси.—Энди улар тезроқ узилиб тушяпти. Уч кун бурун улар юзта эди. Санайман деб бошим айланиб

кетарди. Энди осонгина бўлиб қолди. Мана, тагин биттаси учиб тушди. Энди бештагина қолди.

— Нима бештагина қолади, жониш? Сьюдигинанга айтиб бер-чи.

— Япроқлар-да. Шилбининг япроқлари. Сўнгги япроқ узилиб тушганда мен ўламан. Мен буну уч кундан буён биламан. Доктор сенга айтмаганмиди ҳали?

— Бунақа безмани гапни биринчи эшитишим! — деб жуда ўрнига қўйилган нафрат билан жавоб қайтарди Сью. — Қари шилбидаги япроқларнинг сенинг тузалиб кетишинга нима даҳли бор? Сен яна шу шилбига астойдил меҳр қўйиб юрибсан, тантиқ қизалоққинам. Тентаклик қилма. Ҳали шу бугун эрталабгина доктор менга сени, тез орада тузалиб кетади,, деди... Шошма, нима ҳам деган эди-я?... Ун тасодифдан бирини умид бор, деди. Бизнинг Нью-Йоркда трамвайда кетаётган ёки янги қурилган ўйнинг тагидан ўтаётганинда бу ҳар биримиз учун озмунча гап эмас. Озгина шўрва ичгин-да, Сьюдингангн чизаётган расмини тамомлаб, редакторга ўтказсин-да, бемор қизалоқига вино билан ўзига чўчка гўшtidан қилинган котлет сотиб олиб келсин.

— Энди сенинг вино сотиб олиб ўтиришинга ҳожат қолмади, — деб жавоб берди Жонси, деразага тикилиб қараганча. — Ана, тагин биттаси узилиб кетди. Демак, тўрттагинаси қолди. Сўнгги япроқ қандай учиб тушганини кўрсам эди. Унда мен ҳам ўлардим.

— Жонси, жоним, — деди Сью унга эгиларкан, — мен ишимни тамомлаб бўлгунимча деразага қарамай, кўзингни чирт ўлиб ётишга ваъда берасанми? Мен бу расмларни эртага топширишим керак. Ёруғ бўлиб турмаси қўйналаман, бўлмаси-ку пардани тушириб кўярдим-а.

— Нима, расмингни бошқа хонада чизолмайсанми? — деб сўради Жонси совуқгина.

— Сенинг ёнингда ўтиргим келяпти, — деди Сью. — Қолаверса, сенинг мана шу бемаъни япроқларга тикилиб ётишингни хохламайман.

— Чизиб бўлганидан кейин айтарсан, — деб қўйди, қулаб тушган ҳайкалдек ҳаракатсиз, ранги кетиб қолган Жонси, — негаки, сўнгги япроқ қандай узилиб тушишини кўргим келяпти. Муштоқликдан тинкам қуриди. Уйлайвериб тинкам қуриди. Мени тутиб турган илинжларнинг барчасидан халос бўлгим келяпти, — ана шу тинкаси қуриган шўрлик япроқларнинг бирига ўхшаб учиб-учиб тушсам, тобора, тобора пастлаганча учиб тушсам...

— Ухлашга уриниб кўр, — деди Сью. — Мен Бермани чақиришим керак, унга қараб одамови олтин қидирувчининг расмини чизмоқчиман. Менга қара, келгунимча қимирламай ётасан.

Берман дегани уларнинг студияси тагидаги қаватда яшайдиган рассом чол. У олтишлардан ошиб кетган, Микеланжелонинг Мусосига ўхшаб жингалак-жингалак соқоли сатирсимон юзидан гномга ўхшаб жуссаси томон солланиб тушган. Берманнинг санъат борасида омади келмаган эди. У ҳамон нодир асарни чизишга чоғланиб юрар, бироқ ҳали бошламаган ҳам эди. Бир неча йиллардан буён у лавҳа, реклама ва бир бурда нон дардида қилинадиган шу каби ишлардан бошқа ҳеч бир нарса чизмаган эди. У қараб чизиш учун профессионал натурачилар ёллашга қурби етмайдиган ёш рассомларнинг ҳожатларини чиқариб, унча-мунча пул толиб турарди. У ичкиликка ружу қилган, аммо бўлажак нодир асари ҳақида гапиришни ҳамон қўймас эди. Қолаверса, ҳар қандай назокатбозликка истеҳзо билан қарайдиган тажанг бу чол, ўзини иккала ёш рассом қизни қўриқлаш учун махсус қўйиб қўйилган пойлоқчи ит деб ҳисоблар эди.

Сью пастки қаватга тушиб борса, Берман арча мевасининг ўткир ҳиди анкиб турган ҳужрасида экан. Бир бурчақда йигирма беш йилдан буён мольбертдаги чорчўлга тортлиб, қўл тегизилмаган эн ҳамон нодир асарнинг илк чизикларини қабул қилишга шай ҳолда турарди. Сью чолга Жонсининг нима хаёлларга борганини, япроқ, еп-енгил ва мўрт. қизалоқнинг бу дунё билан бўлган омонатгина алоқаси сусайиб қолса

буларни ташлаб учиб кетиб қолишидан хавотир олаётганини айтиб берди. Қизарган кўзлари анчагина ёшланиб турган Берман чол бу тариқа татуриқсиз хаёллардан истеҳзо билан кулиб шовқин солиб юборди.

— Нима-нима? — деб қичқирарди у. — Шунақа ҳам бемаъни гап бўладики — лаънати шилбининг япроқлари тўкилса ўлиш керакмишми? Биринчи марта эшитишим. Йўқ, керакмас, менга қараб одамови галварснинг нухасини чизмайсиз. Шунақа беҳуда гап билан бошини қотириб ўтиришга нега йўл берасиз? Вой, шўрликкина мисс Жонси!

— Унинг касали оғир, мадорсизланиб қолган, — деди Сью, — иссиғи ошиб алаҳлаганидан миясига ҳар хил бемаъни хаёллар келади. Жуда соз, мистер Берман, агар менга расмингизни чиздирмасангиз чиздирмай қўя қолинг. Мен, ҳар ҳолда, айтишим керакки, сиз ёқимсиз бир чол экансиз... ёқимсиз, эзмачурук чол экансиз.

— Ана, чинакам аёл деб буну айтса бўлади! — дея қичқириб юборди Берман. — Ким айтди мени расмини чиздирмайди деб? Юринг. Мен сиз билан бирга чиқаман. Ахир ярим соатдан бери, чизсангиз чизаверинг, деяпман-а. Э, худо! Мисс Жонсидек яхши қизнинг мана шундай жойда касал бўлиб ётиши мутлақо тўғри келмайди. Қачон бўлмасин мен ўзимнинг нодир асаримни чизаман-да, биз ҳаммамиз бу ердан кўчиб кетамиз. Ҳа, ҳа!

Улар юқорига чиқиб борсалар, Жонси мудраётган экан. Сью пардани деразининг рафигача тушириб, Берманга бошқа хонага чиқишни имо қилди. У ерда улар деразага яқин бориб юрак бетламай кекса шилбига қарадилар. Кейин чурқ этмай кўз уриштириб олдилар. Шиддат билан қор аралаш совуқ ёмғир қўймоқда эди. Эски кўк кўйлак кийган Берман одамови олтин қидирувчи қиёфасига кириб қоя ўрнига тўнкариб қўйилган чойдиш устида ўтирарди.

Озгина ухлаган Сью эртасига эрталаб уйғонаркан, Жонси бақрайган хира кўзларини тушириб қўйилган яшил пардадан узмай турганини кўрди.

— Уни кўтариб қўй, кўрмоқчиман, — деб шивирлаганча амр берди Жонси.

Сью мажолсизгина унинг амрини адо этди.

Нима бўлди денг? Кечаси билан тинмай шаррос ёмғир қўйиб чиққани, шиддатли шамол эсган бўлса-да, фиштин девор юзасида ҳануз шилби япроғи — сўнгги япроқ кўриниб турарди. Бандига яқин жойи ҳамон тўқ яшил, жимжимадор қирғоғи сарғая бошлаб, сўлиш ва чиришга юз тутган япроқ ердан етти фут бандликдаги новдада жасуруна осилиб турарди.

— Бу сўнггиси, — деди Жонси. — Мен уни, кечаси албатта узилиб тушса керак, деб ўйлаган эдим. Шамолнинг гувиллаганини эшитиб ётдим. У бугун узилиб тушади, шундан кейин мен ҳам ўламан.

— Қўй, худо сақласин! — деди Сью ҳорғин бошини ёстиқ узра эгаркан. — Узингни ўйлагинг келмаса, ақалли мени ўйлагин! Менинг ҳолим нима кечади?

Жонси эса жавоб бермасди. Руҳ деган нарса йироқ сирли йўлга чиқишга отланаркан, ёруғ дунёдаги барча нарсаларга бегона бўлиб қолади. Жонсини ҳаёт ва одамлар билан боғлаб турган барча ришталар биринкетин узилиб бораркан, беҳуда хаёллар уни тобора қучлироқ қамраб олмақда эди.

Кеч кирди, ҳатто қош қорайганда ҳам улар фиштин девор узра шилбининг танҳо япроғи бандига осилиб турганини кўрдилар. Сўнгра қоронғи тушиши билан яна шимолдан шамол эсиб, ёмғир деразаларни узлуксиз савалаганча голландча пастак томлардан шариллаб оқа бошлади.

Тонг отиши билан омонсиз Жонси яна пардани кўтаришни буюрди.

Япроқ ҳамон жойида осилиб турарди. Жонси унга анчагача қараб ётди. Кейин унга газда товуқ шўрва иситаётган Сьюни чақирди.

— Мен бемаъни қизалоқ эканман, Сьюзи, — деди Жонси. — Назаримда, бу сўнгги япроқ менинг қандай расво кимса эканлигини исботлаб бериш учун новдасидан узилиб кетмаганга ўхшайди. Киши ўзига



ўлим тилаши гуноҳ. Энди сен менга озгина шўрва олиб келиб беришинг мумкин, кейин портвейн аралаштирилган сут берарсан... Йўқ, шўшма, аввал менга ойна олиб бер, кейин ён-веримга ёстиқ қўй, мен суяганча сенинг қандай овқат пишираётганингни томоша қилиб ўтираман.

Бир соатчадан кейин у шундай деди:

— Сьюзи, умид қиламанки, бир кунмас-бир кун Неаполь кўрфазининг манзарасини бўёқ билан чизаман.

Кундузи доктор келди, Сью ниманидир баҳона қилиб унинг кетидан йўлакка чиқди.

— Умидлар теппа-тенг, — деди доктор, Сьюнинг қалтираётган озгингина қўлини сиқиб хайрлашаркан. — Яхши парвариш қилсангиз, енгиб чиқасиз. Энди мен пастдаги яна бир беморни кириб кўришим керак. Унинг фамилияси Берман. Рассомга ўхшайди. У ҳам зотилжам. Қариб қолган экан, жуда мажолсиз, касали оғир хилдан. Ҳеч қандай умид йўқ, аммо бугун уни касалхонага жўнатишади, у ерда беозорроқ ётар.

Эртасига доктор Сьюга деди:

— Қизалоқ хатардан қолди. Сиз енгиб чиқдингиз.

Энди овқат билан парваришга зўр берасиз — бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ.

Уша кун кечқуруноқ Сью тўқиб бўлаёзган мутлақо кераксиз очиқ кўк шарфини кўтарганча Жонси ётган каравот олдига борди-да, уни ёстиғи билан қўшиб бир қўллаб қучоқлади.

— Мен сенга баъзи гапларни айтишим керак, сичқон бека оппоғим, — дея сўз бошлади у. — Бугун мистер Берман касалхонада зотилжамдан ўлибди. У икки кунгина оғрибди. Биринчи кун эрталаб швейцар унинг хонасига кирса, шўрлик чол ерда ётганмиш. Ўзини билмасмиш. Пойабзали билан бутун кийим-боши бус-бутун шалаббо, ях бўлиб ётганмиш. Шундай бир даҳшатли кечада қаёққа чиққан бўлиши мумкинлигини ҳеч ким билолмабди. Кейин ҳалигача ёниб турган фонару ерга ташланган бир неча мўйқалам билан сариқ, яшил бўёқ ситилган палитра топишибди, нарвон жойидан қўзғатилганмиш. Деразадан шилбининг сўнги япроғига қарагин, азизим. Унинг шамолда қилт этмай, қимирламай турганига ҳайрон бўлганмидинг? Ҳа, жоним, Берманнинг нодир асари мана шу — буни сўнги япроқ узилиб тушган кечаси чизган.

НАЗМ



Садриддин САЛИМОВ

\* \* \*

Дарахтини севгандай япроқ,  
Гиёҳини севгандай тупроқ,  
Юлдузини севгандай осмон,  
Қуръонини севгандай момом  
Сени яхши кўраман.

\* \* \*

Дарахт, сенинг қўлларинг бисёр,  
Шохларингга келар ҳавасим.  
Панжаларинг очиқ, беозор,  
Ҳотам каби очиқ ҳар фасл.  
Дарахт, бир-ку бизларнинг замин,  
Осмониимиз бир-ку, не сабаб,  
Бунча сахий сенинг қўлларинг!  
Уяламан қўлимга қараб...

Ўзбекистон ёйиб қулочин  
Яна гулга киргани аниқ.  
Ёмон кўздан асрамоқ учун  
Тутатмоқда онам исриқ.  
Тилсим бордир деву парида,  
Неки хушрўй — берарлар озор.  
Ўзбекистон елкаларига  
Онам тақиб қўйгандир тумор.  
Ўзбекистон топмоқда камол,  
Лол қолдириб жумла жаҳонни.  
Фарзандини асраган мисол  
Онам асрар Ўзбекистонни.

\* \* \*

Ҳовузга шарпасиз кирди йўл,  
Соялар пайпаслаб излайди.  
Дарахтлар югурар чўзиб қўл,  
Майсалар-чи, юм-юм бўзлайди.  
Дарахтни етаклаб бўлмайди,  
Ҳовузнинг лабида чўкди тиз.  
Қайга борар дарахту майса,  
Қайга борар шўрликлар йўлсиз!

\* \* \*

Дарахтларнинг кўзи — япроғи,  
Дарахтлар дунёга тўймайди.  
Дарахтларнинг тили — япроғи,  
Дарахтлар дунёни куйлайди.  
Кўз бўлиб ҳам тил бўлиб яшаш —  
Шоирларга азалий бурч, бахт.  
Фарқи шуки, келганида куз  
Кўзсиз, тилсиз қолади дарахт.



# КАТТА АДАБИЁТ МЕЗОНИ

Адабиёт ҳамisha навқирон кучлардан қувват олади, улар ҳисобига бойиб, янгича руҳ ва йўналишлар касб этиб боради. Ёш ижодкорлар ўз устозларининг анъаналарини муваффақиятли давом эттириш билан бирга, адабиётга ўз мавзулари, ифода усулларини олиб кирадилар. Буни бугунги ўзбек адабиётининг навқирон авлоди мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хўш, уларнинг изланишлари қандай самаралар бермоқда? Навқирон адабиётимизнинг бутуниттифоқ китобхонига етиб боришига нималар тўсқинлик қиляпти?

Шу сингари саволлар давра сўхбатига асос бўлди. Унда таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов, ёзувчи ва шоирлардан Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимовлар иштирок этишди.

**Э. ВОҲИДОВ:** Адабиётимизнинг бугунги ривожланиш жараёни умумсовет адабиётининг жараёнлари билан тўташ ва узвийдир. Замоннинг техник тараққиёти, ўзоқни яқин қилувчи барча воситалар бугун ўзбек ўқувчисига ҳам ўз халқи адабиётини жаҳон адабиёти мезони билан ўлчаш имкониятини берди.

Бундай имконият ва ҳуқуқ шу куннинг адиби, шоири зиммасига катта масъулият юклайди. Хўш, ана шу улкан тарозу билан ўлчанганда бизнинг асарларимизни қандай баҳоласа бўлади! Адабиётимизнинг навқирон авлоди замон талаби даражасида ижод қиляптими! Бизнинг қандай асарларимиз Иттифоқ ва дунё миқёсига чиқяпти! Бизнинг авлод вакилларида Худойберди Тўхтабоев, Уткир Ҳошимов, Темур Пўлатовнинг, кейинги тўлқиндан Нурали Қобулнинг асарлари республикамиздан ташқарида баралла жаранглаётганига сабаб нима-ю нега шоирларимизнинг парвози қийинроқ кечяпти! Биз ўзимиз етарлича ижодий ва ташкилий ишлар қиляпмизми! Имкониятимиз қадар, кучимиз етганча ҳаракат қиляпмиз деб айтаоламизми! Шў ҳақда бир гаплашиб олсак.

**У. НОРМАТОВ:** «Ёшлик» журнали бугунги ёшлар ижоди ҳақида, унинг ютуқлари ва муаммолари ҳақида баҳс уюштиргани жуда яхши бўлибди. Баҳснинг мавзуси ҳам яхши белгиланган. Чунки ёшларимиз ижоди умумиттифоқ адабиёти, қолаверса, жаҳон прогрессив адабиёти мезонида ўлчанганда ютуқларимиз ҳам, камчиликларимиз ҳам яққолроқ намоён бўлади. Яқинда Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган танқидчилик проблемаларига бағишланган кенгашда ҳам шу масалага жуда катта эътибор берилди.

Эркинжон, сиз ҳозир бир қатор ёзувчиларимизнинг асарлари Иттифоқ миқёсига, қолаверса, жаҳон миқёсига чиққанлигини яхши айтиб ўтдингиз. Худойберди Тўхтабоевнинг романлари Иттифоқимиздаги деярли барча қардош тилларга таржима қилинди, бир қатор чет тилларда босилди. Уткир Ҳошимов асарлари ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. Айниқса, унинг учта асари — «Баҳор қайтмайди», «Муҳаббат», «Нур борки, соя бор» Иттифоқ миқёсига ва баъзи чет элларга чиққанлиги ҳам бизнинг катта ютуғимиз. Нурали Қобулнинг «Тубсиз осмон» повести «Юность» журналида босилиб чиқди ва журналнинг мукофотига сазовор бўлди. Уша журналнинг редактори, марҳум Борис Полевой асарга жуда юксак баҳо бериб, ёзувчининг бу повести кўп миллатли совет адабиётига яна бир ёрқин истеъдод эгаси кириб келаётганлигини кўрсатади, деган фикр билдирган эди. Кўп йиллар муҳаррирлик қилган, ёшларнинг неча-неча асарлари қўлдан ўтган ана шундай катта, талабчан бир санъаткорнинг бундай баҳоси тасодифий эмас, албатта. Яна шу фикрни давом эттириб, рус тилида ёзаётган ўзбек ёзувчиси Темур Пўлатов асарларининг Иттифоқ миқёсига, бир қатор социалистик мамлакатларда жуда юксак баҳога сазовор бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Буларнинг ҳаммаси шунини кўрсатадики, бизнинг навқирон адибларимиз ижоди умумиттифоқ адабиёти, жаҳон прогрессив адабиётидаги энг илғор тенденциялар билан ҳамоҳанг. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётидаги ана шу тенденциялар, анъаналардан ажралиб қолган эмас.

Энди, поэзия ҳақида нима дейиш мумкин! Чиндан ҳам ёшларимиз шеърятни жуда бақувват. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гўлчеҳра Нуруллаева, Омон Матжон, Рауф

Парфи ва бошқа бир қатор шоирларимизнинг поэтик асарлари шундан далолат берадики, бизнинг бугунги ёшлар шеърятини умумиттифоқ адабиётининг энг яхши намуналари билан беллаша олади. Лекин бу поэзия Иттифоқ миқёсига, қолаверса, чет элларга чиқишда бир оз қийинчиликларга дуч келмоқда. Бунинг сабаблари ҳақида албатта фикрлашиб оламиз.

Драматургияда ҳам яхши ютуқларимиз бор. Масалан, А. Иброҳимовнинг драматик асарлари рус тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб бўлиб чиқди. Рус адабиётшунослари бу асарларга катта баҳо бердилар.

Хўш, навқирон проза, поэзия ва драматургиядаги бу ютуқларни қандай изоҳлаш мумкин! Энг аввало шунини айтиш керакки, ёшлар адабиётининг энг яхши намуналарида инсонни тушуниш, инсонни кашф этиш чуқурлашди. Аслида, адабиётнинг даражаси ҳам шу билан белгиланади. Мавзулар ҳам муҳим, проблемаларни кўтариш ҳам дий изланишлар бор. Бу изланишлар умумиттифоқ ва маънавий оламига бориб тақалади. Яна бир сабаби шуки, ёшларимизнинг энг яхши асарларида ўзбек халқининг миллий руҳияти ўзига хос, чуқур тадқиқ этиляпти. Мен ҳозирча ана шу иккита белгисини айтиш билан чекланаман. Албатта, ёшлар ижодида шаклий жиҳатдан ҳам жиддий изланишлар бор. Бу изланишлар Умумиттифоқ ва жаҳон адабиётдаги тенденцияларга жуда оҳангдош.

Бугунги кунда социалистик реализм методи ҳақидаги тасавурларимиз ҳам кенгайиб кетди. Бу методда ҳаётни хилма-хил йўллар билан ифодалаш мумкин экан. Масалан, кейинги пайтда миф ва афсоналардан кенг фойдаланилмоқда. Темур Пўлатов, Уткир Ҳошимов, Нурали Қобул асарлари, «Рухлар исёни», «Жаннатга йўл» каби достонлар бунга мисол бўла олади. Адабиётимиздаги шаклий изланишлар Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» асаридаги, Г. Кант, А. Зегерс, Ч. Айтматовнинг қатор асарларидаги изланишлар билан ҳамоҳанг. Бу асарларда мифология ва реализм ажиб бир тарзда чатишиб кетган.

**У. ҲОШИМОВ:** Реалистик бадий асарда мифлар, афсоналардан фойдаланиш керакми ёки йўқми деган масала эндиликда ҳал этилган. Хўш, улардан қандай ва қай даражада фойдаланиш керак! Бу жуда муҳим. Масалан, Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» асарида, Ч. Айтматовнинг кейинги романида мифлар, ривоятлар асосий ғояни оидинлаштиришга, янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ч. Айтматов асаридаги манқуртлар ҳақидаги афсонани олиб кўрайлик. Бу афсона тағида жуда катта ижтимоий фикр ётади. Бу фикр қаҳрамоннинг руҳини очиб учун, кимлигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Лекин бизнинг прозаимизда, кўп ҳолларда, бундай бўлмайди. Афсона ва ривоятлар китобхонини шунчалик қизиқтириш учун асарга олиб кирилади, ўзида катта маъно ташимайди.

**У. НОРМАТОВ:** Мифлар, эртак ва афсоналарни баъзан сунъий равишда асарга олиб киришлар бўлаётганлиги ҳақидаги фикрингиз тўғри. Масалан, Эминжон Усмоновнинг асарларида шундай ҳол сезилляпти. «Меҳригё»да, «Тилла чаноқ»да ҳам ривоят ва афсоналар асар тўқимасига сингиб кетмаган. Уларни тушириб қолдирсангиз ҳам билинмайди. Айни пайтда, биздаги энг яхши асарларда мифлар, ривоятлар, афсоналар шундай тарзда берилганки, уларсиз асарни тасаввур қилиш мумкин эмас. Айрим ҳолларда, ривоятлар реалистик картиналарга қараганда ҳам ҳаётнинг маъноси ҳақида, инсон ва унинг моҳияти ҳақида тўлароқ маълумот беради.

**Х. ТҶУХТАБОВ:** Мен болалар адабиёти ҳақида баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман. Кейинги пайтда Совет болалар адабиётининг машҳур вакиллари С. Михалков ва А. Бартонинг шеърларини синчиклаб қайта кўриб чиқдим. Уларнинг устунлиги нимада экан, деб ўйлаб қолдим. Масалан, А. Бартони олсак, у ўсмирлар нигоҳи орқали бугунги дунёнинг мураккаблиklarини беришга интилар экан. Ўсмирларнинг кечинмалари орқали катталарга ҳам сабоқ бўладиган воқеаларни тасвирлаган, умуман ўсмирлар лирикасини яратган шоир экан. Энди бизнинг адабиётимизда А. Бартога қийслайдиган ким бор деб, ўйлаб қолдим. Бундайлар жуда кам экан. Болалар дунёси қувноқлики, ёрқин нурларни, кескин сюжетларни ёқтиради. Ниҳоят, умуман, яхши кайфиятни ёқтиради. С. Михалков-

нинг устунлиги шунда эканки, у ўз асарлари билан болаларда қувноқ кайфият яратар экан. Шу қувноқлик орқали фикр айтар экан. Ана шундай асарларга бизнинг бугунги болалар шеърятини жуда муҳтож.

Кейинги йилларда болалар адабиётини бир талай янги номлар пайдо бўлди. Прозада мен Эргаш Раимовнинг қиссаларини алоҳида таъкидлашни истардим. У ўсмирларга атаб учта қисса ёзди. Уччасида ҳам катталар ўртасида учрайдиган проблемалар эртани кечми ёшларга мерос бўлиб қолиши мумкинлигини, болалар адабиёти ҳам, катталар адабиёти ҳам турмуш мактаби, ҳаёт дарслиги эканлигини ёрқин акс эттирди. Уччала асар ҳам майин юмор билан сўғорилган.

Болалар шеърятини мени хурсанд қилган нарса Анвар Обиджоновнинг асарларидир. У шеърятга янги образлар, янги бир нафас олиб кирди. Шоирнинг ихчам, майин юморга бой, шу билан бирга маънавий юки кучли шеърлари хотирада тез ўрнашиб қолади.

Катта адабиёт мезонини ўлчанганда ҳам, энг аввало, айтадиган гапимиз, асарларимиздаги маънавий юк тош босади. Шу нуқтаи назардан ёндашганимизда, ҳали анчагина қиладиган ишларимиз борлиги маълум бўлиб қолади. Болаларга катта ҳаётдаги улкан ютуқларни ва проблемаларни кўрсатиб берадиган баркамол асарлар бизда жуда оз. Аксинча, эрмак учун, болаларни овуштириш учун ёзилган, юки энгил асарлар кўп. Ҳаётдаги мураккаблиklarни болаларга жўн қилиб тушуштирмаслик керак. Аксинча, мешчанлик, бепарволик пайдо бўлади. Ҳаёт қандай мураккаб бўлса, шундай тушуштиришга ҳаракат қилиш керак. Болалар адабиётининг вазифаси ҳам ёш авлодин эртани ҳаётга тайёрлашдан иборат. Шу сабабли қувноқ юмор йўли билан ҳаётдаги камчиликларни болаларга тушуштириб бориш, уларда нуқсонларга қарши курашчанлик руҳини тарбиялаш жуда муҳим.

Ута соддаликдан, жўнликдан қочадиган, болаларимиз савиясига мос асарлар яратадиган пайт келди.

**У. НОРМАТОВ:** Худойберди, мен сизнинг фикрингизни давом эттириб, катталар прозасига дадил кириб келаётган ёшлар ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Албатта поэзиядан кўра прозада истеъодларнинг намоён бўлиши қийинроқ кечади. Баъзан бир неча йил давомида ҳам «ярқ» этган истеъод эгасини кўрмаймиз. Менинг назаримда ўтган йилнинг кашфиётларидан бўлган икки ёш прозанинг номи айтиб ўтсак бўлади. Улардан бири Умрзоқ Муҳаммадиев. У бир қатор ҳикоялар эълон қилди. Утган йили «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Оқ мармар» ҳикояси ҳам кўпчиликлари маъқул бўлди. Абулқосим Мамарасуловнинг «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Йўловчи» ҳикояси, айниқса, менда яхши таассурот қолдирди. Одил Ёқубов бу ёш қаламкаши «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг биринчи сонида китобхонга таништирган эди. «Йўловчи» ҳикоясида у инсоннинг ички олами бу тун мураккаблиklарни билан кашф этишга интилар. Масалан, ҳаётда адашган, хато қилиб қўйган одам ҳақида илгаридан ҳам ҳикоялар ўқиганимиз. Уларнинг кўпчилигида қаҳрамон осонгина тўзалади, қилган ишига пушаймон бўлади, раваб-тазарру қилади. Аммо ҳаётнинг ўзида бу жараён мураккаброқ кечади. Одамнинг табиати ўзгаришидан қийинроқ иш йўқ. «Йўловчи» ҳикоясида шу жараён, қаҳрамоннинг ички кечинмалари психологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган. Агар муаллифнинг ана шу ифода услуби кейинги ҳикояларида ҳам чуқурлашиб бурса, ундан яхши ёзувчи чиқиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўлади: адабиётга ёниб, катта талант билан кириб келган ёш қаламкаш ўсмайди, шу даражада қолиб кетади. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Нега шундай бўляпти! Бунда асосий айбдор ким! Бу ҳам ўзига хос проблема. Танқидчилар ҳам, устоз ёзувчилар ҳам, ёшлар ҳам шу тўғрида бош қотирсалар, ёмон бўлмасди.

**А. ОРИПОВ:** Ёш прозаикларимизнинг муваффақияти мени ҳам қувонтиради. Уларнинг асарларини ҳамиша қизиқиш билан кузатиб бораман. Кейинги йиллар ёшлар прозаси бизни ҳаётга синчков назар билан қарашга, энг оддий одамларнинг фидойилигини кўришга ўргатди. Кўзга ташланмас, камтарин, меҳнаткаш одамларда жаҳоншумул эътиқодлар бўлар экан. Шукр Холмирзаев асарларини



олиб қаранг. Нурали Қобул қиссаларига, Мурод Муҳаммад Дўстнинг ҳикояларига эътибор қилинг. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳаётда бор одамлар. Улар қизил байроқ кўтариб у ёқдан-бу ёққа югуришмайди. Лекин уларда олтимиш йил мобайнида шаклланган социалистик тузум кишининг психологияси намоён бўлади.

**Э. ВОҲИДОВ:** Албатта, ёш ёзувчиларимизнинг муваффақиятлари таҳсинга сазовор. Лекин уларга эътирозимиз ҳам йўқ эмас. Назаримизда, прозамизнинг тематик диапозониди қандайдир чегараланиш бор, қамрови кенг эмас. Айтилик, кўпроқ қаҳрамонларимизни далага олиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Баъзи бир мавзулар бир асардан иккинчи асарга ўтиб, такрор бўляпти.

Айрим асарларда бир томонламалик кўзга ташланади. Уларда қаҳрамон қишлоқда яхши бўладию, шаҳарга келганидан сўнг бузилади, ёмон йўлга киради. Ишчилар, зиёлилар, студент ёшлар ҳақида кейинги пайтда яхши асарлар кам ёзилапти. Баъзи асарларимизда ғалати бир услуб пайдо бўлди. Ёзувчи ўзини қизиқтирган проблемани қаҳрамонларга айттиради. Қаҳрамонлар ҳам бир жойга йиғилишадми-да шу масала ҳақида гаплашиша бошлайди. Сухбат тафсилоти бир бет, ўн бет, қирқ бет давом этади. Бундай «гурунг» услуби асардан асарга ўтляпти. Бу, менимча, адабиётнинг осони йўли, кўрсатиш, тасвирлаш эмас, гапириб бериш йўли. Мана шуларга сиз, Уткиржон, ёзувчи сифатида қандай қарайсиз!

**У. ҲОШИМОВ:** Чиндан ҳам прозамизда сиз айтган нуқсонлар мавжуд. Ишчилар, зиёлилар ҳақида асарлар яратилмаяпти, деган гап ҳам принципа тўғри. Лекин биологлар ёки географлар ҳақида асар ёзилмади десак, ёзилган нарсани ҳам фақат материали янги бўлгани учунгина мақтасак, бу ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Умарали ана боя таъкидлаганларидек, одамни кашф этиш, у географми ёки «Йўловчи» ҳикоясидагидек эндигина қамондан чиққан одамми, студентми ёки олимми, ким бўлишидан қатъий назар, унинг руҳий оламини кашф этиш мўҳим.

Нима учун кўп асарларда қаҳрамон шаҳардан сал чеккага олиб чиқилади! Бу умуман жаҳон адабиётидаги проблема. Масалан, Айтматовнинг қаҳрамонлари ҳаммиша бир чеккада, шаҳардан узоқ хилват ғўшада яшайдилар. Маркес асарларида ҳам шундай ҳолга дуч келамиз. Нега шундай! Менимча, бунинг сабаби оддий. Одатда, инсон табиат билан юзма-юз қолганида унинг кимлиги тўлароқ намоён бўлади. Катта шаҳарда одамнинг кимлигини билиш қийин. Ҳамма одам иш билан машғул, ишга боради, уйга келади. Табиат билан, эчкиси ёки сигири билан ёлғиз қолганида, толнинг тағида осмонга қараб ётганида одам ўзининг болалигига қайтади, тоза туйғуларига қайтади. Шунда одамнинг кимлиги очилади. Тажрибали ёзувчиларнинг ўз қаҳрамонини табиат оғушига олиб чиқиши бежиз эмас.

Кейинги пайтда табиат ва инсон мавзусида кўплаб асарлар яратилляпти. Лекин бунинг ҳам икки томони бор. Масалан, яқинда Н. Думбадзенинг «Ҳазарулла» деган ҳикоясини ўқиб қолдим. Ёзувчи унда олма дарахтини шундай тасвирлайдики, у кесилган пайтда худди ўзинг йиқилаётганга ўхшайсан. Бу асарда грузинларга хос юмор ҳам ўсталик билан ишлатилади. Олма дарахти шунчалик кўп ҳосил қиладимики, ҳовли эгаси нима қилишини билмай, челақлаб қўшнисининг сигирига бера бошлайди. Бир куни қўшниси унга «Иккинчи менинг сигиримга олма берма, чунки у сут ўрнига компот берапти»,— дейди. Худойберди Тўхтабоевнинг асарларида ана шундай латиф бир юмор бор. Айни пайтда халқнинг руҳиятини тасвирлаш бор. Афсуски, бизнинг кўпгина асарларимизда халқнинг руҳини акс эттириш анча оқсаяпти. Халқимизнинг жуда ғалати хусусиятлари бор. Масалан, охириги нонини бўлашиб ейиши мумкин. Қўшнинг боласини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилиши мумкин ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ҳали асарларимизда ўзининг тўла бадний ифодасини топаётгани йўқ.

**У. НОРМАТОВ:** Уткиржон, табиатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти чиндан ҳам буюк. Қишлоқ мавзусига, табиат ва инсон муаммосига бағишланган асарлар бундан кейин ҳам яратилверади. Лекин барибир прозанинг тематик доираси кенгроқ бўлгани тузук. Рус адабиётшунослари

ҳам шу ҳақда ташвишлинишяпти. Масалан, Юрий Трифоновнинг «Шаҳар прозаси» деган туркумга кирган ҳикоялари кўп миллатли совет адабиётида катта воқеа бўлган эди. Шаҳар ҳаёти, шаҳарликлар психологияси, мураккаб маънавий олами бу асарларда жуда яхши очиб берилган. Афсуски, бу яхши аънамо муносиб равишда давом эттирилмаяпти. Юрий Нагибин «Литературное обозрение»да эълон қилинган мақоласида шу ҳақда афсусланиш билан ёзибди. Албатта ёзувчиларга сен шаҳар мавзусида асар ёз деб бўлмайди. Бундай асар табиий туйғилиши керак. Шундай бўлганида адабиётимиз янада бойиган бўларди.

**Э. ВОҲИДОВ:** Мавзу доирасининг кенглиги шуниси билан мўҳимки, бошқа халқлар ўзбек халқининг ҳаёти билан кўпинча адабиёт орқали танишадилар. Ахир ҳаётимиз фақатгина қишлоқ ҳўжалигидан иборат эмас-ку. Бизда қишлоқ мавзуси анча ишланган. Бунда айтадиган гапимиз ҳам, проблемалар ҳам кўп. Лекин бу бошқа соҳаларда, масалан, зиёлилар ҳақида, ишлаб чиқариш мавзусида, ёки айтилик, спортчиларимиз ҳаёти ҳақида ҳам асарлар яратиш талабини камайтирмайди. Ҳаётимизда улғувор воқеалар содир бўляпти. Ноқаратунроқ зонада Узбекистондан бориб ишлаётган кишилар ҳақида яхши бир асар ёзиш мумкин эмасми! Уларнинг ҳам ўз проблемалари бор. Бунга ўхшаш эътибордан четда қолаётган ўнлаб мавзулар бор. Оёғимиздан тортиб турган одатларимиз-чи! Қишлоқларимиздаги моддий турмуш билан маънавий турмуш ўртасидаги тафовутлар-чи!

**А. ОРИПОВ:** Сўхбатимизнинг бошида таржима масаласи, яъни энг яхши асарларимизнинг бутуниттифоқ китобхонага етиб бориши қийин бўлаётганлиги ҳақидаги муаммони ўртага ташлаган эдик. Ҳўш, нега шундай бўляпти!

Энг аввало шунини айтиш керакки, ҳар бир миллат ёки элатнинг фақат ўзигагина хос бўлган ҳаётий проблемалари бўлади. Ана шундай проблемаларни кўтариб чиққан асар бошқа жойда яшовчи кишиларни ҳаяжонга солмаслиги мумкин. Масалан, бизда кенг тарқалган тўйлардаги ортиқча дабдаба ва сарф-харажатини олайлик. Кейинги пайтда насрий асарларимизда бу муаммо тез-тез қаламга олинмоқда. Аммо бундай ҳол Эстония ва Литвада учра-маслиги мумкин. Уз-ўздан равшанки, ана шундай долзарб проблемаларни кўтарган асар эстон ёки литва тилида ўзимиздагидек жарангламайди.

Миллий хусусиятлар, айниқса, шеърятда ёрқин намоён бўлади. Одатда таржимонлар таржима қилинаётган асарнинг мазмунини оладилар. Ундаги ички бир оҳанг, сўз ўйинлари, жарангдорлик, бадий бўёқлар эса «таржимасиз» қолаверади. Натижада шеърининг эстетик завқ берадиган, ҳаяжонга соладиган таъсир кучи йўқолади.

Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Таржимонлар қўлига негадир кўпинча оригиналда ҳам жарангламайдиган ўртамеъна асарлар тушиб қолмоқда. Бутуниттифоқ китобхона бу асарларни ўзбек шеърятининг энг яхши намуналари сифатида қабул қилишини назарда тутсак, унда адабиётимиз ҳақида шак-шубҳасиз нотўғри тасаввур туйғилади.

Кейинги пайтда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи таржимачилик ишини яхшилашга қаратилган бир қатор яхши тадбирлар белгилади. Бу ғамхўрлик кўп миллатли совет китобхоналарини ҳақиқий адабиётимиз билан кенгроқ ошно қилишига яна бир қарра ишонч уйғотади.

**У. НОРМАТОВ:** Миллий хусусиятлари жуда ёрқин ижодкорларни таржима қилиб бўлмайди, деган қараш азалдан мавжуд. Мен бу фикрга қўшилмайман. Ҳаммаси таржимонга, унинг истеъдодига, маҳоратига боғлиқ. Муносиб таржимон топила, ҳар қанақа миллий асарни ҳам бошқа тилга ўгириш мумкин. Масалан, рус адабиётида Некрасовдай миллий шоир жуда кам. Унинг машҳур «Русияда ким яхши яшайди» асари Миртемир томонидан маҳорат билан таржима қилинган. Ҳатто у аслида муаллиф томонидан ўзбекча ёзилганга ўхшайди. М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» асарини олайлик. У Ваҳоб Рўзиматов томонидан жуда яхши таржима қилинган. Сергей Есенин-чи! Бу ўта миллий шоир шеърлари ўзбекчада қандай жозибали жаранглайди. Бундай мисоллар кўп. Худойберди Тўхтабоев асарларининг катта шуҳрат қозонишида таржимон-

нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Таржимон Эрвин Умеров ўзбек тилини, маҳаллий урф-одатларни яхши билади, у Худойбердиннинг қахрамонлари ҳаракат қиладиган Фарғона водийсида ўсиб, вояга етган. Афсуски, поэзиямизда бундай таржимонлар йўқ. Мен шу ўринда ҳамкорликнинг аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этмоқчиман. Масалан, «Синчалак» таржимасида Абдулла Қаҳҳор Константин Симонов билан биргаликда қаттиқ ишлашган эди. Натижада асар катта шухрат қозонди. Одил Ёқубов, Нурали Қобул ҳам таржимонлар билан бирга ҳар бир сўз, ҳар бир сатр устида иш олиб боришади. Демак, ҳаммаси яхши таржимон топилш ва у билан ҳамкорлик қилишга боғлиқ.

Э. ВОҲИДОВ: Бугунги давра суҳбатимиз, баҳсимизда жуда кўп фойдали фикр-мулоҳазалар баён қилинди, навқирон адабиётимизга оид бир талай муаммолар ўртага ташланди. Маълум бўлдики, бизда бадий ва ғоявий жиҳатдан баркамол, бутуниттифоқ адабиётининг энг яхши намуналари билан ҳамоҳанг асарлар бор. Шу билан

бирга, эътибордан четда қолаётган мавзулар, муаммолар ҳам кўплиги аён бўлди.

Мен СССР Ёзувчиларининг VII съездида иштирок этдим. Бу анжуман партиямиз XXVI съездининг бевосита давоми бўлди. Партия съезди минбаридан айтилган ҳамма гаплар ёзувчилар анжуманида ҳам кўтарилди. Ҳаётимизда адабиётга даҳлдор бўлмаган бирорта ҳам муаммо, долзарб масала йўқ экан. Буларнинг ҳаммаси тўлалигича ёшлар ижодига ҳам алоқадордир.

Съездда таъкидланганидек, замондошимизнинг ҳар томонлама мукамал, эсда қоларли, бадий етук образини яратишни ижодкорларимиз ўз олдларида турган энг масъулиятли вазифалардан бири деб қабул қилдилар. Шунга яраша асарлар яратишга киришдилар.

Журналимизнинг дастлабки сонлари ўқувчилар қўлига бориб етди. Улар ўзларини қизиқтирган, тўлқинлантирган масалалар ҳақида бизга мактублар йўллашмоқда. Бу мактублар мунозара клубимиздаги кейинги баҳслар ва суҳбатларга туртки беради, деган умиддамиз.

\* \* \*

Бизнинг санъат, адабиётимиз ҳам дунёни ўзгартишга хизмат қилувчи, курашга чақирувчи, турмушга соғлом боқувчи адабиётдир.

ОЙБЕК

\* \* \*

Ёзувчи зиммасига ҳамма даврлар, ҳамма замонлар ҳам оғир ва жавобгарлик бурчини юклаб келди. Тарихимизда тилга олгулик қаламкаш борки, ҳаммаси чин маъноси билан давр фарзанди, халқ ўғли, халқ дилининг кўзгуси ва жарчисидир.

МИРТЕМИР

\* \* \*

Адабиётнинг таъсир кучи ҳам, унинг сирлари ҳам кўп жиҳатдан тилга боғлиқ. Тил халқимизнинг буюк хазинасидир. Уни ҳурмат билан ардоқлаш ва бойитиш бизнинг бурчимиз.

Асқад МУХТОР

## ОТА ИЗИДАН



Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ДУСТЛИК

БИЛАН

МУНАВВАР

ОЛАМ

«Литературная Россия» ҳафталигида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда республикамиз вакиллари амалга ошираётган ишлар ҳақида газета муҳбирига берган интервьюсида қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: «Новгород ерида ишлаётган ўзбек механизаторлари орасида уни душмандан ҳимоя қилган кишиларнинг фарзандлари ҳам бор. Шимск мехколоннасининг бульдозерчиси Зиёдулла Шайдуллиннинг отаси унга фронт линияси ўтадиган Волхов дарёси қирғоқларидан: «Бу ерда кўл ва нинабаргли ўрмонлар мўл», деб хат ёзган эди. У қадимий рус остоналарида ҳалок бўлди».

Шайдуллин ишлаётган кўчма механизациялашган колонна идорасига келганимда ҳаммаёқ сув қуйгандек тинч, фақат секретарь қиз ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтирар эди. У ёзишдан тўхтаб, «хўш хизмат», дегандек қаради.

— Бош инженер керак эдилар.

— Ўзбекистондан келган муҳбирмисиз! — деди у ва менинг бош силкиганимни кўриб қўшиб қўйди.— Тоҳир Луқмонович айтдилар, кутиб тураркансиз.

Ташқарига чиқдим. Атроф кўм-кўк ўт-ўланлар, майсалар билан қопланган. Идора жойлашган ер гўё сокин уммондаги оролчага ўхшайди. Узоқда ўрмон. Бўйчан, ҳар тарафга шох ташлашган арчалар, оқ бадан қайинлар чеккадан қараганда янада кўркавроқ кўринади. Элас-элас моторларнинг гуриллаши эшитилади. Табиат худди буюк мусавир каби шу қадар жозибали манзара яратганки у беихтиёр киши вужудини сеҳрлаб қўяди.

Аста идора деворига илинган доскага яқин бораман. Унда колонна қурувчилари планларни қандай бажараётганликларини яққол кўрса бўлади. Улар ўтган йили 1 миллион 300 минг сўмлик иш бажарибдилар. 668 ўрнига 750 гектар майдоннинг мелiorатив ҳолатини яхшилабдилар. 508 гектар сўғориладиган ер фойдаланишга топширилибди. Ун биринчи беш йиллик давомида 7,5 миллион сўмлик иш бажарилиб, ўзбекистонликлар ўзлари барпо этаётган «Тошкент» совхозини тўла ишга туширишар экан.

Кўп ўтмай Тоҳир ака келди. Танишганимизга атиги икки кун бўлса-да, у мен билан худди қадрдонлардек кўришди.

— Вақтни қўлдан бермайлик,— дея йўлга бошлади у.— Кунлар жуда қисқа. Бир иш қилиб улгурмасингдан кеч қилиб қолади.

Гап билан бўлиб ўрмон этагига етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Ҳар хил техника воситалари тинмай ишлаб турибди. Тоҳир ака ерни илдиз қолдиқларидан тозалайдиган бульдозерга яқинлашиб қўли билан «тўхтаг» ишорасини қилди. Баҳайбат машинадан коржома кийган, ўрта бўйли машинист тушиб келди.

— Зиёдулла Шайдуллин шу киши бўлади,— дея таништирди Тоҳир ака ва унга мени кўрсатиб қўшиб қўйди.— Бу киши сиз тўғрингизда ёзгани келибдилар.

— Кеча Тоҳир ака айтдилар. Ҳамшаҳар эканмиз,— дедим Шайдуллинга.

— Жуда соз,— деди у қувониб.— Яқинда мен ҳам Бухорода бўлгандим. Жудаям ўзгариб кетибди. Очиги, шаҳарни таниёлмай қолдим. Кўчалар бирам чиройли. Янги бинолар, проспектларни айтмайсизми!

Тоҳир ака билан холи қолдириб, ўзи вагон-ўй томон кетди.

Шайдуллин бир четга ўтирди.

— Отангиз Новгород учун жанг қилган, шу замин ҳимоясида ҳалок бўлган эканлар,— гапни у ҳақда газетада ўқиганим-билганларимдан бошладим.— «Литературная Россия»да чиқибди, ўқигандирсиз...

— Ҳа. Аслида ҳам мени Новгородга боғлаб турган ана шу воқеа бўлса керак,— вазмин оҳангда гап бошлади Зиёдулла ака.— Авваллари отамнинг қабрларини зиёрат қилиш учунгина келардим. Кейин Ноқоратупроқ зонани ўз-



лаштириш умумхалқ ҳашарига айланди-ю, мен ҳам ўзбекистонлик ташаббускорлар қаторида Новгородга йўл олдим. Мен кўп йиллар «Амубухараканалстрой» трестда ишлаганман. Аму-Бухоро канали, Қуйимозор, Қизилтепа насос станцияларини қурганмиз. Биласизми, мен бу ерда ишлаётиб ўзимни худди отамнинг орзуларини рўёбга чиқараётган, фарзандлик бурчимни ўтаётгандек ҳис этаман. Зиёдулла ака турмуш ўртоғининг Шимскдаги болалар боғчасида тарбиячилигини, ўғли Рустам ўзи билан бир ерда меҳнат қилаётганини, қизи Зулфия Новгород планиктисод техникумини тугатиш арафасида турганини фахрланиб гапириб берди. Сўнгра у бирдан ниманидир унутиб қолдирган одамдай шахт билан кабинага чиқди-ю, занг босиб кетган винтовка олиб тушди.

— Ҳалигина топиб олдим,— деди у кулимсираб,— Баян қазиган ерларимиздан ўқ-дори қолдиқлари, ҳар хил қуроллар чиқиб қолади. Портлаш натижасида тупроқ остига кўмилиб кетган бўлса керак. Эҳ, бу ерларда Улуғ Ватан урушининг не-не шиддатли жанглари кечмаган дейсиз! Маҳаллий аҳоли ўша йилларда Новгородда ўзбекистонлик жангчилар кўрсатган мардлик ҳақида ҳали-ҳали гапириб юришад.

Зиёдулла ака ҳақ гапни айтди. Бир кун аввал Старо Руссага боргандим. Йўл-йўлакай биродарлик қабристонларини зиёрат қилдик. Мармар лаҳзаларга битилган қанча-қанча ўзбек ўғлонларининг исмларини ўқидик... Ҳалигина, колонна идораси ёнида дилимни сеҳрлаган бетакрор манзара қон кечган ота-боболаримизнинг жасорати, метиндек мустаҳкам дўстлиги туйфайлигина шу қадар тиниқ ва кўркам эканлигини мана энди Зиёдулла ака билан сўзлашаётиб бир карра чўқур ҳис этдим...

## НОВГОРОДДА ЎЗБЕК ЯЛЛАСИ

Кўпинча инсон қалбини беҳудуд оламга қиёслайдилар. Инсон юраги ҳам ранг-баранг туйғуларга, ҳис-ҳаяжонга тўла, орзу-интилишлари чексиз, беором дунё. Бу дунё қандай рангларга бойлигини, нималарга ташналигини, қай бир иният инлинида яшаётганини четдан қараб билиш мушкул. Фақатгина мулоқот, теварак-атроф, табият ва одамларга муносабат жараёнида суҳбатдошининг ички дунёсига тобора чуқурроқ кириб борасиз. Мен ҳам «Узновгородводстрой» трести бошқарувчисининг маданий-оқартув ишлари бўйича ўринбосари А. Одеядовни дастлаб учратганимда «одамларни унча хушламайдиган, фақат хизмат вазифаси юзасидангина иш тутадиган киши», деган хаёлга боргандим. Аслида у дилқас одам экан.

Эртасига трестга келсам, Одеядов телефонда ким биландир гаплашиб ўтирган экан. У баланд овозда, қизишиб гапирарди. Менга кўзи тушгач, «ўтиринг», дегандек стулга ишора қилди.

— Автобаза билан кўпинча келишолмаймиз,— деди у трубкани қўйгач.— Яқшанбага автобус сўрагандик. Ишчиларни Ленинградга саёхатга олиб бормоқчимиз. Маршрутда автобус етишмаяпти эмиш. Бироз хархаша қилиб, охири кўнишди. Ишчиларимиз яқинда Рига, Таллин, Вильнюсга бориб қайтдилар.

Орага жимлик чўкди.

— Халқда юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши,— деган нақл бор,— деди Александр Фёдорович стол устидаги қоғозларни йиғиштирар экан.— Кеча маданий-оқартув ишларини сўраган эдингиз. Бугун биргалашиб кўрамыз. Кейин Ўзбекистонга бориб мақтайсизми, танқид қиласизми, ўзингизга ҳавола. Энг муҳими материал ҳаққоний чиқади.

«Узновгородводстрой» трестининг 80 километрча наридаги «Тошкент-2» кўчма меҳколоннасига боряпмиз. Шимск посёлкасида ўтгач, ўннга бурилдик. Йўл бўйида ёғоч уйлар. Қўёшининг илиқ нурида уларнинг тунука томлари шишадек ялтирайди. Бироздан кейин яна кўм-кўк кенгликлар бошланди. Табиатга қараб бутун вужудингни англаб бўлмас завқ, кўтаринкилик, энтиқик қамрайди.

Йўл иккига ажралди. Одеядов машинани чап томондаги йўлга бурди. Бироздан кейин олдинда икки қиз ва бир

йигит кўринди. Яқинлашганимизда улар «бизни ҳам олиб кетинглар» деган маънода кўл силкишди. Тўхтадик. Йигит чопиб келиб орқа эшикни очди:

— Сольцигами!

— Ҳа. Чиқинглар,— деди Одеядов.

Улар миннатдорчилик билдириб машинага чиқдилар.

— Сольцида нима қиласизлар!— сўради Одеядов.

— Концертга боряпмиз,— деди қиз.— Болалар кетиб қолибди. Қарасак...

— Қанақа концерт!— қизиқсинди Одеядов.

— Тошкентликларники-да. Ер ўзлаштиришга келганлар. Сольцилик болалар бирам мақташдики... Суриштирсак, бугун яна концерт экан...

— Ана холос,— деди Александр Фёдорович тўсатдан ўзбекчалаб. Кейин яна русчага ўтди.— Сизга сюрприз кўрсатмоқчи эдим. У ҳам очилиб қолди.

Александр Фёдорович ўзбекчани туппа-тузук гапирар эди. У Тошкентда тугилиб-ўсган, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мелиорациялаштириш инженерлари институтини битирган, кўп йиллар Бекободда ишлаган экан.

— Энди сирни оча қолай,— деди Одеядов жилмайиб.— Кўпчилик меҳколонналарда ёшлар ансамбли ташкил қилганмиз. «Тошкент-2»ники «Лабиринт» деб номланган. Ишчиларимиз қобилиятли. Биз фақат уларни уюштириб, чолғу асбоблари олиб бердик, шароит яратдик. Бу ёғини ўзлари давом эттиришяпти. Авваллари бўш вақтларда, дам олиш кунларида кўпинча меҳколонна клубида концерт қўйишар эди. Кейинчалик, мана бундай,— у орқадаги ёшларга ишора қилиб қўйди.— Мухлислар кўпайиб, ҳозир посёлка клубида концерт берадиган бўлишди.

Сольци кичкина посёлка экан.

Машинамиз чиройли клуб олдига келиб тўхтади. Ҳамроҳларимиз «рахмат-рахмат», деганларича нарироқда ўтирган бир тўда ёшларнинг олдига кетишди.

Клубга кирдик. «Лабиринт» аъзолари Александр Фёдоровични ўраб олишди. Улар кадрдонлардек суҳбатлаша кетдилар. Ҳеч ким уни қарийб уч минг кишилик трест раҳбарларидан бири, деб ўйламайди.— Одеядовнинг ҳозирги аҳволига қараб хаёлимга шу гап келди.— Камтарин инсон. Ишчи халқи тўғри сўз бўлади. Дилига ёқмаган кишининг яқинига ҳам келмайди. Ахир, раҳбар ишчилар билан яқин бўлмаса, уларнинг орзу-уйларини қаердан биларди! Аслида яхши фикр, тақлифлар, умумий ишга фойдалани мулоҳазалар трестдаги катта йиғилишларда эмас, кўпинча ана шундай суҳбатлар вақтида ўртага ташланади.

Александр Фёдорович билан олдинги қаторга бориб ўтирдик.

— «Лабиринт» ҳар йили бадий ҳаваскорлик коллективларининг район кўрик-конкурсига ғолиб чиқяпти,— гап бошлади у фахрланиб.— Бу гап эса Старо Руссада ўтказилган область зонал кўригида қатнашди. Биринчиликни олиши керак,— деди ишонч билан.— Унда «Тошкент-1»нинг «Юлдузча» ансамбли ҳам қатнашди.

Концерт бошланди. С. Тимофеев, В. Иванов, М. Усмонов, А. Акбаров, С. Макаровлар шўх, замонавий қўшиқларни ижро этдилар. Айниқса, ўзбек эстрада қўшиқларини қўйиллатиб айтишди. Руслар ҳам ўзбекча рақсларни узоқ олқишладилар. Албатта, улар учун бошқа бир миллатнинг ижрочилики санъати, музикаси билан яқиндан танишиш фойда мароқли эди. Мен ҳалигина йўлимизда учраган, шунча олисдан келаётган ёшлардаги иштиёқ, қизиқишини янада чуқурроқ ҳис этдим.

— Миллий кийимлар олишимиз керак,— деди Александр Фёдорович ўзига-ўзи гапирётгандек клубдан чиқаётганимизда.— Кейин профессионаллардан фарқимиз қолмайди. Йўл-йўлакай колонна идорасига кирдик.

Колонна партия ташкилотининг секретари Тонготар Отақулов коллективнинг ишлари тўғрисида гапириб берди:

— Ҳозиргача 5 минг гектар ер қўрғитилди. 1 минг 500 гектар сугориладиган ер район хўжалиқларида топширилди. Сольцида алоҳида мелиораторлар посёлкаси барпо этдик. Ун биринчи беш йилликда 8 миллион сўмлик қурилиш ва мелиорация ишлари бажарилди.

Бу бекиёс яратувчилик замиридаги асосий қудрат кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг метиндек мустаҳкам, кўёш қадар ёрқин, ягона оила фарзандларидек аҳил дўстлигидир.



Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

# Ф А Р З А Н Д Л А Р

## 1. КУЙКИЖОН

Қора курсида бир зот ўтирибди: почаси ҳалвираган қора шимиға қараганда ўғил, елкасига тушган ҳурпайган сочига қараганда қиз бола. Лекин у ўзини «ийгитларнинг хўрози» санайди. Ота-она учун эса — куйкижон.

Бир неча кун давом этган суд мажлиси тугади. Ва ниҳоят, суднинг қатъий ҳукми ўқила бошланди:

— Жамоат тартибини бузгани, ахлоқсизлиги ва гражданин Ҳамидовни оғир жароҳатлагани учун жиноят кодексининг... моддасига асосан уч йил озодликдан маҳрум этилсин!

Йигит учун гўё бу аҳамиятсиз эди. Унинг парвон палак, қилт этмай ўтирарди. Ҳукмини эшитиб ҳам заррача тебранмади. У нимагадир ишонарди. Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб, иш силлиққина кўчишига ишонарди.

Бироқ, бу гулроҳ йигит ўзининг ишонч тоғи қулаганидан беҳабар эди. Бу тоғни биров қўпормади, уни ўша но-бакорнинг ўзи нуратди, ер билан яқсон қилди. Ким эди бу ишончли тоғ!

Суд ҳукмининг сўнги сатрлари ўқирилиши билан оломон ичидан бир аёл фарёд солиб олдинга интилди:

— Э, воҳ, бу қандай кўргулик!! Одамлар, айтнинг, бу қандай жазо! Барча оналарга насиб этган ҳаловат нечун менга бегона! Нега, тунлари кўзимга уйқу ҳаром, кундузи одамларнинг юзига қараёлмайман! Нега!! Кечагина каттасининг касофатидан қутулган эдим. Энди бу зумрашанинг доғига қуяманми! Ахир мен ҳам фарзанд туғиб, ўстириб, оламдаги ҳамма яхшилиқни унга раво кўрганам-да не-не орзу-ҳавасларни юрагимга туққан эдим-ку! Бу қандай кўргулик, ахир! Остига машина олиб берганим учунми бу жазо! Унга келадиган не-не балоларга кўксимни тутиб, кўндаланг бўлганим учунми! Йўқ, айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди. Сочларимни оқартирди, юртда юриқсиз қилди бу болаларим! Етти ёт бегонадан ҳурмат кўриб, туққанингдан тўхмат топсанг алам қиларкан. Улар фарзанд эмас, куйкижон, ҳа, ҳа, фақат куйкижон!..

— Бас, нега энди беҳуда додлайсиз! — қора курсида ўтирган, лаблари устида эндигина тук сабза урган шад-дод ўспирин онасига тикилди. — Ахир мен ўғай эмас эдим-ку! Иложини қилиш қўлингиздан келарди-ку! Бўлди, энди йиғлашдан фойда йўқ.

— Бечора она, — деди кимдир пичирлаб. — Шўрлик, номуси кучли экан, фарзандига қуйяпти. Лекин боласи қуядиганга ўхшамайди. Қаранг, қилгиликни қилган ўзи-ю, худди онаси айбдордай, ундан норози бўляпти яна. Шундай фарзанддан сақласин!

Бу адолатли сўзларни шу ерда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги, шу жумладан бечора она ҳам эшитди. Сўқунат ичра ҳар бир сўз жаранглаб эшитилар, гўё бу сўзларни бир киши эмас, шу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси ба-равар такрорлаётгандек акс садо берарди.

Онанинг боши тобора эгилиб борар, юракдаги нола авжига чиқарди.

— Йўқ, муҳтарам она! — яна кимдир онага сўз қотди. Эндиги сўз суд ҳайъати турган томондан келар, она эса бош кўтаришга ҳам журъат қилолмасди. — Фарзандимни машина бузди, тўқлик-фаровонлик бузди, деб беҳуда ўй-лаялмасиз. Ҳозир остида машина, топармон-тутарман ёшлар кўп. Суякан тоғлари, туртинса тиргаклари бўлган ота-оналари, устозлари ва дўстлари ҳам бор уларнинг. Лекин улар панд-насиҳатни таъна-танбеҳ деб тушунишмайди. Маслаҳатгўйининг измидан, инсонга хос одоб ва ахлоқ доира-сидан, устозлар ўгитидан четга чиқишмайди. Шунинг учун улар ота-онага ҳам, устозга ҳам лаънат ўрнига раҳмат, касофат ўрнига шарофат келтиришади. Болани бошдан, ниҳолни ёшдан асрагин, деган ҳикмат бор-ку, ахир. Фарзандингиз йигирмага кирибди. Демак, сиз унинг тарбияси-

га йигирма йил кечикибсиз. Энди эса йигирма йил афсус қилиб ҳам унинг ўрнини тўлдиролмайсиз.

Қора курсидаги йигит яқинга қадар олий ўқув юртлирининг бирида таҳсил оларди. Бу ҳам онанинг шарофати тўфайли бўлганди. Лекин сўнгги пайтда ўқишни ташлаб, ўзини савдога урган экан. Бир ҳикмат ёдга тушади: дейдиларки, икки хил кишига раҳминг келсин:

— Қобилиятли бўлиб, касбини камолга етказишга интилмаган шахсга;

— Касбини камолга етказишга интилаётган-у, лекин қобилияти йўқ ношудга...

Бу йигитнинг тутган йўли ҳар икки шартга ҳам яқин келмайди. Шу тўфайли эртами-кечми мана шу тақдир кутгани шубҳасиз эди.

Ўз навбатида онанинг ўтган ҳаёти ҳам кўз олдимишга келади. Шу пайтгача у барча бахтиёр оналар каби мағрур эди. Эр-хотин савдода ишлашар, бу доирада ўзларига хос обрў-этиборга эга эдилар. Хотин узоқ йиллар савдо ишида раҳбарлик ўрнини эгаллаб турди. Оила бадавлат, оила аъзоларининг қўли банд, тили узун эди. Фарзандлар заррача камчилик кўрмай, эрка ўсишди. Оила ота номи билан эмас, она номи билан юритилар, она номи билан машҳур ва таниқли эди. Ҳамма жойда «Ҳалима опанинг уйи», «Ҳалима опанинг маҳалласи», «Ҳалима опанинг кўчаси», ҳатто автобус шоферлари «Ҳалима опанинг бекати», деб юритишарди. Жиззахдаги катта-ю кичик Ҳалима опанинг ўғли ва Ҳалима опанинг етти пуштигача билишарди. Ҳатто, туппа-тузук Ҳасан ака ҳам [у магазин директори эди] «Ҳалима опанинг эри» сифатида ном чиқарган эди.

Опанинг номи оила аъзолари учун ўзига хос мустаҳкам қалқон эди. Унинг айтгани айтган эди. Шу тўфайли ҳам оила аъзолари бу қалқонга қаттиқ кўникиб, унинг ҳамма жойда ҳозир-у назорлигига, тоғдай мустаҳкамлигига қаттиқ ишонишган эди. Оила аъзолари каби эр ҳам бунга кўниккан ва бора-бора хотиннинг ихтиёрисиз қадам босмайдиган кўғирчоққа айланганди. Оиладаги асосий масалаларда у нари борса маслаҳат овозига эга. Унинг қалбида қачонлардир эр кишига хос ўктам ҳислар исён кўтарган кезлар ҳам бўлган. Бироқ, ҳар сафар у лашкарсиз ва сипоҳсиз шоҳ каби пиёдалар ҳужумига таслим бўлар ва бора-бора бу ҳиссиёт унинг бутун ҳаётига сингиб кетган эди. Азбаройи болалари учун шу хонадонда яшашга мажбур эди.

Хотини менсимаган эрни фарзандлар, табиийки пи-

санд қилмайди. Фарзандлар отадан маслаҳат сўрашга кўникишмаган, оталик ҳурмати ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдилар. Оилага тез-тез келиб турадиган меҳмонлар, кўни-кўшилар, бошлиқлар ва ҳоказолар ҳурмати ўрнига кўйилар эди-ю, бироқ ота деб тан олинган бу киши ҳурматга лойиқ кўрилмасди. Фарзандлар бегоналар билан дўстлашар, турфа кишилар билан яқинлашар, бироқ ўз жигарларига димоғ билан қарашарди.

Фарзандлар вояга ета бошлади. Улар бирин-кетин ўрта мактабни тугаллаб, мустақил ҳаётга қанот қоқишга шайланган бир пайтда навбатма-навбат қоқила бошлади. Ҳалима опанинг болалари хунук қилмишлари билан тез-тез эл оғзига тушиб турадиган бўлди. Лекин онанинг зўр бериб қилган ҳаракатлари бу гап-сўзларнинг уричи, палак отишига йўл қўймади. Бундан талтайган фарзандлар баъзан тинчитиш мушкул гавваларни ҳам бошлаб қўйишарди. Бундай пайтларда масъул кишилар билан гаплашишнинг ўзигина кифоя қилмас, «пастдагилар» билан ҳам тил топиш лозим бўларди. «Юқори» билан гаплашиш лозим бўлганда Ҳалима опа тик турар ва бунини осонгина ҳал қиларди. «Пастдаги», оддий кишилар билан битадиган зарурат бўлса, бу ишга Ҳасан ака бел боғлар ва кўп ҳолларда уддасидан чиқолмай, қийналарди. Бунақа пайтда Ҳалима опа ўртага килларидир қўяр ва яна онанинг обрўси тўфайли фарзандларининг анча-мунча айблари ёпилиб кетарди.

— Уринигиздан туринг, суд келяпти!

Мана шу бир оғиз сўз онанинг бутун вужудини тилка-пора қилиб юборди. Юзлаб кишилар қаршида қора курсида ўтирган фарзанд ҳозир онанинг қалбига наштар санчгандек бўлди. Она унсиз йиғлар, нега бу фожианинг олдини ололмадим, ахир қўлимдан келарди-ку, дея фарёд чекарди. Йўқ фарзандининг фасоди газак олган, унинг олдини олиш мумкин эмас эди. Бўлмаса, у ўғлини мана шу даражага етказмаслик учун ҳамма чора-тадбирни қилиб кўрди. Жароҳатланган кишининг бошидан олтин сечкишга, истаса уни пулга кўмиб, остонасини тиллодан ясашга ҳам ваъда қилди. Бироқ пулга сотилмайдиган оддий одамлар борлигини кўриб лол қолди. У яна аллақилларга чопди, ҳимматини сира бўшаштиргани йўқ. Бироқ, жабрланган шахс даъвосидан кечмагач, ҳеч ким бу балога ора киролмади.

Бунга қонун ҳам йўл қўймайди. Адашмоқ ҳам бир-икки бўлади, чегарасидан чиқдингми, жазосини тортишинг керак. Шундай бўлди ҳам, куйкижон ота-онани куйдириб адо қилди. Аслида ажабланидиган жойи йўқ, улар экканини ўришди...

## 2. ОТА МЕРОС

Етимтоққа туташган ораста хиёбонда отанинг бронза бюсти қад кўтарди. Кечагина худди шу масканни унинг қадами гулларга буркаб, обод қилган, ўз қўли билан мана шу гулзордан гул узганди. Одамлар билан йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрашар, дардлашар, ҳасратлашарди. Уйдаги, идорадаги, одамлар унинг ёнига оқиб келар, биров маслаҳат олар, биров ҳол-аҳвол сўрагани, яна биров иш билан йўқларди. Тўй ҳам, аза ҳам унсиз ўтмасди. У каттаю-кичикни баробар қабул қилар. уйдаги-кўчадаги, бировнинг шаштини синдирмасди. Энди одамлар оқими унинг ҳайкали пойида. Ҳамон унинг қошидан одам узилмайди. Ота бутун ҳаётини эл-юрт ташвишида ўтказди. Ҳамон у шу қиёфада — хайрли ташвишлар оғушида, бир зум ўзини унутган мисол чўқур ҳаёлга чўмиб турибди...

Замондошлари икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носировнинг кўп ажойиб хислатларини ва фазилатларини тилга олишади. Лекин отанинг барча фазилатлари ичидан мен унинг инсонлик ва деҳқонлик хислатини ажратиб олган ва у ўзи қатори саркор оқсоқоллардан кўпроқ ана шу жиҳатлари билан алоҳида кўзга ташланиб туради, деб таъкидлаган бўлардим.

Инсон ва деҳқон... Бу қўхна дунё — дунё бўлгандан бери инсон билан тирик. Инсон дунёга келиб биринчи орт-

тирган касби ҳам деҳқончилик бўлган. Табиийки, инсоннинг энг улуғ касби ҳам деҳқончиликдир. Ерга уруғ сочган деҳқон олдида бутун дунё қарздордир, деган экан донишмандлардан бири.

Бизнинг давримизда деҳқончилик беқиёс юксалиб кетди. Эндиги деҳқон ер ва сув илмини пухта эгаллаган, ўсимлик биологиясининг ҳаётбахш қонуниятларидан хабардор, техника тақомилдан воқиф, деҳқончилик маданиятининг билимдони. Ҳамроқул отани яхши билганлар унинг деҳқончиликдаги пурҳикмат хислатларини ана шундай таъриф қилишади.

Эндиликда унинг ажойиб инсоний фазилатлари фарзандларига қандай кўчганлигини яққол кўриб турибмиз. Ҳаётда ўн дилбандни оёққа турғазиб, вояга етказган отанинг бахтига ҳавас қилса арзийди.

Ота аввало уларни меҳнатга ўргатди. Ҳалол ва ростгўй бўлишга, камтарликка, самимийликка, бегона учун ҳам зан койита билишга ўргатди. Ота ваъзхон эмас эди. Баъзи бировлардек болаларини дастурхон атрофида тўплаб олиб, узундан-узун панд-насихат қилишни ёқтирмасди. Ҳамроқул отанинг бутун ҳаёти, заҳматлари, уринишлари, халқи деб сарфлаган умри, одамлар билан муомаласи, юриш-туриши — барчаси фарзандлари учун ибрат мактаби



эди. Оиладаги ўн боланинг ҳаммаси бу мактабдан бир-дай баҳраманд бўлди. Қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бор. Ҳамроқул ота ўз поллопонларини олис машаққатли ва шарафли парвозга шайлаётган бургут мисоли эди.

Ота болаларига ўзининг ҳаёт суронларида ўтган беҳаловат ёшлиги, Жиззах кўзғолонининг даҳшатли оқибатлари, Жиззахда Октябрь тантанаси ҳақида гапириб беради.

Чинордай кўша-кўша ўғиллар — Сирдоркул, Тоҳиржон, Одилжон, Олимжон, Пардажон, Ғайратжон... бари меҳнат қадрини, ер қадрини, тер тўкиб топилган нон қадрини юракдан ҳис этиб вояга етдилар. Улар падарни бузруқорларининг бир нақлини сира унутмайдилар! Ота: «Бировнинг номи бировни узоққа олиб боролмайди. Ҳар ким ўз номи ни оқлаши керак. Отанинг обрўси ўғилга муқим бахт бермайди, ҳар ким ўз меҳнати билан топади бахтни» дер эди. Бу ҳикматли сўзлар ҳамон фарзандлар қулоғида, гўё бир умрлик даъватдек улар қалбига акс-садо бериб турибди. Эндиликда фарзандлар бирма-бир камолат босқичларидан ўтмоқдалар. Бу — отанинг эзгу армонлари ушалмоқда, дегани эмасми!

Ҳамроқул ота Носиров ана шундай пиру-бадавлат инсон эди. Уттиз йилдан ортиқ республиканинг йирик хўжаликларидан бирига узлуксиз ва омилкорлик билан раҳбарлик қилган уста пахтакорнинг бронза бюстида Ватанинг олий мукофоти — қўш олтин юлдузи қуёшда жилваланиб турибди. Ҳалол ва узоқ меҳнатинг ажойиб самараси. Бугун мана шу меҳнатни унинг фарзандлари, шогирдлари давом эттираётган бўлса не ажаб!

— Кеча колхоз неча процент пахта берди! — сўради раис ҳаётининг сўнгги соатларида, оғир бетоблик оғушида.

— Олти процент, — деди Тоҳиржон ва бемор отасининг аҳволидан ташвишланиб шивирлади:

— Ҳозир пахтани ўйламанг, ҳаммаси яхши кетяпти...

— Ростми шу! — тақор сўради раис. Афтидан Тоҳиржоннинг сўнгги сўзи унинг қулоғига кирмаганди.

— Рост, дада, олти процент...

Тоҳиржон ҳамон эслай олмайдди, دادаси бу сўнгги сўзини эшита олдимми ёки йўқми! Шуниси аниқки, унинг энг сўнгги саволи пахта эди, сўнгги нафасигача ҳам пахта ташвиши билан абадий сари йўл олди.

Чўл қўйинида Ҳамроқул отанинг тўрт ўғли пахта тераётгани ҳақида бизга Арнасой район партия комитетининг биринчи секретари Аҳад Соибназаров сўзлаб берди.

— Бир-биридан ажойиб йигитлар! — деди секретарь завққа тўлиб, — отанинг ўзинга муносиб фарзандлар... Иста-сангиз кўриб келамиз, табриклаб қўйсақ ҳам чакки бўлмас.

Уша кўни Арнасой райони зафар маррасидан ошган дастлабки кун эди. Телефон тинимсиз жиринглайди, табрик устига табрик. Бизнинг ажабланганимизни сезган секретарь маъноли жилмайиб:

— Ғалабамизга ҳисса қўшганларнинг ҳаммаси биз учун ардоқли, азиз, — деди у миннатдорлик туйғуси билан. — Бироқ ака-укаларнинг улуши катта бўлди. Улар терган пахта 1000 тоннага етди.

Бу оилада пахта меҳри, пахта ташвиши янгилик эмас. Ака-укалар шу ташвиш қучоғида туғилиб, шу меҳр оғушида ўсдилар. Бу оиланинг энг севимли машқи, суҳбати пахта эди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Тоҳир Ҳамроқулов терим машинаси рулига ўтирганида қўли штурвалга етар-етмас, педални ҳам қийналиб базўр босарди. «Москва» колхозининг илғор механизатор-бригадир Карим Исоқулов Тоҳиржонга устозлик қилганди. Ушанда Тоҳиржон еттинчи синфда ўқир, табнотан чайир, зуваласи пишиқ эди. Тўрт йил Карим Исоқулов бригадасида пахта терди, машинани пухта эгаллаб олди. Кейин Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатди, аспирантурада қолди. Кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, қишлоқ хўжалигининг янги, истиқболли проблемаси устида ишлаб бошлади. Бироқ илмий муҳитдан амалий ишга ўтишни маъқул кўрди. Мана, бир неча йилдан буён Жиззах область партия комитетида қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир.

Кейин терим машинасининг штурвалига Одилжон ўтирди. Унинг ёнига Олимжон қўшилди. Энди ака-укалар бир-бирига терим машинасини бошқаришни ўргатар ва ўз нав-

батада эстафета қўлдан-қўлга ўтарди. Пардажон, Фурқатжон, Ғайратжон, Бобиржон... Мана, ўн беш йилдирки Носировлар сулоласи терим машиналарини бошқариб эриюрт ҳаширида актив қатнашмоқдалар. Ота кўзининг тилгиде уларнинг ҳар бирини меҳнат қучоғида товланишга, ҳалол нон топишга ва энг муҳими, эл ташвишидан четда турмасликка ўргатди.

Ака-укалар экипажининг командири Олимжон Носиров ҳозир Юлиус Фучик номли совхозда ишламоқда. У бизни дала бошида қарши олди. Уша кўни тўни билан ёмғир савалаб чиққанди. Машиналар ишга тушолмай турган эди. Олимжон, табиийки, шундан хуноб эди.

— Шошманг, яхши кунлар келади, — деб унинг кўнглини кўтарган бўлдики.

— Биз кетмай туриб келса-да, ўша яхши кун, — Олимжон кун санай бошлади. Маълум бўлишича, унинг меҳнат отпусчаси тугашига ўн кун қолибди. Пахта мўл-кўл. Машиналар тахт. Йигитларнинг ишлаб чарчамайдиган кезлари. Нотанти об-ҳаво тажанглик қиляпти. На чора, пахтазорнинг томи йўқ...

Олимжон машиналар ёнида турган укаларини тўплаб таништира бошлади:

— Пардажон, — деди кўзларида олов чақнаб турган йигитнинг тирсагидан ушлаб. — Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган, ўз қишлоғимизда участка агрономи.

— Олимжоннинг ўзини ҳам таърифлаб қўяй, — дейди Ю. Фучик номли совхознинг директори Йўлдош Зоҳидов, — инженер-автомобилист. Терим машиналарининг пири. Жиззах автобус-таксамотор паркида директор муовини.

Олимжон гап ўзи ҳақида бораётганидан ноқулай аҳволга тушиб, укаси Фаттоҳжонни таништира бошлади:

— Самарқанд Давлат университетининг студенти, бўлажак юрист.

— Пахта қонунларини ўрганамиз денг! — луқма ташлади шерикларимиз ёш юристга.

— Шундай деса ҳам бўлаверади, — жавоб қилди ҳазил-мутуйибани илганган Фурқатжон. — Чиндан ҳам пахтачилик — катта қонуният — фақат умуминсоний қонуният...

Бобиржон Носиров экипажининг кенжа аъзоси. У 10-синфда ўқийди. Акаларига ёрдамчигина бўлиб қолмай, ўз тахминига кўра 150 тонна пахта териб қўйди. Оиланинг энг кенжаси — Ғайратжон қишлоқда, у ҳам пахта теряпти. Бироқ онаси Роҳат аяни ёлғиз ташлаб кетмаслик бу йил Ғайратжоннинг чекига тушган. Ая эса, Ғайратжон орқали даладан ҳам хабардор. У кундузи пахта теради, кечқурун аяга колхозда пахта тайёрлашнинг борши ҳақидаги оператив маълумотни шарҳлаб беради. Ахир бусиз муқим эмас, Роҳат ая қарийб қирқ йилдан буён шу жанговар маълумот билан нафас олган Ҳамроқул Носировнинг ёнида турди. Пахта маълумотларини эшитганда энтиқиш аяга ҳам асли умр йўлдошидан мерос.

Ака-ука Носировлар ташаббусини арнасойликлар қушнуд қарши олишди. Улар кўп йиллардан буён бир жойда, бир маромда ва бир хил машинада пахта теришади. Ю. Фучик номли совхозда уларнинг ўз штаби бор. Сентябрь ойининг бошларига келиб ўз терим агрегатларини созлайдилар, мавсумга тайёр қиладилар. Дефолиацияни кузатадилар, деҳқонларга кўмак беришади. Бирови инженер, бирови агроном эмасми, уларга совхознинг тажрибаси, совхозга уларнинг кучи асқотади. Оқибат ака-укалар совхознинг ўз аъзоларига айланб қолишди. Уларга энг оғир уннаткаларни ишониб топширадиган бўлишди. Йигитлар ишончини оқлаб келмоқдалар, ваъдага вафо қилишмоқда, жасорат, ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тиришқоқлик, аҳиллик уларни эл назарига туширди, олқиш ва муҳаббат олиб келди. Аслида бу хислат ва фазилатлар уларга ота мерос эмасми!

...Тушга яқин енгил шабада турди, у кўкдаги булутларни Арнасой кўллари томон шитоб билан суриб кета бошлади. Арнасой қумлоқ ер эмасми, тупроқда нам турмайди. Ғўза селпиндими, бас, машиналар мотори гуриллай бошлайди. Ака-ука Носировлар экипажи ҳам машиналар томон юра бошлади. Олимжоннинг чехраси ёришди. Бирин-кетин кенг далада ака-укалар моторларни ўт олди-

ришди. Бир зумда моторларнинг гумбирлаган овози бир-бирига уланиб кетди. Аввал Бобиржон, сўнг Фурқат машиналарини пахтазорга буришди. Улар этак бошидан 20-30 метр узилгач, Пардажон газ педалини босди, мотордан бўғиқ овоз билан қуюқ тутун чиқди. Улкан «зангори кема» қаттиқ силкинди-да, шитоб билан юриб кетди. Шу заҳотиёқ бункерлар ичига пага-пага момиқ пахта ёғила бошлади.

Олимжон полапонларни учуриб, ўзи бир четда кузатиб турган бургутдек укаларини зимдан кузатар, уларнинг машинасига, мотор овозига қулоқ тутарди: ҳаммаси жойида. Укаларининг аҳди қатъий. Ҳар бир дақиқадан имкон бо-

рича фойдаланиш керак. То республика хирмони 6 миллион тоннага етмагунча бедор кунлар бедор тунларга уланаверади.

Олимжон бошқарган сўнгги агрегат ҳам эгат оралаб йўлга тушди. Бепоев пахтазор қўйнида ака-укалар қарийб ёнма-ён боришмоқда. Эгат бошида турганлар уларга суқланиб боқишади. Демак, фарзандлар ота изидан боришмоқда. Пахтакорлик касбини улуғлаган ака-укалар камтарин меҳнати билан одамлар қалбига йўл солишмоқда. Одамлар қалбини забт этиш ҳам фарзандларга ота мерос. Ота уларга ана шундай битмас-туганмас ноёб мерос қолдирди.

### 3. ҚИССАДАН ҲИССА

Мана, икки оила, икки сулола. Ажабланарли жойи шундаки, бу икки оила бир жамиятда, бир хил шароитда, бир даврда яшаб, жамият имтиёзларидан барабар фойдаланишган. Бу имконият бировларни тўғри йўлга солиб, инсон қилиб вояга етказган бўлса, бошқа бировни такасалтанг, ишёқмас, куйкижон қилди. Нега! Сабаб! Бу бахти кароликнинг илдизи нимада!

Мана, биринчи оилани олиб кўринг: тўғри, Ҳалима опа — она — ишончли, мустақкам тоғ эди. Бу тоғни балки ҳеч ким кўпоролмасди, лекин нобакор фарзандларгина уни нуратди, йиқитди, ва ниҳоят, ер билан яксон қилди. Начора, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога!.. Ота-она фарзандга тахт бера олади, лекин бахт беролмайди, деганлари шу эмасми!

Ва, ниҳоят, иккинчи оила: Ҳамроқул ота Носиров бутун умрини эл хизматига бағишлади, ҳалол меҳнат оиланинг кундалик ишига айланди. Фарзандлар эса ёшлиқдан меҳнатга, ҳалол тер тўкишга, одамлар кўзига тўғри боқишга ўргандилар. Ҳалол меҳнат нони қанчалар мазали эканлиги-

ни билишди. Акс ҳолда, ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги қатори уларда ҳам моддий зарурят кўндаланг турмаганди. Маънавий дунё билан моддий дунё бирлигини тушунмаган ота-оналар ҳамон учраб туради. «Биз кўрмадик, болаларимиз кўрсин, биз емадик, улар есин-ичсин, ўйнасин!» деган сўзлар қулоққа чалинади. Ҳўш, оқибати-чи! Ахир бундай тарбия билан уларни катта ҳаёт йўлига қандай учирма қилиш мумкин! Қуш уясида кўрганини қилади-ку! Кўз очиб кўргани текин томоқ, тайёр уй-жой бўлгач, улар оқ билак бўлмай, куйкижонлик қилмай нима қилсин!

Хуллас, икки оила — икки дунё. Осмон билан ерча уларнинг фарқи. Фарзанд аслида тасодифий ўхшашлик эмас. Ҳа, шундай. Фарзанд — оиланинг маънавий кўзгуси. Бу кўзгуда нафақат ўша шахснинг ўз олами, балки унинг тарбиясига мутасадди бўлган оиланинг, ота-онанинг маънавий дунёси ҳам акс этади.

Бу икки оиланинг тақдирини ўйлаганимда эски ҳикматни жиндай таҳрир қилгим келади: фарзандингиз — ким, кўрсатинг, маънавий дунёингизни айтиб берамиз...

Адабиётда ҳаммабоп тайёр қолип йўқ. Ижодкор ҳар сафар мавжуд воқеликдан ва ўз тасаввуридан келиб чиқиб, ана шу реал воқеликнинг теранликларини очиб берадиган инсоний муносабатларнинг янги формуласини кашф этиши керак.

Ч. АЙТМАТОВ



# МАКТАБ— МЎЎТАБАР МАСКАН

Журнал «Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» мавзусида баҳс уюштириб улуг иш қилди.

Ҳали бу тўғрида кўп ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар. Мен Мамажон Абдурасуловнинг ҳамюрти, қолаверса журналист сифатида у билан кўп марта мулоқатда бўлганман, дарсларини кузатганман, у киши ҳақида очерклар ҳам ёзганман. Очиги, Мамажон Абдурасулов ва унинг фаолияти тўғрисида матбуотда дастлабки материаллар эълон қилинганида у эришган натижаларга айримлар шубҳа билан қараган эдилар. «29 ўқувчидан 28 нафари фақат «5» га ўқиса, бу қандай гап!» деганлар ҳам бўлган.

Дарҳақиқат, эгизак фан бўлган педагогика ва психологиянинг илмий асосларига кўра, ўқувчилар тўрт хилга бўлинади:

1. Осон тушунувчи — узоқ эсда сақловчи.
2. Осон тушунувчи — тез унутувчи.
3. Қийин тушунувчи — узоқ эсда сақловчи.
4. Қийин тушунувчи — тез унутувчи.

Шулардан 1 — қисми «5»га, 3 — қисми «4»га, 2 — қисми «3»га ўқиши мумкин. Тўртинчи хили эса одатда қолоқ ўқувчилар бўлади. Шунини эътиборга олсак, барча хилдаги ўқувчини ҳамма фанлардан баробар яхши ўқитиш учун ўқитувчидан ўз ишига буюк муҳаббат, катта талант, тинимсиз меҳнат, катта тажриба талаб қилинади.

Ўқувчининг яхши ўқиши, фақат ўқитувчигагина боғлиқми! Йўқ, бу ерда мактаб, оила, жамоатчиликнинг мустаҳкам ҳамкорлиги ҳам жуда зарур.

Афсуски, ўз фарзандларининг қайси синфда, қандай ўқишидан бехабар ота-оналар ҳам бор. Баъзилар катта зиёфатларга пул ҳам, вақт ҳам топади-ю, боласи учун 5—10 тийинлик дафтар, линейка, рангли қалам олиб беришга «қурби» етмайди. Бунақа муносабатни кўрган боланинг ўқишдан кўнгли совиса, муаллимнинг энсаси қотади, ҳафсаласи пир бўлади.

Ўш, буни оиланинг камчилиги, дейлик. Бироқ ўқитувчи-чи! Орадан беш-ўн йил ўтиб, ўзи билан елкама-елка турувчи авлод тақдирига лоқайд қаровчи, куним ўтсинга ишловчи ўқитувчи йўқми! Бор. Ундайлар, аввало, пухта педагогик билимга эга эмаслар, ўқимайди, изланмайди.

Ўқитувчи ўз предметини яхши билади, ўз касбининг ардоқлайди ҳам дейлик. Мактаб программаси қалай! Мен анча йил мактабларда дарс берганман, дадил айта оламанки, программа материаллари ўқувчи учун жуда оғир. Бошланғич синфлардаги математик масалаларни ҳатто ўқитувчи ҳам ишлай олмай қийналганини кўрганман.

Дарсликлардаги таъриф, қондалар, қонунлардан ташқари шундай белгилар кўпки, ўқувчини гангитиб қўядиган даражада. Географик, физик, химик, геометрик, математик ва пунктация белгилар... Ўқувчи уларнинг қай бирини эслаб қола олади! Ана энди шунга ўзбек тили, рус тили, чет тили, грек ва латин алфавитидаги ҳарфий ифодаларни ҳам қўшиб кўринг-чи!

Бундан ташқари, илгари умумий таълим мактаблари бошланғич, етти йиллик ва ўрта каби уч босқичдан иборат эди. Энди умумий ўрта таълимга ўтилди. Лекин материалларни программалаштиришда ҳануз ўша уч босқич асоратидан тўла қўтилинган эмас. Масалан, биргина она тили дарслигини олиб қарайдиган бўлсак, бошланғич синфларда фонетика, морфология, синтаксис қоричоқ ҳолда. Юқори синфларда бу тил қондаларга ажратилиб яна такрор ўтилади. Шунини бир йўла системалаштирилса бўлмай-дими!



Дарслик, программа тузувчи олим ва педагогларимиз ҳозирги мактаб ўқувчиларининг бир йўла уч тилда ўқишларини ҳисобга олсалар ёмон бўлмасди.

Партия ва ҳукуматимиз дарсликларидан текин фойдаланишни йўлга қўйиб, ўқувчиларга катта шароит яратди. Аммо бу масалада ҳам бир қатор камчиликлар бор.

Биринчидан, ўқувчи уни ўз пулига сотиб олганчалик кадрига етмаяпти. Иккинчидан, мактабларнинг мустақил маблағ фонди бўлмаганлиги туфайли дарсликларни ўз вақтида, зарур миқдорда сотиб ололмаёпти. Бир мактаб токи оталиқ ташкилотлардан пул ундиргунча бошқа мактаб кўпроқ китоб «илиб» кетади. Унинг устига савдо системасида ҳам тартиб ночор. Натижада айрим мактаблар дарслик машаққатини тортади. Ўқув йили тугагач, дарслик йиғиб олинади. Узи қизиққан предметни чўқур ўрганмоқчи бўлган ўқувчи қўлланмасиз қолади. Энди шу ўқувчи келгуси ўқув йилида бошқа синфда, масалан 8-синфда ўқийди. У 8-синфда шу предметнинг бош қисми бўлган 7-синф дарслигини қаердан олади! Қарабсизки, мустақил мутолаа учун имкон йўқолади.

Қолаверса, «Ўқитувчи» нашриёти дарсликларни етарлича етказиб берапти, деб бўлмайди. Масалан, 5-, 6-синфларда тасвирий санъат дарслари бўлгани ҳолда, ҳануз ўқувчилар дарслик тополмай овера.

Мактабларни мутахассис ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, айниқса саккиз йиллик мактаблардаги аҳвол қониқарли эмас. Мен бир вақтлар шундай мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Ихтисосим бўйича ўзбек тили ва адабиётидан дарс олиб боришим керак эди, лекин менга ўхшаган адабиётчи кўп экан, 10 соат дарс етгиди. Кейин менга ёрдам қилиш мақсадида 4 соат анатомия, 2 соат ҳуқуқшунослик, 4 соат тарих яна бир неча соат ашула дарслари берилди. Агар Сиз ўқитувчи бўлсангиз, менинг аҳволимни-ю, ўтаётган дарсимни, ўқувчимнинг олган билимини бир тасаввур қилиб кўринг. Мен баъзан ўз-ўзимдан уялиб кетар эдим. Бундай ҳодисалар ҳозир ҳам йўқ дея оласизми! Афсуски, тез-тез учраб турибди.

Мен мактаб ўқувчиларини ҳуда-беҳуда қишлоқ хўжалик ишларига жалб этаверишни ҳам ортқича деб ҳисоблайман. Бу кўп ҳолда район ташкилотлари раҳбарларининг кўрсатмаси асосида эмас, мактаблар жойлашган хўжаликлар ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Айрим хўжалик раҳбарлари ўқув-тарбия ишига юзаки қараб антиқа «арифметикани» қўллайдилар. «Жм, биздаги иккита мактабда 1,5 минг ўқувчи бор. Уларнинг ҳар бири 10 килодан терсаям 15 тонна пахта терилар экан, ёрдам беришин»,— дейди. Колхоз раиси шунча ўқувчи билан 15 тонна пахта

тергишиш учун 30-40 ўқувчи, бир неча транспорт, бир неча чойпаз, ошпаз банд бўлишини, болаларнинг неча соат дарс қолдиришини, болаларнинг меҳнатга қизиқиши, жисмоний қобилияти ва бошқа факторларни ҳисобга олмайди.

Мактаб маъмурияти ҳам хўжалик раҳбари илтимосини қайтара олмайди. Негаки, у эртасига ойнакми, бўёқми яна нималарнидир сўраб раиснинг ҳузурига саргайиб боради! Агар мактаб болаларини пахтага олиб чиқмаган бўлса, бу «кайсар директор»нинг иши юришмай ётаверади.

Келишувчилик натижасида, қарабсизки, ўқувчилар эрта баҳорда йўл тозалаш, дарахтларни оқлаш, ёғза яганаси, пилла териш, мева теришдан тортиб то декабргача пахта теримида банд бўладилар. Натижада дарслар тигизлаштирилиб, наридан-бери ўтилади. Табиийки, бу аҳволда ёлчилик билим бериш, пухта ўзлаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Кўп ҳолда ўқув йилининг 3-чорагини ҳақиқий ўқув чораги дейишади. Бу менимча унчалик тўғри эмас. Нега десангиз, ўқувчилар қўшимча ишлардан ҳориж бўлади-ю, уларнинг чинакам ўқишига яна нималардир ҳалақит беради.

Биринчидан; дарслар программалар тигизлаштирилган ҳолда ўтилади. Ўқувчилар унинг барчасини ўзлаштириб улгурмайди. Иккинчидан; мактабнинг ўзида ва районда олимпиадалар, санъат кўриги, «Светофор» мусобақалари каби кўрик-конкурслар тадбирлари кўпайиб кетади. Мактаблар фахрли ўринларни эгаллаш учун бор эътиборларини шу тадбирларни бажаришга қаратадилар. Таълим-тарбия иккинчи планга ўтади.

Мен вақтлик матбуотда тез-тез қатнашиб тураман. «Гулхан» журналида босилган топишмоқларимга республикамизнинг турли шаҳар ва районларида яшовчи ўқувчилардан жавоб хатлари оламан. Ўқувчилар топишмоқларимга жавоб топганларини, ўзлари яхши баҳоларга ўқиётганликларини ёзишади. Бундай қарасангиз, бу болалар ҳақиқатан ўз мактаби, ўз синфидаги актив, аълочи, ўқиниши йўқ ўқувчи. Бошқа жиҳатдан олиб қарасангиз, ўша ўқувчининг хати ўта хунук, имло хатоларга тўлиб ётган бўлади. Ундаги стилистик, пунктуацион камчиликларни-ку айтмай қўя қолай.

Менимча, ўзбек тили ва адабиётига ажратиладиган соатларни кўпайтириш керак. Бу предметлар бўйича малакали мутахассисларни танлаш лозим, токи ўқувчи бошланғич синфданоч саводли, кейин ўзини ҳам, бировни ҳам уялтирмайдиган бўлиб чиқсин.

Йўлдош СУЛТОНОВ,  
журналист

## МУСОБАҚАГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ...

Журналнинг биринчи сондаёқ баҳс очилиши ва унинг ўқитувчи маънавий оламининг бойлиги ва ўқувчининг таълим-тарбияси каби шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига бағишланиши кишини қувонтиради.

Мамажон ака: «Энди чин маънодаги ўқитувчи-тарбиячи масаласига келсак, мен шундай фикрдаман: ҳамонки, шу касбни танладингми, болалар дунёсига кирдингми, ҳақиқий ўқитувчи бўлишинг керак! Ўқувчиларни ўзига ром эта олмаган, уларда ўз фанига меҳр-муҳаббат уйғота олмаган ўқитувчи — ўқитувчи эмас!» дейди.

Очиғини айтганда муаллимлар орасида ота-она истаги билан ёки «институтни битирган» деган дипломни олиш учунгина педагогика институтини бир амаллаб тамомлаган тасодифий ўқитувчилар ҳам бор. Бундан мактаб жабр кўряпти. Кадрлар қўнимсизлиги келиб чиқмоқда. Ўқитувчилик соҳасига адашиб кириб қолганлар учун дарс бериш, болалар билан ишлаш завқшавқ эмас, машаққат, азоб. Уз касбидан норозилик: ишга нохушлик билан бориш, мактабдан тезроқ қутулишга, урниниш, эртаги ишларни эслаб, афт буриштириш оқибати ҳаммага тушунарли бўлса керак.

Ота-оналарда, ўқувчилар, ҳатто айрим мактаб раҳбарлари орасидаги предметларни зарур, нозарурга ажратиш кайфияти ҳам кишини ташвишлантиради. Уларнинг назарида техника олий ўқув юртиларига кирмоқчи бўлган ўқувчига гуманитар фанларнинг кераги йўқ эмиш. Фанларни бу тарзда бир-бирига қарши қўйиш нотўғри. Илмий-техника революцияси даврида физика, математика, химия каби техникавий фанларга кўпроқ эътибор берилиши табиий. Аммо бу гуманитар фанларнинг ўқувчиларга таълим-тарбия беришдаги беқийс ролини инкор этолмайди-ку! Кейинги йилларда ёшлардаги маънавий қашшоқлик, лоқайдлик, эътиқодсизликнинг бир учи мактабимизда гуманитар фанлар яхши ўқитилмаётганида эмасмикан! Ўқувчининг лоқайдлиги, ўқишга иштиёқсизлиги ҳақида гап очилган экан, яна бир масала устида тўхташ ўринлидир. Кейинги йилларда мактабларимизда таълим-тарбиянинг сифатига кўпроқ эътибор бериляпти. Бу яхши. Аммо айрим мактабларда бу хайрли иш зўрма-зўракилик асосида олиб бориляпти. Таълим-тарбия соҳасидаги нуқсонларни бартараф этиш ва турли хил кўзбўямачиликларнинг олдини олиш мақсадида СССР

Маориф министрлиги коллегияси «Мактаб ва ўқитувчилар фаолиятини баҳолашдаги нуқсонларга барҳам бериш» тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қарорда СССР Маориф министри М. А. Прокофьевнинг халқ маорифи ходимларига махсус мактуб юборилганлиги, унда «совет мактаби иш практикисиди, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида таълим иши масалалари бўйича социалистик мусобақа қўлланмайди ва қўлланилмаслиги керак» дейилган эди. [Ўқитувчилар газетаси, 1977 йил 27 февраль].

Шунга қарамай, ўқув-ўқитиш ишларини фақат процентга, айниқса, сифат процентига қараб баҳолаш давом этапти. Дайталик, ўқув йилининг бирор чораги яқунланяпти. Табиийки, ҳамма синф раҳбарлари ҳисобот топширадилар. Синф раҳбари фан ўқитувчиларига «баҳони дурустлаб қўйишни» тайинлай бошлайди. «Дуруст баҳонининг маъноси нима, дерсиз! Бу синф раҳбарининг, «аълочи» ва «яхшичи»ларни камайтириб юборманг, дегани бўлади. Бирор ўқувчи кўпчилик предметлардан «аъло» ёки «яхши» баҳога ўқийди. Лекин, унинг баҳоси бирор фандан «4» ёки «3» бўлиб қолади. Синф раҳбари ўқувчининг бошқа фанларидан олган юқори баҳосини рўқач қилиб, сунъий равишда ўқувчини «аълочи»га, «яхшичи»га кўтармоқчи бўлади. Албатта, бунақа пайтда мактаб маъмурияти ҳам синф раҳбарини қўллаб-қувватлайди. Натижада қалбакилик майдонга келади, «4» баҳо «5» га, «3» «4» га ўзгаради. Хўш, биронта «қайсар» педагог синф раҳбарининг илтимосини эътиборга олмади, мактаб бошликларининг «тўғирланг» деган буйруғини бажармади, дейлик.

Унда нима бўлади!

Мактаб раҳбарлари ўқитувчини ҳар чеккадан тергай бошлайди: неча марта консультация ўтказдингиз, ота-онаси билан суҳбатлашдингизми, синф раҳбари хабардормиди, нима учун бизга мурожаат қилмадингиз, нима сабабдан ўша ўқувчи бошқа фанлардан юқори баҳо олади-ю, сизнинг предметиңиздан паст баҳога ўқийди! Демак, сиз ёмон дарс бергансиз, ўз фаниңизга қизиқтирмагансиз, ўқувчининг қалбига йўл тополмагансиз ва ҳоказо. Ҳолбуки, мактаб раҳбарлари шунгача ўқитувчининг бирор соат дарсини кузатмаган, педагогнинг нима қилаётгани билан иши бўлмаган. Улар нима қилиб бўлса-да, «ўзлаштириш бўйича мусобақа»да утиб чиқишни ўйлайдилар. Журналдаги баҳони кўтариб тузатиш ўқитувчининг мавқеи, обрў-эътиборига путур етказётганига парво қилмай тазйиқ ўтказаверадилар. Бу гаплардан тоқати тоқ бўлган ўқитувчи, ке, қулоғим тинчисин, дейди-да, аввалги баҳосини ўзгартиради. Шундай қилиб, синф журналида «фалончининг фалон баҳоси ўзгартрилганига ишонилсин» деган ёзув ва имзо пайдо бўлади. Ана шу тарзда ҳисобот қабул қилиниб, чорак яқунланади.

Энди бу ёғини эшитинг. Мактаб раҳбарлари, хусусан, илмий бўлим мудирини синфлардаги баҳоларни кўтариш билангина қаноатланмайдилар. Шухратпарастлик ёки РайОНО советларида гап эшитмаслик учунми, ишқилиб, баъзи илмий бўлим мудирлари РайОНОга чорак якунини топширишда ҳам кўзбўямачиликка қўл урадилар. Улар чораклик ҳисоботнинг хомаки нуҳасини тузатиб борадилар-да, бошқа мактабларнинг сифат ўзлаштиришини суриштирадилар. Ўз мактабларининг сифат проценти бошқаларникидан пастроқ бўлса, уни дарров ўзгартриб, ҳеч нарса билмагандек ҳисобот топшириб юбораверадилар. Бу тариқа иш тутиш, сунъий равишда таълим-тарбия

сифатини кўтар-кўтар қилиш, бизнингча уч жиҳатдан хавфли: биринчидан, бу айрим маориф ходимларининг иш услубига айланиб қоляпти. Иккинчидан: истар-истамас ўқитувчиларда гап-сўзни кўпайтирмаслик учун баҳони ошириб қўйиш керак, деган кайфиятни юзага келтирмоқда. Тасаввур қилинг, бутун чорак давомида дарсга яхши қатнашмаган, ўқиш-ўрганишга интиланган ўқувчининг баҳоси билан мактабга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмай юрган, бирор дарсда ёлчитиб жавоб бермаган боланинг баҳоси тенг бўлиб қолди. Оқибатда у нимага олиб келади! Ўқувчилар орасида миш-миш кўпаяди: ўқитувчимизга барибир, ўқиганга ҳам, ўқимаганга ҳам бир хил баҳо қўйверадилар... Бу аҳволда болада на интилиш, на ёмон ўқишдан уялиш бўлади. «Қандай ўқисанг ҳам синфдан-синфга кўчиш, ҳатто ўрта мактабни битириш мумкин экан», деб ўйлайди. Энг ёмони ўқитувчининг ўз шогирдлари олдида бурди, ҳурмати йўқолади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегияси 1980 йилда ўқув юрларига кирмоқчи бўлган 4088 медалли ўқувчилардан 366 таси ўз мукофотларини оқлай олмаганлигини қайд этиб, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида муҳим тадбирлар белгиланган, муттасадди ташкилотлар зиммасига жиддий вазифалар юкланган эди. [«Ўқитувчилар газетаси», 1981 йил, 10 июнь]. Мунозарада келтирилган фактлардан маълум бўлдики, мазкур қарордан кейин ҳам олтин медаль беришга масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари давом этмоқда. Баҳс иштирокчилари рост айтишади, район, шаҳар ва область халқ маорифи қошидаги олтин медаль комиссиясининг масъулиятини ошириш керак. Комиссия мактаб тавсия этган номзоднинг ёзма ишлари ҳақиқатан медалга лойиқми-йўқми эканлигини аниқлаши лозим. Баъзан комиссия аъзолари бу нозик вазифани эсдан чиқаришади, юзхотирликка боришади, ҳатто шахсий манфаватни кўзлаб таъмағирлик ҳам қилишади. Шуниси таажжубланарлики, бирор мактабнинг олтин медаль олган ўқувчиси мукофотини оқполмаса, «ийқилиб» қолса, медалга тавсия этган мактаб, ўқитувчигина айбдор ҳисобланади. Ҳеч ким, район, шаҳар ва область халқ маорифи қошидаги олтин медаль комиссияси аъзоларининг кўзи қаерда эди, нима учун нолойиқни лойиқ деб кўзбўямачиликка йўл қўйди, демайди.

Менимча, медаль беришдаги бу кўнгилсиз ҳолларга қисман бўлса-да, чек қўйиш учун медалга мўлжалланган ўқувчининг ёзма ишини район халқ маорифи қошидаги комиссия аъзосининг иштирокида имтиҳондан кейинноқ зудлик билан текшириш [қайта кўчиртириш имкони йўқолади], оғзаки имтиҳонларда ҳам комиссия аъзосининг мукофотга тавсия этилган ўқувчининг жавобини эшитишга эришиш лозим. Албатта бундай тадбир баъзиларга мактаб ўқитувчисига ишончсизликдай туюлар. Аммо бундай йўл, мактаб, ўқитувчилар, ўқувчи ва ота-оналар масъулиятини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Хуллас, мактабда таълим-тарбиянинг сифатини кўтариш, ўқувчиларни даврининг етук кишилари қилиб тарбиялаш каби масалалар кўп. Албатта, таълим-тарбия жараёнининг етакчи фигураси сифатида ўқитувчи бу проблемаларни замон талаби даражасида ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Д. И. Менделеев ёзганидек, «ўқитувчилар илмининг маҳаллий машъаллари бўлганлари ҳолда, ўз ихтисослари бўйича замонавий фаннинг чўққисиди турмоқлари зарур».

Турғунбой ХАЛИЛОВ,  
Гафур Фулом номидаги Сирдарё  
педагогика институтининг доценти

# ҲАМ ФАҲРЛИ, ҲАМ ҚАДРЛИ

«Бизда,— деган эди В. И. Ленин,— халқ ўқитувчиси шундай юксак даражада турмоғи керакки, у буржуазия жамиятида бундай даражада турмаган, турмайди ва турishi ҳам мумкин эмас». Ўқитувчи ана шундай фахрли касб эгасидир.

Мен «Ёшлик» журналидаги баҳсни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Баҳс муносабати билан мен ҳам ўз мулоҳазаларини баён қилмоқчиман.

Тўғри, касбнинг энгилли йўқ. Лекин ўқитувчилик энг қийини бўлса эҳтимол. Бу касбни юракдан севмаган киши удалай олмайди. Шунинг учун ўқитувчи кадрларни тайёрловчи педагогика институтларига ёшларни қабул қилишдан олдин уларни алоҳида саралаш, «элакдан ўтказиш» керак. Мен кўп йиллардан буён олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиётиндан кириш имтиҳони олишда қатнашиб тураман. Одатда Тошкент Давлат университети, медицина, политехника институтларига кираётганларнинг кўпчилиги ўрта мактабни юқори баҳо билан битирган ёки медалистар бўлади. Аммо педагогика олий ўқув юртларига эса ўқитувчиликка қизиқмайдиган, фақат олий маълумотли деган ҳужжатга эга бўлиш мақсадида кўпроқ келишади. Натижада педагогика институтларини тугатган ёшларнинг айримлари бир-икки йилда ўқитувчилик касбини ташлаб кетади. Айниқса йигитлар. Шу тўғрисида ҳам ҳозир кўпчилик мактабларда эркак ўқитувчилар жуда озчиликни (тахминан 15—20 процент) ташкил этмоқда. Бу, шубҳасиз, таълим-тарбия ишларига салбий таъсир қилмоқда.

Мунозарада мактаб ҳаётига янгилик бўлиб кирган нарса — «икки»сиз ва «икки йиллик»сиз ўқитиш масаласи ҳам кўтарилган. Дарҳақиқат, бундан ўн йиллар муқаддам пойтахтимиздаги айрим илгор мактабларнинг тажрибаси асосида «икки»сиз ва «икки йиллик»сиз ўқитиш ташаббуси бошланган эди. Албатта, бу ўз вақтида ва конкрет шароитда катта янгилик эди. Аммо бу янгиликни республикамизнинг ҳамма мактабларида тўлиқ амалга ошириш мумкинми-йўқми, ҳисобга олинмади. Атрофлича текширилмасдан оммалаштирилиб юборилди. Натижада барча мактаб маъмурияти бу ташаббус гирдобига тушиб қолди. Ёмонроқ ўқийдиган ўқувчига ҳам «икки» кўймай «100 процентчилик» шиори кўтарилди. Ўқувчига «2» баҳо кўювчи ёмон ўқитувчи номини ола бошлади. Шундан сўнг мактаб маъмуриятдан гап эшитмаслик учун ўзлаштирмаган ўқувчига ҳам «3» баҳо кўйиладиган бўлди. Бу тадбир ота-оналарни хотиржам қилиб қўйди. Чунки улар мактабга келиб боласидан хабар олмаса ҳам бемалол синфдан-синфга ўтишига ишончи қолмади.

Мен бундан 15—20 йил аввал Тошкентдаги Меҳнат Қизил байроқ орденли 24-мактабда ўқитувчилик қилган вақтимда ўқувчиларимнинг ота-оналари йил давомида мактабга тез-тез келиб турар эдилар. Ўз фарзандларининг ўқиши ва ахлоқидан хабардор бўлиб, тегишли тадбир-чораларни кўрардилар. Мактабга ота-оналарнинг ёрдами ҳам теғарди. Ҳозир эса, ота-оналар бутунлай бепарво. Ҳатто йил давомида, боламининг ўқиши қандай, деб бир марта ҳам хабар олмайдиган ота-оналарни учратиш мумкин. Уларига бориб сўхбатлашсангиз: «Домлажон, бусиз ҳам ишимиз кўп, бир амаллаб мактабни тугатсин, кейин бир гап бўлар», деб баҳона қилишади. Лекин ажабланадиган ери шуки, йиллаб ўз фарзандининг ўқишига эътибор бермайдиган айрим ота-оналар боласи 10-синфни битириш олдида мактабга келиб, аттестатга кўйиладиган баҳони кўтаришга ҳаракат қилдилар, ҳатто орага обрўли одамларни солиб илтимос

қилдилар. Баъзи мактаб директорлари хотамтойлик билан баҳони кўтариб қўядилар. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолларда ўқитувчининг обрўси бир пул бўлади. Яна афсусланадиган томони шундаки, ўрта мактабда дуруст ўқиган ўқувчи олий ўқув юртига киролмай қолади-ю, унга нисбатан пассив бўлган айрим ўқувчилар йўлини қилиб институтга жойлашади. Бундай ғирром ва беандиша ўқувчилар кўчада ўрта мактаб ўқитувчисига мақтаниб юради. Уни кўриб ўқитувчи ич-ичидан зил кетади, обрў-сизланади.

«Ёшлик» баҳсида тилга олинган муҳим гаплардан бири болаларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш масаласи. Ҳа, мактаб ўқувчилари фақат қишлоқда эмас, балки шаҳарда ҳам тез-тез керакли-кераксиз ҳашарларга чиқиб туради. Мен бир нарсага ҳайронман. Айрим раҳбар ходимларимиз гўё ўқитувчининг дарс беришдан бошқа иши йўқ, деб ўйлайдилар шекилли. Дам олиш кунлари ҳам албатта бир юмуш топиб, ўқитувчининг зиммасига юклаб қўйишади. Яқинда бир воқеа менга жуда ёмон таъсир этди. Шанба кўни мактаб директори барча синф раҳбарларини тўплаб дам олиш кўни мактаб атрофидаги кўчаларни супириш ва ариқларни тозалаш ҳақида топширик берди. Мен раҳбарлик қилаётган 9-синф ўқувчилари мактабдан уч юз метрча олисдаги 5-уй ва бекатни тозалашлари зарур эди. Дам олиш кўни ишим кўп бўлишига қарамай эрталаб соат 9 га етиб келиб, кўча супиришни бошлаб юбордик. Ишни тезроқ тугатиш учун ўқувчилар шитоб билан ишлай бошладилар. Шу пайт 5-уйнинг 2-қаватида яшовчи ўрта ёшлардаги бир йигит деразадан бошини чиқариб: «Домлажон, аввал сув сепинглар, ҳаммаёқ чанг бўлиб кетди-ю, ўқувчиларингизга айтинг, кўп шовқин солмай ишласин, уйдагилар дам олмоқда», деди. Бу бепаросат йигитга нордонгина жавоб қилса бўларди-ю, аммо андиша йўл қўймади. Ноилж: «Биз супуриб қўйдик, сувни томдан туриб ўзингиз сепарсиз», — дедим. Бу воқеа менда шу қадар ёмон таассурот қолдирдики, ҳатто ўқитувчи бўлганимга пушаймон қилдим.

Баҳсда рағбат ҳақида ҳам ўринли гапирлибди. Дарҳақиқат, иложи борича ўқитувчининг кайфиятини яхшилаш, уни моддий ва маънавий рағбатлантириш, руҳлантириш, ортиқча ташвиш ва топшириқлардан ҳоли қилиб қўйиш керак. Шунда у ўқувчилар тарбияси билан шугулланиш, ўз устида ишлаш учун вақт топа олади. Қадрини билади. Мактабга меҳри ортади.

Мен қирқ йил узлуксиз ўқитувчилик қилдим. Устоз, деган мўтабар унвон эгасиман. Биламан, бу унвон юксак, ниҳоятда масъулятли. Аммо, баҳс иштирокчилари айтганларидек, устознинг умрини шогирди давом эттиради. Ҳар томонлама етуқ, билимдон, ақлли шогирд тайёрлаш учун мактаб коллективи, ота-оналар, мутасадди ташкилотлар — ҳамма бирдай жон куйдириши керак. Энг муҳими, муаллимнинг жамият олдидаги иззат-эътиборини, обрўсини баланд поғонага кўтариш лозим. 20-30 йиллар илгари ўқитувчи халқ зиёлиларининг олдинги сафида юрарди, сўзи кескир эди. Кейинги пайтларда у андак орқада қолгандек туюляпти менга. Бунинг сабабларини чуқурроқ ўйлаб кўриш керак, конкрет чора-тадбирлар кўриш лозим.

Ҳамидулла ЯУЛДОШЕВ,  
Тошкентдаги

Собир Раҳимов номли  
133-мактаб ўқитувчиси.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси





# ОҲАНГЛАР СЕҲҲРИ

Шеърят ва мусиқа. Улар азалдан бир-бири билан эгизак. Яхши шеър оҳанглар парвозига қанот бахш этса, яхши куй, ўз навбатида шеърнинг оммалашувига, қалбларни ром этишига кўмаклашади. Чолғулар хоншидаги сеҳрли оҳанглар, мафтункор садолар бир дилбар шеър каби қалб тўрингизда авайлаб юрган азиз туйғуларингизни тарабунум эта олади. Яхши куй шеърят каби чуқур миллий руҳга эга бўлади, ўзида теран, умуминсоний ҳис-туйғуларни мужассамлантиради.

Шу маънода шоир ва бастакор бир-бири билан ҳамкор, ҳамфикр. Бирини табиатдан туйган туйғуларини, ўйларини сўз санъатида ифода этса, иккинчиси уни оҳанглар тили билан баён этади. Шунинг учун ҳам яхши шеърнинг мазмуни қанчалик теран, таъсирчан бўлса, ўқувчини қанчалик ҳаяжонга солса, ўйлантирса, яхши куй ҳам инсонга шунчалик завқ-шавқ, маънавий қудрат бахш эта олади. Истеъдодли бастакор Раҳматжон Турсунов яратган дилбар куй ва қўшиқлар бунинг ёрқин далилидир.

Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмасму санга?

Тиға урдинг, жисми урёнинг керакмасму санга?..

Фузулийнинг «Ғамзасин севдинг кўнгил» ғазалига Раҳматжон Турсунов басталаган қўшиқ аллақачон кўпчилик тилига тушган. Ҳамон ҳофизлар севиб куйлаётган бу ашулада халқимизнинг бой мусиқий анъаналари ўзининг янги қирралари, бутун жозибаси билан намоён бўлган. Бундай хусусиятлар унинг Самад Вурғун ғазалига басталаган «Ошкор ўлсун» қўшиғида ҳам ёрқин кўринади.

Агар сендан тонар бўлсам, насибим оҳу-зор

ўлсун,

Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр

ўлсун...

Оташин шоирнинг бу жўшқин мисралари Раҳматжон Турсунов яратган куй оғушида руҳингизга шалоладек оқиб киради. Ғазалнинг теран мазмуни, оҳангдаги ажиб жозибасизни хаёлий бир оламга етаклайди.

Албатта шоир туйғуларининг ранг-баранг товланишлари қўшиққа кўчиши учун бастакор шеърятни нозик ҳис этиши зарур. Ахир баъзан мазмунан саёз шеърларга яхши куйлар яратилиб, классик, бадий жиҳатдан мукамал асарларга эса хиргойидан иборат, чўчмал куйлар басталанаётгани ҳам сир эмас. Раҳматжон Турсунов бастакор ва хонандалар фаолиятида учраб турган ана шундай қўсурлардан қочишга, тингловчига манзур бўладиган, унинг диди ва ҳис-туйғуларини бойита оладиган қўшиқлар яратишга интилоқда. Унинг шоир Абдулла Орипов шеърларига басталаган қўшиқлари бунга мисол бўла олади. «Бу кун», «Аён бўлғай» ғазаллари, «Булбул» ва бошқа шеърларга яратилган куйларида бастакор Абдулла Орипов шеърятининг ўзига хос услубий йўналиши, ранг-баранг поэтик оҳанглари мазмунига чуқурроқ киришга, шеър ва ғазаллари замиридаги теран туйғуларни янада таъсирчан ифодалашга ҳаракат қилган. Натижада бу қўшиқларнинг мусиқий оҳанглари шоир шеър ва ғазаллари парвозига янги юксаклик бахш этди. Зотан яхши шеърга басталанган куй асар поэтик мазмунига мос бўлса, бу мазмуни янада теранлаштиришга хизмат қилсагина ҳақиқий оригинал қўшиқ дунёга келади. Раҳматжон Турсунов хоҳ классик шоирларнинг, хоҳ замондошларнинг ижоди-га мурожаат этмасин, энг аввало, ана шу ижодий принципка амал қилади. Унинг Лutfий ғазалига басталаган «Мубтало қилурсан», Туроб Тўла шеърларига басталаган

«Ошиён», «Мадҳинги куйлай», Ёнги Мирзо ва Пўлат Мўмин шеърлари асосида яратган кўпчилик кўшиқларида ҳам ана шу хусусиятлар яққол кўзга ташланади.

Раҳматжон Турсунов бугунги кунда музика оламининг ранг-баранг жанрларида ижод қилаётган истеъдодли бастакор сифатида танилган. У мураккаб жанрдаги музика асарлари яратиш устида изланаркан, халқимиз музика мероси анъаналари, устоз санъаткорларнинг илҳомбахш ижодий тажрибасига таянади. Айниқса, унинг қалбида музика санъатига сўнмас иштиёқ уйғотган, ёшлик йиллари орзуларига қанот берган халқ бахшилари куйларидаги нафислик, инсон қалбининг энг нозик торларини ҳам черта оладиган ноёб оҳанглар доимо илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Бастакор ўз ижодини рубоб учун яратилган «Арзи ҳол», «Нозли ёрга», «Пахтакор ўлкам», «Қарши қизларига» каби дилбар куйлар яратишдан бошлаган. У Қарши шаҳри яқинидаги Ленин номи совхозда жойлашган ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам, кейинчалик, Тошкентдаги Ҳамза номидаги музика билим юртида таълим олган йилларида ҳам халқимиз асрлардан асрларга олиб ўтиб, эъзозлаб, қадрлаб келаётган классик ашулалар, халқ куйларини рубобда ижро этаркан, юрагида нимаси биландир ана шу сеҳрли куйларга монанд янги оҳанглар қуйилиб келаётгандай бўларди. Улар Раҳматжонга завқ берарди. Аста-секин у дилидаги янги оҳанглари нотага туширишга ҳаракат қила бошлади. Иккилана-иккилана устоз бастакорлар ҳукмига ҳавола этган дастлабки куйлари яхши кутиб олинди. Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов каби бастакорлар Раҳматжоннинг илк машқларига сайқал беришда устозлик қилишди. Бу бастакорлар, айниқса, классик мерос билимдони Юнус Ражабийнинг ижодий тажрибаси ёш бастакорнинг шаклланишида ўзига хос мактаб вазифини ўтади.

Раҳматжон Турсунов музика билим юртини битириб, Тошкент Давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик факультетига ўқишга кирди. Бу ерда у жаҳон музика маданияти тарихи, дурдона классик асарлар руҳига янада чуқурроқ киришга, истеъдодли композиторлар ижодий йўлидан сабоқ олишга муваффақ бўлди. Жаҳон музика санъатининг шоҳ асарлари сеҳрини, жозибасини янада теран ҳис этиш, аини пайтда Ҳожии Абдулазиз Расулов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Маъмуржон Узоқов каби ҳассос кўшиқчиларнинг ҳофизлик мактабидан баҳраманд бўлиш ёш бастакорнинг ижодий ўсишида, янги оригинал куй ва кўшиқлар яратишида муҳим роль ўйнади. Шу тариқа Раҳматжон Турсуновнинг классик ва замонавий шоирларнинг шеърларига басталаган ўнлаб кўшиқлари, «Шаҳло», «Чўл дурдонаси», «Баҳор жилваси» каби рақслари ҳамда чанг ва рубоб учун янги куйлари, хор учун яратган ашулалари вужудга келди. Улар тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

1974 йилдан буён бастакор Тошкент маданият институти хор-дирижёрлик кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпти. У ўзининг ана шу педагогик фаолияти давомида консерваториянинг Борис Фёдорович Гиенко раҳбарлигидаги композиторлик классисида ижодий изланишларни давом эттирди. Таниқли композитор раҳбарлигида олиб борилаётган бу изланишлар уни музика санъатининг энг мураккаб жанрларига ҳам қўл уришга даъват этди. Уйғун шеърига ёзилган «Сен қувончим», Раззоқ Абдурашидов шеърига басталанган «Боқмади», ёш шоир Асқар Қосимов билан ҳамкорликда яратилган «Хумор» романслари унинг бу йўлдаги изланишлари мевасидир. Яқинда эса у шоир Муҳаммад Али шеърлари асосида «Чўлдан эсган саболар» номи тўрт қисмдан иборат вокал-сюитани ёзиб тутатди.

Бу романслар ва сюитани тинглаганимизда, ёш композитор замонавий кўшиқ ва куйлардаги каби ўзбек халқ оҳанглиридан асосий манба сифатида фойдаланганини ҳис этамиз. Бу хусусият аслида барча музика жанрларида яратилган асарлар учун ҳам бош мезондир.

Раҳматжон Турсунов аини пайтда илмий-педагогик фаолият билан ҳам шугулланмоқда. Унинг Ўзбекистон композиторлар союзи ёшлар секциясининг аъзоси сифатидаги фаолияти, шунингдек, «Ўзбекистонда ашула ва рақс ансамбллари» мавзудидаги илмий иши, музика ҳаваскорлиги ҳамда ашула ва рақс ансамбллари ишларини ташкил этиш, унинг ўқув-методик асослари бўйича нашр этган рисоалари, илмий мақолалари музика маданиятимиз равнақига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Яқинда композитор ҳузурида бўлганимизда унинг ижодий режалари, янги куй ва кўшиқлар яратиш борасидаги изланишлари билан қизиқдик.

— Яхши шеър, проза асари, теран мазмундаги классик куй ва кўшиқлар биз бастакор ва композиторлар учун доимий ижод манбаидир,— дейди у.— Бундай асарлар кўз олдингизда гўзал манзараларни намоён этади, завқушавқ бахш этади. Шундай онларда инсонга, она табиат ва гўзалликка меҳрингиз ўн чандон ортиб кетади. Дилингизга янги оҳанглар оқиб келаётгандай бўлади.

Илҳом ва истеъдод билан яратилган куй, кўшиқлар халқ дили, тилида яшаб қолади. Улар ҳамиша инсонга йўлдош бўлади. Классик кўшиқчилик санъатимизда ҳам, бугунги кун музика маданиятимизда ҳам бунга мисоллар кўп.

Лекин ҳеч кимни ҳаяжонлантирмайдиган, дид ва эҳтиросларини ўтмаслаштирадиган, лоқайдларча айтилаётган ашулалар камми! Баъзан бир ашуланинг юзта кўшигини эшитсангиз ҳам биронтасининг оҳанги эсингизда қолмайди. Ана шундай юзаки, чираниб ёзилган куй ва кўшиқларнинг ҳамон радио ва телевидение орқали эшиттирилаётганлиги, баъзан яхши ашулалар ёзилган пластинкаларга ҳам киритилётганлиги бугунги кўшиқчилик санъатимизнинг энг катта муаммоларидан бириндир.

— Албатта бундай ҳиссиз ва дидсиз куй-кўшиқларнинг йўлига, аввало, матбуот ғов қўймоғи лозим,— дейди Раҳматжон Турсунов.— Ахир майдонга келган ҳар бир бадний асарга газета-журналларда тақриз босилиб, унинг ютуқ ва камчиликлари айтилади-ку! Куй ва кўшиқ ҳам бадний асар. Унга матбуот орқали холис фикр билдирилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, кўшиқчилик санъати, музика маданиятимизнинг юксалиши ҳаммага: тингловчига ҳам, созанда-ю хонандага ҳам, шоирлару бастакорларга ҳам боғлиқ бўлган жиддий масаладир. Бу муаммо истеъдодли бастакор Раҳматжон Турсуновни ҳам ташвишлантиради. Кўшиқ яратиш масъулиятини янада теранроқ ҳис этишга даъват этади. Шунинг учун ҳам унинг энг сара куй ва кўшиқларида инсонга қанот бахш этувчи, юксак туйғулар оламига етакловчи сеҳрли жозоба мавжуд. У ҳамиша инсонни улғувчи, унинг қалбига олам-олам сурур ва ғурур бахш этувчи, мусаффо ҳислар, эзгу орзу-умидлар армуғон этувчи оҳанглар, кўшиқлар яратиш йўлида изланмоқда.

...Куй яралмоқда. Бастакор чечаклар атрини, ҳаёт завқини, турфа шаффоф туйғуларни сирли наволар бағрига жойламоқда. Бу нафис оҳангларда инсон руҳининг гўзал товланишлари, қалб тугёнларимиз, замин мўъжизалари юрагимизга солган ҳайрат, муҳаббат ва изтиробларимиз акс-садо бераётганга ўхшайди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ



# ДАДАНГГА САЛОМ АЙТ...

## ҚУВНОҚ ҚИТМИР ҲАНГОМАЛАРИ

Тунов кuni билет олгани вокзалга чиқсам, собиқ курсдошим Элмуродни кўриб қолдим. Қўлида катта сариқ портфель, вокзалнинг нақши-нигорли шифтига анқайиб турибди. У телеминиатюрада чиқадиган бақалоқ йигитга ўхшаса-да, доим елиб-югуриб юрадиган қувноқ йигит эди. Шунинг учун кўпинча ҳазиллашиб уни Элмурод дердик.

Секин бориб биқинидан туртдим:

— И-и, оғзингни юм, Элмурод, пашша киради.

Элмурод ялт этиб ўғирилди.

— Ҳалиям қитмиригинг қолмабди, ҳарфхўр! — деди ёлфондан қовоқ солиб. Қучоқлашиб кўришдик.

Элмурод Наманганнинг олис бир қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Уч кунлик семинарга келибди.

— Уйга обкетай, окаси,— дедим жигига тегиб,— офтобда ўтириб бир қатиқ ялашамиз.

У қўл силтади:

— Ке, қўй, бошимни қотирма. Ҳозиргина биттасининг ўтақасини ёриб келяпман. Жуда кўнглинг ийиб турган бўлса, иккита морожний олиб берақол. Ичим ёниб кетяпти. Унгача поезд ҳам келиб қолади.

Анҳор бўйидаги кафега бориб, четроққа ўтирдик. Элмурод кула-кула бояги «ўтақаси ёрилган» одамни айтиб берди.

— Болаларга совға-салом ола кетай деб «Детский мир»га кирсам, Миржалилни учратиб қолдим.

— Қайси, анави Мирзатеракми? Олифта?

— Ҳа,— деди Элмурод қошиқча билан морожнийни аралаштириб,— қўлини орқасига қилиб айланиб юрибди.

— Унинг иши йирик,— дедим,— профессорнинг қизига уйланган. Кандидат бўлмоқчи.

— Шунақа экан. Хуллас, мени кўрди-ю уйга обкетаман, деб ёпишиб олди.

Ўқиб юрганимизда Элмурод билан Миржалил кўп ҳам чиқишавермасди. Ҳайрон бўлдим.

— Ҳм, тинчликми? Қаёқдан кун чиқибди? Миржалилнинг бунақа... одати йўқ эди-ку?

— Коса тагида нимкоса бор, дўстим,— деб кулди Элмурод,— баҳорда у хотини билан дам олгани Чортоққа борган экан. Мени йўқлатибди. Қўлимдан келгунча хизмат қилдим. Поччаотага олиб чиқдим, Саричелакни кўрсатдим, Говасойларни айлангирдим. Ишқилиб, хурсанд бўлиб кетишди шекилли.

— Тушунарли. Энди мен ҳам одамгарчилик қилай, дегану сени қўярда-қўймай уйига олиб кетган. Толдимми?

— Йўқ,— бош чайқади Элмурод,— олдинга ҳадеб қистайверди. «Хотин ҳалигача сени тилидан тушурмайди. Мақтагани-мақтаган. Бизниқига кетамиз. Зўр-зўр оғайниларим бор. Беш-олтитасини чақирамиз. Новчасидан битта олиб

келиб, тонг отгунча майдалаб ўтирамиз», деб туриб олди. Кейинги сафар борарман десам, хафа бўладиган. Соатга қарасам — икки. Кечқурунгача бўшман-ку, деб рози бўлдим. «Майли, Мирзатерак! Сенинг гапинг сингунча шайтоннинг бўйни узилсин», демайманми? Бирдан Миржалил-войнинг қовоқ-тумшўғи осилиб кетди-ку!

Мен кулиб юбордим.

— Ҳалиям соддалигинг қолмаган-да! Шунинг сохта манзиратига ишониб ўтирибсанми, овсар?

Курсдошим ух тортди:

— Қайдан билай. Ун йилда бир марта кўришибмиз. Ававал ишондим. Кейин олифтагарчилигини пайқаб қолдим қайсарлигим тутди. Шу қилганинга поезддан қолсам ҳам уйингга борганим бўлсин, дедим.

Элмурод битта ликопчани бўшатиб, нари суриб қўйди. Олдига иккинчисини тортиб давом этди:

— Хуллас, судралишиб кўчага чиқдик. Трамвайда кетамизми, жўра, десам, биз томонда трамвай нима қилади, деб жержиб берди. Унда автобусга чиқайлик, дедим. Миржалил менга, бу жинни бўлганми, дегандай қаради.

— Шунақа пайтда автобусга чиқиб бўладими? Одамни қара! Минди-минди бўлиб ётибди. Бу сенга Чортоғинг эмас. Тожканинг бир маҳалласида ўнта Чортоқнинг одами туради.

— Ҳай, унда энг осони такси. Ҳозир тўхтатаман,— дедиму йўлни кесиб ўтмоқчи бўлдим. Миржалил энгимдан тортди.

— Тайёр таксини пишириб қўйибдими сенга?! Узим зўрға грузовойда келиб олдим...

— Ҳм, тинчликми? — дедим хавотирланиб. Миржалил ҳозиргина жанозадан келаётган одамдай ғамгин товушда деди:

— Иш расво. Шу десанг, кичик ўғлимиз жуда шўх чиқди. Эрталаб кўчада футбол ўйнаётган экан, бир бола оёғига тепибди. Тўпиги ёрилиб кетибди. Шунга мўйиё излаб кетаётган ерим эди.

— Э, чакки бўпти,— дедим кўнгли учун,— палакат-да, палакат. Иссиқ-иссиқ шўр пахта босса, тузук бўлиб кетади.

Миржалил мени ўғлидай уришиб берди:

— Шўр пахта қайнатишга олов керакми ахир?

— Газ ўтмаганми уйларингга?

— Худого шукр, оқма газим бор,— керилди у,— бироқ уч кундан бери келмай қолди. Чой қўйиб ичишга ҳам зор бўлиб ўтирибмиз.

— Электр бордир?

— Икки кун бўлди у ҳам йўқ. Кабель узилганмиш.

Миржалил мени етаклаб битта ола курсига олиб бориб ўтқазди. Ёнидан «Кент» олиб тутатди.



— Э, дўстим, бизнинг кўрган кунимизни сўрама,— деди афсусланиб,— уй совуқ. Учоқ ёқишга ўтин қолмабди. Магазиндан консерва-пансерва олиб кириб ёймизу қоронғи тушмасдан кўрпага шўнғиймиз. Уч бола, эр-хотин, ҳаммамиз бир уйда тиқилиб ётибмиз. Иморат чала. Бир ёқда уста шляапти. Шунақада меҳмон келиб қолмаса гўрғайди, деб хотин ҳам ташвишда.

Қарасам у мени оstonасига йўлатмайдиган. Аҳмоғингни топибсан, барибир уйингга бораман, деб кўйдим ичимда.

— Менга қара, Миржалил,— дедим,— ҳозир тўғри Эски жўвага тушамиз. Мен икки кило гўшт, тўртта шам, битта керогаз, беш литр керосин оламан. Студентлик йилларимизни эслаб бир яйраб ўтираммиз. Биласан, мен унақа нозик меҳмонлардан эмасман. Кетдикми?

Миржалил чайналди:

— Майли-ю... лекин, биласанми, кейинги пайтларда ошқозон ҳам сал чатоқроқ... Ичолмаяпман.

— Ким сенга ич, деяпти? Ичма. Ҳали айтган оғайниларинг бор-ку! Машина тўхтатайми?

— Шошма-чи,— деди Миржалил иккиланиб. Кейин шап эткизиб пешонасига урди.— Ие, бугун уйда хотин йўғу! Азонлаб оймларни кўриб келаман деб ўтирувди.

— Унда йўл-йўлакай келинни ҳам ола кетамиз.

— Қизиқмисан? Қачон менга машина келар экан, деб кутиб ўтирибдими? Ойисиникидан акасиникига ўтиб кетган бўлиши керак. Қайноғам Франция, Италия қилиб айланиб келибди. Ҳали ўзим ҳам кўролмадим.

— Жуда соз! — деб ўрнимдан турдим,— бир йўла табриклаб ўтамиз. Хурсанд бўлади. Машина тўхтатайми? Миржалилнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Майли-ю... мен меҳмондан қочадиган номард эмасман, биласан. Лекин...

Уткинчи машинага қўл кўтаргани энди йўл четига чиқувдим, Миржалил бақириб юборди:

— Ие, оғайни! Манавини қара!!! — У чўнтагидан бир шода калит олди,— эрталаб эшикни қулфлаб чиқаверибман! Газнинг устида бир тоғора кир бор эди, биқирлаб қайнаб турувди! Магнитофоним сайраб ётганди, рангли телевизорим ҳам ўчмаган эди! Уйим куйди! Кечирасан, оғайни, мен бормасам бўлмайти.

У шоша-пиша қўлимни қисди-ю чолиб кетди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб олиб қичқирди:

— Ҳўв, Элмурод, бемалол бўлиб бир келгин-а, дўстим! Ётиб олиб отамлашамиз! Албатта кел! Хайр! Дадангга салом дел..

— Хуллас профессорнинг куёви қочиб кетди,— деди Элмурод ва соатига қаради-ю ирғиб турди,— ие, Наманганнинг поезди ҳам қочиб кетишига сал қолибди-ку!

У чўлп эткизиб манглаймдан ўпди, сўнг портфелини кўтариб югурди. Анча ерга бориб ўгирилди:

— Ҳўв, Қитмир, бемалол бўлиб бир боргин! Сув қўшилмаган қатиқдан ичиб келасан!

Мен қўл силкидим:

— Бораман. Дадангга салом айт, Елмурод!

## БИР, ИККИ, ИЧ...

(МАЙХҲҮРЛАР УЧУН ГИМНАСТИКА МАШҚЛАРИ)

**1-машқ.** Қимир этмай ётасиз, гўё суратсиз. Бу ҳолат хотинингиз «Турасизми, йўқми!» деб бақирмагунча давом этади. Аёл кишининг бақириви қўлоғингизга етиб боргач, чуқур нафас оласиз ва бир кўзингизни қия очиб «уф» дея нафас чиқарасиз.

**2-машқ.** Одатдагидек қўлларингиз билан ниманидир пайпаслаб кўрасиз. Бу, ҳамма нарса жойидамикан, деган маънони билдиради. Оёқларингизни букмаган ҳолда баданингизни чимчилаб кўринг, сезгингизни текширинг. Ёши ўтиб қолган майхўрлар чимчилаш ўрнига лабини қимтиб қўйса ҳам бўлавереди.

**3-машқ.** Тиззаларингизни ерга тираб туриб столга етиб олишга ҳаракат қилинг. Уялманг, чунки бу пайтда уйда ҳеч ким қолмаган бўлади. Столга етиб олгач стулдан суянчиқ сифатида фойдаланиб, тирмашиб туринг. Стулга ўтиргач, енгил нафас чиқаринг.

**4-машқ.** Столдаги нонуштага ташланишдан аввал атрофга аланглаб қарашни унутманг. Бу ҳолат икки-уч бора такрорланади. Ниҳоят, сиз қидирган нарса топилади. У меҳробдаги кўрпанинг орқасида. Ички команда бўлиши билан қўлларингизни олдинга чўзиб шахдам юришни бошлайсиз. Ҳаяжонланманг. Қўлларингиз шишага теккач, енгил нафас олинг.

**5-машқ.** Оёқларингизни елка кенглигида қўйинг. Ун қўлингизда шишани ушлаган ҳолда чап қўлингизни пиёла томонга узатинг. Пиёлани маҳкам ушлаб, шишадаги оби

замзамдан қўйинг, бу пайтда қўлларингиз қалтирамасин.

**6-машқ.** Бу машқда пиёла кўкраккача кўтарилади, оғиз бироз очилиб, тамшаниб туради. Шундай қилинганда жағ мускуллари мустаҳкам бўлади. Ҳар ким ўз имкониятига қараб пиёлани бир нечта қилиб олиши мумкин. Бир деганда пиёла кўтарилади, икки деганда оғиз очилади, уч, яъни ич, деганда суюқлик оғиз томон отилади. Қани бошладик: бир, икки, ич. Пиёлани тўлдириб олишни унутманг. Яхши! Бир, икки, ич, бир, икки, ич! Тиззалар букилмасин, кўзлар сузилмасин! Закуска қилманг! Бир, икки, ич... Ичишдан тўхтанг!

**Охириги машқ.** Гавдангизни бироз олдинга эгиб, уч-тўрт қадам юрасиз. Сал гандираклашингиз билан ўтириб олинг, ва эмаклаб юринг. Акс ҳолда жароҳатланиб қолишингиз мумкин. Бу машқ кишидан ниҳоятда ҳушёрлик ва чаққонлик талаб қилади. Тез-тез нафас олинг. Эмаклаётганда ер осмон, осмон ер бўлиб кўринган заҳоти ётиб олишни унутманг. Ётинг, ётинг, яхши. Ана энди ювинишга ўтишингиз мумкин. Сизни махсус кишилар олиб кетиб, махсус хонада ювинтиришади.

Шунинг билан ичувчилар учун гимнастика машқларимиз тугади. Ун беш суткалик ҳаётингиз мароқли ўтсин!

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ,  
хизмат кўрсатмаган спиртсмен

# КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАДИ?

## Товуқ ва дум

Абдулла ОРИПОВ:

Жуда ажойбдир товуқнинг думи,  
У думни жуда ҳам, жуда ҳам суяр.  
Дейлик, бирор жойда хас-чўп кўрдими,  
Албатта дум билан супириб кўяр.  
Хўш, ундан кейин-чи,  
Хўш, ундан кейин,  
Товуқ зоти думдан қандай завқ туяр!!  
Бекор қолганида, баъзида, секин  
Бир-бирин кетидан дум кўяр.

Омон МАТЖОН:

Товуқларга боқинг: думлари бутми,  
Ё хўроз думидан қилайми хома!  
ДУМларни авайланг, омад келганда  
ДУМлар ҳам шўхратдан шаҳодатнома!

Миразиз АЪЗАМ:

Товуқлар думларини елпиётир,  
Товуқларнинг думлари титраётир

эглари увишиб,

О-о-оҳ, товуқ думлари. . .  
Биз сизлардан розимиз,  
товуқ думлари.

Рауф ПАРФИ:

Бир товуқ деразам ёнида  
Ўлтирар, паришон, силайман,  
Мен думга қарайман оҳиста,  
Мен товуқ ҳолига йиғлайман,  
Билмайман, не учун думи йўқ,  
Билмайман ҳеч қачон, билмайман. . .

Сулаймон РАҲМОН:

Сенга товуқ эмас,  
Дум керак сенга.  
Токи мумкин бўлсин шод дамда  
Силамоқ, яқин олмоқ.  
Мумкин бўлсин жаҳлинг чиққанда  
Битталаб юлмоқ. . .

Усмон АЗИМОВ:

Йўқ, бу шеър дум ҳақида эмас!  
Аслида дум деган нарса йўқ,  
Усиб кетган патлар бор,  
Ёриб чиққан пихлар бор. . .  
Сиз бўлса, алдайсиз мени,  
Қўлда ханжар тутиб,  
«ДУМлар бор», дейсиз! . .

Хуршид ДАВРОН:

У товуқнинг думлари дағал,  
У товуқнинг патлари дағал.  
Уни ҳар кун калтақлар хўроз,  
Баҳонаси: «Думинг сал дароз!»

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ:

Нуқул товуқнинг ичида катта бўлганман.  
Сатта товуқлар — устида одам ўлтиргүлик.

Узиям дон-дунни аямаймиз-да.

Донниям оти кўп:

нон дон, увоқ дон, ушоқ дон;  
Товуққа жийда берсаям бўлади,  
жийданиям хили кўп:  
нон жийда, чилон жийда,  
ялоқ жийда, оқ жийда;  
қалампир жийдани  
ҳамма жийдадан кейин берасиз;  
кузги жийда ҳам дейди уни;  
Товуққа қовун уруғи берсаям еяверади:  
банд берганини шундай узиб,  
пичоқ солишингиз билан,  
тар-р этиб, тарс икки бўлиниб кетади,  
шакарпалак, оққовун — учма қовунлар-да! .  
Чўкир қовун — мағзи кўм-кўк,  
шундай шарбат —  
қандингиз манов ёқда қолади;  
Товуққа жўхори берсаям бўлади,  
жўхориҳўр товуқнинг тухумини емабсиз,  
бу дунёга келмабсиз. . .  
Энди дум масаласига ўтсак,  
қовоқ уруғи еган товуқларнинг думи  
саратонда қоратолнинг соясини беради,  
думмисан — дум бўлади! .  
Саратонда соясига ётиб жуңжикмасангиз,  
гулдай юзимга бир шапалоқ уринг —  
Отам Қўшмоқбой Шерқул ўғли,  
Онам Адолатой Қўшоқбой қизи,  
акаларим — Эргашали, Йигитали, Раҳматали,  
янгаларим — Нозирахон, Раънохон, Мавжудахон,  
Синглим Ҳавохонлар гувоҳликка ўтишмаса,  
чақиртиканак бўлай гулистонингизда. . .

Тилак ЖУРА:

Мен думни думлигича севаман.  
Бугдой бошоғидай чайқалиб,  
Бугдой бошоғига суқланган,  
Бугдой бошоғига,  
Хўрознинг ёшроғига

суяган,  
суйканган  
Товуқнинг

қари думларини. . .

Муҳаммад СОЛИҲ:

Чиройли думларни мендан олдинроқ  
Юлиб кетибди бир югурдак.  
Думларнинг ўрнида қолибди ингроқ —  
Юлинган думлардан чўкиртақ.  
Уларни мен сенга совға қиламан —  
Товуқнинг думлари ўрнини.

Азим СҮЮН:

Бир товуқ бор. . . Кимдир тунов кун  
Тўнғиллади: «Ҳе, думсиз, безбет...»  
Кимдир яна қўшилди: «Кун-тун  
Санқийди у, ҳе, садқан... кет».  
«Ҳой, фалонмиш, пистонмиш. . .», шу-шу,  
Шўрликка ҳеч дум-пум битмайди.  
ДУМ битмагач, турган гап, буткул  
Ишлар ҳам юришиб кетмайди! . .

ШАРТАКИ

# АВТОРЛАРИМИЗ

**Раззоқ АБДУРАШИД.** 1936 йили Тошкентда туғилган. 1958 йили ТошДУ филология факультетининг журналистика бўлимини битирган. «Йўл бошида» (1962), «Кафтимда олам» (1969), «Қалбим кўлингда» (1970), «Сукунат» (1971), «Мусаффо осмон» (1973), «Юлдузлар хаёли» (1974), «Кайфият» (1977), «Эҳтирос» (1979) ва бошқа китоблари бор. Р. Абдурашид таржимасида С. Вургуннинг «Комсомолнома» ва «Оракдаги шеър» китоби чоп этилган. Ҳозир Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлайди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

## Турсунбой АДАШБОВ

Уш шаҳрида туғилиб ўсган. Болаларга бағишланган бир қанча китоблар ёзган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Сафар БАРНОЕВ.** 1941 йили Бухоро областининг Ромитан районидан туғилган. 1966 йили ТошДУ филология факультетининг журналистика бўлимини тугатган. «Тоғлардаман» (1970), «Биринчи табассум» (1972), «Дадамнинг кўллари» (1974), «Соғинч» (1975), «Юлдузхон ва Баҳоржон» (1977), «Солдат қайтган кун» (1979), «Оқ лайлақлар» (1982) китобларининг муаллифи. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида ишлайди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Нодир НОРМАТОВ.** 1950 йили Сурхондарё область, Шеробод районининг Пошхурт қишлоғида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тугатган. «Кўхитанг ҳикоялари» тўпламининг муаллифи. «Совет Ўзбекистони санъати» журналида бўлим мудири бўлиб хизмат қилади.

**Садриддин САЛИМОВ.** 1946 йили Бухорода туғилган. Бухоро Давлат педагогика институтининг немис тили факультетини тугатган. Ҳозир шу факультетда немис

тили ва адабиётдан дарс беради. Садриддиннинг «Оққушим», «Эрна қушим» китоблари чоп этилган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Шукур СОДИҚОВ.** 1959 йили Советобод районининг Жарқудуқ қишлоғида туғилган. Шеърлари республика матбуоти саҳифаларида, «Ёшлик» альманаҳида эълон қилинган. ТошДУнинг журналистика факультети кечки бўлимининг III курсида таҳсил кўрапти. Айни пайтда кўп тиражли «Тўқимачи» газетасида масъул секретарь бўлиб ишлайди.

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.** Сурхондарё область, Бойсун районидан туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тугатган. «Тўлқинлар», «Ун саккизга кирмаган ким бор», «Сўнгги бекат», «Ўқилмаган саҳифа» сингари асарлар муаллифи.

**Орзиқул ЭРГАШЕВ.** 1953 йили Самарқанд область, Оқдарё район, Пўлатдархон қишлоғида туғилган. 1979 йили Самарқанд Давлат университетини тугатган, ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ҳозир Ўзбекистон радиосида муҳаррир.

**Машъал ҲАКИМОВ.** Фарғона область, Водил районидан туғилган. С. М. Киров номидаги Қозоқ Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. «Бургутнинг ўлими», «Минг ўлимни энгиб...» (С. Қодиров билан ҳамкорликда) китобларининг ҳамда «Қичан» (Ш. Бейшеналиев), «Кераксиз шухрат» (С. Воронин) сингари бир қанча таржималарнинг муаллифи.

## Шухрат ҲОШИМОВ

1948 йили Тошкентда туғилган. Тошкент Маданий-оқартув техникумини тугатган. «Ёш гвардия» театрида музика режиссёри бўлиб ишлаш билан бирга шеър ва ҳикоялар ҳам машқ қилади.

На ўзбекском языке «Ёшлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал Орган Союза писателей Узбекской ССР

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адрес миз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор — 32-54-16  
Бош редактор ўринбосари — 32-54-73  
Масъул секретарь — 32-56-27.  
Проза бўлими — 32-57-34  
Шеърят, адабий танқид ва санъат бўлими — 32-56-41  
Иятимой-сийсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлемасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага туширилди — 29.IV.82. Босишга рухсат берилди 2.06.82. Р—07256. Қоғоз формати — 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>

Офсет босма усулида чоп этилди. Қоғоз ҳажми — 5,25 лист. Шартли босма листи — 8,82. Нашриёт ҳисоб листи — 12,6. Тиражи — 50140 нусха. Буюртма № 3269. Ваҳоси 50 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «Ёшлик», № 6, 1982.  
«Ёш гвардия» нашриёти.

# АВТОРЛАРИМИЗ